



Зокир АБДУЛЛАЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тьютори
E-mail: zokir_abdullayev@inbox.ru

И.ф.д У.С. Юсупов тақризи остида

THE ROLE OF ENTREPRENEURSHIP IN ENSURING ECONOMIC SECURITY

Abstract

This scientific article is aimed at studying the issues of ensuring the socio-economic security of the individual, society and the state through the prism of the entrepreneurial factor.

Key words: Security theory, economic security, entrepreneurship, national interests, challenges, internal and external factors, indicators.

РОЛЬ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Аннотация

Данная научная статья нацелена на изучение вопросы обеспечения социально-экономической безопасности личности, общества и государства через призму фактора предпринимательства.

Ключевые слова: Теория безопасности, экономическая безопасность, предпринимательство, национальные интересы, вызовы, внутренние и внешние факторы, индикаторы.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада орқали шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалаларида тадбиркорлик омилининг тутган ўрнини ўрганиш мақсад қилинган.

Калит сўзлар: Хавфсизлик назарияси, иқтисодий хавфсизлик, тадбиркорлик, миллий манфаатлар, таҳдидлар, ички ва ташқи омиллар, индикаторлар.

Кириш. Маълумки, хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шу сабабли, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга интилаётган мамлакатимиз учун шахс ва жамиятнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўз навбатида, хавфсизлик назарияси фундаментал фаннинг замонавий, тармоқлараро йўналиши бўлиб, инсон, жамият ва давлатнинг турли соҳалардаги ҳаётий зарур манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатини ўрганади[1].

Шунингдек, ҳозирги мураккаб шароитда шахс ва жамиятнинг иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир этувчи хавф-хатарлар, таҳдидларнинг сабаблари ва шартлари тобора тизимли характерга эга бўлиб бормоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тарақиёт стратегиясида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш”[2] масаласи асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланганлиги ҳам унинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги муҳим ўрнидан далолат беради.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши, ўз навбатида, иқтисодий хавфсизликнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Миллий иқтисодиётимизда хуфёна иқтисодиёт салмоғининг катталиги, иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг чегаравий қийматларига амал қилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги каби муаммолар ушбу йўналишда тадқиқот олиб боришни долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий хавфсизликнинг назарий ва услубий асослари яратилиш тарихи Ғарбий Европа иқтисодий назария мактабига бориб тақалади. Хусусан, Б.Бузан, О.Вавер, Я.Вильде, Я.Тинберген, Г.Моргентау, С.Фишер ва М.Поттер каби олимларнинг асарларида шахс ва жамиятнинг иқтисодий хавфсизлиги масалаларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, рус олимларидан Л.Абалкин, В.Сенчагов, А.Городецкий, А.Архиповларнинг адабиётларида иқтисодий хавфсизлик масалалари тадқиқ этилган[3].

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари унинг ҳозирги ҳолати ва ривожланишини барқарорлаштиришнинг ажралмас шarti сифатида қараш зарурлиги олимлар ва жамоатчилик эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Чунки муаммонинг моҳиятини очиб бериш, ҳақиқий таҳдидларни аниқлаш, уларни бартараф қилишнинг ишончли ва самарали усуллари тақлиф қилиш жуда муҳимдир. Ҳар қандай давлатнинг миллий манфаатлари фақат етарли иқтисодий имкониятлар ва барқарор иқтисодий ривожланиш мавжуд бўлганда таъминланиши мумкин.

Бу борада мамлакатимизда Х.Абдулқосимов, А.Ишмухаммедов, Х.Абдураманов, Д.Темиров, А.Исаджанов, А.Зоҳидов, У.Юсупов, З.Тошев, Н.Холяров, Р.Шодиев, Д.Ортиқова, Б.Исроилов, М.Абдулқосимов ва Ш.Кобилов каби тадқиқотчиларнинг иқтисодий хавфсизлик бўйича олиб борган изланишларини кўрсатиб ўтиш мумкин[4].

Аксарият муаллифлар иқтисодий хавфсизликни иқтисодий тизимнинг ташқи ва ички омиллар таъсирига барқарорлиги, деб таърифлайдилар, барқарорлик эса, унинг ривожлантирилишини тақозо этади. Барқарорлик ва ривожланиш иқтисодий хавфсизлик муаммосига динамик ёндашувни тақозо этади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай мустақил давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланиш иқтисодий хавфсизликнинг таркибий ва зарурий элементларидан биридир. Агар иқтисодиёт ривожланмаса, унда мамлакат иқтисодиётининг ички, ташқи ҳамда қутилмаган ва режалаштирилмаган таҳдидларга қаршилик кўрсатиш имконияти кескин пасаяди. Шу сабабли давлат иқтисодиётни барқарор ривожланиш ҳолатини ўрганиб, уни таъминлаш чора-тадбирларини доимий равишда кўриб бориши зарур ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг долзарблиги унинг миллий иқтисодиётнинг аҳоли учун нормал ҳаётий фаолият шароитларини, уни барқарор тарзда ресурслар билан таъминлаш, миллий давлат манфаатларини рўйбага чиқара олишга қодирлигини ифодалаш билан ҳам тавсифланади. Иқтисодиётининг бирёқламалиги ва қарамлиги, аҳолининг паст турмуш даражаси ўзида ижтимоий таҳдидни ифодалаб, хавфсизликни сақлашга салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, ҳозирги вақтда шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда энг асосий омиллардан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мамлакат иқтисодиётининг ривожини кўпроқ жамиятдаги тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ. Чунки, кичик корхоналар аҳолининг турмуш тарзига янгиликларни ўтказувчиларнинг асосийлари ҳисобланади. Улар юқори эгилувчанлик ва бозор талабларига мослашувчанлик хусусиятларига эгадир. Тадбиркорнинг фан ва технологияларнинг янги ютуқларидан максимал фойдаланиши давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш сифатининг ошишига олиб келади[5].

Тадбиркорликнинг ижтимоий роли иқтисодий ролдан кам аҳамиятли эмас. Кичик тадбиркорлик аҳоли бандлигини кенгайтириш ва даромадларнинг ўсиши учун шароитлар яратади, ижтимоий қатламлар орасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатиб, барқарор ижтимоий муҳитни яратди, рақобатнинг ривожига туртки беради, товарларга рақобатли нархларни шакллантиради, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида хизматлар кўрсатишни кенгайтиради. Жамиятнинг прогрессив ижтимоий қатламининг юзага келишига негиз яратди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, соҳадаги муаммоларни аниқламай ва уларнинг ечимларини топмай туриб, ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги муҳим вазифаларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келади.

Халқаро кичик бизнес Кенгаши маълумотларига кўра, АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг ўртача 90 %, иш билан банд бўлганларнинг 60-70%, ялпи ички маҳсулотнинг 50% улушини ташкил этади[6].

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини

ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши 2000 йилда 31 %, бугунги кунда 52,8 %, мос равишда саноатда 12,9 / 24,2 %, экспортда 10,2 / 27,4 % ҳамда аҳоли бандлигида 49,7 / 74,5 % кўрсаткични ташкил этмоқда[7].

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қатъий иродаси ва юксак ташкилотчилик салоҳияти туфайли, халқ фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш вазифалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича янги ёндашувлар ва услублар шакллантирилди. “Темир”, “Аёллар”, “Ёшлар” ва “Муруват дафтар”лари асосида аниқ режалар ҳамда дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳозир кунда амалиётда фаол қўлланилиб келинмоқда.

Бунда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмлари такомиллаштирилиб, тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида янги касб-хунарни ўрганиш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган қарийб 200 минг нафар фуқаролардан 170 мингдан ортиғи тадбиркорликка ўқитилди.

Давлат Раҳбарининг 2021 йилда тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқоти доирасида келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларни амалга оширишга қаратилган қатта дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 130 трлн сўм кредитлар, 3,5 трлн сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратилди, тадбиркорларнинг 123 млн долларга тенг кредитлари миллий валютага ўтказиб берилди[8].

Шунга қарамадан, соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ечимини қўтиб турган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг жорий йилда тадбиркорлар билан очик мулоқоти арафасида 12 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушганлиги ҳам бунинг яққол исботи ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти мамлакат тараққиётининг асосий драйвери ҳамда аҳоли фаровонлиги, жамиятнинг барқарорлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, бир сўз билан айтганда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли, жаҳонда пандемиянинг салбий оқибатлари тўлиқ бартараф этилмаган бир шароитда, мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасидаги муаммоларни аниқлаш, илмий ва амалий ёндашувларни қўллаган ҳолда уларни ҳал этиш, соҳани янада ривожлантириш ҳамда унинг имкониятларидан шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлида кенгроқ фойдаланиш борасидаги чора-тадбирларни тизимли равишда давом эттириш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Кормишкина Л.А., Саушево О.С. Общая экономическая безопасность: учебное пособие. – Саранск, 2012. – С.3.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 29-мақсад.
3. Buzan B., Weaver O., Wilde J. Security: A new framework for analysis. – London: Lynne Rienner publishers, 1997. – P.239, “Social Insurance and Economic Security” Seventh Edition. George E. Rejda Published 2015. “Economic Security: Neglected Dimension of National Security?” Edited by Sheila R. Ronis. Published for the Center for Strategic Conferencing Institute for National Strategic Studies by National Defense University Press Washington, D.C. 2011.; Абалкин Л. Экономическая безопасность России. Угрозы и их отражение // Вопросы экономики. -1994. -№ 12; Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: Производство, финансы, банки / - М.: Финстатинформ, 1998; Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. 1994. № 12. С. 36-44
4. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. -Т., Akademiya. 2006, 224 б., Абулқосимов Х. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат ва жамият қурилиши и

- академияси, —Т.:Akademiya, 2012.; Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (Ўқув қўл-ланма)-Т.: ТДИУ, 2004 - 176 б; Исаджанов А. Проблемы обеспечения экономической безопасности в условиях глобализации // Международные отношения. – Ташкент, 2006. - №3, С.48-53; Юсупов У. Предпринимательский потенциал в обеспечении экономической безопасности гражданского общества // журнал «Жамият ва бошқарув». №2. – Ташкент, Академия государственного управления при Президенте РУз. 2016. – с. 46-51; Юсупов У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият фаровонлигининг асосий омилларидан бири сифатида // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1. – Тошкент. ТДИУ. 2016 (январь-февраль). Шодиев Р.Х. Некоторые аспекты обеспечения экономической безопасности // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2000. –№2; Кобилев Ш. Экономическая безопасность – категория независимости // Экономика и статистика. –Ташкент, 1997. - №2. Ортикова Д. “Иқтисодий хавфсизлик” (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2010. 150 бет.
5. Kersten R., Harms S., Liket K. and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348
 6. Yamori N. (2015) Japanese SMEs and the credit guarantee system after the global financial crisis. Cogent Economics & Finance Volume 3, Issue 1.
 7. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
 8. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 23.08.2022



*Ситора АЗАМОВА,
Шаҳрисабз Давлат Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
E-mail: azamovasilitora04@gmail.com*

Фалсафа фанлари доктори Ў.Ф.Тилолов тақризи асосида

THE NEED TO FOR ENVIRONMENTAL EDUCATION OF YOUTH IN THE CONDITIONS OF ENVIRONMENTAL GLOBALIZATION

Abstract

The article expresses an opinion on the need for environmental knowledge, the introduction of innovative projects in ecology and the protection of environmental resources and the improvement of environmental culture. The formation of environmental education and its continuous improvement takes place on the basis of continuous education in secondary schools. Its predominantly traditional and innovative teaching enhances the effectiveness of education.

Key words: Globalization, ecology, ecological consciousness, ecological culture, concept, extensive ecological balance, biosfera, resource.

НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ МОЛОДЕЖИ В УСЛОВИЯХ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Аннотация

В статье высказывается мнение о необходимости экологических знаний, внедрения инновационных проектов в экологию и охрану окружающей ресурсов и повышения экологической культуры. Формирование экологического образования и постоянное его совершенствование происходит на основе непрерывного образования в общеобразовательных школах. Его преимущественно традиционное и новаторское преподавание повышает эффективность образования.

Ключевые слова: Глобализация, экология, экологическое сознание, экологическая культура, концепция, экстенсивный, экологический баланс, биосфера, ресурс.

ЭКОЛОГИК ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация

Мақолада, Глобаллашув шароитида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тизимли фойдаланишда инновацион лойиҳаларни тадбиқ этиш ва шу орқали экологик маданиятни ошириш, экологик билимларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги ҳақида фикр билдирилган. Экологик тарбияни шакллантириш ва уни мутассил такомиллаштириб бориш умумтаълим мактабларида доимий таълим-тарбия асосида кечади. Унинг асосан анъанавий ва инновацион олиб борилиши самарадорлигини оширади.

Калит сўзлар: Глобаллашув, экология, экологик онг, экологик маданият, концепсия, экстенсив, экологик мувозанат, биосфера, ресурс.

Кириш. Глобаллашув шароитида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тизимли, тартибли фойдаланиш, шунингдек, янги инновацион лойиҳаларни яратиш ҳамда тадбиқ этиш бугунги куннинг муҳим долзарб муаммоларидан биридир. Ҳозирги кунда ер шарининг турли минтақаларида юз бераётган экологик тангликлар табиатга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш ва унга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини англатади. Аммо соғлом турмуш тарзини шакллантиришни барқарор экологик муҳитсиз тасаввур этиб бўлмайди. Атроф-муҳитнинг тозалиги болаларнинг соғлом ва етук вояга етишининг асосий омилдир. Шунга кўра, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биосфера мувозанатини сақлаш учун меъёрий истемол қилиш, ер қурраси аҳолисини ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини мувофиқлаштириш, табиатдан экстенсив фойдаланиш концепциясини биосфера экологик мувозанат концепциясига алмаштириш, инсоният ҳаётини экологиялаштириш ғоялари илгари сурилмоқда. Жамият ҳаётида экологик барқарорликни таъминлайдиган мезонлар таркибида маънавий-маданий кўрсаткичлар, таълим ва тарбия жараёни асосий аҳамият касб этмоқда [3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек,

“дунё микёсида саноат юкори даражада ривожланган XXI-асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаши керак. Бунинг учун биз табиатга эътибор беришимиз, фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутишимиз зарур. Энг муҳим масала аҳолининг экологик маданиятини ошириш” [1] ҳар қачонгидан муҳим аҳамиятга эга.

Экологик муаммо ижтимоий тараққиётга, таъсир кўрсатиб, айниқса инсонлар саломатлигига ҳавф солади. Шунинг учун ёш авлодга болалик давриданок экологик маданият омилларини тушунтириш лозим. Бу жараён асосан оилада миллий қадриятларни фарзандлар тарбиясига сингдириб боришни тақозо этади. Аввало, ота-оналар миллий, диний қадриятлардан тўлалигича хабардор бўлиши керак. Биринчи экологик тарбиянинг илк жараёни оиладан бошланади. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳроқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир [2]. Оилада ота-оналар томонидан илк

экологик билимлар ва тарбия болаларга сингдирилиб борилади. Бошлангич экологик билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлар умумтаълим мактабларида экологик билимларини янада оширади. Экологияга доир Атрофдаги олам, Табиатшунослик, География, Биология, Физика, Химия каби махсус фанларни ўрганиши ёшлардаги экологик маданиятни шакллантиради ва такомиллаштиради. Бундан ташқари ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ҳам қадимги манбаларимизда эъзозланган экологик қадриятлар ҳақидаги билимларга эга бўлиб боради. Қадимги манбаларимизда олий қадрият даражасига кўтарилган экологик қарашлар ёшлар экологик маданиятини шаклланишида ўзига хос аҳамиятга эга. “Авесто”, “Қуръони Карим”, “Ҳадис” илмида атроф-муҳит муҳофазаси, поклик, озодалик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик ғоялари улуғланган. Энг қадимги миллий манбамиз Авестода ҳам табиатнинг тўрт унсурини асраб-авайлашга асосий эътибор қаратилган. Авестода сув, ҳаво, олов, тупроқ муқаддас саналиб, табиатнинг таркиби бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инсон учун зарур моддий неъматлар манбаи, соғлиқ, шодлик, турмушга меҳр-муҳаббатни оширишга эътибор берилган. Авестода ўзи ўсиб-улғайган заминни обод ва гўзал масканга айлантириш ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланган. Ерга ишлов бериш, экин экиш, умри нурафшонлик, ризки мўллик, икки дунёси обод бўлиши ҳақидаги халқ мақоллари, эртақлар, достонлар ва қўшиқлар Авесто таълимоти асосида Шарқ ҳудудига кенг тарқалган.

Масалан, “Авесто”нинг (35-42 хот) ўн учинчи бўлим 16-бандида қуйидаги фикрлар қайд этилган: “Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз. Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз” [4]. Шунингдек, бу муқаддас китобда инсон нафақат ўзи яшаётган табиий муҳитга, балки ундаги турли-туман жонотларга ҳам меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этилган. Хусусан, “Авесто”да “Инсон - деб таълим беради Зардушт - ҳайвон боласини ўз фарзандларидек тарбияласагина, яйловларни гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилсагина, меҳнат маъбудаси Ардовсура Анахитанинг иноятига ноил бўлгусидир” [5]. Бу манбада ўз даври нуктаи назаридан, умуман Шарқ, айниқса Марказий Осиё минтақасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ҳақида мукамал маълумотлар берилган [6].

Миллий динимиз Ислом таълимотида ҳам экологик маданиятни шакллантириш борасида алоҳида таълим назарияси мавжуд бўлиб, Қуръони Карим, ҳадисларда табиатни муҳофаза қилиш, бойитиш, покиза сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ислом таълимотида экологик дунёқарашнинг онтологик муаммоларига, яъни табиатнинг пайдо бўлиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Қуръондаги “Фурқон” сурасининг 2-оятда “Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукамал қилди” [7], - дейилган. Яъни дунёдаги ҳар бир нарсa – сув, тупроқ, ҳаво, ҳайвонот олами ҳамда наботот олами ҳам Аллоҳ таоло томонидан муайян ўлчов билан бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб яратилган. Агарда бу мувозанат инсон томонидан бузиладиган бўлса табиат, шу жумладан, инсон учун жиддий муаммолар келиб чиқиши эҳтимоли ниҳоятда катталиги ва жазо муқаррарлиги таъкидланган.

Аллоҳ таолонинг илоҳий китобларида инсон улуғланиб, унга табиат унсурларини асраб авайлаш, неъматларидан фойдаланишда нобуд қилмаслик, эзгу мақсадларда ишлатиш амр этилган. “Аъроф” сурасининг 74-оятда “Обод қилиб қўйилган Ер юзида бузғунчилик қилманг” [7], деб буюрилган. Шунга кўра, ислом динида ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ, яхши ва ёмон, тоза-

озодалик, инсон ва ҳар қандай жонли мавжудотга раҳм-шафқат (бутун борлиққа) иймон-этиқоднинг олий қадриятларига айлантирилган. Исломдаги одиллик (адолатлилик) тамойили фақат инсонларга эмас, балки бутун борлиққа нисбатан йўналтирилганлиги экологик маданиятнинг диний меъёрлар асосида ҳам ривожланиб келаётганлигини англатади. Масалан, “Анъом” сурасида: “Исроф қилмангиз! Албатта У исроф қилгувчиларни севмайди” [7] – деб қайд этилган. Шунингдек, “Бақара” сурасида: “Осмонлар ва Ердаги бор нарсa Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани ошқора қилсангиз ёки яширсангиз ҳам Аллоҳ сизларни у билан ҳисоб-китоб қилур” [7] – дейилган. Барча нарсалар Аллоҳники экан, инсон ҳам Аллоҳникидир. Аммо, барча нарсалар инсон учун, унинг манфаати учун берилган. Шундай экан барча нарсаларни асраб-авайлаш ҳам инсоннинг ўзига берилганлиги назарда тутилган. Бу таъкидлар инсонни табиат ва унинг неъматларига нисбатан оқилона муносабатда бўлишга чақиради. Табиат мусаффолигини сақлашга дахлдор масалаларга алоҳида ургу берилганлиги эса шахс экологик онги, тафаккури ҳамда дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин тутати.

Давлат экологик сиёсатининг устувор йўналишларидан бири келажак авлодлар учун тоза, соғлом, хавфсиз атроф-муҳитни яратишдир. Шу сабабли ёшларда экологик маданиятни янада ошириш, экологик тарбия механизмларини замонавий моделлар асосида такомиллаштиришни кун тартибига қўйилмоқда [8]. Чунки, экологик таълим-тарбияни такомиллаштирмасдан экологик маданиятни ривожлантириб бўлмайди. Муайян аниқ мақсадларга йўналтирилган экологик тарбия натижасида ёшларнинг экологик билимларини ошириш орқали уларда табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш малакаларини таркиб топтириш мумкин. Заминимиздаги табиий манбаларни асраб авайлашни энг муҳим воситаларидан бири бўлиб келаётган ёш авлодга табиатни асрашга оид экологик маданиятни шакллантириш экологик тарбия асосида кечади. Бунинг учун болаларда атроф-муҳитга бўлган дахлдорлик муносабатини ошириш, уларда маъсулият ҳиссини уйғотиш, табиий ресурсларидан оқилона билан фойдаланиш, табиатга бўлган янгича муносабатни шакллантириш, оилада боланинг соғлом турмуш ва экологик одобига ҳар томонлама эътибор қаратиш, экологик тоза хавфсиз муҳитни яратиш тарбиянинг асосини ташкил этади.

Тадқиқот методологияси. Экологик тарбияни шунчаки шакллантириб бўлмайди. У доимий таълим ва тарбия асосида кечади. Таълим ва тарбия аниқ мақсадларга қаратилган бўлиши лозим. Бунинг учун самарали услублар аниқ натижақорлигига таянилади. Умумтаълим мактабларида экологик таълим ва тарбияни асосан анъанавий ва инновацион услубда олиб бориш самарадорлигини мақоламизда ёритишни маъқул топдик.

Таҳлил ва натижалар. Экологик тарбияни шакллантириш ва уни муттасил такомиллаштириб бориш учун, умумтаълим мактабларида экологик тарбия шакллари уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Экологик тарбия шакллари уйғунлигини таъминлаш борасида умумтаълим мактабларда қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, “экологик тарбия шакллари” руқни остида услубий кўрсатмалар мажмуини тайёрлашни йўлга қўйиш зарур. Бундай кўрсатмалар умумтаълим мактаб ўқувчиларида экологик тарбия шакллари ҳақидаги тасаввурларини шаклланишига хизмат қилади;

иккинчидан, экологик тарбиянинг анъанавий ва инновацион шаклларида кенгрок фойдаланиш лозим. Анъанавий шакллар ота-боболаримиз томонидан эришилган ютуқларнинг давомийлигини оширса, инновацион

шакллар замон талабларидан келиб чиқиб ёндашиш самарадорлигини таъминлайди;

учинчидан, экологик тарбия шакллари экологик тарбия субъектларининг хусусиятларига мос бўлмоғи даркор. Таълим даргоҳларида қўлланилган айрим экологик тарбия шакллари даврийликдан келиб чиқиб ёндашишни тақозо этади;

тўртинчидан, экологик тарбия шакллари экологик тарбия объектларининг ёш ва психологик хусусиятларига мос бўлмоғи даркор. Масалан, табиатан янгиликка мойил бўлган ўқувчиларга нисбатан инновацион экологик тарбия шакллари қўл келса, барқарор ва аниқ ҳаётга қадам қўйиш арафасидаги (юкори синф) ўқувчилар онги ва фаолиятига анъанавий тарбия шакллари ёрдамида таъсир кўрсатиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Экологик таълим-тарбиянинг асосий мақсади ёшларнинг фақат шахсий эҳтиёжларини қондиришдан иборат эмас, балки жамият манфаатларига ҳам йўналтиришни эътикод даражасига қўтаришдир. Чунки, ҳар қандай экологик фаолият фақат конкрет шахснинг эҳтиёжларини эмас, балки пировардида жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. табиий ресурсларни ўз эҳтиёжларимизга сарфлашни қанчалик тежасак, инсоният ва табиат орасидаги мувофиқликни тиклашга шунчалик эришамиз. Ёшларда экологик онги шакллантириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш табиатни ҳимоялаш стратегиясининг бирдан-бир манбаидир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онги ўзгартирмасдан туриб, экологик маданиятни шакллантириб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022-йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектордаги нутқи. <https://daryo.uz/2022/02/02/odamlarimiz-hatto-hovlisi-atrofini-tozalashdan-daraxt-gul-ko-chat-ekib-saranjom-sarishta-qilib-qo'yishdan-erinadigan-bo'lib-qoldi-shavkat-mirziyoyev/>
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2016. 176 б.
3. Омонов Б. Экологик тарбия тизимида онгли эҳтиёжни шакллантириш масалалари// ЎзМУ хабарлари. – Т.: -№ 1/2. 2017. –Б.206-210.
4. Авесто. - Т.: Шарқ, 2001. 700-б.
5. Ҳасанов С. Хоразм маърифати олам қўзғуси. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1996, 45-б.
6. Собиров У. Экологик маданият шаклланиши тарихидан. // “Экология хабарномаси”. №3, 2005, 17-б.
7. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси-Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2021-632 б.
8. Omonov Bahodir Nurillaevich, Ochilova Guzal Aralovna, Nomozov Khurshid Shavkatovich, Manzarov Yusuf Khurramovich, Ochilov Baxrom Aralovich. Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/2880/2583>.



Умида АХРОРОВА,
Наманган давлат университети таянч докторанти
E-mail: axrorova.umida@mail.ru

Педагогика фанлари доктори, проф. Ў.Асқарова тақризи асосида

PEDAGOGICAL SYSTEM CONCEPT AND GENERAL DESCRIPTION

Annotation

This article provides information on the concept, object, subject and general description of the pedagogical system. In addition, the article presents some comments on the problems of pedagogical systematic analysis.

Key words: Pedagogical activity, concept of pedagogical system, object of systematic analysis in pedagogy, subject, pedagogical team, educational work, pedagogical systems, small systems, medium pedagogical system, large systems, educational process.

ПОНЯТИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ И ОБЩЕЕ ОПИСАНИЕ

Аннотация

В данной статье представлена информация о понятии, объекте, предмете и общей характеристике педагогической системы. Кроме того, в статье представлены некоторые комментарии по проблемам педагогического системного анализа.

Ключевые слова: Педагогическая деятельность, понятие педагогической системы, объект системного анализа в педагогике, субъект, педагогический коллектив, воспитательная работа, педагогические системы, малые системы, средние педагогические системы, большие системы, образовательный процесс.

ПЕДАГОГИК ТИЗИМ ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

Аннотация

Ушбу мақолада педагогик тизим тушунчаси, объекти, предмети ва умумий тавсифига оид маълумотлар берилган. Қолаверса, мақолада педагогик тизимли таҳлил муаммоларига доир айрим мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: Педагогик фаолият, педагогик тизим тушунчаси, педагогикада тизимли таҳлил объекти, предмети, педагогик жамоа, тарбиявий ишлар, педагогик тизимлар, кичик тизимлар, ўрта педагогик тизим, катта тизимлар, таълим жараёни.

Кириш. Педагогик фаолиятда тизим тушунчаси атрофга яхлит воқеълик сифатида таъсир кўрсатувчи кўплаб ўзаро боғлиқ элементларни тартибга солиш ва умумий мақсадга бирлаштирилган функционал ягона бошқарув демакдир. Педагогик тизим жамият томонидан назоратга олинади ва унинг ижтимоий буюртмасини бажаради [1]. Педагогик тизим моҳият-мазмунли мақсад ва уни амалга оширувчи воситалар ташкил этади. Мақсад инсоннинг онгли фаолиятини ифода этувчи мақсадлилик, мақсад йўналиши педагогик тизим категорияси бўлиб ҳисобланади. Педагогик тизимли таҳлил мақсади; мақсад – эҳтиёж, мақсад-зарурият, мақсад – модель, мақсад – имконият, мақсад – восита, мақсад – қонун, мақсад – дастур, мақсад – якуний натижа, мақсад – сифат каби вазифаларни қамраб олади.

Педагогик тизим турли туман бўлиши мумкин. Жумладан, функционал шароитда давлатнинг, ҳудудларнинг ўқув-тарбиявий муассасалари йиғиндиси (вилоят, туман, қишлоқлар) педагогик тизимларни ташкил этади. Бу жараёнлар супертизим, катта тизим, ўрта ва майда тизимларга ажратилади. Педагогик тизимлар – бу таълим технологияси асосида жамланган барча элементларнинг бирлиги демакдир. Педагогик тизимга мақсадлар йиғиндиси, тамойиллар, шакл ва методлар, шунингдек, амалга ошириш шароитлари, белгиланган таълим-тарбия борасидаги вазифаларини ечиш каби масалаларни қамраб олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. «Педагогик тизим» тушунчаси, "педагогик жараён", "педагогик технология" тушунчалари билан боғлиқ уйғунликда ташкил этилиши тизимнинг алоқаси, муносабати, объектнинг структураси ва ташкил этилишини талаб қилади. Чунончи, "педагогик жараён" тадқиқот объектида нима

бўлаётганлигини аниқласа, "педагогик технология" у қандай амалга ошаётганлигини белгилайди. Натижа педагогик тизимнинг вужудга келишини яратади. Педагогик тизим муоммасы шундан иборатки, бу нафақат педагогик объектларни ўрганиш ёки белгилаш, балки, педагогиканинг методологик ва назарий муоммоларини ҳал этишга қаратилади [2].

Педагогик тизим "педагогик фанлар тизими" тушунчасидан фарқлаш лозим. Зеро, уларнинг ҳар бирининг тизимли ёндашуви мавжуд. Педагогик фанлар тизими – бу турли педагогик соҳаларнинг йиғиндиси. Улар бир-бирлари билан боғлиқ бўлган ягона тизимни ташкил этади. Зеро, алоҳида ва ўзига хос хусусият, функцияларга эга ҳисобланади. Педагогик тизим, бу ягона маърифий мақсад сари, аниқроғи шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса, албатта, иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудликдан (реал амалиёт, таълимий манбалар ва б.) иборат бўлган мажмуадир (яхлитликдир) [3]. Кўриб турганимиздек, педагогик тизим борасидаги таърифларнинг турли бўлишига қарамадан ҳулосалар яхлит ва умумийдир.

Шундай қилиб, тизим тушунчаси: {M} – тизим элементларининг кўплиги, {x} – ўлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг кенглиги; F – яхлитлик ва интегратив хусусиятларни характерловчи тизим функцияси. Хулоса қилинганда, педагогик тизим деб, элементлар бир-бирлари билан ўзаро шундай боғланидики, улар ўртасида маълум яхлитлик ва бирлик вужудга келади.

Бу назарий таснифлар педагогик амалиёт учун биринчидан, таълим муассасасининг фаолиятни такомиллаштириш учун хизмат қилади, иккинчидан, педагогик фаолиятни режалаштириш, бошқариш ва такомиллаштиришини таъминлайди, учинчидан, педагогик жамоа ва талабалар жамоасини ягона мақсад атрофида жамлаш ва йўналтириш жараёнини оптималлаштириш учун хизмат қилади. Шу сабабли, педагогик тизим тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини келтирамиз: Педагогик тизим, бу ягона маърифий мақсад сари, аниқроғи шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса, албатта, иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудлик (реал амалиёт), таълимий манбалар ва б.) иборат бўлган мажмуадир (яхлитликдир) [4].

Педагогик тизимли таҳлил асосларининг объекти ва предмети масаласи муҳим тадқиқотлардан бири бўлиб саналади. Унинг муҳимлиги педагогика фанини педагогик тизимли таҳлил асослари билан қориштириб юбормасликда. Уларнинг чегарларини аниқ ва тиниқ тасаввур қилишга қаратилади. Шу маънода илмий жамоатчилик ўртасида бу борада ҳануз бир тўхтамга келинган эмас. Аммо, айрим яхлит қарашлар мавжуд. Жумладан, педагогика фани ўқитишнинг объект ва предметини аниқласа, тизимли таҳлил асослари уни самарали ўқитиш объекти ва предметини аниқлайди ва белгилайди. Бундай ҳодисанинг ўзи табиий саналади, зеро, жамият талабларининг ўсиб бориши билан педагогикани ташкил этишнинг эҳтиёжлари ҳам ўзгариб боради. Шу маънода уни жамият талабларига мос ташкил этиш - бу мунтазам равишда ўзгариб борувчи жараёндир.

Педагогикада тизимли таҳлил объекти сифатида таълим-тарбия жараёнларини қамраб олган тизимни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишда оптимал тизимни ташкил этиш, модернизация қилиш, ёхуд тизимнинг реал объектларини яхлит ва алоқадорлигини ўрганишга қаратилган муносабатлар йиғиндиси. Яъни, педагогик тадқиқот объекти - бу таълим тизими яхлитлигини белгилайди.

Педагогик объект тадқиқоти сифатида педагогик воқеялик (факт) ҳисобланади. Яъни инсон шахсини шакллантиришга ва ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёнлар ва ҳодисалар педагогиканинг объекти сифатида қаралади. Шунинг учун тизимли таҳлил асосларида педагогиканинг объекти бу нафақат алоҳида олинган инсон балки, уни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган таълим тизими ва педагогик жараёнлардир. Айтиш мумкинки, педагогиканинг объекти жамият фаолияти жараёнларида инсонни ривожлантиришга қаратилган реал воқеялик демакдир [5].

Педагогик тизимли таҳлил объекти муаммоларига қуйидагилар қиради:

- таълим тизимининг стратегиясини белгилаш, давлатнинг таълимга бўлган талабларини ўрганиш;
- таълим тизимига дахлдор бўлган тизимости алоқадор муносабатларни шакллантиришнинг комплекс воситаларини шакллантириш;
- педагогик функционал фаолиятнинг турли соҳа тизимларини лойиҳалаш ва моддий-техник кўрсаткичларини асослаш;
- педагогик тизимларнинг ташкилий-бошқарув структураларини такомиллаштириш;
- жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларида талаб-эҳтиёжларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш технологияларини такомиллаштириш;

- тизимли таҳлил натижаларида илмий-педагогик ҳамда бошқарув фаолиятларида қўллашни мақбул моделларини тадқиқ этиш;

- педагогик муаммони вужудга келиши, кечиши ва уни бартараф этишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти, қарор қабул қилишда манфаатларни инобатга олиниши ҳақида маълумот бериш;

- таълимга таъсир этувчи шахс ривож қонуниятлари ва моҳиятини, таълимнинг мақсади, таълимнинг моҳияти, тарбия методлари [5].

Педагогикада тизимли таҳлил предмети таълим-тарбия жараёнларини тизимли ёндашув асосида тадқиқ қилишнинг воситалари, усуллари билан белгиланди. Бунда педагогик объект муаммолари ечими ва амалларини ифода этади. Педагогик тизимли таҳлил предмети таркибига тизимли тасниф, тизимнинг таркиби, структураси, функцияси, ташқи элементлар билан ўзаро алоқадорлиги, бошқилари ва ривожланиш жараёнларини қамраб олади. Педагогикада тизимли таҳлил предмети фанлараро қўлланиладиган услуб(восита)лар орқали муаммони ўрганиш ва унинг характерида келиб чиққан ҳолда тадқиқотни танлаш, бир бирини тўлдириш, боғлаш билан педагогик жараёнларни тадқиқ этишга қаратилади.

Тарбия - педагогика предметининг алоҳида муҳим функцияси бўлиб саналади. Зеро, таълимни нафақат педагогика, балки, фалсафа, политология, социология, психология, иқтисод фанлари ҳам ўрганади. Масалан, иқтисодчи инсон ресурсларининг имкониятлари даражасини аниқлайди, уларнинг тайёргарлигига кетадиган харажатларни ўрганади. Социология одамларни замонавий таълим тизими талаб даражасида тайёрлаётганини деган саволни ўрганади, психология таълим жараёнларининг психологик жиҳатларини ўрганади, политология давлатнинг таълим сиёсати қанчалик самарали эканлигини аниқлайди.

Кўриб турганимиздек, педагогиканинг предмети педагогик жараёнларнинг яхлит таълими бўлиб ҳисобланади. Шу маънода педагогика предмети фан сифатида педагогик таълимнинг ривожланиш истиқболлари, тенденциялари ва қонуниятлари моҳиятини ўрганишга асосланадиган тадқиқот тури. Шундан келиб чиқиб, педагогика таълимда педагог фаолиятни ташкил этишнинг назариясини ва технологиясини, шакли ва методларини, умумий стратегиясини ишлаб чиқади, уларни тадқиқ этиш воситаларини такомиллаштиради [5].

Тадқиқот методологияси. Педагогик тизимлар синфларга бўлинади, улар кичик, ўрта, катта ва улкан бўлади. Жумладан;

Кичик тизимларга тахсил олувчиларнинг табиясига оид алоҳида тизимлар тааллуқли. Масалан, бошланғич касбий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш малакасини ҳосил қилиш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолияти, касбга йўналтириш, ҳуқуқий тарбия каби тизимлар бор.

Ўрта педагогик тизимни кўриб чиқамиз. Бундай тизимларга таълим муассасасининг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ташкилотлар билан бўлган барча фаолиятлари тўлалигича қиради. Тизимларнинг бу тури кичик тизимларни ўзаро бир-бири билан ва ташқи объектлар билан боғлайди.

Катта тизимларга район, шаҳар, вилоят таълим тизимлари тааллуқли. Уларга асосан мактаб, билим юрти, лицей, техникум, маданият ва ишлаб чиқариш муассасалари, маиший хизмат соҳаси, шунингдек, шу минтақаларни маъмурий бошқарувини ўз ичига олган йирик ижтимоий-педагогик мажмуалар қиради.

Педагогик тизимлар – бу ўзига хос тузилмадир. Ҳар бир педагогик тизимнинг ўзига хос махсус аломатлари бор:

тизимларнинг доим тахсил олувчи ва педагогларнинг ўсиши ҳамда уларни ташқи салбий муҳит таъсирларидан ҳимоялаш билан боғлиқ мақсади бўлиши керак.

ҳар қандай тизимда ҳам тахсил олувчи ёки тарбияланувчи асосий бўғинни ташкил этиши керак.

ҳар бир тизим очик, яъни ташқи омиллар таъсири остида ўзгаришга, керак бўлса бу таъсирларни қабул қилиши ва юмшатиши, ёки уларни кучайтириши, ё инкор этишга қодир тизим сифатида тузилиши ва фаолият юритиши лозим.

Таҳлил ва натижалар. Педагогикани тизим сифатида қўриб чиқаётиб, педагогикани фундаментал илмий фан сифатида шакллантирувчи асосий элементларга эътибор қаратмай илож йўқ. Педагогиканинг асосий таркибий қисмлари таълим ва тарбиядир. Аммо улар бошқа бўлимлар билан ўзаро чамбарчас боғланган. Айнан таълим ва тарбия фақат элементларгина бўлмай, балки педагогиканинг бошқа барча таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштирган йўналиш ва мақсадлиги ҳамдир. Педагогиканинг моҳияти эса шахсни шакллантириш ва камол топтириш, болада ижтимоий ҳаёт, жамиятга қўниқма ҳосил қилиш, маълум малака ҳамда тажрибаларни беришдан иборат.

Биргина тарбия ўзида ўтмиш аجدодлар томонидан тўпланган тажриба, жамоа ва мураббийлар таъсири, дунёқараш шаклланиши, ахлокий малака ҳамда эстетик қарашлар, шахснинг жамиятга қўниқиши ва бошқалар сингари бутун бошли элементлар мажмуасини қамраб олади. Ўқитиш яхлит тизимни ташкил этган кўплаб таркибий қисмлардан ҳам иборат. Педагогика фанини тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ўрганиш иккита асосий услуб – синтез ва анализни қўллашни тақозо этади. Синтез бу – объектни уни ташкил этган таркибий қисмларга ажратиш, ҳар бирини алоҳида ўрганишдан иборат бўлиб, анализ эса барча қисмларни қисқартириб, ўзаро ўхшаш белги ва хусусиятларига кўра бир тизимга бириктиришдир. Яъни етишмаган элементларни мавжудлари билан конструкциялаш демакдир.

Болага, ҳар бир шахснинг ҳам рухий-маънавий, ҳам жисмоний ўзига хос айримлигини инобатга олмасдан, тарбиялаш ва ўқитиш мақсадида таъсир этиш мумкин эмас. Бундан ташқари тарбия ва ўқитишнинг самарали бўлиши шахс ўз шаклланиши жараёнида жамоа, оммавий ахборот воситалари (ОАВ), китоблар, фильмлар ва бошқа омиллар таъсирида тамоман ўзгариши мумкин.

Бу элементларнинг йиғиндисини босқичли тузилишга эга, лекан у тарбиячи ва тарбияланувчи томонидан сезиларли фарқ қилиши мумкин. Тарбияланувчи наздида, масалан, маҳалладаги тенгқурлари фикри бообро катталар фикридан кўра аҳамиятлироқ туюлиши мумкин.

Шунингдек, фарзандга ота-онанинг шахсий ўрнак кўрсатиши ўз ўқитувчисининг шахсий намунасига қараганда камроқ эътиборли бўлиши ҳам мумкин. Тарбиячилар, кўпинча, бунинг аксига ишонадилар. Аммо педагогларнинг замонавий тажрибаси аини фактни тасдиқлайди. Педагогикада тизимли ёндашув тизимнинг ҳар бир элементини ажратиш, изчил равишда ўрганиш, таҳлил қилиш, уларни бир-бири билан таққослаб, бир бутун тизимга бириктирган ҳолда ўрганиш имконини

беради. Бунда уларнинг ҳамма ўхшаш ва фарқли, зид ва мувофиқ жиҳатлари, баъзи элементларнинг бошқаларидан устунлиги, ҳар бир элемент ва бутун тизимнинг яхлит ҳолда тараққий этиш динамикаси (ўсиш суръатлари) намойён бўлади.

Педагогик таълим тизимида шу давргача икки тизим йўналиши асосида методологик тадқиқотлар олиб борилади ва илмий ёндашувлар тадбиқ этилади. Жумладан;

1) Педагогик жамоа фаолиятини тизим сифатида тадбиқ этиш.

2) Тарбиявий ишларни тизим сифатида тадқиқ этиш. Улар амалиётда икки тизимни ажратиш чиқаради.

Биринчиси; дидактик (талабанинг ўқув жараёнини қамраб олади).

Иккинчиси; тарбиявий ишлар тизими, улар ўқитишдан ташқари тадбирларни қамраб олади. Ушбу икки тизим бири-бири билан кесилишмасдан паралел равишда ривожланиб келмоқда. Бир пайтлар (90 йилларда) таълимни тарбиядан ажратишга бўлган ўринишлар бу соҳада салбий оқибатларга олиб келганлигига гувоҳ бўлди.

Жаҳон тажрибасида таълимда тарбиявий соҳа энг муҳим соҳа сифатида ўқув жараёнига элемент сифатида қараб бўлмайди. Аксинча билим ва таълим вазифалари педагогларнинг тарбия соҳасига кирмасдан самарали ечимлар топиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, дидактик тизим тарбиявий тизимнинг таркибида таълим-тарбиявий жараёнларнинг яхлитлигини шаклланган тарбиявий мақсад бирлигини таъминлайди. Ҳар қандай таълим тизими аниқ мақсадни белгилайди. Ўқитувчи ва ўқувчиларда анланган ва қабул қилинган мақсад мавжуд бўлади. Зеро, бундай мақсад йўқ экан, ундан чиқди тизим ҳам йўқ. Мақсад тизимни вужудга келтиради, таълим ва тарбиянинг характери

белгилайди.

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса қиладиган бўлсак, педагогикада тизим таҳлили бевоқиф таълим жараёнини яхлит тизим сифатида қарайди. Таълим тушунчаси ва моҳияти таълимда тизимли билим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Таълимга икки томонлама алоқа (таълим олиш ва таълим бериш), шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа хусусиятлар ҳосилдир. Таълим, шунингдек, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Таълим ўқитувчи томонидан бошқариловчи ўзига хос анлаш жараёнидир. Ўқитувчининг йўналтирувчи сифатидаги роли ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи билим, қўниқма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштириш олишларида кўринади.

Педагогик тизимлар лойиҳалашнинг таркибий қисми бўлиб, унинг объектлари эса турли компонентлардан иборат таълимнинг мураккаб шаклидир. Масалан, тизимга шахслар – педагоглар тахсил олувчилар; ўқитишнинг техник воситалари ҳисобланмиш моддий-техник ашёлар, ҳисоблаш машиналари ва албатта, уларнинг ҳар бири бажарадиган вазифалар киради. Тизимнинг таркиб топиш табиати, ички тузилиши, иқониятлари турличадир. Ҳар бир таркибий қисм, ўз навбатида, тизимли таълимни ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Волкова В.И., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. – СПб.: Изд. СПбГТУ, 1997. – 10 с.
2. Перегудов Ф.И., Тарасенко Ф.П. Введение в системный анализ. – М.: Высшая школа, 1989. С. 32.
3. Самаров Р. “Тизимли таҳлил асослари”. Ўқув-услубий мажмуа.Т.: 2015 . 35 б.
4. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Тошкент: Akademiya, 2010. 33 б.
5. Андреев В.И. Педагогика. Учебный курс для творческого самообразования: учебное пособие для вузов. 2-е изд. Казань, 2000. С. 14.
6. Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учеб.пособие. — К.: МАУП, 2003



Шохуда БАЗАРОВА,
Преподаватель Национального университета Узбекистана
E-mail: shohidabazarova25@gmail.com
Саодат ЮЛДАШЕВА,
Преподаватель кафедры русского языка СамГУ

На основе рецензии кандидата педагогических наук, доцента Бердиевой Мукаррамы Анваровны

ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТОВ НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУПП УНИВЕРСИТЕТА

Аннотация

Известно, что обучение русскому языку осуществляется по учебным планам со студентами всех направлений бакалавриата. Из года в год укрепляются междисциплинарные связи между профессорско-преподавательским составом кафедр и ведущими кафедрами факультетов, что позволяет студентам овладеть языком своей специальности.

Ключевые слова: Русский язык, филология, учитель, языкознание, диалог, речь, педагог

PROBLEMS OF TEACHING RUSSIAN LANGUAGE TO UZBEK STUDENTS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Abstract

It is known that Russian language teaching is carried out according to the curriculum with students in all areas of the bachelor's degree. From year to year, the interdisciplinary relations between professors and teachers of the department and the leading departments of the faculties are strengthened, allowing students to master the language of their specialty is spoken.

Key words: Russian language, philology, teacher, linguistics, dialogue, speech, teacher;

OLIY TA'LIM MUASSASALARI O'ZBEK ZABON TALABALARIGA RUS TILINI O'QITISHNING MUAMMOLARI

Annotatsiya

Ma'lumki, rus tilini o'qitish bakalavriatning barcha yo'nalishlari bo'yicha talabalar bilan o'quv rejasiga muvofiq amalga oshiriladi. Yildan yilga kafedra professor-o'qituvchilari va fakultetlarning yetakchi kafedralari o'rtasidagi fanlararo aloqalar mustahkamlanib, talabalarga o'z mutaxassisligi bo'yicha tilni puxta egallash imkonini bermoqda. Ushbu maqolada ham universitetlarning milliy guruh talabalariga rus tilini o'rgatish muammolari haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: Rus tili, filologiya, o'qituvchi, tilshunoslik, diolog, nutq, pedagog.

Введение. В нашей стране взят курс на воспитание духовно богатого, гармонично развитого поколения. Создаются все необходимые условия для получения юношами и девушками глубоких знаний, приобретения востребованных профессий, реализации их творческих и интеллектуальных способностей.

Как отметил глава нашего государства Ш.М.Мирзиёев в докладе на торжественном собрании, посвященном 25-годовщине Конституции Республики Узбекистан, проявление особого внимания к женщинам и подрастающему поколению – достойное наследие наших предков, и мы всегда будем следовать таким благородным традициям. Это призвано поднять на новый уровень работу по воспитанию здорового, гармонично развитого, всесторонне образованного поколения. В этом плане большая роль отводится образованию, так как необходимо уделить серьезное внимание вопросам внедрения передовых технологий, инновационных методов обучения в среднее и высшее образование. Подготовка высококвалифицированных кадров, отвечающих требованиям современности, т.е. владеющих не только знаниями, навыками и умениями в рамках обучаемой специальности, в частности, юридической, но также и другими знаниями, которые будут способствовать дальнейшему повышению уровня их профессиональной деятельности, – такова задача высшей школы на сегодняшний день.

Одним из важных компонентов в образовании будущих специалистов является обучение языкам. Так, если право и правовая сфера являются средством, влияющим на поведение людей в обществе, то язык в данном случае является инструментом, которым должен владеть каждый из субъектов права, осуществляя

многообразные функции языка: коммуникативные, расширения и формирования знаний, средства развития и воспитания человека, а также формирования правосознания и правовой культуры. В этой связи и именно с этой точки зрения основной целью обучения языкам в вузе является формирование и совершенствование навыков и умений в учебно-профессиональной сфере общения, как в устной, так и письменной форме. В этой связи проблема обучения языкам студентов вузов представляется нам актуальной.

Основная часть. Создавая любую форму общения, преподаватель должен учитывать языковые возможности студентов. Они должны владеть не только лексикограмматическим материалом, речевыми оборотами и клише, но также иметь навыки их использования в соответствии с ситуацией общения.

По содержанию и структуре различают тематические («свободные») и стандартизированные («шаблонные») диалогические речевые произведения.

Стандартизированные диалоги обслуживают определенную ситуацию общения, где тема, оформление разговора, а также роли его участников заданы.

Следовательно, в стандартизированных диалогических речевых произведениях один из участников общения выступает в качестве носителя определенной потребности, а второй – это лицо, способствующее удовлетворению этой потребности. Оба коммуниканта выступают в определенной социально-коммуникативной функции. Для стандартизированных диалогических речевых произведений характерна предсказуемость развития темы, стандартность оформления. Поэтому, работая с ними, преподаватель основное внимание

Asosiy fan olimpiadasining to'rtinchi bosqichida 1-2-3-o'rnlarni egallagan umumta'lim maktablarining 11-sinf, akademik litseyilar va kasb-hunar maktablarining 2-bosqich o'quvchilariga PQ-4306-sonli Prezident qaroriga muvofiq namunadagi ixtisoslik fani bo'yicha davlat oliy ta'lim muassasalariga kirish imtihonlarida maksimal ball olish huquqini beruvchi va uch yil muddat davomida amal qiluvchi sertifikat taqdim qilindi[10].

3-4 noyabr kunlari 9-sinf o'rtasida o'tkazilgan olimpiadaning III bosqichida jami 42 nafar g'olib bo'lib,

shundan 10 nafari PTMA, 32 nafari maktab o'quvchilari hisoblanadi. G'olib bo'lgan o'quvchilarning 23 nafari qiz hamda 19 nafari o'g'il bolalar tashkil etdi. Hududlar kesimida o'rtacha eng yuqori ball Navoiy viloyati (74 ball) va eng past ball Sirdaryo viloyati (44,2 ball) o'quvchilariga tegishli bo'ldi.

5-6 noyabr kunlari 10-sinf o'rtasida o'tkazilgan olimpiadaning III bosqichida jami 42 nafar g'olib bo'lib, shundan 9 nafari PTMA, 3 nafari akademik letsiy hamda 30 nafari maktab o'quvchilari hisoblanadi. G'olib bo'lgan o'quvchilarning 16 nafari qiz hamda 26 nafari o'g'il bolalar hisoblanadi. Hududlar kesimida o'rtacha eng yuqori ball Buxoro viloyati (68,4 ball) va eng past ball Sirdaryo viloyati (35,6 ball) o'quvchilariga tegishli bo'ldi.

7-8 noyabr kunlari 11-sinf o'rtasida o'tkazilgan olimpiadaning III bosqichida jami 42 nafar g'olib bo'lib, shundan 2 nafari PTMA, 12 nafari akademik letsiy hamda 28 nafari maktab o'quvchilari hisoblanadi. G'olib bo'lgan o'quvchilarning 21 nafari qiz hamda 21 nafari o'g'il bolalar tashkil etdi. Hududlar kesimida o'rtacha eng yuqori ball Buxoro viloyati (88,1 ball) va eng past ball Sirdaryo viloyati (54,4 ball) o'quvchilariga tegishli bo'ldi.

Xulosa va takliflar. So'ngi yillarda tashkil etilayotgan olimpiadalarda yozma ish savollari va test savollari o'quvchilarni mantiqiy fikrlashga yo'naltirilgan tarzda murakkab tuzilmoqda. Bu savollarni maxsus olimpiadalar uchun tayyorlaganlik ko'rmagan o'quvchilar deyarli tushunmayapti va ishlay olishmayapti. Shuning uchun olimpiadalarga tayyorgarlik ko'rayotgan o'quvchilar o'z ustozlari yordamida murakkab mavzularni ya'ni modda va energiya almashinuvi, oqsillar biosintezi, nuklein kislotalar, fotosintez, gen muhandisligida qo'llaniladigan fermentlar hamda Xardi-Vaynberg mavzulari va qonunlarini puxta o'zlashtirish lozim. Shuningdek, biologiya, kimyo va fizika fanlarini integratsiyalashtirgan holda kreativ fikrlashga o'rgatish lozim.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni 29.04.2019-yildagi PF-5712-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 25.01.2020 yil.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019-yil 3-maydagi pq-4306-son qarori.
4. Raxmatov U.E. "Biologiyadan masala va mashqlar yechish" (Sitologiya va genetika asoslari) o'quv qo'llanma. Toshkent - 2020 yil.
5. Shaxmurova G, Azimov I, Raxmatov U "Biologiyadan masalalar va mashq yechish". O'quv qo'llanma "Sano-standart" nashriyoti. Toshkent-2017 y.
6. Zayniyev S.I. Fan olimpiadalarining tashkil etish mazmuni, tahlili va ta'lim tarbiyadagi o'rni // International scientific journal volume 1 issue 8 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 229-234 c.
7. Zikiryayev A., To'xtayev A., Azimov I., Sonin N. Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining 9-sinfi darsligi. Toshkent – 2019 yil.
8. Rakhmatov U. E. Cognitive tasks in educational-upbringing process on biology //International scientific review of the problems and prospects of modern science and education 2019. – S. 60-61.
9. Rakhmatov, U. E. (2018). Development of creative abilities of pupils under using tasks and problems in biology lessons. // In XLIII international scientific and
10. practical conference" international scientific review of the problems and prospects of modern science and education" (pp. 112-113).
11. Rakhmatov U.E., Kholmurodova O.S. Problems of improving teaching in the process of biological education. Current research journal of pedagogics. Volume 03 issue 02 pages: 62-67.



Nilufar IBRAGIMOVA,

Qoraqalpog'iston Respublikasi Pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi dotsenti, sots.f.n

E-mail: niko3675@mail.ru

O'zMU dotsenti, sotsiologiya fanlar nomzodi X.Xusanova taqrizi asosida

NARRATIVE INTERVIEW METHOD AND ITS SIGNIFICANCE IN CONDUCTING QUALITATIVE SOCIOLOGICAL RESEARCH

Abstract

The article talks about the narrative interview method, which is part of the interview method of sociological research survey methods, and the procedures for its application, the ways to enter the science, effective conduct, the importance of the method, the organization of the question by the interviewer, the method of the respondent's free narration, narrative inquiry stages, the main purpose of the narrative method, the stages of the method and examples of the method are given.

Key words: Narrative interview, human interaction, narrator, interviewer, story interview, eksprompt, story topic, interpretation, stages of narrative interview, interview analysis.

МЕТОД НАРРАТИВНОГО ИНТЕРВЬЮ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В ПРОВЕДЕНИИ КАЧЕСТВЕННОГО СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

Аннотация

В статье рассказывается о методе нарративного интервью, входящем в состав метода интервью социологических исследований, методах опроса, и процедурах его применения, способах входа в науку, эффективном проведении, важности метода, организации опроса, приведены вопрос интервьюера, метод свободного повествования респондента, этапы нарративного опроса, основная цель нарративного метода, этапы метода и примеры метода.

Ключевые слова: Нарративное интервью, человеческое взаимодействие, рассказчик, интервьюер, сюжетное интервью, экспромт, тема рассказа, интерпретация, этапы нарративного интервью, анализ интервью.

SIFATLI SOTSIOLOGIK TADQIQOTLAR O'TKAZISHDA NARRATIV INTERVYU USULI VA UNING AHAMIYATI

Annotatsiya

Maqolada sotsiologik tadqiqot so'rov usullarining intervyu metodi tarkibiga kiruvchi narrativ intervyu usuli haqida va uni qo'llash tartiblari haqida so'z yuritilib, fanga kirib kelish yo'llari, samarali olib borish, metodning ahamiyati, intervyu oluvchi tomonidan savolni tashkil qilish, respondentning erkin hikoya qilish tartibi, narrativ so'rov bosqichlari, narrativ usulning asosiy maqsadi, usulni o'tkazish bosqichlari va usul bo'yicha namunalarni keltiriladi.

Kalit so'zlar: Narrativ intervyu, inson muloqoti, hikoya qiluvchi, intervyurer, hikoya suhbat, eksprompt, hikoya mavzusi, interpretatsiya, narrativ intervyu bosqichlari, suhbatlar tahlili.

Kirish. Narrativ intervyu (ingliz va fransuzcha "narrative" so'zidan olingan bo'lib, "hikoya" ma'nosini anglatadi) - odamlarning hikoyalari va suhbatlarini tahlil qilishga bo'lgan sifatli ma'lumotlarni to'plash usuli.

Narrativ intervyu tushunchasini nemis sotsiologi Fritz Shyutse g'oyalarga borib taqaladi, u hikoyalar "inson muloqotining elementar instituti" va hikoya qilish kundalik muloqotning asosiy shakli deb hisoblagan. Ma'lumot to'plash uchun hikoya suhbat usulidan foydalangan tadqiqotchilar nafaqat hikoyaning mazmunini, balki uning tuzilishini, uni qurish qoidalari va tamoyillarini ham o'rganadilar, bu esa hikoyani tinglovchiga izchil, to'liq va tushunarli bo'lishiga yordam beradi.

F.Shyutse dastlab Bielefeld universitetining sotsiologik loyihasi doirasida biografik tadqiqot usuli sifatida 1975-yildan boshlab munitsipal tumanlar birlashgandan keyin hokimiyat tuzilmalari o'rtasidagi ishlarning holati va o'zaro ta'sirini tahlil qilish maqsadida hikoya qiluvchi intervyu texnikasidan foydalangan. Ma'lum bo'lishicha, munitsipal siyosatchilarning bunday uyushmalarga aloqadorlik darajasi haqida olgan hikoyalari oldindan tayyorlangan bir qator savollarga javob berish so'rovidan ko'ra ko'proq foydali ma'lumot bergan [1].

1980-yillarning boshidan beri Germaniyada hikoya qiluvchi intervyu texnikasi biografik tadqiqotlarda faol qo'llanila boshlandi. Ular ishsizlar, uysizlar, psixiatriya klinikalaridagi bemorlar, turli kasbiy jamoalar vakillari, Ikkinchi

Jahon urushi qatnashchilari va boshqalar kabi aholi guruhlari o'rtasida o'tkazilgan [2].

Hozirgi vaqtda hikoya qiluvchi intervyu usuli har qanday sifatli tadqiqotda qo'llaniladi, uning maqsadi hikoyaning o'ziga xosligini o'rganishdir. Shuningdek, ushbu usul gender o'ziga xosligini shakllantirish uchun asos bo'lgan sotsializatsiya omillarini va gender munosabatlarini shakllantirish mexanizmlarini aniqlash uchun javob beradi [3].

Narrativ intervyu ma'lum bir mavzu bo'yicha erkin hikoyani o'z ichiga oladi, bu erda hikoya qilishni rag'batlantirish va rag'batlantirish uchun muhit yaratilgan bo'lishi kerak. Bunday rag'bat odamni hikoyaga undaydigan "hikoya impulsi" hisoblanadi. Ushbu impuls odatda suhbatdoshning so'roviga aylanadi. Agar ikkita shart bajarilsa, hikoya suhbat muvaffaqiyatli o'tishi mumkin.

Birinchidan, inson o'z hayotida sodir bo'lgan voqealar haqida gapiradi (ya'ni, voqea birinchi shaxsda aytiladi).

Ikkinchidan, hikoyaning o'zi eksprompt (ya'ni, u "hikoya impulsi" ta'siri ostida yuzaga keladi va oldindan tayyorlanmagan). Narrativ intervyuni boshqa intervyu turlaridan ajratib turadigan xususiyatlari quyidagilardir:

O'tmish tanlab ko'rsatilgan. Bu diqqatni ba'zi tafsilotlarga qaratishni va boshqalarni yo'qotishni ta'minlaydigan ma'no hosil qiluvchi yadro mavjudligi bilan bog'liq.

Hikoya boshqalarga ishonchli va taniqli bo'lib ko'rinadigan tarzda qurilgan. Narrativ intervyu jarayonida

hikoya qiluvchining o'zi suhbat yaratadi. U haqiqiy ko'rinishga va bir vaqtning o'zida shunday deb tan olinishga intiladi.

Matnli modalliklarning ko'pligi. Tarix bu voqealar bilan bog'liq voqealarni ham, tajribalarni ham, sodir bo'lgan voqealarni tushunishni ham qamrab oladi. Shunday qilib, hikoyada bir nechta o'lovlar taqdim etiladi - amaliy, ta'sirchan va kognitiv, ular o'ziga xos til va nutq belgilariga ega bo'lgan alohida matn usullari hisoblanadi [4].

Ta'riflovchi matn ma'lum kontekstdagi faktlar va hodisalar ketma-ketligini aniq ifodalaydi. Matnning ob'ektiv uslubi his-tuyg'ular va hissiyotlarning yo'qligini ta'minlaydi.

Hikoyaning o'zi ma'lum bir voqea davomida hikoya qiluvchining boshidan kechirgan hissiy jihatdan boy parchalar ro'yxatidir. Turli grammatik va intonatsiya usullari tinglovchining hissiy munosabatini rag'batlantiradi.

Interpretatsiya - bu sodir bo'lgan voqeani hikoya qiluvchining o'zi nuqtai nazaridan tushuntirish bo'lib, u voqealarning sababiy bog'liqligini ochib beradi, faktlarni umumlashtiradi, sodir bo'lgan voqeaning ma'nosi va o'rmini o'z tarjimai holidagi boshqa bir qator voqealardan izlaydi.

Barcha suhbatlar yozuvlarni keyingi transkripsiya qilish uchun ovoz yozuvchisiga yozib olinadi, shundan so'ng intervyu stenogrammasi paydo bo'ladi. Umuman olganda, hikoya suhbatining bosqichlari quyidagilardan iborat [5].

Intervyu oluvchi tomonidan asosiy so'rovni shakllantirish. Ushbu bosqichda respondent intervyu holatiga kiritiladi, berilgan mavzu bo'yicha hikoyani baham ko'rish so'rovi shaklida "hikoya impulsi" paydo bo'ladi.

Respondentning erkin hikoyasi. Ushbu bosqichda intervyu oluvchi hikoyachining so'zini to'xtatmasligi kerak. U faqat og'zaki bo'lmagan yoki ma'ruzachi nutqining oqimini qo'llab-quvvatlash uchun kerak bo'ladi. Ushbu bosqichni yakunlash uchun signal - respondentning o'zi (masalan, "Mana shunday") yoki butun voqeaning mantiqiy to'liqligini ifoda qiladi.

Narrativ so'rovlar bosqichi. Ushbu bosqichda intervyu oluvchi respondentga har qanday savol berish huquqiga ega, uning maqsadi tafsilotlarni aniqlashtirish, boshdan kechirgan barcha tajribaning batafsil tavsifi yoki bahosini olish, shuningdek, uning inson hayotiga ta'sirini yaxlit o'rganishdan iborat bo'ladi. Ma'lumot to'plashning ushbu bosqichida "keng doiradagi" tavsiflovchi savollar qo'llaniladi, ularning maqsadi raqibdan ko'proq hajmli va boy hikoyani olishdir [6]. Suhbat epizodlik bo'lib, faqat bitta hodisadagi harakatlar ketma-ketligini emas, balki butun voqeaning talqinini ham ochib beradi. Boshqa tomondan, tajribaning kichik birligiga qaratilgan "kichik doira" savollaridan foydalanish mumkin [7]. Bunda hikoya qiluvchi intervyu yarim tuzilgan intervyuning xususiyatlarini oladi. Ushbu bosqich hozirgi kunga tegishli savollar bilan tugaydi. Bu odamni intervyu vaziyatidan "chiqish" uchun, uni xotiralaridan chalg'itish uchun amalga oshiriladi.

Hikoyaning mavzusiga ta'sir o'tkazish qobiliyati (masalan, uni boshqa yo'nalishga yo'naltirish) kommunikativ tashabbus darajasining ko'rsatkichlaridan biridir. Bu tushuncha tilshunoslikda "muloqotning ma'lum bir bosqichida kommunikativ faoliyatda yetakchi rol"ni nazarda tutadi [8].

Narrativ intervyuda tashabbus hikoya qiluvchiga tegishli bo'lishi kerak, ammo suhbatdoshning roli ham muhim bo'lib qoladi. Uning vazifasi respondentning maksimal qiziqishiga erishishdir [9].

Sotsiologik tadqiqotlarda sifatli tadqiqot usullariga kiruvchi narrativ intervyu usuli odamlarning hikoyachi sifatida harakat qilish qobiliyatiga asoslangan intervyu usuli hisoblanadi. Ushbu kontekstdagi hikoya ma'lumot uzatish vositasi, insoniy aloqaning elementar instituti sifatida tushuniladi.

Narrativ intervyu usulining asosiy maqsadi - ma'lum bir odamlar guruhiga xos bo'lgan eng tipik biografik jarayonlar haqida va bu jarayonlarni hikoya qiluvchilarning o'zlari ro'ish pozitsiyasidan ma'lumot olishdan iborat.

Narrativ intervyu usuli keng ma'noda har qanday ijtimoiy muammolar va birinchi navbatda, innovatsiyalar bilan bog'liq muammolar bo'yicha sifatli (statistik bo'lmagan) ma'lumotlarni olish uchun o'tkaziladi.

Narrativ intervyu usulini o'tkazish uchun:

1) kundalik hayotda odamning hikoyani qurish qoidalari bo'yicha intuitiv qobiliyatga ega bo'lishi;

2) hikoyachining o'z hayotida sodir bo'lgan voqea-hodisalar haqidagi hikoyani shu voqealarni boshidan kechirgan tarzida takrorlashi.

Hikoya ma'lumot beruvchining hayotiy jarayonlari bilan bir xil tuzilishga (strukturaga) ega. Binobarin, hikoya shaklining individual hayotiy tajriba tuzilishiga o'xshashligi haqida gapirish mumkin.

Bunday o'xshashlikning mavjudligi ikki shart bajarilgan taqdirda mumkin bo'ladi:

1) hikoya qiluvchi o'zining (birovning emas) hayotida sodir bo'lgan voqea-hodisalar haqida hikoya qiladi;

2) u hikoyani oldindan tayyorlash imkoniyatidan mahrum. Bunday sharoitda eksrompt hikoya nisbatan avtonomdir. Biror kishi hikoyaning dinamikasiga bo'ysunadi va suhbatdagi vaziyat tufayli o'zini namoyon qilish imkoniyatlariga kamroq e'tibor qaratadi.

Narrativ intervyu shaklida fundamental ahamiyatga ega. Hikoyaning qanday qurilganligi va hikoyachiga uni izchil va tinglovchiga tushunarli qilish imkonini beradigan qanday yashirin qoidalar va tamoyillar berilgan: yaxlitlik va to'liqlik (har bir epizod tugallangan ko'rinishga ega bo'ladi); kondensatsiya (rivoyatchi faqat u uchun eng muhim, hal qiluvchi hayotiy voqealar haqida to'xtalishga majbur bo'ladi); o'zaro bog'liqlik (hodisalar tarixiy ketma-ketlikda va o'zaro bog'liqlikda va hikoya qiluvchining hayotiy tajribasi bilan ifodalanadi).

Ma'lumotlar yig'ish bosqichi uchun narrativ intervyu usulining asosiy vazifasi - suhbatdoshni hikoyachiga "aylantira olish".

Buning uchun maxsus strategiya ishlab chiqilgan:

1) suhbatning boshlanishi va asosiy hikoya;

2) rivoyat so'rovlari bosqichi (baholar yoki bahs-munozaralar emas, balki hikoyaning uzilib qolgan satrlari va suhbatdoshga tushunarsiz bo'lgan joylar haqida hikoyada aytib o'tgan voqealar haqida savollar beriladi);

3) yakuniy qism (bu yerda suhbatdosh bahslashga, baho berishi va tushuntirishi mumkin).

Narrativ intervyu o'tkazish texnikasi ayniqsa, aholining ishsizlar, uysizlar, psixiatriya klinikalaridagi bemorlar, turli kasbiy jamoalar vakillari, urushlar ishtirokchilari, deviant xulq-atvori bilan ajralib turadigan guruhlar yoki o'ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turadigan chetlanganlar kabi guruhlarni o'rganishda samarali foydalaniladi.

Narrativ intervyular o'tkazish jarayonida savollarni tavsiflanish mazmuniga ko'ra: aniqlovchi/sharhlovchi; taqdimotning vaqtiga nisbatan: dolzarb/memorial turlarga ajratish mumkin.

Aniqlash savollari aniq biografik faktlarni aniqlashga xizmat qiladi. Misol uchun, hikoyachining o'zi haqida ma'lumotlar: ismi-sharifi, tug'ilgan yili, turar joyi, ishlash joyi, egallab turgan lavozimi, mutaxassisligi va b.

Sharhlovchi savollar hikoya qiluvchining o'tgan hayotining eng muhim tomonlarini hozirgi vaziyatda (to'plangan tajribaga asoslanib) talqin qilishiga aniqlik kiritish imkonini beradi. Masalan, fan sohasiga nima uchun va qanday kirganligi, fanga bo'lgan ilk qiziqishlari va fan davomida anglab etgan muhim jihatlari.

Dolzarb savollar hozirgi yoki yaqin o'tmishdagi harakatlarni davom ettirish kontekstida tuzatishga imkon beradi. Ilmiy faoliyatida e'tibor qaratilgan muhim masalalar.

Memorial (xotira) savollari respondentning yorqin his-tuyg'ularini boshdan kechirgan holatlarni eslashga, xotirada intensiv hissiy rangdagi vaziyatlarni tiklashga qaratilgan.

Masalan, hikoyachi ilmiy faoliyati davomida uchragan muammolar, yorqin xotiralar va b [10].

Narrativ intervyu shakli matnidan oldin suhbat-doshlarga murojaat va asosiy shartlarni tushuntirishni o'z ichiga olgan kirish qismi mavjud bo'ladi.

Narrativ intervyu o'tkazish usuli:

Intervyu beruvchining familiyasi, ismi va otasining ismi:

Tug'ilgan yili:

Tug'ilgan joyi:

Ish joyi:

Egallab turgan lavozimi:

Ma'lumoti:

Ilmiy darajasi va unvoni:

Fan sohasiga qiziqishingizga nima sabab bo'lgan?

Ilmiy faoliyatingizni dastlab qanday va qayerda boshladingiz?

Faoliyatingiz davomida olimlarga xos bo'lgan qanday xususiyatlar bo'lishi kerakligini anglab yetdingiz?

Ilmiy faoliyat yuritishingizga nima sabab bo'lgan va qanday muammoni dolzarb deb bilgansiz?

Ilmiy ishingiz davomida dolzarb muammoni ochib berishda qanday qiyinchiliklarga uchradingiz va uni qanday himoya qila oldingiz?

Ilk bor sohangiz bo'yicha qaysi olimlar bilan hamkorlik qildingiz?

Fan olimi sifatida qanday muammolarni yechishga yordam bera oldingiz?

Mamlakatimizda siz tanlagan soha bo'yicha faoliyatni qanday rivojlantirish mumkin deb o'ylaysiz?

Ilmiy ishingizni himoya qilgan o'rin va vaqtini eslay olasizmi?

Yo'nalishingiz bo'yicha hamkasblaringizning ilmiy ishlarini eslay olasizmi?

Ilmiy ishingizni targ'ib qilishda qiyinchiliklar bo'lganmi?

Bugungi kungacha qanday ilmiy mehnatlaringiz bor va hajmi qancha?

Fan olimi sifatida fanning rivojlanish jarayoniga qanday baho berasiz?

Bugungi kunda sizning fan maktabingiz qanday taraqqiy etmoqda va qancha shogirdlaringiz bor?

Ochiqchasiga o'z shogirdlaringizdan kimlarni fanni taraqqiy ettirishda davomchilaringiz sifatida tan olasiz?

Kelajakda fanni va fan maktabini rivojlantirishda qanday ishlar amalga oshirmoqchisiz?

Hurmatli sizga mazmunli va ochiq suhbat uchun o'z minnatdorchiligimizni bildiramiz. Yurtimizda fanning taraqqiy etishi va fan maktabining yanada kengayishiga zafarlar tilab qolamiz.

Xulosa. narrativ intervyu usuli respondentlarning o'z hayotidagi voqealarni individual qayta qurish orqali tadqiqot muammolarini hal qilishga imkon beruvchi tarixiy-sotsiologik-pedagogik usul sifatida xizmat qiladi. Sotsiologik tadqiqotlar jarayonida so'rov usulining bir necha turlaridan keng foydalanishi mumkin. Buning uchun sotsiolog o'rganayotgan sotsiologik muammolarni aniq ko'ra olish va muammoning tadqiq etish jarayonida maqsad va vazifalarini to'g'ri belgilay olishi muhim ahamiyatga ega. Narrativ intervyu usulidan namuna sifatida quyida keltiriladi.

ADABIYOTLAR

1. Журавлев В.Ф. Нарративное интервью в биографических исследованиях // Социология: М. 1993 . N 3. С. 34 — 43.
2. Schutze F. Kollektive Verlaufskurve oder kollektiver Wandlungsprozeb — Dimensionen des Vergleichs von Kriegserfahrungen amerikanischer und deutscher Soldaten. Kassel, 1989.
3. Торкунова О.И. Нарративные биографические интервью как метод изучения гендерной социализации и гендерных установок // Перспективы науки и образования. 2013. №4. С.172-183.
4. Оберемко О.А., Ожигова Л.Н. Социальная идентичность: Способы концептуализации и измерения (Материалы научно-практического семинара. 16-19 октября 2003 г., с. Новомихайловское)/ Отв. ред. О.А.Оберемко, Ожигова Л.Н. Кубанский госуниверситет; Ин-т социологии РАН. Краснодар: КубГУ, 2004. 303 с.
5. Jovchelovitch S., Bauer M.W. Narrative interviewing / Qualitative esearching with text, image and sound: a practical handbook / M. Gaskell G. (eds.). — SAGE Publications, 2000
6. Чернецкая А. и др.. Технология социальной работы: Учебник —Ростов н/Д: «Феникс», 2006
7. Murray M. Narrative psychology and narrative analysis / Qualitative research in psychology: expanding perspectives in methodology and design / P. M. Camic at al (eds.). — American Psychological Association, 2003
8. Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи / О.С. Иссерс. — М.: КомКнига, 2006.
9. Лапшина А.Ю. Коммуникативная ситуация нарративного интервью // Вестник Самарского государственного университета. Языкознание 2008. N 63. С. 71-79.
10. Арапова П.И. Нарративное интервью как метод исследования внешкольной повседневности советских школьников // Сибирский педагогический журнал № 5 / 2018. С.29-38.



Гулнора КАРИМОВА,
Соискатель НУУз
E-mail: indira.rahimova.1987@mail.ru

По отзыву профессора Д.Г.Мухамедова

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АДАПТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ С НАРУШЕНИЕМ СЛУХА

Аннотация

В статье проанализирована современное состояние развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха. Также выявлено что в группе студентов с нарушением слуха каждый третий обучаемый является обладателем личностной зрелости на неудовлетворительном уровне.

Ключевые слова: Студенты, адаптация, социальная адаптация, нарушение слуха, эмоция, неудовлетворенность.

ESHITISH QOBILIYATI CHEKLANGAN TALABALARNING IJTIMOY MOSLASHUVCHANLIGINI RIVOJLANTIRISHNING HOZIRGI HOLATI

Аннотация

Maqolada eshitishda nuqsoni bo'lgan talabalarning ijtimoiy moslashuvchanligi rivojlanishining hozirgi holati tahlil qilingan. Shuningdek, eshitishda nuqsoni bo'lgan talabalar guruhida har uchinchi talaba qoniqarsiz darajadagi shaxsiy yetuklik egasi ekanligi ma'lum bo'ldi.

Калит so'zlar: Talabalar, moslashish, ijtimoiy moslashish, eshitishning buzilishi, hissiyot, qoniqmaslik.

CURRENT STATE OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ADAPTABILITY OF STUDENTS WITH HEARING IMPAIRMENT

Abstract

The article analyzes the current state of development of social adaptability of students with hearing impairment. It was also revealed that in the group of students with hearing impairment every third student is the owner of personal maturity at an unsatisfactory level.

Key words: Students, adaptation, social adaptation, hearing impairment, emotion, dissatisfaction.

Введение. Анализ теоретических и практических исследований проблемы формирования образования людей с проблемами слуха доказал, что она занимает важное место в процессе становления образовательного процесса в целом.

Система обучения должна быть устроена таким образом, чтобы за годы, проведенные в вузе, студенты с нарушениями слуха не только получили профессию и стали конкурентно-способными в достаточно жестких условиях рынка труда, но и могли работать в среде людей, которые будут предъявлять к ним требования как к специалистам в определенной области.

Литературный обзор. Согласно позиции И.М. Гилевич, понятие социальная адаптация в контексте педагогического направления рассматривается как перестройка познавательной, мотивационной и эмоционально-волевой сфер личности обучаемого при переходе в другую плоскость образовательного процесса. Опираясь на утверждения В.М. Астафьевой, в психологии термин социальная адаптация применяется, с одной стороны, для обозначения свойства личности, которое характеризует его устойчивость к условиям среды, выражая уровень приспособленности к ней. С точки зрения О.М. Рожко, психология связывает социальную адаптацию именно с психическим анализом поведения человека и как один из ведущих способов и необходимое условие социализации.

Поэтому является актуальным вопрос о необходимости создания в вузе таких социально-психологических условий, чтобы процесс обучения способствовал социальной адаптации и социализации студентов с

нарушениями слуха. Социальная адаптация для студентов с нарушениями слуха в условиях университетского образования должна протекать через формирование объективного позитивного отношения к этой среде со стороны слышащих, со стороны общества в целом.

Методология исследования. Для достижения поставленной цели по средствам реализации сформулированных задач был применен следующий комплекс теоретических и эмпирических методов исследования: теоретический анализ научной литературы; анализ документов; наблюдение; психологическое тестирование; математико-статистические методы обработки данных и пр.

Анализ и результаты. В целях исследования современного состояния развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха было организовано эмпирическое исследование, которое проводилось в три основных этапа:

подготовительный - подготовка психодиагностического комплекса (стимульного материала, бланков ответов, ключей и пр.), определение выборки исследования и пр.

основной - проведение психодиагностики развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха по заранее подготовленным методикам, первичная обработка полученных результатов их обобщения для анализа;

заключительный - анализ результатов психодиагностики развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха, формулирования выводов и пр. (рис. 1).



Рис. 1. Основные этапы эмпирического исследования современного состояния развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха (n=254)

В рамках первого, подготовительного этапа осуществлена подготовка психодиагностического комплекса к практическому применению, стимульного материала по каждой методике, т.е. уточнены инструкции для обследуемых, задаваемые вопросы, осуществлено размножение бумажной формы стимульного материала в виде буклетов и пр. Кроме того, для оптимизации процесса психодиагностики разработаны бланки ответов и трафаретные ключи для обработки получаемых результатов. При этом, определение выборки исследования осуществлялась по принципу рандомизации. Т.е. отбор участников (студентов с

нарушением слуха и студентов без нарушений слуха) эмпирического исследования проводился случайным образом с помощью применения соответствующих таблиц случайных чисел, сгенерированных в программе Microsoft Excel. Таким образом, в эмпирическом исследовании всего приняло участие 254 студентов высших образовательных учреждений Республики Узбекистан, в том числе с нарушением слуха и без нарушений слуха, как мужского, так и женского пола, в возрасте от 18 до 26 лет различных курсов обучения (таб. 1).

Таблица №-1.

Характеристика выборки эмпирического исследования современного состояния развития социальной адаптивности студентов (n=254)

Категории студентов			С нарушением слуха	Без нарушений слуха	Всего
По половому признаку	женского пола	кол	57	69	126
		в%	45,2	54,8	49,6
	мужского пола	кол	55	73	128
		в%	43,0	57,0	50,4
	всего	кол	112	142	254
		в%	44,1	55,9	100
По курсам обучения студентов	первого курса обучения	кол	30	39	69
		в%	43,4	56,5	27,1
	второго курса обучения	кол	27	37	64
		в%	42,1	57,8	25,1
	третьего курса обучения	кол	28	33	61
		в%	45,9	54,0	24,0
	четвёртого курса обучения	кол	27	33	60
		в%	45,0	55,0	24
	всего	кол	112	142	254
		в%	44,0	55,9	100
По возрасту студентов	от 18 лет до 19 лет	кол	25	34	59
		в%	42,3	57,6	23,2
	от 20 лет до 21 года	кол	29	31	60
		в%	48,3	51,6	23,6
	от 22 лет до 23 лет	кол	22	30	52
		в%	42,3	57,6	20,4
	от 24 лет до 25 лет	кол	19	27	46
		в%	41,3	58,6	18,1
	от 26 лет до 27 лет	кол	17	20	37
		в%	45,9	54,0	14,5
	всего	кол	112	142	254
		в%	44,0	55,9	100

В рамках второго, основного этапа, психодиагностика развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха по заранее подготовленным методикам

проводилась групповым методом в учебной аудитории оснащенной стандартной мебелью и пр. Группы психодиагностического обследования варьировались от 15 до 20

человек. Перед началом работы, до студентов доводилась цель и прядок психодиагностики, заслушивались вопросы и давались разъяснительные ответы. По итогам психодиагностических мероприятий, все полученные данные подверглись первичной обработке в соответствии с подготовленными ключами к каждой методики, а также обобщению в единую таблицу в программе Microsoft Excel.

В рамках третьего, заключительного этапа был осуществлён анализ полученных результатов психодиагностики развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха, в ходе которого также был применён непараметрический критерий корреляции Спирмена.

Оценивая результаты анализа в целом целесообразно констатировать, что большинство обследованных студентов, в рамках исследования первого обобщенного личного качества (структурно предопределяющего социальную адаптивность), являются обладателями удовлетворительного уровня развития личностной зрелости (47,6 % / 121 чел.), диагностированного с помощью Тест-опросник личностной зрелости Ю.З. Гильбуха. На высоком уровне данное личностное образование было выявлено у 22,8 % (58 чел.), а на низком – 21,3 % (54 чел.). Соответственно, 8,3 % (21 чел.) - являются обладателями весьма высокого уровня развития личностной зрелости (рис. 2).




Рис. 2. Результаты психодиагностического обследования студентов по Тест-опроснику личностной зрелости Ю.З. Гильбуха (n=254)

Вместе с тем, анализ результатов психодиагностического обследования в разрезе категории студентов показал, что в группе с нарушением слуха, личностная зрелость наблюдалась на:

удовлетворительном уровне у 47,3 % (53 чел.) студентов;

неудовлетворительном уровне у 30,4 % (34 чел.) студентов;

высоком уровне у 16,1 % (18 чел.) студентов;

весьма высоким уровне у 6,3 % (7 чел.) студентов.

В группе студентов без нарушения слуха, диагностируемый признак наблюдался на:

удовлетворительном уровне у 47,9 % (68 чел.) студентов;

высоком уровне у 28,2 % (40 чел.) студентов;

неудовлетворительном уровне у 14,1 % (20 чел.) студентов;

весьма высоким уровне у 9,9 % (14 чел.) студентов.

Как видно из вышеприведённых данных, в группе студентов с нарушением слуха каждый третий (30,4 %/34 чел.) обучаемый является обладателем личностной зрелости на неудовлетворительном уровне, что нельзя сказать о группе студентов без нарушения слуха, где данный признак на неудовлетворительном уровне встречается лишь у 14,1 % (20 чел.) обучаемых.

По значимости корреляционная связь выявлена между такими обобщенными личностными качествами

как возраст студентов и личностная зрелость (Возраст & Тест-опросник личностной зрелости Ю.З. Гильбуха, $r=0,594$ при $p \leq 0,01$). Она подтверждает очевидную закономерность, где с увеличением возраста обучаемого, как правило, увеличивается уровень личностной зрелости.

Эти статистически значимые взаимосвязи показывают позитивное значение саморегулятивной способности в развитии умений справляться с эмоциональными барьерами в ходе взаимодействия, личностной зрелости, адаптационного потенциала личности студента, его жизнестойкости.

Выводы. Таким образом, исходя из вышеизложенного полагается целесообразным заключить, что эмпирическое исследование (n=254) с помощью выделенного психодиагностического комплекса позволило выявить современное состояние развития социальной адаптивности студентов с нарушением слуха.

Корреляционный анализ по непараметрическому критерию Спирмена результатов эмпирического исследования (n=254) позволил выявить множества статистически значимых связей, которые в целом наглядно демонстрируют взаимообусловленность, взаимозависимость выделенных обобщенных личностных качеств предопределяющие социальную адаптивность студентов с нарушением слуха.

ЛИТЕРАТУРА

1. Аристова Н.Г. Выпускник специальной школы: социальный портрет (на примере воспитанников школ для детей с нарушениями слуха). // Сб. Возможности реабилитации детей с умственными и физическими ограничениями средствами образования. М., 2000. - С. 97-103.
2. Астафьева В.М. Социальная адаптация и интеграция обучаемых с нарушениями слуха. // Профессиональное образование: проблемы, опыт, перспективы: Материалы междунар. науч.-практ. конф. В 2 ч. - М., 2003 - Ч 1. - С. 81-89.
3. Гилевич И.М. О некоторых аспектах социальной адаптации обучаемых с нарушением слуха. // Проблемы высшего образования лиц с нарушением слуха: мат-лы всерос. науч.-практ. конф., Н. Новгород, 2002 г. - Н. Новгород: Камерата, 2002. - С. 85-89.

4. Бенедиктова Л.Ф. Проблема адаптации студентов с ограниченными возможностями в психологической литературе. // Психическая профессиональная подготовка в вузе: Респ. межведомств. научный. Сб. - Минск: Нар. асвета, 2002. - Вып. 2. - С. 24-33.
5. Рахимова, И. И. (2019). Развитие инклюзивного образования в современном мире. Интернаука, (3-1), 74-75.
6. Рожко О.М. Развитие смысловой стороны речи глухих и слабослышащих обучаемых. // Особенности усвоения учебного материала слабослышащими детьми. М., 2001.- С. 7-23.
7. Рожко О.М. Социально-психологические условия адаптации студентов с нарушениями слуха в техническом вузе обычного типа. // Физическое воспитание студентов творческих специальностей. - 2001.- № 5. - С. 30-33.
8. Mukhamedova D., Rakhimova, I., Ziyavitdinova, G., & Kamalova, Z. (2022). The Relationship Between the Effectiveness of the Managerial Activity of an Education Manager With the Peculiarities of the Manifestation of His Communicative Potential in Uzbek System. Journal of Higher Education Theory & Practice, 22(4).
9. Razakova R.S. Preperation for family lifeas an importantfactor in the process ofadapting girls to family. // European Journal of Researchand Reflectionin Educational Sciences. Volume 7 Number 6, 2019 ISSN 2056-5852.-P.6-10.
10. Stepaniuk I. Inclusive education in Eastern European countries: a current state and future directions / I. Stepaniuk // International Journal of Inclusive Education. - 2019. - V. 23. - №3. P. 328-330.



Хуришда КОМИЛОВА,
“Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти институти докторанти
E-mail: ilm.hurshida@gmail.com

АДУ тарих фанлари доктори, проф. О. Комилов тақризи асосида

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Мақолада хотин-қизларнинг илм-фан ривожланишидаги иштироки, гендер ёндашув орқали соҳадаги муаммоларни социологик асослаш келтирилган. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги фаолияти самардорлигини оширишнинг истиқболли механизми ривожлантириш мазмуни ёритилган.

Калит сўзлар: гендер, илм, фан, таҳлил, аёл, оила, фаолият, олма, таҳлил, фазилят, интеллект.

THE ACTIVITY OF WOMEN AND GIRLS IN THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN UZBEKISTAN

Annotation

The article covers the participation of women in the development of science, the sociological justification of problems in the field through the gender approach. The content of the development of a promising mechanism for increasing the efficiency of women's activities in the development of science in Uzbekistan is highlighted.

Key words: Gender, science, science, analysis, woman, family, activity, scientist, analysis, virtue, intellect.

АКТИВНОСТЬ ЖЕНЩИН И ДЕВУШЕК В РАЗВИТИИ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В статье представлено участие женщин в развитии науки, социологическое обоснование проблем в данной области через гендерный подход. Освещается содержание разработки перспективного механизма повышения эффективности деятельности женщин в развитии науки Узбекистана.

Ключевые слова: Пол, наука, наука, анализ, женщина, семья, деятельность, ученый, анализ, добродетель, интеллект.

Кириш. Маълумки янги Ўзбекистон тараққиётида барча соҳаларида сезиларли ва кескин ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бирга Ўзбекистонда илм-фан ривожланиши минтақавий гендер хусусиятларига эга. Сўнги йилларда “гендер тенглиги масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласига оид 40дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган” [1]. Ўзбекистондаги замонавий ижтимоий муҳитда илгари сурилатган стереотиплар жамиятда сўнги йилларда хотин-қизлар вакилларининг юртимиз сиёсатида, тадбиркорлик ва илм-фан турли соҳаларда ўсиши кузатишмоқда. Хотин-қизлар барча соҳаларини фаол ўзлаштирмоқда, улардан бири илм-фан соҳасидир. Сўнги йилларда юртимизда “таянч докторантурада тахсил олувчилар сони ортиб бормоқда, хусусан Андижон вилояти 2018 йил 109 нафар бўлган бўлса 2021 йил 347 нафарга етган, Тошкент шаҳар 2018 йил 970 нафар бўлган бўлса 2021 йил 1567 нафарга етган, Самарқанд вилояти 2018 йил 187 нафар бўлган бўлса 2021 йил 495 нафарга етган” [6]. Илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг ўлиши ўзгариб бормоқда, аёл фан докторлари 757 нафарга етган, фан номзодлари 1962 нафарга етган” [4]. Хотин-қизларнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини этироф этиб, кадрлаш ёшларнинг бу шу соҳадаги тадқиқотларга қизиқиш уйғотилади. Хотин-қизлар жамиятда муҳим ўрнига эга бўлиб, илм-фан соҳасида фаолият кўрсатаётган аёлларнинг оиладаги ва касбий фаолиятдаги қўйи мавқеиларда меҳнат қилиб келмоқда, хотин-қизларнинг илм-фандаги роли анъанавий ва замонавий ёндашувлар, социал қиёфасининг ижтимоий жихатларини ўрганиш ҳозирги шароитда муҳим муаммолардан бири эканлигига шубҳа йўқ.

“Н.Агамова, А.Аллахвердиянларнинг асарлари тарихий ва илмий ёндашув нуқтаи назаридан ҳамда таълим соҳасидаги аёлларнинг ижтимоий мавқеи муаммосига бағишланган, унда аёлларни камситиш жихатлари

илмий таҳлилнинг муҳим объектив жихатлари ёритилган” [2]. Хотин-қизларнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини доимий равишда кадрлаш лозим, бу шу соҳадаги тадқиқотларга қизиқиш уйғотилади ва бу бутун дунё микёсидаги тенденциядир. Хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил этар эканмиз, бу йўналишда тегишли ишлар олиб борган Г. Жосефа, Т.Абдулхамед, Д.Карлосларнинг илмий ишларида муҳандислик ва аниқ фанлар йўналишларида хотин-қизларни йўналтириш учун фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни қизиқтиришни долзарб масала сифатида асослайдилар [3].

Олимлардан В.Фомин, И.Гладковаларнинг таъкидлашича бу борада ургу айнан қизларга берилиши бежиз эмас, чунки тадқиқотлардан маълум бўлишича, улар ўртасида бевосита ўқиган йўналишлари бўйича фаолиятини давом эттириш истагини билдирувчилар ўғил болаларга қараганда қизларнинг сони анча юқори бўлади [4]. Хотин-қизлар жамиятда муҳим ўрнига эга, илм-фан соҳасида фаолият кўрсатаётган аёлларнинг оиладаги ва касбий фаолиятдаги қўйи мавқеиларда меҳнат қилиб келмоқда, хотин-қизларнинг илм-фандаги роли хусусида анъанавий ва замонавий ёндашувлар ривожланиб бормоқда.

Ижтимоий-фалсафий жихатдан хотин-қизларнинг жамиятдаги ва илмий соҳадаги мавқеини таҳлил қилиш амалга оширилади, хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларини егаллашларида гендер ёндашув орқали соҳадаги муаммоларни таҳлили ва бошқарувда стереотипик қарама-қаршиликларни олдини олиш ўрганиб чиқилади.

Хотин-қизларнинг жамият ва фандаги мавқеи: анъанавий жихат ва замонавийлик, уларнинг илм-фандаги илгор тажрибалари соҳада эришилаётган ютуқлар орқали исботланган. Шунингдек, жамиятда хотин-қизлар фарзанд дунёга келиши ва тарбиялаш, оиласига ва эркакларга ғамхўр, эркаклар эса жамоат ишларида асосий фаолият олиб боришларини ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд.

Тадқиқотимизда 2022 йилда Андижон вилояти, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги университетларда сўровномалар ва тажриба-синов ўтказилди. Тадқиқот методологияси фаразларга асосланади. Биринчи саволлар тўплами объект ҳақида маълумот беради. Умумий маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш учун ишлатилган. Иккинчи саволлар тўплами илмий фаолиятни ривожланишида гендер фарқларнинг таъсирини аниқлаш, аёл ва эркак ролларини тақсимлашда анъанавий стереотиплар тўғрисида. Учинчи саволлар тўплами эса хотин-қизлар илмий фаолиятида оилавий роллар билан бирлашиши билан боғлиқ масалаларига қаратилган. Тўртинчи саволлар тўплами аёл олималарнинг ижтимоий муносабатларини таҳлиliga қаратилган.

Сўров усулларидан ташқари социологик таҳлил қилиш усулидан ҳам фойдаландик. Мақсад эса хотин-қизларнинг илм-фандаги фаоллигини ўсиш динамикасини кузатишдир. Олинган маълумотлар таҳлилида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фандаги фаоллиги минтақаларда турлича, ўзига хосликлар қайд этилди. Социологик суҳбат методи эса хотин-қизларнинг илм-фан соҳаларидаги вакиллари билан яқиндан танишиб илм-фаннинг нозик сир асрорларини ўрганиш ва фаолиятини ижобий баҳолашга эришилди. Аҳолининг интеллектуал маҳсулотларни кадрлаш ва унга бўлган талабларни ортиши билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Давлат ва жамият ижтимоий ҳаётидаги муаммоларга илм-фан орқали ечим топилади. Олимларнинг меҳнат маҳсулига, зарурий эҳтиёжни пайдо бўлиши. Шунда уларнинг жамиятдаги нуфузи ҳамда кадр-қиммати ортади. Зеро Илмий фаолият мотивациялардан бири муҳим хал қилувчи омиллардан бири меҳнат хулқ-атвори.

Илм-фан аввало, қўплаб алоҳида бир-бирини боғлайдиган умумий қонунларни топиш ва ҳақиқатни излашга қаратилган махсус билимдир. “Ёшлар ўртасида

ўтказилган социологик сўровда респондентларга қайси соҳаларга инновацияларни кенг жорий этиш зарур? деган савол берилганда, респондентлар қуйидаги фикрларни билдиришди: иктисодий – 663 та (22,3 %); ижтимоий – 448 та (15,1 %); информацион-коммуникацион – 473 та (16 %); илм, фан, таълим, техника ва технология – 770 та (26 %); маънавий-маърифий – 87 та (3 %); сиёсий – 85 та (2,7 %); тарбиявий – 353 та (11,8 %); бошқа соҳаларга – 93 та (3,1 %) кенг жорий этиш керак” [5]. “Ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти билан шуғулланган аёлларнинг 3157 нафари табиий фанлар соҳасида 262 нафар фан доктори, 650 нафар фан номзоди, 90 нафар PhD, 1643 нафари техника фанлари соҳасида, 2176 нафари тиббиёт фанлари соҳасида, 607 нафари қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида, 2006 нафари ижтимоий фанлар соҳасида, 3395 нафари гуманитар фанлар соҳасида фаолият кўрсатмоқда”[7]. Хотин-қизларнинг илм-фанни ривожлантиришдаги фаоллиги индивидуал характерга эга бўлиб, ташаббускорлиги, онги, маънавий фазилатлари ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги фаолиятининг ижтимоий аспекти социологик таҳлил қилиш орқали ушбу йўналиш самардорлигини ошириш бўйича: Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги фаолиятининг ижтимоий аспекти тадқиқот методлари асосида ўрганиш; Ўзбекистон ривожининг янги босқичида хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги фаолиятини ижтимоий аспекти яхлит тизим сифатида тадқиқ қилиш; хотин-қизларнинг илмий фаолият муҳити ва хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий омилларини социологик тадқиқ этиш; Ўзбекистонда хотин-қизларнинг илм-фан тараққиётидаги фаолияти самардорлигини оширишнинг истиқболли механизми ривожлантириш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Фукаролик Жамияти Умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журнал. Volume 19, - Issue 3(71) Б-50
2. Агамова Н.С., Аллахвердян А.Г. Российские женщины в науке и высшей школе: историко-научные и науковедческие аспекты // Вопросы истории естествознания и техники. - 2000. - № 1.
3. Josefa G., Abdelhamid T., Carlos D. Factors That Influence Career Choice in Engineering Students in Spain: A Gender Perspective// IEEE Transactions on Education. – 2022. – V 65. - №1. – P.81-92.
4. Фомин В.Н., Гладкова И.А. Гендерные особенности профессионального самоопределения учащейся молодежи// Социально-гуманитарные знания. – 2016. - №8. – С.279.
5. Отамуратов С.С. Янги Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-инновацион жараёнлардаги трансформациялашув: социологик таҳлил. Соц.фанлари доктори. дисс.автореф.... - Тошкент: 2021. - Б. 67
6. Ta'lim (stat.uz).
7. <https://mininnovation.uz/ru/news/post-372>



Қосимбой КАБУЛОВ,
Ўрганч давлат университети доценти, (PhD)
E-mail: validamadiyarova@gmail.com

Тош ДАУ доценти, фалсафа доктори, М.Ю.Айтбоев тақризи асосида

ПСИХОЛОГИЯ СОҲАСИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАСИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ушбу мақолада психолог олимлари томонидан касб танлаш масаласининг ўрганилиши ва бу масала хусусида муносабатлари, касб танлаш тизими мезонларининг танланиши, касб танлашга таъсир килувчи омиллар ёритилган бўлиб, унда ўқувчиларни касбга йўналтириш, уларни эркин касб танлашга ўргатиш масалалари ёритилган. Шунингдек, мақолада касб танлашга муносабат омил мезонлари танланишининг илмий-назарий ва амалий-услубий жиҳатлари ҳамда уларни тадқиқ қилишнинг жиҳатлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Касб, касб танлаш, касбга йўналтириш, таълим, тарбия, ислохот, ўқитувчи, ўқувчи, инновация.

АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ СТУДЕНТОВ В ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

Аннотация

В данной статье исследование вопроса выбора профессии психологами и их отношение к этому вопросу, выделение критериев системы выбора профессии, факторы, влияющие на выбор профессии, вопросы ориентации студентов на профессию и обучение их свободному выбору профессии. Также в статье рассматриваются научно-теоретические и практико-методические аспекты выбора критериев фактора отношения к выбору профессии, а также аспекты их исследования.

Ключевые слова: Карьера, выбор профессии, профессиональная ориентация, образование, обучение, реформа, учитель, ученик, инновации.

ANALYSIS OF THE ISSUE OF PROFESSIONAL DIRECTION OF STUDENTS IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH

Annotation

In this article, a study of the issue of choosing a profession by psychologists and their attitude to this issue, highlighting the criteria for the system of choosing a profession, factors influencing the choice of a profession, questions of orienting students to a profession and teaching them a free choice of profession. The article also discusses the scientific-theoretical and practical-methodological aspects of the choice of criteria for the factor of attitude to the choice of profession, as well as aspects of their study.

Key words: Career, career choice, career guidance, education, training, reform, teacher, student, innovation.

Кириш. Ўсмирларда касб танлашга муносабатнинг шаклланиш жараёни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос бўлган ижтимоий психологик хусусиятларни аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар асосида очиб бериш, бугунги кунда таълим – тарбия муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, бугун ҳар жиҳатдан омилкор, масъулиятли, ташаббускор ва жамият тараққиёти учун онгли – фаол ижтимоий шахсини тарбиялаш, уни ўз салоҳиятига мос касбга йўналтира олиш нафақат таълим тизимининг, балки бутун бир давлатнинг ҳам келажак тараққиётига дахлдор бўлган тухим вазифалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мустақиллик мамлакатимизда камолга етаётган ҳар бир йигит қизни касбга тўғри йўналтиришга, уларнинг келажаги ҳақида фикрлашга имконият яратди. Ушбу масалага доир педагогик – психологик илмий изланишлар, фундаментал тадқиқотлар олиб борилди, эмпирик маълумотлар байтадан таҳлил қилинди ҳамда муаммонинг ечимига доир аниқ хулосага келиш учун асос бўлди. Албатта, олиб борилган ушбу тадқиқотлар таҳлиллари кенг маънодаги ижтимоий шахсни ривожлантиришнинг муҳим омил бўлган «Онгли равишда касб танлашга тайёргарлик», «Касб – хунар танлашга йўналганлик», «Касб танлашга у

ёки бу муносабатни шакллантириш» тушунчаларини илмий – назарий тадқиқ қилишни заруратга айлантирди.

Инсон ҳаётидаги энг масъулиятли қадам бўлажак касбни танлашдир. Касб - бу онгли равишда танланган йўл, унда сиз кўп вақт ва куч сарфлайсиз. Бунда қобилиятлар ва характер хусусиятларингиз сизнинг фаолият турингизга мос келиши жуда муҳимдир. Танлаган касбингиз бўйича яхши мутахассис бўлиш учун маълум билим ва қобилиятларга эга бўлишингиз керак. Касб фақат сизга эмас, балки жамиятга ҳам фойда келтириши керак.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш, улардаги касбий муносабат тизimini таҳлил қилиш, касбий консултациялар, касб танлашга доир ташхис методларини ишлаб чиқиш психология фанининг муҳим вазифаларидан биридир. Республикаимизда ташхиснинг бундай методикаларини яратишда маълум тажриба тўпланган. Масалан, ўқувчиларни психологик ўрганиш методикаси (В.А.Токарева, С.Ш.Айтметова) шахсни ўрганиш методлари (М.Г.Давлатшин таҳрири остида Б.Р.Қодиров ва К.Б.Қодировлар ишлаб чиққан) ўқувчиларни касб танлаш вазифаларини ҳал этиш учун ташхислаш методлари [4], Р.З.Гайнутдинов раҳбарлигида яратилган турли касблар учун асосли профессиограммалардир.

Тадқиқот методологияси. Инсоннинг касбий шаклланиш муаммоларини ўрганиш масаласи ҳам фундаментал, ҳам амалий тадқиқотларнинг долзарб

вазифаларидан саналади. Бу борада жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, масалан, Р.З.Гайнутдинов раҳбарлигида касбий тикланишнинг турли муаммоларига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Д.Н.Арзикулов томонидан Аграр университет талабаларининг касбий шаклланиш босқичлари психологик хусусиятларини [1] ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Ш.Б.Сапаровнинг ўқитувчиларининг шахсий-касбий хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотида таъкидланадики, ўқитувчилик касбининг шаклланиши ва ривожланиши уларнинг касбий фаолиятида амалга ошади яъни намоён бўлиш даражаси ва сифати ўқитувчиларнинг ёши ва иш стажига узвий боғлиқдир [6].

Ю.М.Асадовнинг диссертациясида умумтаълим мактаби ўқитувчисининг малака ошириш тизимидан касбий-шахсий ўсиш йўналишини белгилловчи психологик хусусиятлари ўрганилади. Бу босқичда маҳоратни мустаҳкамлаш, касбий тикланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан психологик хусусиятларга боғлиқ [2]. Бундан ташқари тадқиқот ишида мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда касб маҳорати ривожланиши омиллари сифатида ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишнинг долзарблиги илгари сурилган. Унда ўқувчида касб маҳоратининг шаклланиши яхлит компонентларини таснифловчи “ўқувчининг касб маҳорати”, “ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари”, “ўқувчининг психологик тип” каби тушунчаларни белгилловчи ўқитувчининг индивидуал-психологик хусусиятларни психологик типларда интеграллашуви ва уларнинг малака ошириш таъкилий шакллари танлаш мотивациясига таъсирини изоҳловчи индивидуал-психологик хусусиятларнинг ўқитувчи касб маҳоратини ривожлантириш омиллари сифатида аҳамиятини очиб берувчи илмий асосланган маълумотлар келтирилган.

Таҳлил ва натижалар. Психология фанига йирик ҳисса қўшган машҳур олим П.И.Иванов касб танлаш мотивлари, таълимда индивидуал муносабатни рўёбга чиқариш, таълим жараёни фаоллаштириш масалаларига бағишланган асарларида касбий мотивлар, уларнинг даражалари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Айниқса, унинг кизиқиш, мотив, мотивация талқинига оид мулоҳазалари, ғоялари ўз даврида муҳим аҳамият касб этган. И.М.Краснобоев ахлокий тушунчаларни, маънавий идеалларни шакллантириш масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида мотивлар ва мотивация қандай роль ўйнаши тўғрисида янги психологик маълумотлар таҳлил қилиш имкониятига эга бўлган. Унинг фикрича, идеалларни шакллантириш ҳуқуқ мотивларисиз амалга ошиши мумкин эмас, чунки ҳар бир ҳаракат регулятор функциясига ўсиб ўтиши мумкин.

Э.Ғ.Ғозиев ҳам ўз илмий тадқиқотларида касбий мотивлар тўғрисида иш олиб борган. Бу борада Э.Ғ.Ғозиевнинг “Касб танлашнинг психологик асослари”, “Шахс ва касб танлаш”, “Касб психологияси”, “Ўқув фаолиятини бошқариш” сингари асарлари муҳим аҳамиятга эга. Олимнинг мотивацияга бағишланган бир талай асарлари муаммонинг методологик, назарий жабҳаларини текширишга кенг имкон беради. Э.Ғ.Ғозиев шундай ёзади: Касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг асосий мақсади энг аввало, индивидга, ўз кизиқиш қобилияти ва имкониятларини тўлиқ англаш, хоҳиш-истакларини амалга оширишнинг восита ва усулларини тўғри белгилаш ҳамда мустақил қарорга келиши учун имконият ва зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат [7].

Унинг комил ишонч билан таъкидлашига қараганда мотив ва мотивациясини ҳисобга олмасдан туриб кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди. Олимнинг илмий ишлари моҳиятидан мазкур масалага нисбатан

муносабати ва ёндашувини аниқлаш имконияти мавжуд. Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий диагностика муаммоларига доир тадқиқот иши К.Б.Қодиров томонидан олиб борилган. Бунда асосий қоида касбий йўналганлик умуман мойилликларда, кизиқиш ва кадриятларда ифодаланиб, касбий ривожланишнинг мазмуний томони саналади. Касб танлаш чоғида психологик тайёргарлик ёки етуқлик касбий ўзини ўзи англашнинг муҳим омили бўлиб, касбни тўғри танлашга ёрдамлашади ва куч, барқарорлик, кескинликда намоён бўлади, бу онглилик, мустақиллик билан таъминланади ва касбий танловнинг формал-динамик жиҳатига киради.

Ғ.Б.Шоумаровнинг аксарият изланишларида ҳаёт ва фаолиятда муносабат мотивациянинг роли яққол кўзга ташланади. Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, уларни оилавий турмушга тайёрлаш, инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг мотив ва мотивациясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Унинг шогирдлари тадқиқотларида ҳам худди шу ғоя асосий таянч тушунчаси сифатида намоён бўлади.

В.М.Каримовнинг илмий изланишларида касб танлаш мотиви ва мотивацияси муаммосига ижтимоий психологик нуқтаи назардан ёндашиш ўз ифодасини топган. Айниқса, бу масала аёллар ва ёшлар муаммосини очиб бериш, миллий ғоя ва миллий мафкурага ёндашиш назарияларида ўз ифодасини топган. Мулоқот масаласига бевосита ва билвосита ёндашиш жараёнига муносабатиди муаллифнинг шахсий қарашлари яққол намоён бўлади [5].

Ш.Р.Баротовнинг кўпгина изланишларида мотив ва мотивация масалалари билвосита таҳлил қилинган. Ўқув фанларига ўқувчиларнинг муносабатлари, меҳнатга ижобий муносабатни шакллантириш, таълимни фаоллаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал-типологик хусусиятларини ҳисобга олиш масалалари шулар жумласидандир [3].

Р.З.Гайнутдиновнинг докторлик диссертациясида ўқитувчи педагогик фаолияти компонентлари реализацияси даражаси, шахсий хоссалари, омиллари таҳлили асосида касбий фаолиятнинг самарадорлигини белгилловчи қуйидаги мезонларини ажратиш мумкин. Улар:

- шахсий-профессионал компонентлигининг ўз-ўзига нисбати;
- ўзини ўзи долзарблашга интилиш;
- эмоционал барқарорлик ва касбий идентификация;
- ўз-ўзига ҳурмат ва “Мен” нинг ички мувофиқлиги;
- динамизм, ютуқларга эришиш эҳтиёжи, эктровертлик, атрофдагиларнинг ўзига нисбатан позитив муносабатини кутиш;
- интернализм (ички назорат даражаси).

Р.З.Асомова “Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси” номли илмий изланишида касб танлаш мотивлари механизмлари, уларнинг бирламчи манбалари, ҳаракатлантирувчи кучлари, динамикаси ва шахснинг индивидуаллиги масалалари атрофича очиб берилган. Шунингдек, касбий мотивларнинг мутахассисни касбий тайёргарлиги ўртасидаги боғлиқлик, ҳамда касбий ва ўқув мотивлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалалари ҳам кенг доирада тадқиқ қилинган.

Хулоса ва тақлифлар. Касб танлашнинг психологик масалалари Ф.Темуров, техник касбларига йўналтириш мотивацияси Қ.Турғунов, Б.Боймуратов, ўқитувчилик касбини танлаш мотивлари Н.Мажидов, китобхонлик кизиқишлари М.Муратхонова, ўқув мотивлари Ф.Ҳайдаров, И.Б.Суванов, Э.Қулжоновларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Шундай қилиб, шахснинг шахсий ва касбий шаклланиши, касб танлаш мотивлари, шахснинг касб

танлашига таъсир кўрсатувчи омиллар мукаммал ўрганишга бўлган зарурат янги тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Мамлакатимиз психологлари касбий тикланишининг турли босқичларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари таҳлилида ривожланишнинг шахсий омиллари, шахснинг касбий фаолияти доирасида

тикланишининг ҳал қилувчи ролига асосий эътибор қаратилади. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, республикаимиз психологлари томонидан касбга йўналтириш, касб танлаш масалаларига доир бир қатор илмий изланишлар олиб борилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Арзикулов Д.Н. касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари Автореферат психология фанлари номзоди. –Тошкент 2002.-22 б
2. Асадов Ю.М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – Ташкент, 2007.-25 с.
3. Баротов Ш.Р. Ўсмирларда касб танлаш тизими ва унинг ижтимоий - психологик асослари. «Педагогик маҳорат» журнали. Бухоро, 2003, 4-сон, 33-37 бетлар.
4. Давлетшина М.Г. «Психологические аспекты совершенствования профориентационной работы среди молодежи» Тошкент 1982 йил
5. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма.- Т.: А. Қодирий номи халқ мероси нашриёти, 2002 – 205 б.
6. Сапаров Ш. Б. Личностно-профессиональные особенности преподавателей специальных дисциплин средних специальных, профессиональных учебных заведений. Автореф. дис. ...канд. психол. наук. – Ташкент, 1999. – 22 с
7. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ.. Касб психологияси. – Т.: ЎЗПФИТИ, 2003.



Iroda QARSHIYEVA,
Termiz davlat Pedagogika instituti magistranti
E-mail:irodaqarshiyeva@gmail.com

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) M.A.Norbosheva taqrizi asosida

SOCIO-PSYCHOLOGICAL OPPORTUNITIES OF MENTAL AND SOCIAL PREPARATION OF PRESCHOOL CHILDREN FOR THE EDUCATIONAL PROCESS

Abstract

This article talks about the methods of psychological preparation of preschoolers for the educational process and the socio-psychological possibilities of social learning.

Key words: Child, mind, social, thinking, education, psychology, morality, personality, knowledge, socialization.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПСИХИЧЕСКОЙ И СОЦИАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ДОШКОЛЬНИКОВ К ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМУ ПРОЦЕССУ

Аннотация

В данной статье говорится о методах психологической подготовки дошкольников к образовательному процессу и социально-психологических возможностях социального обучения.

Ключевые слова: Ребенок, разум, социальный, мышление, воспитание, психология, нравственность, личность, познание, социализация.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI TA'LIM JARAYONIGA AQLIY VA IJTIMOYIY TAYYORLASHNING IJTIMOYIY PSIXOLOGIK IMKONIYATLARI

Аннотация

Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni ta'lim jarayoniga aqliy jihatdan tayyorlash uslublari hamda ijtimoiy tayyorlashning ijtimoiy psixologik imkoniyatlari haqida so'z bordi.

Kalit so'zlar: Bola, aql, ijtimoiy, tafakkur, tarbiya, psixologiya, axloq, shaxs, idrok, ijtimoiylashuv.

Kirish. Maktabgacha yoshdagi Bolani ta'lim jarayoni-ga aqliy va ijtimoiy tayyorlashda umumiy tasir etuvchi omillarisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Umumiy manoda bolalarning aqliy qobiliyatlarining shakllanishi ijtimoiy jarayonlar bilan birgalikda kechadi. Aqliy tarbiya ijtimoiy tarbiyaning eng muhim jihatlardan biridir. Aqliy tarbiya bu aqlni rivojlantirish maqsadida yosh avlodga muntazam va maqsad asosida pedagogik va psixologik ta'sir ko'rsatish bilan hosil qilinadi.

Demak, aql keng ma'noda sezish va idrok etishdan boshlab to tafakkur va xayolni o'z ichiga oladigan bilish jarayonlari yig'indisi bo'lib, u yosh avlodning insoniyat to'plagan bilimlar, ko'nikma va malakalar, me'yorlar, qoidalar va boshqalarda ro'y beradi. Bu holat kattalar tomonidan amalga oshiriladi va bolalarning aqliy rivojlanishini ta'minlovchi xilma-xil vositalar, metodlarni, kerakli shart-sharoitlarni yaratishni o'z ichiga oladi [4,5,6,].

Ijtimoiylashuv - bu bolaning jamiyatda mavjud bo'lgan ijtimoiy-axloqiy me'yorlar va xulq-atvor qoidalarini o'zlashtirish jarayoni hisoblanadi. Ijtimoiylashuv jarayoni bola tug'ulgandan boshlanib butun hayoti davomida davom etadigan uzluksiz jarayondir. Maktabgacha yoshdagi bolalik davrida bolalar birinchi navbatda ijtimoiy hayot normalarini o'zlashtira boshlaydilar. Bolaning ijtimoiy rivojlanishida asosiy o'rinni xalqimizning uzoq yillar davomida saqlanib kelayotgan axloqiy qadriyatlarini o'zlashtirish va keyinchalik umuminsoniy axloqiy qadriyatlari takomillashadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning axloqiy tarbiyasi, xulq-atvori kattalar bilan muloqot jarayonlarida shakllanadi va tengdoshlari bilan turli xil qo'shma tadbirlar va munosabatlarda mustahkamlanadi. Bola shaxsiyatning axloqiy va ijtimoiy rivojlanishi axloqiy munosabatlarga kirishish jarayonida sodir bo'ladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda ushbu munosabatlar kattalarning ma'lum qonun-qoidalari, ko'rsatmalari hamda talablari asosida shakllanadi. Bolaning

har tomonlama kamol topishi va kamoloti, shaxs manfaatlarini ro'yobga chiqarishning sharoitlarini va ta'sirchan mexanizmlarini yaratish, eskirgan aqliy tafakkur va ijtimoiy xulq-atvorning usullarini o'zgartirish mamlakatimizda maktabgacha ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va muhim harakatlantiruvchi omil hisoblanadi [3].

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Bolalarni ta'lim jarayonlariga aqliy jihatdan tayyorlash bo'yicha hozirda ko'pgina olimlarining tadqiqot ishlari olib bormoqda. Shuni alohida takidlab o'tish joizki bolalarni ta'lim jarayonlariga aqliy va ijtimoiy tayyorlash bo'yicha markaziy Osiyolik mashhur allomalar: Abu Nasr Forobiy, Alisher Navoiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Kaykovus, Ahmad Donish, Furqat, Muhammad al-Xorazmiy, Abdulla Avloniy kabi dunyoga dong'i ketgan allomalarimiz, mutafakkirlarimizning, qator asarlarida ta'lim-tarbiyaga katta e'tibor qaratilgan. Abu Nasr Forobiy o'zining "Fozil shahar kishilarining qarashlari" asarida tarbiya orqali insonga beriladigan 12 fazilatni sharhlab beradi.

O'zbekistonda maktabgacha ta'lim muassasalarida bola shaxsining rivojlanishi va interfaol metodlarini amalga oshirishning metodik ahamiyati shakllantirish muammolarini Z.Rahimova, SH.Munavvarov, N.Egamberdiyeva, S.K.An-namuratova, S.Bulatov, F.B.Valixojayeva, H.Nurmatov, A.Sulaymonov va boshqa tadqiqotchilar o'rganishlari [6].

Sharq va G'arb xalqlari yaratgan og'zaki ijodiyoti, buyuk mutafakkir, pedagog va olimlarning ta'lim-tarbiyaga doyr ilg'or fikrlarini o'rganib, tahlil qilib, barkamol insonni tarbiyalash jarayonini o'rganish biz uchun juda qimmatlidir:

ta'lim-tarbiya to'g'risidagi qonun-qoida tamoyil, metod va usullarni bolalar bog'chalari amaliy hayoti bilan bog'lash;

- o'qituvchilarga o'rgatish hamda xalq ta'limini boshqarish va rahbarlik masalalarini chuqur o'rganib, bo'lajak tarbiyachilarni qanday tayyorlash muammolarini hal qilish;

- maktabgacha tarbiya muassasalarida oila bilan uzviy hamkorlikda bolalarni har tomonlama rivojlantirish ishini amalga oshirish. Bunday vazifalarda tadqiq etish:

- birinchidan, bolalar sog'lig'ini saqlaydi va mustahkamlaydi, jismoniy rivojlanishini ta'minlaydi;

- ikkinchidan, ilimga qiziqish va qobiliyatlarini rivojlantiradi;

- uchinchidan, Vatanga, tabiatga, jonajon o'lkaga muhabbat, kattalarga hurmatni, o'rtoqlik va jamoatchilik, xayrixohlik, xulq madaniyati, mustaqillik, uyushqoqlik va intizom, mehnatsevarlik kabi ijobiy fazilatlarini tarbiyalaydi;

- to'rtinchidan, estetik tarbiyani amalga oshiradi [5].

Tadqiqot metodologiyasi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni aqliy tarbiyalashda tarbiyalanuvchi bolalarning fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda tarbiyachilarning ma'lum bir maqsadni ko'zlagan holda pedagogik texnologiyalar qo'llagan holda ta'sir etishi lozim. Qo'llanilayotgan texnologiyalar bolalarga tevarak-atrofdagi olam haqida bilimlar berishni, ularni tizimlashtirishni, bolalarda bilishga qiziqish uyg'otish, aqliy malaka va ko'nikmalarni tarkib toptirishni, bilim qobiliyatlarini rivojlantirishni o'z ichiga oladi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni maktabga tayyorlashda aqliy tarbiyaning roli alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki aql his-tuyg'ular va idrok etishdan tortib, fikrlash va tasavvur etishgacha bo'lgan jarayonlar yig'indisidir [1,6].

Tahlil va natijalar. Bolalarda aqliy faoliyatni rivojlantirish ko'p jihatdan bilim hajmi va xususiyatiga bog'liq bo'ladi. Aqliy faoliyatni rivojlantirishda psixik jarayonlarning ya'ni: sezgi va idrok etish, ta'ssurot, xotira, fikrlash, tasavvur hamda nutqni shakllantirishi lozim. Bunda bolalarga aqliy faoliyatning g'oyat samaradorligini ta'minlaydigan his-tuyg'ularning nozik va aniq bo'lishi, idrok etish, xotiraning mustahkamligi hamda tafakkur qilish, mantiqiy fikrlash va moslashuvchanlik, ijodiy fikrlay olish xususiyatini shakllantirish zarur. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar o'zlariga tushunarli bo'lgan ijtimoiy voqea va hodisalar, kishilarning mehnati, umumxalq bayramlari, respublikamizda yashaydigan ba'zi xalqlar hayoti bilan tanishtiriladi. Bu tadbirlar ularda jamiyatimiz ijtimoiy hayotiga qiziqish uyg'otish, Vatanga muhabbat tuyg'usi va baynalmilalchilik asoslarini shakllantirishga yordam beradi. Bola tug'ilganda hech narsani bilmaydi va hech narsa qilolmaydi. U rivojlanishning birmuncha yuqoriroq darajasiga ko'tarilib biror bir foydali ish uchun ko'pgina bilim va malakalarini eslab qolishi kerak. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning xotirasi ko'pincha beixtiyor tarzda bo'ladi. Shuningdek, maktabgacha

tarbiya yoshidagi bolalarning aqliy rivojlanishida xayol muhim rol o'ynaydi [9].

Xayol bolaning hayoti jarayonida, uning faoliyatida ta'lim va tarbiya ta'sirida tarkib topadi. Bolaning xayoli u syujetli o'yinlar o'ynay boshlaganida, kattalar qiziqarli e'taklar aytib berganida, o'sha e'taklarga qiziqish orqali dastlabki alomatlar paydo bo'ladi. Katta bog'cha yoshiga kelganda, bolaning tajribasi ortib, faoliyati murakkablashadi va buning natijasida bola xayolida sezilarli o'zgarish yuz beradi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni aqliy tarbiyalash vazifalarini jamiyatimizning ijtimoiy talablariga va insonning aqliy rivojlanish mohiyati va tabiatiga asoslanib ishlab chiqadi.

Aqliy tarbiyani rivojlantirishda quyidagilarga a'lohida e'tibor berish zarur:

1. Bolalarda tabiat va jamiyat to'g'risidagi nazariy hamda amaliy bilimlar tizimini hosil qilish, ilmiy dunyo-qarashini shakllantirish.

2. Aqliy faoliyat, bilish jarayonlari va qobiliyatlarni, aqliy jarayonning xilma-xil usullarini rivojlantirish.

3. Mustaqil bilish qobiliyatlarini, aqliy mehnat madaniyatini rivojlantirish.

4. Aqliy bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlantirish [1,8,10].

Xulosa va takliflar. Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki maktabgacha yoshdagi bolada aqliy va ijtimoiya jarayonlarga tayyorlashda, ijtimoiylashuv xususiyatlarini rivojlantirishda eng avvalo ota-onalar hamda maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachilari birgalikda to'g'ri yondashishlari lozim. Chunki to'g'ri tashkil etilgan faoliyat davomida, atrofdagi kishilar bilan kundalik munosabatda bolalarning aqliy faoliyati, jismoniy va axloqiy hamda ijtimoiy rivojlanishi takomillasha boradi. Shuning uchun ham bolalarning aqliy va ijtimoiy faolligini bilish, bolalarda foydali odatlarni rivojlantirish, ijobiy xarakter belgilarini shakllantirishda ota-onalar va muassasalarda yurutayotgan tarbiyachilarning faoliyatiga bog'liq.

Maktabgacha ta'limda ijtimoiy ta'limning asosiy vazifalari quyidagilar deb belgilanadi:

bolalarni xalqimizning milliy, madaniy tarixiy va umumbashariy qadriyatlarini asosida aqliy va ijtimoiy jihatdan tarbiyalash;

bolalarda milliy g'urur, vatanga muhabbat, kabi tuyg'ularni shakllantirish;

maktabgacha yoshdagi bolalarda o'qishga intilish mayllarini shakllantirish;

bolalarning tafakkurini rivojlantirgan holda, o'zining fikrini mustaqil ifoda eta olish ko'nikmasini shakllantirish.

ADABIYOTLAR

1. Abduqodirov A.A., Begmatova N.X. Maktabgacha ta'lim muassasalarida multimedia texnologiyasidan foydalanish uslubiyoti (o'quv-uslubiy qo'llanma). Qarshi: Nasaf, 2011.
2. Axmedova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning o'zlashtirish darajasini aniqlash va tahlil qilish. Bola shaxsini rivojlantirishning dolzarb muammolari mavzusidagi II xalqaro anjuman. – T.: 2009.
3. Asqarova D.Q. "Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash metodikasi" o'quv qo'llanma Toshkent-2020 11-b
4. Usupova P.Y. Maktabgacha tarbiya pedagogikasi. - T., "O'qituvchi". 1993.
5. Mavlonova R.A., To'raeva O.T., Xoliqberdiev U.M. Pedagogika. — T., "O'qituvchi". 2001.
6. Raxmanova M.Q., Ismadiyarova U.A. "Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni maktabga tayyorlashda aqliy tarbiyaning roli". Academic research in educational sciences volume 2 | issue 4 | 2021 514-522 b
7. Sayipnazarova M. "Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijtimoiylashuvi". scientific progress volume 3 | issue 3 | 2022 247-250 b
8. Samarova S. R., (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7(10), 37-43
9. Shokarimova K. A., (2020). Pedagogik qobiliyat va pedagogik mahoratning talimtarbiya berishdagi ahamiyati. Science and Education, 1(Special Issue 2).
10. Tojiboyeva G.R., Pulatova D.T. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. academic research in educational sciences volume 1 | issue 3 | 2020 issn: 2181-1385 scientific journal impact factor (sjif) 2020: 4.804, 209-215
11. Qodirova F.R. "Maktabgacha pedagogika" darslik. Toshkent: Tafakkur nashriyoti, 2019 - 688 b.
12. Hasanboyeva O., M.Tadjieva, Sh.Toshpulatova va boshq. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi". T.: Ilm-ziyo, 2012.



Самигул ҚАЮМОВА,
Термиз давлат педагогика институтини магистранти
E-mail: qayumovasamigul@gmail.com

Педагогика фанлари доктори, доцент Қ.Қодиров тақризи асосида

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА АРТ-ТЕРАПИЯ УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Аннотация

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларнинг психологик барқарорлигини шакллантириш, руҳий саломатлигини мустаҳкамлашда арт-терапиянинг ўрни, ҳар томонлама ривожланган шахсини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бошланғич синф ўқитувчиси томонидан арт-терапия усулларида фойдаланишнинг хос хусусиятлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Арт-терапия, бошланғич мактаб ёши, руҳий саломатлик, психологик барқарорлик.

METHODS AND TOOLS OF ART THERAPY IN THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS

Abstract

The article analyzes the role of art therapy in the formation of psychological stability of elementary school students, strengthening their mental health, and the characteristics of the use of art therapy methods by the elementary school teacher in order to create favorable conditions for the formation of a comprehensively developed personality.

Key words: Art therapy, primary school age, mental health, psychological stability.

МЕТОДЫ И СРЕДСТВА АРТ-ТЕРАПИИ В РАЗВИТИИ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Аннотация

В статье анализируется роль арт-терапии в формировании психологической устойчивости младших школьников, укреплении их психического здоровья, а также особенности использования арт-терапевтических методов учителем начальных классов с целью создания благоприятных условий для формирования всесторонне развитая личность.

Ключевые слова: Арт-терапия, младший школьный возраст, психическое здоровье, психологическая устойчивость.

Кириш. XXI аср бошлари фан-техника тараққиёти, энг янги ахборот технологиялари ва улар билан бирга уларга мослашишдаги қийинчиликлар ва ноқулайликлар туфайли одамлар ҳаётида стресс, хиссий кечинмалар, кайфиятнинг кескин ўзгариши, ўз қобилиятига ишончсизлик, чарчоқ, тушқунлик, ўз келажаги ва фарзандларимиз келажагидан қўрқиш каби ҳолатлар пайдо бўлади.

Шу сабабли, ёш авлоднинг руҳий саломатлигини сақлаш муаммосида этакчи ўрин арт терапияга берилади. Бу ерда таълимнинг дастлабки босқичи алоҳида аҳамиятга эга, чунки боланинг ёш ривожланишининг ушбу даврида психологик барқарорлиқни шакллантириш, шахсни ва характер хусусиятларини шакллантириш содир бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Арт-терапия ёрдамида руҳий саломатлиқни сақлаш ва баркамол шахсни шакллантириш Г.Васянович, Г.Вашченко, З.Кисарчук, К.Василenco, В.Верховинетс, В. Диденко, Ю. Косенко, О. Лавриненко, М. Лешченко, О.Руднитска, С.Русова, В.Сухомлинский. каби қўплаб олимлар томонидан ўрганилаётган муаммодир[1].

Ижодий шахсни ривожлантириш, ўзини эркин ифода этиш ва ўзини ўзи билиш мақсадида таълим муассасасининг ўқув жараёнида бадий терапиянинг турли турларидан фойдаланишнинг долзарблиги ва самарадорлиги Г.Батишчева, В.Драганчук, У.Дутчак, Н.Евстигнеева, О.Олексюк, В.Петрушин, Г.Побережна ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг қўламли илмий ишлар билан тасдиқланган[2].

Бугунги кунда мамлакатимизда арт-терапия соҳаси бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган, лекин амалиётчи психологларга психологик хизмат жараёнида арт-терапиянинг самарали усуллари қўллаш тавсия этилмоқда. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг тасвирий санъат, технология фанлари таркибида арт-

терапиянинг турлари киритилган бўлиб, ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу муаммо бўйича замонавий илмий ишлар таҳлили бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий фаолиятида арт-терапия усулларида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу усуллари таълим муҳитига жорий этиш муаммоси ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган ва шунинг учун чуқур тушуниш, асослаш ва амалий ҳал қилишни талаб қилади.

Тадқиқот методологияси. Арт-терапия ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларнинг психологик барқарорлигини шакллантириш муаммосини шахс ривожланишининг энг муҳим омили сифатида қўриб чиқиш.

Таҳлил ва натижалар. Арт-терапия нафақат психотерапияда, балки социология ва педагогикада ҳам одамларнинг руҳий саломатлигини даволаш ва олдини олишнинг нисбатан янги усули ҳисобланади. Бу атама биринчи марта 1938 йилда Адриан Хилл томонидан сил билан касалланган беморлар билан ишини тавсифлашда ишлатилган ва тез орада кенг тарқалди.

Илмий-педагогик маънода “арт-терапия санъат ва ижоднинг турли шакллари ёрдамида шахс, гуруҳ ёки жамоани ривожлантириш ва ўзгартириш усули сифатида қаралади. Ижодий мақсадлар катта аҳамиятга эга бўлса-да, арт-терапияда биринчи ўрин ҳали ҳам терапевтик мақсадларга берилади”[3].

Бугунги кунда арт-терапия ривожланишининг янги йўналиши – педагогик йўналиш пайдо бўлиб, у “шахснинг маълум бир “ижтимоий терапияси” ва унинг хатти-ҳаракатларидаги стереотипларни бадий фаолият ёрдамида тузатишдан иборат” [4].

Арт-терапиянинг педагогик йўналиши клиник бўлмаган йўналишга эга, яъни у потенциал соғлом шахс учун мўлжалланган, шунингдек, боланинг руҳий

саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлиб, асосан профилактика ва коорекцион функцияларини бажаради.

Ҳозирги кунда ўқувчиларни маънавий, ахлокий, жисмоний баркамол, кенг фикрли шахс сифатида камол топтириш, бугунги куннинг асосий вазифаси саналади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сонли қарориди “Психологик хизматнинг мақсади ўқувчиларнинг маънавий ва ақлий ривожланиши, баркамол шахс сифатида шаклланиши, фаол ижтимоий мослашуви ва уларнинг ёш давлари бўйича ривожланишида саломатлигини муҳофаза қилиш, узлуксиз таълим жараёнида ўзлигини англаш, индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва намаён этишлари учун психологик–педагогик шарт – шароитлар яратишдан иборат”[5], деб кўрсатилган. Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда мактаб амалиётида психологик хизматни самарали ташкил этиш чора–тадбирлари кўриб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Шунингдек, психологик хизматнинг таркибига кирувчи арт–терапия воситаларини қўллаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, жамиятда ижодкор, тафаккури кенг шахсни ривожлантириш бугунги куннинг талабларидан бўлиб, бу талабни бажаришда арт–терапиянинг ўрни бекиёсдир.

Арт–терапия – бу психотерапиянинг бир қисми сифатида пайдо бўлган амалиёт соҳаси бўлиб, ўзини эркин ифода этиш воситаси сифатида, ишонч, бағрикенглик ва инсоннинг ички муҳитига эътибор муҳитини англади. Арт–терапия ўқувчиларда ижобий ҳис туйғуларни уйғотади, бефарқлик ва ташаббуснинг етишмаслигини енгитишга, фаолроқ ҳаётий позицияни шакллантиришга ёрдам беради[6].

Арт–терапия қайта кашф этилган амалиётлардан бири бўлиб, маҳаллий тадқиқотчилар орасида қизиқишга сабаб бўлди. Психотерапевтик ишнинг бир тури сифатида бу санъатнинг терапевтик мақсадларида фойдаланиш бўлиб, “мижозларни” турли ижодий фаолиятга жалб қилишни ўз ичига олади. Лекин психотерапия соҳасига расмий мансуб бўлишига қарамай, у баъзи умумий маданий йўналишларнинг ўзаро таъсирининг намунаси бўлиб, айни пайтда фаол омил, уларни шакллантириш ва йўналтирувчи, янги кадрларни яратувчи восита ҳисобланади [7].

Арт–терапиянинг кўпгина усуллари ва воситалари мавжуд. Улар: Изотерапия, эртақ терапия, мусиқа терапия, кум терапия, фототерапия, хромотерапия, мандала терапия, ўйин терапия, маска терапия, кўғирчоқ терапия ва ҳоказо.

Изотерапия – тасвирий санъат ёрдамида даволаш. Бугунги кунда ушбу техника энг машҳурлардан биридир. Чизиш инсонга чуқур низоларни енгитиш, ғазаб, тажовуз ва умидсизликни ташлаш имкониятини беради[8].

Арт–терапия куйдаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади:

санъат дарслари одамга салбий ҳис–туйғуларни, жумладан, тажовузни ижтимоий мақбул шаклда озод қилиш имконини беради. Масалан, ҳайкаллар ёки чизмалар устида ишлаш стрессни енгиллаштириш ва алмаштиришга ёрдам беради;

санъат оғзаки бўлмаган мулоқот қилиш имконини беради. Баъзан одам ички низоларни визуал тасвирлар ёрдамида, сўзларни ишлатмасдан, нима юз бераётганини тўғри тасвирлашга ҳаракат қилмасдан тушуниши ва ифодалашни осонроқ бўлади;

санъат дарслари ўқувчи ва унинг ўқитувчиси ўртасида тезкор алоқа ўрнатишга, керакли ишонч даражасига эришишга, хижолатни енгитишга ва машғулотлар учун қулай шароит яратишга имкон беради;

санъат дарслари ўзини тута билиш ва ўзини тарбиялаш туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради;

техника, шунингдек, сезгиларга диққатни жамлашга, янги тажриба орттиришга хизмат қилади;

барча турдаги арт–терапия ўз–ўзини ҳурмат қилишни оширишга ёрдам беради. Бунда машғулотларга қатнашган ўқувчилар иш тугатганидан сўнг мамнун бўлишади (масалан, расм ёки ҳайкални тугатгандан сўнг). Бундан ташқари, санъат кўпинча одамга янги бадиий қобилиятларни кашф этишга ёрдам беради.

Шунингдек, бошланғич мактаб ўқувчилари учун деярли барча турдаги арт–терапия катта имкониятлар очади. Ўқувчилар ижодий ёндашган ҳолда, яратишни давом эттириши мумкин ва келажақда бирон бир фаолият уларнинг касбига айланиши мумкин.

Ҳозирги кунда замонавий мактабда доимий ўзгарувчан ҳаётий вазиятларга мослаша оладиган, вазият ва муаммоларни ностандарт тарзда ҳал қилиш йўллари излаб оладиган ижодий ўқувчиларни тарбиялашни талаб қилинади. Психологик тадқиқотларда ижодкорликни ривожлантириш билан боғлиқ соҳалар алоҳида ўрин тутади. Ўқувчиларда ижодкорликни, ижодий тафаккурни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Арт–терапия воситалари ўқувчиларнинг ижодий шахсини ривожлантиришни инсоний жиҳатдан қўллаб–қувватлаш қобилиятига эга, бунда улар айниқса, машғулотларга муҳтож, унинг қобилиятларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Ўқув жараёнида арт–терапиядан фойдаланиш ўқувчиларнинг ижодкорлигини яхшилайти, уларнинг ижодий салоҳиятини оширади ва шахсий фазилатларини (қизиқиш, тасаввур, топқирлик, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш қобилияти) шаклланишига ёрдам беради.

Арт–терапия шахсий, маданий, бадиий ва эстетик ривожланиш жараёнини назарий тушуниш, санъат ва бадиий–ижодий фаолият орқали ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш учун ривожланиш, тарбиялаш, таълим, санъат ёрдамида тузатиш жараёнига таъсири орқали санъат, психология, психотерапия ва педагогика билимларини синтез қилади.

Арт–терапия машқлари мактаб ўқувчиларининг визуал ишидаги қийинчиликларини енгитишга ёрдам беради, уларнинг ижодий тафаккури ва тасаввурларининг ўз–ўзидан пайдо бўлишини рағбатлантиради. Арт–терапия воситаларидан фойдаланиш мактаб ўқувчиларининг турли хил материаллар, шакллар билан тажриба ўтказишга, турли масштабларда чизмаларда фойдаланишга асосланган. Арт–терапия воситаларидан фойдаланган ҳолда мактаб ўқувчиларининг ижодкорлик жараёнини (равонлик, мослашувчанлик, ўзига хослик ва ривожланиш), шунингдек, уларнинг шахсий фазилатларини муваффақиятли шакллантиришдаги, ўқувчиларнинг дарсларга ички мотивацияси даражасини оширишга имкон беради. Ўқув фаолияти самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади[9].

Ижодий фаолиятнинг табиатига кўра арт–терапиянинг куйдаги турлари ажратилади: тасвирий санъатга асосланган чизма терапияси, библиотерапия (адабий композицияси ва адабий асарларни ижодий ўқиш), драма терапияси, мусиқа терапияси, вокал терапияси (кўшиқ билан даволаш), кинезотерапия (ракс терапияси, тузатиш ритмикаси)[10].

Педагогларнинг фикрига кўра бошланғич мактабда ўқув жараёнида қўлланиладиган ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш усуллари ақсарияти доимо болаларнинг тафаккурининг маълум бир характери ва ривожланиш даражасига қаратилган бўлиб, натижада ҳамма нарсани ўз ичига олмайди [11].

Арт–терапия усуллари замонавий мактабнинг педагогик амалиётида шахсга йўналтирилган таълим ва тарбиянинг инновацион технологияси сифатида қўллашнинг ўзига хос хусусияти бир қатор диагностик,

психотерапевтик, тарбиявий, ривожлантирувчи, тузатиш вазибаларини ҳал қилишдан иборат:

1. Диагностика. Арт-терапия иши жараёнида ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ривожланиши ва индивидуал хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имкониятига эга. Ўқув ва дарсдан ташқари машғулотларда болаларни кузатиш жараёнида ўқитувчи уларнинг қизиқишлари, қадриятлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши, ички дунёсини кўриши, ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини ҳис қилиши, шунингдек, махсус тузатишга муҳтож бўлган муаммоларни аниқлаши мумкин. Арт-терапия машғулоти жараёнида шахслараро муносабатларнинг табиати осонгина очилади, ички, чуқур шахсий муаммолар аниқланади.

2. Психотерапия. Ижодий фаолият жараёнида ҳиссий илиқлик, хайрихоҳлик, эмпатик мулоқот, бошқа одамнинг шахсиятининг қадриятларини тан олиш, унинг ҳис-туйғулари, тажрибалари ва унга ғамхўрлик қилиш муҳити туфайли "шифобахш" таъсирга эришиш мумкин. яратилган. Меҳнат жараёнида ўқувчиларда психологик қулайлик, хавфсизлик, қувонч ва муваффақият ҳисси пайдо бўлади, бунинг натижасида боланинг ҳиссий соҳасининг шифобахш салоҳияти сафарбар қилинади.

3. Таълим. Гуруҳда, жамоавий иш шаклида арт-терапия элементлари билан топшириқларни бажаришда ўқувчилар жамоада ишлаш ва ўзаро муносабатда бўлишни ўрганадилар, тўғри мулоқот қилиш, ҳамдардлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам кўникмаларини эгаллайдилар, бу эса шаклланишига ижобий таъсир қилади. кучли, дўстона жамоа, ахлоқий ва ахлоқий умуминсоний қадриятлар. Биргаликда арт-терапия иши жараёнида тенгдошлар билан ҳам, ўқитувчи билан ҳам очик, ишончли муносабатлар яратилади.

4. Ривожланиш. Бадий ифоданинг турли шакллари билан фойдаланиш туфайли ҳар бир ўқувчи у ёки бу фаолиятда муваффақиятга эришадиган, берилган вазибаларни мустақил равишда ҳал қиладиган шароитлар яратилади. Шу билан бирга, "муваффақият ҳолати" пайдо бўлади, бунинг натижасида ўқувчиларда қониқиш ҳисси,

ўз кучига ишониш, қадр-қиммат ва ўзини ҳурмат қилиш ҳисси пайдо бўлади. Кичик мактаб ўқувчилари ҳиссий тажрибаларни оғзакилаштиришни, мулоқотда очиқликни ўрганадилар.

5. Тузатиш. Илгари деформацияланиши мумкин бўлган "мен" имиджини тузатиш жуда муваффақиятли бўлади, ўз-ўзини ҳурмат қилиш яхшиланади, ҳатти-ҳаракатларнинг нотўғри шакллари йўқолади ва бошқа одамлар билан ўзаро муносабатлар усуллари яхшиланади. Айниқса, ҳиссий ва иродали соҳаларнинг ривожланишида оғишлар мавжуд бўлган кичик мактаб ўқувчилари билан ишлашда ижобий натижаларга эришиш мумкин, чунки арт-терапия фаолияти ўқувчиларнинг ташвиш, тажовузкорлик, қўрқув, уятчанлик ва гиперактивлик даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Хулоса. ўқувчиларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлашда бошланғич мактаб ўқув жараёнида арттерапия воситаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Дарсларда арт-терапия усуллари билан фойдаланиш ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, ўқувчиларнинг ҳиссий соҳасини бойитиш, дунёқарабини чуқурлаштириш, ўқувчиларнинг тасаввур ва тафаккурини фаоллаштиришни таъминлайди. Арт-терапия усуллари ўқувчиларга ўзларини, улар яшаётган дунёни топиш ва тушунишга, ҳар қандай янги муҳитга мослашишга, тенгдошлари, ўқитувчилари ва ота-оналари билан муносабатлар ва мулоқот ўрнатишга ёрдам беради. Айнан ўқув жараёнида ҳар томонлама ривожланган, психологик жиҳатдан барқарор, соғлом ва маънавий жиҳатдан бойитилган шахсни шакллантиришга ёрдам берадиган арттерапия воситаларидир.

Замонавий ўқитувчи шахснинг уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг ижтимоий саломатлигини шакллантириш, ижтимоий-табiiй муҳит ва шахсий "мен", уйғунлик билан ахлоқий-психологик, маънавий мувозанатга эришишга йўналтирилганлиги учун жавобгардир. ўзи ва атрофидаги дунё билан.

АДАБИЁТЛАР

1. Булах М. Образотерапия : зняття психологічного напруження та стресових станів у дітей. Психолог. 2012. № 13 (14). С. 68–72.
2. Лебедева Л. Арт–терапия и педагогика. Педагогика. 2000. № 9. С. 27–34.
3. Власюк М. Арт–терапия: лечение духом. Откровенный урок: разборки, технологии, досвид. 2008. № 7 (8). С. 90.
4. Мирошниченко Т. Введение арт–терапии в образовательно–воспитательное пространство начальной школы: историко–методический аспект. Педагогические науки. 2012. Вып. 3. С. 26–30.
5. Vazirlar Mahkamasining 2019–yil 12–iyul 577–sonli “Psixologik xizmat to‘g‘risidagi nizom” qarori. Lex.uz.
6. Baratov Sh.R. “Ta’limda psixologik xizmat”. BuxDU nashriyoti. 2007–y
7. Сосновикова Н.Ю. Использование арт–терапии в начальной школе. М.2012.
8. Тихонович Л.А. Опыт исследования практики Арт–терапии в XX в. Игровой контекст современного искусства. Москва – 2005 й.дисс. кандидат философских наук
9. Хомяков Д.С. Формирование креативности подростков и старших школьников средствами арт–терапии. Москва– 2006. дисс. кандидат психологических наук.
10. Куракина С.В. Коррекция социальной дезадаптированности младших школьников с помощью средств арт–терапии Москва. 2007 й. дисс. кандидат психологических наук,
11. Алексеева М.Ю. Развитие творческого мышления младших школьников средствами арт–терапии: на материале обучения иностранному языку. Москва – 2007 й. дисс. кан. педагогических наук.



УДК: 811.93:004.032.6

Санобар КУЛДАШЕВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

E-mail: kuldashaeva1777@gmail.com

Тошкент давлат шарқишунослик институти профессори, ф.ф.д. Б.Тўхлиев тақризи асосида

THE USE OF MULTIMEDIA TECHNOLOGIES IN TEACHING THE NATIVE LANGUAGE

Abstract

The article discusses new approaches to teaching the native language in a secondary school, the integration of language education with ICT, the use of multimedia tools in teaching the native language, the norms and criteria for the use of multimedia tools, the level of intensity and content. The opinions expressed by scientists about the advantages of multimedia in teaching the native language are explained.

Key words: Multimedia, media culture, audiovisual, video, audiotext, animation

ПРИМЕНЕНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РОДНОМУ ЯЗЫКУ

Аннотация

В статье рассматриваются новые подходы к обучению родному языку в общеобразовательной школе, интеграция языкового образования с ИКТ, использование мультимедийных средств в обучении родному языку, нормы и критерии использования мультимедийных средств, уровень интенсивности и содержания. Объясняются мнения, высказанные учеными о преимуществах мультимедийных средств в обучении родному языку.

Ключевые слова: Мультимедийные средства, медиакультура, аудиовизуальные средства, видео, аудиотекст, анимация

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА МУЛЬТИМЕДИАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАТБИҚИ

Аннотация

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг она тили таълимидаги янгича ёндашувлар, тил таълимини АКТ билан интеграциялаш, она тилини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг меъёр ва мезонлари, интенсивлик даражаси ва мазмуни ҳақида фикр юритилган. Олимларнинг она тилини ўқитишда мультимедиа воситаларининг афзалликлари ҳақида билдирилган фикрлари изоҳланган.

Калит сўзлар: Мультимедиа воситалари, медиамаданият, аудиовизуал воситалар, видеоролик, аудиоматн, анимация

Кирish. Замонавий дунё жамият олдида замонавий талабларни қўяди. Бундай жамиятда ўрта таълим мактабларининг олдида замонавий билимли, ахборотни саралай оладиган, медиамаданияти шаклланган, танланган вазиятда мустақил равишда масъулиятли қарорлар қабул қила оладиган, уларнинг оқибатларини башорат қила оладиган, ривожланаётган мамлакат учун масъулият туғғусига эга авлодни тарбиялаш вазифаси туради. Янги авлодни тарбиялаш учун замонавий ўқитувчи АКТга оид билимларга эга бўлиши лозим. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни, асосан, интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмоқда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон луғатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим”[1]. Албатта, интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб бораётгани она тилини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Дарҳақиқат, мультимедиа воситаларининг имкониятларидан унумли фойдалана олиш ўқитувчи ва ўқувчини янги таълим муҳитига олиб кирази, кўпроқ ва кенгрок маълумот эгаллаш учун шарт-шароит яратади. Педагог-психолог Р.Э.Мейернинг тадқиқотларига кўра, вербал ва визуал материаллар синхрон тақдим этилганда, оптимал ўрганиш содир бўлади[2]. Маълумотларни турли идрок каналлари орқали бир вақтда қабул қилиш тингловчиларни назарий билимларини сезиларли даражада ошириш билан бирга уларнинг фикрлаш, когнитив фаолият даражаларини


ривожлантиради. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига асосан, мультимедиа таълим катта имкониятларга эга бўлиб, ўқитувчининг дидактик имкониятларини оширади, ўқув жараёни ва ўқувчи шахсининг захираларини очиб беришда имкон беради. Р.К.Миньяр-Белоручев тадқиқотларида мультимедиа дастурлари нафақат тўғри ўқиш, талаффуз ва грамматик қондаларни ўрганишда, балки минтақавий ва социолингвистик маълумотларни тақдим этишда ҳам қулай восита эканлигини таъкидлайди[3]. Гарчи олим француз тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда мультимедиа воситаларининг муҳимлигини назарда тутган бўлса-да, она тилини ўқитишда ҳам Р.К.Миньяр-Белоручевнинг мазкур фикрлари аҳамиятини йўқотмайди. Она тилини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатганлиги сир эмас. А.Шукин “Таълимнинг аудиовизуал воситаларидан системали фойдаланиш ўқувчига мотивация берибгина қолмай, тил ўрганишдаги бўшлиқларни тўлдириш учун ҳам хизмат қилиши ҳамда дарснинг барча босқичларида мурожаат қилиш мумкин”[4]лигини таъкидлайди. Бугунги кунда доска ва бўр ўрнини проектор ва интерфаол доскалар эгаллади. Дарсда ўзлаштирилаётган материал ва маълумотларни энди нафақат дарслик, балки дарсликларнинг электрон иловалари, ҳатто ижтимоий тармоқлардан ҳам топиш мумкин. Шунинг учун таълим жараёнини интерфаол технологиялар асосида ташкил этишда янгича қарашлар, янгича ёндашувлар зарурати туғилди. Бугунги мактаб ўқувчилари замонавий ахборот технологиялари (шахсий компьютер, интернет хизматлари)дан жуда фаол фойдаланадилар. Муболағасиз айтиш мумкинки, ёшларимиз ижтимоий тармоқларнинг компьютер ўйинлари, аудио-видео маҳсулотлари ва бошқа элементларида тарбияланишлар. Шу боис замонавий

дарсининг таркибига мультимедиа технологияларини олиб кириш, она тили дарсларини АКТ билан интеграциялаш устувор йўналишлардан биридир.

Методист олима Т.М.Воителева “Ўрганиш самарадорлиги турли сезги органларининг ўқув материални идрок этиш ва ўзлаштиришдаги иштироки даражасига боғлиқ”[5]лигини таъкидлаган. Аудио, видео, анимация, турли схема ва диаграммалар билан алоқадорлик таъминланганда ўқувчи кўриш ва эшитиш орқали идрок этади. Натижада унда воқеа-ҳодисани ҳис қилиш, ундан завқ, роҳат, қувонч, муҳаббат ҳисларини туйиш туйғуси пайдо бўлади. Барча сезги аъзоларининг иштирокини таъминлаш ўрганишнинг натижадорлигини оширади. Аудиоматндан эшитган сўз ва гапларини таҳлил қилади, изоҳлайди, у асосида ёзма ишлар ёзади; видеороликларни кўради, хулоса чиқаради, у асосида берилган топшириқларни бажаради; анимациялар ёрдамида яратилган ибратли ёки танқидий лойиҳалар орқали мустақил фикрлайди, баҳо беради, хулоса чиқаради. Хуллас, жараёнга фаолиятли ёндашади.

Тадқиқот методологияси. Мультимедиа таълим технологиясидан тил сатҳининг барча соҳаларини

Ўқувчилар овчи ва дуррожнинг гапларини видеоматериални кўриш жараёнида эслаб қоладилар ва ёзиб олишга ҳаракат қиладилар (Қаранг: 1-2 – расм).



Ўз гаплари (муаллиф гапи)ни қатнаштириб, воқеа асосида матн тузадилар ва тиниш белгиларини қўйиб чиқадилар. Топшириқни бажариш учун 3 дақиқа вақт ажратилади ва бу экраннинг четида кўриниб туради. Ажратилган вақт тугагандан сўнг, экранда тўлиқ матн намоён бўлади. Ўқитувчи барча ўз бажарган ишини текшириб кўриши мумкинлигини айтади.

Ўқувчилар матн тузгандан сўнг, яна эътибор экранга қаратилди ва 170-машқдаги матн билан ўзлари тузган матнни солиштиришди.

Машқ матни: Bir kuni durroj tuzoqqa tushib qoldi. U ovchiga yalinib dedi: “Sen meni qo'yib yuborsang, barcha do'stlarimni aldab kelib, tuzog'ingga tushirib beraman. Ovchi bu gapdan achchiqlanib dedi: “Yo'q ovora bo'lmay qo'yaqol, men seni qo'yib yubormayman. O'z joningni qutqarmoq uchun do'stlaringga xiyonat qilmoqchisan. Soddil qushlardan ko'ra xiyonatkor do'stning o'lgani yaxshi”.




3-расм.

Бу ўринда ўқувчи яна қайта видеони томоша қилиши учун имконият берилади. Экрандаги тугмачани босиб, олдинги саҳифага қайтиши, видеони қайта синчиклаб кўриб чиқиши мумкин. Ўқувчи энди матн билан юзаки танишиб чиқмайди. Фақат тиниш

ўқитишда, дарс машғулотининг янги мавзунини тушунтириш, мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, уйга вазифа бериш босқичларида, қўшимча машғулотларда, тўғарак дарсларида ва назорат дарсларида фойдаланиш мумкин. Буни айрим мисоллар ёрдамида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Тажриба-синов материалларини тайёрлаш учун 9-синф она тили дарслигида берилган “Ko'chirma gapli qo'shma gap haqida ma'lumot” мавзусидаги 170-машқ[6] асосида мультимедиа технологияси яратдик. Уни шартли равишда матн мазмунидан келиб чиқиб “Овчи билан Дуррож” ҳикояси дейиш мумкин. Унга педагогик ишлов берилди. Педагогик ишлов бериш жараёнида ўқув материални олдинги (дарсликда берилган) шаклдан иккинчи (янги) шаклга, ўқув топшириқлари тизими шаклига олиб келинди. 170-машқ асосида 2 та топшириқ шакллантирилди.

1-топшириқ: Видеоролик намоишига диққат билан қулоқ солинг. Овчи ҳамда Дуррожнинг айтган гапларини имкон борида тўла ва тўғри шаклда дафтарингизга ёзиб олинг.



Экранда янги ойна очилиб матндаги гаплар ёзилган, аммо тиниш белгилари қўйилмаган ҳолатда бўлади. Ҳар бир тиниш белгиси алоҳида-алоҳида (масалан: олдин кўчирма гапларнинг қўштирноқлари, кейин муаллиф гапидан сўнг келадиган икки нукталар) “ўйнаб-ўйнаб” ўз ўрнига келиб жойлашади. Бу жараёни ўқувчи кузатиб боради (Қаранг: 3-расм).


2-топшириқ видеокейс шаклида яратилди. “2-топшириқ” ёзувини устига тугмачани босганда, ойна очилади (Қаранг: 4-расм).

Овоз:

Қани болалар, саволларимизга жавоб излаб кўринг-чи:

Сизнингча, овчи тўғри ёл тутдими?

Дуррожнинг яна қандай чораси бор эди?



4-расм.

белгиларининг қайси ўринларда қўйилиши ҳақида ўйламайди, балки у овчи чангалида қолган дуррожда қутулиб кетишнинг қандай чоралари борлиги ҳақида ҳам бош котиради, унга ёрдам бериш йўллари йўлайди,

файлда, файлларда вазиятлардан чиқиш имконларини ахтаради.

Таҳлил ва натижалар. Ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш ўрганилаётган объектларнинг моделларини куриш, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, ахборотнинг турли шаклларида фойдаланиш: овоз, тасвир, анимация, матн, катта ҳажмдаги маълумотларни излаш, қайта ишлаш, сақлаш ва бошқа имкониятларини яратиш бериш. Бу ҳам ўқувчига билим бериш, ҳам кўникма ва малакаларини шакллантириш учун унинг руҳиятига ва фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин эканлигини кўрсатади. Мутахассислар мультимедиа воситаларидан дарснинг деярли барча босқичларида самарали фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги хулосаларни беришган. Шунга таянган ҳолда айтиш мумкинки, она тили дарсларида ҳам мазкур ҳолат имконият сифатида мавжуд. Ҳар бир синф доирасида ва ҳар бир мавзу кесимини ўз ичига қамраб олган мультимедиа мажмуаларини яратиш ўқитувчи учун қулайлик келтиради. Мультимедиа дарсларда дастурий таъминот воситалари ўқитишнинг анъанавий технологияларини тўлдирди. Ўқув маълумотларини анимация ва овоз эффектлари билан жиҳозланган диаграммалар, жадваллар, видеоклип, аудиоматнлар қўринишидаги қўллаб визуал тасвирларни ўқув жараёнининг бошқа таркибий қисмлари: мақсад, мазмун, ўқитиш усуллари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда бўлишини таъминлаш лозим. Мультимедиа педагогик технологияларни жорий этишда тилни ўқитиш назарияси ва амалиётида доимо мавжуд бўлган ва вақт синовидан ўтган лингводидактик константалар ўртасидаги мувозанатни топиш мақсадга мувофиқ. Мультимедиа дарсларнинг устувор мақсади ўқув жараёнида замонавий ахборотга бой муҳитда ўқувчиларнинг самарали мустақил ижодий фаолият қобилиятларини ривожлантиришдир. Шунининг билан ҳолда, мультимедиа дастурини ишлаб чиқишда ўқитувчи нафақат мавзудаги ўқув вазифаларини, балки мақсадлари (ўқув, тарбиявий, ривожланиш)ни ҳам белгилаб олади, қўшимча равишда ахборот маданияти таркибий қисмлари (керакли маълумотларни танлаш қобилиятини ривожлантириш, ахборотни техник қайта ишлашнинг янги усуллари билан танишиш, ахборотни

компьютерда қайта ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш ва ҳ.к.)ни ҳам қамраб олади.

Хулоса ва таклифлар. Она тилини ўқитишда мультимедиа маҳсулотлари фан ўқитувчиси томонидан ёки фан ўқитувчиси раҳбарлигида тайёрланади. Бунда икки хил ёндашувга асосланиш мумкин:

Дарсликда берилган материал асосида.

Дарсликдан ташқари материаллар асосида.

Дарсликда берилган материал асосида деганда, машқ ва топшириқлар юзасидан аудиоматнлар, китобдаги кичик ҳажмли ҳикоя ва ривоятлардан фойдаланиб видео ёки анимация роликлари, машқларда берилган гаплар асосида ҳар хил технологик топшириқлар яратиш назарда тутилади. Ўқитувчи учун бунинг енгиллик томони шундаки, материал изламайди, ҳар томондан ўқувчининг дунёқарашига тўғри келадиган тайёр дарсликдаги матн устида ишлайди. Дарсликдаги материал асосида ишлаганда ўқитувчи ўзининг имкониятларини чеклангандек ҳис қилмаслиги керак, у машқ ва топшириқларнинг шартига ижодкорлик, креативлик асосида ёндашиб ўзгартириш қилиш имконига эга.

Дарсликдан ташқари материаллар асосида ёндашилганда, ўқитувчига бирмунча енгиллик мавжуд, аммо шу билан бирга масъулият юкланади. Материал танлашда чегара қўрмайди, турли манбалардан боланинг ёши ва дунёқарашини инобатга олиб материал излаб топиши ёки ўзи ижод қилиши мумкин, аммо материалнинг мазмун-моҳияти, мавзу доираси, ҳажми масаласида белгиланган чегарани сақлаб билиши керак.

Мультимедиа маҳсулотларини тайёрлашда дидактик жиҳатдан, илмий, тушунарли, узлуксизлик ва яхлитлик таъминланган, мавзу тизимли ёритилган, мулоқотнинг интерфаоллиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг яхлит бирлиги инобатга олиниб, бошқа талаблар (методик, психологик, техник ...) билан муносиб-лаштирилса, талаб ва ижро уйғунлигида ижобий натижага эришилади. Мазкур талаблар асосидаги инновацион ёндашув ўқувчиларда янги тажриба орттириш, ижодий ва танқидий фикрлашни англаш, келажакка интилишни ривожлантириш билан бирга мустақил интеллектга эга шахсни тарбиялаш учун самарали омил вазифасини ўтайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – Халқ сўзи, 2019 йил 21 октябрь.
2. Мейер Р.Э. A Cognitive Theory of Multimedia Learning: Implications for Design Principle. Santa Barbara, 1998. P.23-25.
3. Миньяр-Белоручев Р. К. Методика обучения французскому языку. М., 1990. С.173.
4. Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного. Учебное пособие. Москва. «Высшая школа» 2003. –С.229.
5. Вонтелева Т.М. Теория и методика обучения русскому языку: учеб.пособие для вузов. – М.: Дрофа, 2006. – С.319.
6. Mahmudov N.M., Nurmonov A., Sobirov A.Sh. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. – Toshkent: "Tasvir" nashriyot uyi, 2019. – 129b.
7. Кашук С.М. Стратегия интеграции мультимедиа технологий в систему языкового образования (на примере обучения французскому языку) Диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – Москва, 2014. – С.223.
8. Инаков Қ.Қ. Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш. Пед.фан.б.фал.док...дис. – Тошкент, 2019. – 142б.
9. Тўхлиев Б. 5-синф адабиёт фанидан дарс ишланма намуналари (аудио ва 3Д форматидаги материаллар билан). – Тошкент, "Bayoz", 192 б.
10. Юсупова Т., Мавлонова К., Наралиева Ш. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Алматы: ЭСПИ, 2021. – (1-қисм, 214б.)



UDC: (ЎҲК, УДК): 372.881.111.1

Nilufar MAMATQULOVA,
O'zDJTU katta o'qituvchisi, PhD
E-mail: mamatkulovanilu@mail.ru

TDPU dotsenti, p.f.b.f.d., PhD N.K.Tojibayeva taqrizi asosida

OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALAR AVTONOMIYASINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

Annotatsiya

Hozirgi kunda O'zbekistonda talabalarning mustaqil faoliyatini oshirish va yuksaltirishga ko'p e'tibor qaratilmoqda, ayniqsa til o'rganuvchilar uchun mustaqil ta'lim ko'nikmalarini oshirish muhim ahamiyatga ega. Biroq talabalar avtonomiyasini, ya'ni mustaqil ta'lim ko'nikmalarini rivojlantirish borasida etarlicha ishlar amalga oshirilmagan. Odatda, oliy ta'lim tizimida o'qishning dastlabki davrida talabada depressiya yoki tushkunlik holati kuzatiladi. Buning asosiy sabablaridan biri yangi muhit, holat va joydir. Shu kabi holatlarda talabadan talab qilinadigani bir qator mustaqil ta'lim ko'nikmalari va startegiylarini, ya'ni: vazifalarni bajarishni oldindan rejalashtirish va vaqtini to'g'ri taqsimlash, maqsadlarni to'g'ri va aniq belgilay olish, til ko'nikmalarini muntazam oshirib borish kabila mustaqil ta'lim ko'nikmalari ushbu maqolada muhokama qilinadi.

Kalit so'zlari: Mustaqil ta'lim ko'nikmalari; vaqtini to'g'ri taqsimlash; muommolarni bartaraf etish ko'nikmalari; talaba avtonomiyasi.

FACTORS TO DEVELOP LEARNERS' AUTONOMY IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Abstract

Today in Uzbekistan a lot of attention is paid to the development and enhancement of independent activity of students, especially for language learners to improve their independent learning skills. However, not enough research has been done to develop student autonomy. Usually, in the early stages of higher education, a student experiences depression or stress. One of the main reasons for this is the new environment, situation and location. In such cases, the student is required to develop a number of independent learning skills and strategies, namely: to plan tasks in advance and manage time correctly, to set goals effectively and clearly, to develop language skills regularly. This article discusses above mentioned skills of independent study skills.

Key words: Independent learning skills; effective time- management; problem-solving skills; learner autonomy.

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ АВТОНОМИИ СТУДЕНТОВ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Аннотация

Сегодня в Узбекистане большое внимание уделяется развитию и совершенствованию самостоятельной деятельности студентов, особенно изучающим язык для совершенствования навыков самостоятельного обучения. Тем не менее, недостаточно исследований было проведено для развития студенческой автономии. Обычно на первых этапах получения высшего образования студент испытывает депрессию или стресс. Одной из основных причин этого является новая среда, ситуация и местоположение. В таких случаях от студента требуется выработка ряда навыков и стратегий самостоятельного обучения, а именно: заранее планировать задачи и правильно распределять время, эффективно и четко ставить цели, регулярно развивать языковые навыки. В данной статье рассматриваются упомянутые выше навыки самостоятельного обучения.

Ключевые слова: Навыки самостоятельного обучения; эффективный тайм-менеджмент; эффективное целеполагание; навыки решения проблем; студенческая автономия.

Kirish. Talabaning mustaqil ta'lim ko'nikmalari deganda nima tushuniladi va buni qanday yaxshilash mumkin? Mustaqil ta'lim ko'nikmalari bu o'rganuvchiga o'z o'qishi va o'rganishi jarayonida ko'maklashadigan, boshqacha aytganda ortirilgan hayotiy ko'nikmalar jamlanmasidir.

Pedagogik jihatni hisobga olgan holda, Fener va Nyubi har bir inson o'z dunyosini qurishning o'ziga xos uslubiga ega ekanligini ko'rsatib o'tadi. Ularning har biri tajribalar hissinii tuyishi uchun qoidalar va aqliy modellarni yaratadi. Shuning uchun, o'rganish talabalar faol ravishda ma'no yaratishga ya'ni tushunishga harakat qiladigan masalalardan boshlanishi kerak. O'rganishda muvaffaqiyat qozonishning kaliti ularni yod olishga yoki va boshqa odamning bajarganlarini takrorlashga majburlashdan ko'ra, har bir insonga o'zi ma'no yaratishga ya'ni tushunishga imkon berishga bog'liq[4]. Richards ta'kidlashicha talaba avtonomiyasi tushunchasi bu yondashuv yoki usul emas, lekin u haqiqatan ham turli xil yondashuv va usullar bilan birgalikda ishlatilishi mumkin bo'lgan va ularning sinfda qanday amalga oshirilishiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan falsafa yoki tamoyillar to'plamidir. Talabalar avtonomiyasi tushunchasida

markazda o'qituvchi emas balki talabadir ya'ni, talabalarni o'rganish maqsadlarini belgilash, o'rganish usullari va vositalarini aniqlash, o'rgangan narsalarini aks ettirish va baholash bilan bog'liq qarorlarni qabul qilishga jalb qilish demakdir. Talabalar ehtiyojlari va talabalaridan kelib chiqib o'rganganliklari uchun mustaqil ta'limda samaraliroq natijalarga erishish mumkin bo'ladi [8].

Shunday qilib, o'qituvchilar til o'qitishda talabalarga ko'proq mustaqil ravishda muloqot qila olishlari, mustaqil o'rgana olishlari va mustaqil shaxs bo'la olishlari uchun talab qilinadigan motivatsiya, o'ziga ishonch, bilim va ko'nikmalarni rivojlantirishda ko'maklashishlari kerak.

Asosiy qism. Xorijiy tillarni o'rganishda talaba avtonomiyasi 1979 yilda Xolek tomonidan ifoda etilgan. Xolek fikriga ko'ra, talabalarga o'zlarining maxsus o'quv uslublari, imkoniyatlari va ehtiyojlari haqida hamma qaror qabul qilish mas'uliyati yuklanishi kerak deya ta'kidlaydi[5].

Litlvud til o'rganish jarayonida talabalarda avtonomiya qanday rivojlanishi borasida batafsil to'xtalib o'tadi. U til o'rganishda uch xil talaba avtonomiyasini rivojlantirishni muhokama qiladi:

birinchi, o'qituvchilarning asosiy maqsadi talabalarning til bilan mustaqil ravishda ishlash va kutilmagan vaziyatlarda real muloqot qilish uchun tildan foydalanish qobiliyatini rivojlantirish;

ikkinchi, til o'qituvchilarining asosiy maqsadi o'z talabalariga mas'uliyatni o'z zimmasiga olish qobiliyatini rivojlantirishga, o'zlarining o'rganishlari va o'zlarining ishlarida faol va mos bo'lgan strategiyalarni sinfda va sinfdan tashqarida qo'llashlariga yordam berish;

uchinchi, talabalarni individual shaxs sifatida rivojlanishiga o'z o'quvchilariga muloqot qilish va o'rganish qobiliyatini oshirishda yordam berish orqali erishishga harakat qiladilar[9].

Benson avtonom ta'limga erishish uchun beshta tamoyillarni keltirib o'tadi:

talabalar o'zlarining o'qish jarayonlarida faol ishtirok etishi;

talabalarga variantlar (tanlov) va manbalarni taqdim etish;

talabalarga tanlov va qaror qabul qilish imkoniyatlarini taklif qilish;

talabalarni qo'llab-quvvatlash;

o'rgangan narsalarini aks ettirishni (reflection) rag'batlantirish [1].

Talabalar mustaqil ta'lim ko'nikmalari haqida asosiy tushunchalar quyidagicha tahlil qilinadi:

shaxs o'zining o'qish va o'rganish yondashuvini o'z ehtiyojlaridan kelib chiqqan xolda rivojlantiradi;

mustaqil ta'lim ko'nikmalari aynan maxsus bir fan uchun mo'ljallangan emas, universal hisoblanadi. Bundan tashqari, bu ko'nikmalar bir bora o'zlashtirilganidan so'ng har qanday sohada qo'llanilishi mumkin;

mustaqil ta'lim ko'nikmalari amaliy bo'lishi kerak, va doimiy ravishda rivojlantirib borilishi zarur. Bu insonda o'ziga bo'lgan ishonchni ortishida, va o'z hatti –harakatidan xabardor bo'lishiga imkon beradi [6].

Avtonom talabalarga kerakli bo'lgan ko'nikmalar quyidagicha tahlil qilinadi:

o'quv maqsadlarini aniqlash va belgilash qobiliyati;
o'quv faoliyatini rejalashtirish va amalga oshirish qobiliyati;

ularning bilimlarini aks ettirish va baholash qobiliyati;

ularni o'rganish maqsadlarini tushunish;


o'zlarining o'quv jarayonlarini tushunish;

bir qator ta'lim strategiyalari va ko'nikmalarini bilish;

o'rganish uchun aniq motivasiya[13].

Umumun olganda, avtonom talabalar faol, mulohazali, o'zlarini anglaydigan va yuqori motivatsiyali bo'lishi kerak.

Quyidagi rasmda insho yoki taqdimot topshirig'i kabi topshiriqni rejalashtirishda har xil turdagi talabalar bilan nima sodir bo'lishi ko'rsatilgan. "Yarim avtonom" atamasi juda keng, chunki ko'pchilik talabalar avtonom va avtonom bo'lmaganlar o'rtasida emas, balki ma'lum darajadagi avtonomiyalarga ega bo'lishadi (1-rasmga qarang) [13].



1-rasm. Avtonom , yarim -avtonom va noavtonom talabalar tavsifi.

Darsda talabalar avtonomiyasini rag'batlantirishda esa quyidagilar tavsiya qilinadi:

o'qituvchi ko'proq yordamchiga ya'ni fasilitatorga aylanadi;

talabalar bilimning asosiy manbai sifatida o'qituvchiga qaramlikdan xalos bo'lishadi;

talabalarning o'zlari uchun o'rganish qobiliyatlari rag'batlantiriladi;


talabalar o'rgangan narsalari to'g'risida qaror qabul qilishlari tavsiya etiladi;

talabalarning o'zlariga mos va ma'qul o'qitish uslublari to'g'risida ma'lumotga ega bo'lishadi;

talabalar o'zlarining ta'lim strategiyalarini ishlab chiqishlari tavsiya etiladi. (1)

Chakichi ingliz tilini o'qitish va o'rganishda talabaning avtonomiyasini rivojlantirish yo'llarini yoritib bergan. Unga ko'ra talabalarga ta'lim strategiyalarini o'rgatish, darslarda hamkorlikda o'rganishdan foydalanish, o'zi haqida hisobotlar tayyorlash, o'z faoliyatlarini qayd etish uchun kundaliklar va o'z-o'zini baxolash tizimidan foydalanish, portfolio yaratish kabilar orqali talabalarda mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam berish mumkin. (2)

Bundan tashqari, avtonom talaba bo'lishning to'rt jihati yoritib berilgan (2-rasmga qarang). (12)



2-rasm. Avtonom talaba bo'lishning afzalliklari.

Betsi Parish ta'kidlashicha talabaning avtonomiyasi ichki bo'lishi kerak; bu o'qituvchilar talabalarga majburan qabul qildirishi mumkin bo'lgan narsa emas. O'qituvchilar talabalarining avtonomiyasini ta'minlash uchun shart-sharoitlarni yaratishi mumkin va quyida ba'zilar muhokama qilinadi:

o'rganish uchun yo'l xaritasi belgilab berish; har qanday qadam uchun, "qila olaman" iboralari yordamida maqsadni belgilashning oddiy vazifasidan boshlash, har bir ta'lim natijasi uchun o'quvchilar nimani qila olishlarini, nima qilishlari kerakligini va o'rganishni xohlashlarini ko'rsatib berish tavsiya qilinadi. Ular uchun eng zarur bo'lgan va o'rganishni istagan sohalarini aniqlash, darsda ushbu elementlarning ustuvorligiga imkon beradi;

talabalar o'z muvaffaqiyatlarini baxolab borishlari; doimiy maqsadlarni belgilash va o'z-o'zini nazorat qilish - bu o'z-o'zini samaradorligini oshirish va o'quvchilarning ma'lum bir maqsadga erishish qobiliyatiga bo'lgan ishonchini oshirishning samarali usullaridandir;

talabalarga tanlash imkoniyatlari berish; o'ziga o'rganuvchi sifatida ishonch - bu o'quvchining avtonomiyasini shakllantirishning ajoyib usuli. Ta'lim berish va baholashda o'qituvchilar o'quvchilarning kuchli tomonlarini oshirish orqali yordam beradi. Talabaning umumiy natijalarini yodda tutib, talabalarining qobiliyatlari va ehtiyojlarini hisobga olgan holda darsning mazmuni va o'quv jarayonlarini moslashtirish maqsadga muvofiqdir. (10)

Talaba avtonomiyasini rivojlantirish haqida so'z borganda ta'lim strategiyalarining ahamiyatini inkor etib bo'lmaydi. Ta'limda strategiya nima degan savolga javob izlasak bunga aniq bir to'xtamga kelingan izoh berilmagan, lekin bir necha olimlarning fikriga ko'ra strategiyalar shaxsning ongli va maqsadli ravishda o'rganishni yaxshilashga qaratilgan xatti-harakatlari majmuidir va o'rganuvchiga ma'lumotlardan samarali foydalanish imkonini beradi [11].

J.Uilsinning ko'rsatib o'tishicha bu strategiyalar uch guruhga bo'linadi ya'ni kognitiv, metakognitiv va sosio-effektiv strategiyalar. J.Uilsinning ta'kidlashicha kognitiv strategiyalar shunday strategiyalarki hozirjavoblikni, zudlik bilan javob berilishni talab qiladigan vazifalarni ado etishda foydalaniladi. Masalan, ba'zida tinglashdan oldin talaba mavzu haqida bilimga ega bo'lishi mumkin, xattoki o'z ona tilida bo'lsa ham va bu ma'lumotni tinglanilayotgan matn mazmunini tahmin qilish uchun foydalanadi. Metakognitiv strategiyalar ko'pincha uzoq muddatli maqsadlarni amalga oshirishga foyda beradi. Bunga misol qilib talaba o'zining tinglab tushunish mahoratini yaxshilash maqsadida har kuni radioeshittiruv yoki teleko'rsatuv tinglashi yoki haftada bir marta o'rganilayotgan xorijiy tilda fil'm tomosha qilishi kabilardir.

Sosio- effektiv strategiyalar bu til o'rganuvchining boshqalar bilan o'zaro muloqati va ularning til o'rganishga bo'lgan munosabatidir. Bunga talabaning har xil vaziyatlarga

o'zini qo'yib rol ijro etishini misol qilib ko'rsatish mumkin. Bu strategiyalar talabada o'ziga bo'lgan ishonchni oshirishga yordam beradi [14].

Muvaffaqiyat motivasiya bilan uzviy bog'liqdir. Talabalar avtonomiyasini rivojlantirishda motivasiyaning roli ham muhim hisoblanadi. Har bir inson turli narsalarga turli xil qiziqish bildiradi. Til o'rganishda talabalar motivasiyasini oshirish o'qishda samarali bo'lishning muhim omillaridan biridir. Motivasiya bu-xatti-harakatni tushuntirish uchun ishlatiladigan nazariy qurilmadir. Bu odamlar istaklari, ehtiyojlari va harakatlarining sabablarini ifodalaydi. Motiv - bu muayyan tarzda harakat qilish yoki hech bo'lmaganda o'ziga xos xulq-atvorga moyillikni rivojlantirishga odamni undaydigan narsa. (7)

S.Kottrel talabalarda motivasiyani qanday saqlab qolish uchun ba'zi usullarni taklif qiladi:

realistik bo'lish - muvaffaqiyatga erishish uchun harakat va tirishqoqlik talab etiladi. Hayotda to'siqlar tufayli odamni tushkunlikka tushiradigan lahzalar ham mavjud. Garchi ijobiy fikrlash o'ziga xos xususiyatga ega bo'lsa ham, noreal fikrlash muvaffaqiyatsizlikka olib kelishi mumkin, chunki shaxs to'siqlarga duch kelishga tayyor bo'lmaydi. Duch kelishi mumkin qiyinchiliklardan qanday saqlanishni puxta o'ylash va rejalashtirishga tayyorlanish yutqazgandan ko'ra muvaffaqiyat uchun kurashishga tayyorlaydi;

yuqori natijalarni umid qilish: umid qancha yuqori bo'lsa ko'proq natijalarni belgilay oladi. Agar odamning umidlari past bo'lsa, unda yutuqlar ham juda oz bo'lishi mumkin. Agar inson yuksaklikka intilsa, u o'zi uchun to'g'ri imkoniyat yaratishga ishonch hosil qilib, munosib reja ishlab chiqishi kerak;

haqiqiy maqsadlarni belgilash: agar maqsadlar real bo'lsa, ular amalga oshiriladi. Kimki orzularni maqsadlar bilan aralashtirib yuborsa, orzular ro'yobga chiqmayotgani tufayli tushkunlikka tushishi mumkin;

muvaffaqiyatni mukofotlash: maqsadga erishgandan so'ng o'zingizni mukofotlash motivasiyani saqlashga yaxshi maslahatdir. Bonuslar ish hajmiga mos keladigan bir vaqtning o'zida juda qadrlaydigan narsa bo'lishi mumkin;

muvaffaqiyatlarni qayd etib borish: yutuqlarni qayd etib borish uni kuzatishda yordam beradi. O'tmishdagi muvaffaqiyatlarning yozuvi kelajakdagi qadamlar uchun motivasiya bo'lishi mumkin;

qiziqishni "ovlash": agar odam bajarilayotgan vazifaga qiziqsa, bu qiyinligiga qaramay osonroq ko'rinishi mumkin. Qiyin yoki jalb etmasligiga qaramasdan, har bir topshiriqni qiziqarli qilish uchun imkoniyat bor. (3)

Xulosa. Xulosa qilib, shuni aytish joizki, bu ko'nikmalar nafaqat talabalar uchun balki, har qanday shaxs uchun hayotiy ko'nikmalar sifatida muhim va foydalidir. Bundan tashqari, mustaqil ta'lim ko'nikmalari aynan maxsus bir fan uchun mo'ljallangan emas, universal hisoblanadi shu bilan bir qatorda, til o'rganishda ham ulkan ahamiyatga ega. Shuningdek, bu ko'nikmalar bir bora o'zlashtirilganidan so'ng

har qanday sohada qo'llanilishi mumkin. Talabalarda mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishda o'qituvchilarning o'zni ham beqiyosdir, talabalar til o'rganish jarayonida vaqtni to'g'ri taqsimlash va boshqarish, to'g'ri va samarali maqsadlarni belgilay olish, tanqidiy va ijodiy fikrlay olish, til

o'rganishga bo'lgan o'z motivatsiyalarini saqlash va oshirib borish kabi malaka va ko'nikmalarini rivojlantirishi o'qituvchilar tomonidan rivojlantirilib va rag'batlantirib borilishi kerak.

ADABIYOTLAR

1. Benson P. Teaching and researching autonomy in language learning. London: Longman. 2001. -P.296- 52-60p.
2. Çakıcı D. Autonomy in language teaching and learning process. İnönü Üniversitesi Eğitim Fakültesi Dergisi, 2015. - 16(1),31-42. DOI: 10.17679/iuefd.16168538
3. Cottrell Stella. Skills for Success. The Personal Development Planning Handbook. Palgrave Macmillan. 2003
4. Fener A., Newby, D. Approaches to Materials Design in European Textbooks: Implementing Principles of Authenticity Learner Autonomy, Cultural Awareness. European Centre for Modern Languages. 2000. - P.222.
5. Holec H. Autonomy in Foreign Language Learning. Oxford: OUP., 1981. -P.221;
6. <http://www.skillsyouneed.com/learn/study-skills.html> мурожаат санаси 02.11.2021
7. <https://en.wikipedia.org/wiki/Motivation> мурожаат санаси 14.11.2021
8. <https://www.professorjackrichards.com/1865/> мурожаат санаси 12.11.2019
9. Littlewood W. Students' attitudes to classroom English learning: a cross-cultural study. Language Teaching Research 5.1: 2001. - 3-28p.
10. O' Donghue, R. Study skills: managing your learning. A Guide for Students in Higher Education. Access Office, NUI Galway. 2006
11. Parrish B. Promoting learner autonomy through choice and voice. <https://www.cambridge.org/elt/blog/2020/10/22/promoting-learner-autonomy-choice-voice/> мурожаат санаси 04.12.2021
12. Richards Jack C. Teaching Listening and Speaking. 32 Avenue of the Americas, New York, NY 10013-2473, USA Cambridge University Press 2008—11-14 б.
13. Smith Sh. Learner autonomy. <https://www.eapfoundation.com/studyskills/autonomy/> мурожаат санаси 13.02.2022
14. Richards. Jack C. Teaching Listening and Speaking. 32 Avenue of the Americas, New York, NY 10013-2473, USA Cambridge University Press 2008—11-14 б.
15. Wilson. JJ. How to Teach Listening. Malaysia: Pearson Education Limited. 2008 —Б.33-38.



Махмуд МАМАТОВ,
Шаҳрисабз давлат педагогика институти доценти в.б., ф.ф.н
E-mail: mamatovmahmud51@gmail.com

ТИҚХМИ профессори, ф.ф.д Қ.Н.Назаров тақризи асосида

SPIRITUAL DEVELOPMENT STRATEGY OF RENEWING UZBEKISTAN

Abstract

In the formation of the spiritual development strategy of renewing Uzbekistan, together with social, economic and political factors, the events that take place in the spiritual and educational aspects, various processes related to them are important in educational practice. In this article, information about the essence of man, the embodiment of his value as a being, that spirituality is a concept that represents the spiritual and mental world of a person, and that it includes philosophical, legal, scientific, artistic, moral, imaginations of people is explained. The necessity of science-based measures in decent education of the young people of modern Uzbekistan, the formation and development of spiritual and moral education through President Shavkat Mirziyoev's lectures and works were given.

Key words: updating, law, movement, strategy, spiritual and moral development, development, spiritual and moral values, spirituality, spiritual and moral education, modern education, stages of development.

ДУХОВНЫЙ СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ ОБНОВЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

В формировании стратегии духовного развития современного Узбекистана наряду с социальными, экономическими и политическими факторами важное значение в образовательной практике имеют события, происходящие в духовно-просветительском аспекте, различные процессы, связанные с ними. В данной статье представлена информация о сущности человека, воплощении его ценности как существа, о том, что духовность есть понятие, представляющее духовно-мыслительный мир человека, и что оно включает в себя философские, правовые, научные, художественные, нравственные, воображение людей объясняется. Приведена необходимость научно обоснованных мероприятий в достойном воспитании молодежи современного Узбекистана, формировании и развитии духовно-нравственного воспитания посредством лекций и трудов Президента Шавката Мирзиёева.

Ключевые слова: обновление, право, движение, стратегия, духовно-нравственное развитие, развитие, духовно-нравственные ценности, духовность, духовно-нравственное воспитание, современное образование, этапы развития.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Аннотация

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегиясини шакллантиришда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга маънавий-маърифий жабҳаларда рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, улар билан боғлиқ турли жараёнлар таълим амалиётида муҳим аҳамиятга эга. Бу мақолада инсон моҳияти, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этилиши ҳақида маълумотлар, маънавият – инсон руҳий ва ақлий олами ифодаловчи тушунча эканлиги, кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, тасаввурларини ўз ичига олиши ёритилган. Янгиланаётган Ўзбекистон ёшларини муносиб тарбиялашда илмий асосланган чора-тадбирларни зарурлиги, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва асарлари орқали маънавий – ахлоқий тарбияни шакллантириш ва ривожланишига оид фикрлар берилган.

Калит сўзлар: янгиланаётган, қонун, ҳаракат, стратегия, маънавий-ахлоқий ривожланиш, ривожланиш, маънавий-ахлоқий қадриятлар, маънавият, маънавий-ахлоқий тарбия, замонавий таълим, ривожланиш босқичлари.

Кирриш. Дунё халқлари тарихи ва тараққиётида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга маънавий-маърифий жабҳаларда рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, улар билан боғлиқ турли жараёнлар ҳам муҳим аҳамият касб этиши азалдан маълум. Айни пайтда, ушбу жараёнда маънавий тараққиёт стратегиясидаги ўзгаришлар динамикасининг тадрижий ривожланиш даражаси, унга ҳос умумий қонуниятларнинг амалга ошиши ва бу билан боғлиқ ўзига ҳос миллий хусусиятлар диалектикаси ҳар бир жамият тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган асосий омиллар қаторига қиради. Умум инсониятга ҳос бўлган ушбу тарихий зарурат ва объектив ижтимоий-сиёсий жараён, барча мамлакатлар қатори, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва истикболини белгилайдиган стратегик тамойиллар ҳамда амалий фаолият дастурларини яратиш ва уларни амалга ошириш учун нихоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун ушбу масаланинг нақадар катта

аҳамиятга эга эканини назарда тутиб: “Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ, бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир” – дея алоҳида таъкидлангани асло бежиз эмас[1].

Шунинг учун ҳам, ўз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб мамлакатимизда жамият тараққиёт стратегиясининг бошқа соҳалари қатори, халқимизнинг азалий қадриятлари, серқирра маданияти ҳамда миллий маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада маънавий тараққиёт стратегиясининг ўзгаришлар динамикаси ва унинг муттасил ўсиш суратларини белгилайдиган туб ислохотлар ва янги-ланишларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Мамлакатимиз тараққиётининг Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида туб ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги янги босқичида эса, бу борадаги

Ўзгаришлар ва янгиланишларнинг бошқа соҳалар қатори, маънавий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиш диалектикасидаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Айни пайтда, ушбу жараённинг жамият маънавий тараққиёт стратегиясининг ўзгаришлар динамикасида акс этиши, унинг ҳар бир йўналиши ва турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг кадр-қимматини ва амалий натижаларини изчил ўрганиш, бу билан боғлиқ масалаларни сиёсий фанлар нуктаи назаридан таҳлил қилиш вазифалари ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси халқимиз тараққиёт стратегиясининг барча соҳаларида ислохотлар ва янгиланишлар жараёнини янада жадаллаштирди[2]. Айни пайтда, Президентимизнинг 2017 йил 30 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2017 йил 14 августдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 2021 йил 26 мардаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан янгилаш тўғрисида” Қарорлари ва Фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамият маънавий тараққиёт стратегияси динамикасига хос тадрижий тараққиётнинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш мақсад қилиб олинган мазкур мақола Янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегиясини шакллантиришда хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мустақиллик даврида мамлакатимизда маънавий тараққиёт стратегияси соҳалари, бу жаҳоннинг амалиёти ва унинг тармоқларига хос маърифий фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари бугунги кунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” каби асарлари, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, шу йўналишдаги қарорлар ва фармонлар, Президентимизнинг жойлардаги чиқишлари ва маърузаларида яққол намоён бўлмоқда. Айни шу маънода, истиқлол йилларида халқимизнинг бунёдкорлик соҳасидаги самарали ишларини бошқарган давлатимиз раҳбарларининг ўтган йиллардаги ислохотчилик фаолияти ҳамда ушбу масалага бағишланган ғоя ва концепциялари бизнинг мақоламиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маънавиятни стратегик шакллантиришга асос бўла олади. Ушбу йўналишда Т.Алимардонов, М.Қирғизбоев, Қ.Куранбоев, В.Қўчқоров, И.Коренев, Н.Маманазаров, Н.Умарова каби олимларнинг илмий изланишларида ҳам биз танлаган мавзунинг ўз тадқиқотларига алоқадор баъзи жиҳатлари мақсадга мувофиқдир[3]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари, республика, маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик институтларининг меъёрий ва бошқа ҳужжатлари унинг ҳуқуқий манбаи бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, Шарқ ва Европа, Марказий Осиё ва жаҳон фалсафий тафаккурининг муаммога дахлдор

илмий-назарий концепциялари, аждодларимизнинг бой маънавий мероси, улар томонидан яратилган асарлар ҳам ушбу мавзунинг ёритишда муҳим манба сифатида хизмат қилгани шубҳасиз. Айни пайтда, тадқиқотни амалга оширишда жамият маънавий тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳиятига бағишланган таълимотлар ва назариялардан, ҳозирги замондаги ушбу соҳанинг назарий ва амалий жиҳатлари билан шуғулланувчи етук олимлар ва йирик мутахассисларнинг асарларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда чоп этилаётган оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлардаги жамият маънавий тараққиёт стратегиясига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар, мазкур мавзуга доир китоблар ва рисоалар, кейинги йилларда ҳимоя қилинаётган диссертациялар ҳам чун муҳим манбалар сифатида хизмат қилганини алоҳида таъкидлашимиз жоиздир.

Тадқиқот методологияси. Мақола республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Жамиятни ислох этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик бадий тарбия, санъат, моддий ва номоддий мерос, миллий давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” давлат дастури вазифаларига мувофиқ бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари, кўплаб маъруза ва чиқишларидаги мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда маънавий омилларга алоҳида аҳамият қаратиш, улар асосида тарбияланган маънавий баркамол авлодни вояга етказиш, уларда халқимизнинг эзгу интилишларига содиқликни шакллантириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини ташкил этади. Президентимизнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси, 2017 йил 30 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 26 мардаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан янгилаш тўғрисида” қарорлари мақоламизнинг энг муҳим назарий асоси ва таянч методологик ҳужжатларидир. Айни пайтда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жамият тараққиётининг маънавий-маърифий соҳаларига оид бошқа Қарорлари ва Фармонлари ҳам илмий мақоламизни назарий методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Фалсафий фанлар нуктаи назаридан, бугунги кунга келиб дунёдаги глобал муаммоларнинг кескинлашиши ва уларни бартараф этишнинг маънавий-мафкуравий омиллари билан боғлиқ масалаларини таҳлил қилишга эътибор кучайди. Бу борадаги хуружлар ва таҳдидларнинг жамият маънавий тараққиёт стратегиясига салбий таъсирини бартараф этишнинг самарали йўллари ва имкониятларини ўрганишга қаратилган изланишлар орасида Т.Жўраев, Ш.Пахрулдинов, А.Мўминов, И.Эргашев, Н.Жўраев, Р.Жумаев, У.Идилов, Ф.Равшанов, Ш.Қаҳҳорова, М.Юлдашева ва А.Ташанов каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. [4]

Мавзунинг ижтимоий-фалсафий таҳлили нуктаи назаридан талқинида Х.Шайхонанин “Маънавият манзиллари”, Т.Жўраевнинг “Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик”, “Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти”, И.Эргашев, Х.Худойбердиев ва А.Қаҳрамоновларнинг “Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва мафкуравий жараёнлар”, Н.Жўраевнинг “Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти”, А.Муминоунинг “Миллий сиёсат ва маданий

соҳадаги ислохотлар”, “Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари”, М.Қирғизбоевнинг “Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба”, У.Идировнинг “Ўзбекистон: замонавий демократиялашув жараёни-рининг концептуал асослари”, А.Ўтамуродовнинг “Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси”, Т.Алимардоновнинг “Сиёсат ва ахлоқ”, В.Қўчқоровнинг “Миллий ўзлиқни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар” каби монографиялари ва китоблари муҳим аҳамиятга эга[5].

Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий фанлар йўналишида кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орасида А.Абдумаликовнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида шахс инфор-мацион маданиятини шакллантириш, Р.Жўраевнинг Ўзбекистонда умумдават ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш механизмларини такомиллаштириш[6] Ф.Жўракуловнинг фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш[7] Ж.Мавлоновнинг фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурсининг асосий йўналишлари[8] Т.Матибоевнинг Ўзбекистонда давлат ва жамият тараққиёт стратегиясининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари[9] С.Норкуловнинг мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онгдаги ўзгаришларга бағишланган диссертацияларни алоҳида таъкидлаш лозим[10].

Бу нуктаи назардан, жамият ва маънавият, маънавий тараққиёт стратегияси ва инсон омили, маданий-маърифий жараёнлар, миллат ва одамзотининг эҳтиёжлари, манфаатлари ва талаблари билан боғлиқ фикрлар кўплаб Шарқ ва Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккури намоёндалари ижодий меросида ўз аксини топганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Аксарият бизга замондош олимлар ва мутахассисларнинг асарлари ва диссертацияларида ушбу соҳа билан алоқадор кўплаб мавзу ва муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси ҳақидаги мулоҳазалар ва маълумотлар ана шу манбаларга мурожаат қилишдан бошланиши бежиз эмас.

Бу жиҳатдан, халқимизнинг маънавий юксалиши ва жамият ривожини, унинг тараққиёт стратегияси тамойиллари такомиллида муқаддас ислом дини алло-малари ва жадид боболаримизнинг ҳам ўзига хос таъсири борлиги шубҳасиз, албатта. Бугунги кунда ана шундай мутафаккирларнинг ғоя ва қарашларини чуқур ўрганиш ва уларнинг асарларидаги фикр ва қарашларини кенг тарғиб этиш имконини берувчи изланишлар ва тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бораётгани асло бежиз эмас.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, бизнинг давримизга келиб мақоламиз мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи нуктаи назаридан таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги тажрибани чуқур ўрганиш, ундан фойдаланиш имкониятларини излаб топиш ва шу билан бирга, мазкур йўналишдаги илмий изланишлар ва тадқиқотларда бу борадаги ўзига хосликлар ва миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш муҳим зуруратга айланмоқда.

Шу билан бирга, қайд этилган тадқиқотларда ушбу мавзуга тегишли бўлган масалаларнинг баъзи томонлари таҳлил қилинган бўлса-да, аммо унинг ижтимоий-фалсафа билан боғлиқ умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари, бугунги жамиятимиз маънавий тараққиёт стратегиясини таъминлайдиган омиллар ва йўналишлар мажмуи алоҳида мақола мавзуси сифатида махсус ўрганилмаган.

Айни пайтда, алоҳида таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон-нинг янги қиёфасини яратишга астойдил ҳаракат қилинаётган бугунги глобаллашув даврида, жамият маънавий тараққиётини таъминлашда асосий таянч ва суянч бўладиган ижтимоий-сиёсий мезонларни шакллантириш эҳтиёжи ҳам мавзунини махсус тадқиқот объекти сифатидаги концептуал жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Юқоридаги маълумотлар Янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегиясини шакллантиришда баркамол авлодни тарбиялаш учун асос бўла олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” “Ўзбекистон” 1 қисм НМИУ, 2019 й. 418 бет.
2. Мирзиёев Ш.. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Т.: „Ўзбекистон“, 2016. ,
3. Мирзиёев Ш. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” Т.: Ўзбекистон, 2020.
4. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Akademiya, 2007. 252 б.; Пахрутдинов Ш. Таҳдид - ҳалокатли куч. – Т.: Akademiya, 2001. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари. Тошкент: 2010; Ташанов А. Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзлиқни англашга салбий таъсири. Фалсафа фан. докт. ...дисс. –Т.: 2017. 186 бет.
5. Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. - 448 б.
6. Жўраев Р. Ўзбекистонда умумдават ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш механизмларини такомиллаштириш. Сиёсий фанлар фалс. доктори дисс.– Т.: ЎзМУ, 2017;
7. Жўракулов Ф. Фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш. Сиёсий фан доктори (DSc) дисс.– Т.: ЎзМУ, 2018;
8. Матибоев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари. Социология фан доктори (DSc) дисс. – Т.: ЎзМУ, 2018.
9. Норкулов С. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онгдаги ўзгаришлар. Фалсафа фан доктори (DSc) дисс.-Т.: ЎзМУ 2018.



Алимжан МАТЧАНОВ,
Профессор Академия МВД Республики Узбекистан, д.ю.н
E-mail: alimjan.matchanov@gmail.com

На основании отзыва д.ю.н., профессора Ю.С.Пулатова

FEATURES OF IMPROVING THE PREVENTION, DISCLOSURE AND INVESTIGATION OF CYBERCRIMES

Annotation

The current state of cybercrimes committed in the world and the material damage they cause shows the relevance of improving the mechanism for their prevention, disclosure and investigation. A special place is occupied by the forensic aspects of a comprehensive study of problems related to criminal law qualifications, the criminal procedure procedure for conducting an investigation, forensic methods and tactics, operational-search support for disclosure, and international cooperation. The article highlights and analyzes the characteristic features of the activities of law enforcement investigators who carry out theoretical and practical-applied problematic issues of law enforcement activities of investigative bodies, criminal investigation departments, experts and specialists responsible for the disclosure and investigation of cybercrimes.

Key words: Prevention, disclosure and investigation of cybercrime, crimes committed in the field of information and communication technologies, forensic tactics of conducting investigative and organizational actions, cybercrime, law enforcement agencies, forensic methodology for the disclosure and investigation of cybercrime

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ, ФОШ ЭТИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация

Жаҳонда содир этилаётган кибержиноятларнинг бугунги ҳолати ва улар томонидан етказилган моддий зарар уларни олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш механизмини такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Жиноят ҳуқуқининг квалификацияси, тергов қилишнинг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик методикаси ва тактикаси, фош этишни тезкор-қидирув таъминлаш, халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ муаммоларни комплекс ўрганишнинг ташкилий жиҳатлари алоҳида ўрин тутди. Мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари терговчининг органлари, жиноят қидирув бўлими, кибержиноятларни олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш учун масъул бўлган экспертлар ва мутахассисларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг илмий, назарий ва амалий муаммолари билан боғлиқ ташкилий-таҳлилий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ва тавсифланган.

Калит сўзлар: кибержиноятларни олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар, тергов ва ташкилий ҳаракатларни ўтказишнинг криминалистик тактикаси, кибержиноят, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, кибержиноятларни фош этиш ва тергов қилишнинг криминалистик методикаси.

ОСОБЕННОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ, РАСКРЫТИЯ И РАССЛЕДОВАНИЯ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация

Современное состояние совершаемых киберпреступлений в мире и наносимый ими материальный ущерб показывает актуальность совершенствования механизма их предупреждения, раскрытия и расследования. Особое место занимают криминалистические аспекты комплексного исследования проблем, связанных с уголовно-правовой квалификацией, уголовно-процессуальным порядком проведения расследования, криминалистической методикой и тактикой, оперативно-розыскным обеспечением раскрытия, международным сотрудничеством. В статье выделяются и анализируются характерные особенности деятельности следователей правоохранительных органов осуществляющих теоретические и практико-прикладные проблемные вопросы правоприменительной деятельности органов следствия, уголовного розыска, экспертов и специалистов, ответственных за раскрытие и расследование киберпреступлений.

Ключевые слова: Предупреждение, раскрытие и расследование киберпреступлений, преступления совершаемые в сфере информационно-коммуникационных технологий, криминалистическая тактика проведения следственных и организационных действий, киберпреступность, правоохранительные органы, криминалистическая методика раскрытия и расследования киберпреступлений

Введение. Президент Республики Узбекистан 15 апреля 2022 года подписал Закон №ЗРУ-764 «О кибербезопасности» в котором определено понятие киберпреступности и других терминов связанных с кибербезопасностью [1]. Это связано с тем, что в настоящее время реально возникла транснациональная угроза в форме киберпреступности. Как показывает следственная практика, повышение эффективности расследования уголовных дел связанной с киберпреступностью немисливо без оптимального алгоритма уголовно-процессуального порядка, частной криминалистической методики, оперативно-розыскного сопровождения и международного сотрудничества в данной сфере. По данным Всемирного Экономического Форума в 2022

году прогнозируются потери в 8 триллионов долларов, а в 2030 году они могут достигнуть 90 триллионов – эта цифра превышает объемы мирового ВВП сегодня[2]. Потенциальные потери от киберпреступлений оцениваются в размере 10,2 млрд. долларов. Благодаря своевременному оповещению Центра IC3 и оперативному расследованию инцидентов, удалось предотвратить порядка 70-80% киберпреступлений. Фактические потери по известным случаям составляют порядка 3,5 млрд. долларов США[3].

Рассматриваемая частная криминалистическая методика в совокупности с оперативно-розыскным сопровождением, будучи организационно-тактической форм криминалистической методики и оперативно-

розыскной деятельности, способно оказать в этом эффективное содействие в предупреждении, раскрытии и расследовании киберпреступлений.

Обзор литературы по теме исследования.

Отдельные уголовно-правовые, криминологические и уголовно-процессуальные стороны киберпреступлений были объектом научных исследований у ученых различных стран. В частности: А.У.Анорбоев[4, с.54], А.К.Расулев[5], Р.П.Гайфутдинов[6], Х.Р.Очилов[7], О.М.Сафонов[8], Т.Л.Тропинина[9] рассмотрели уголовно-правовые, криминологические аспекты. В.О.Давыдов[10], С.И.Захарин[11], С.А.Ковалев[12], К.В.Костомаров[13], С.В.Крыгин[14], А.А. Матчанов[15], В. А.Мещеряков[16], А.Д.Тлиш[17], А.А.Шаевич[18] Ян Вэй Фэн[19] исследовали вопросы расследования киберпреступлений. Debra L. Shinder[20], Donn B.Parker[21], Brian Craig [22], Hashimoto Naoki[23] раскрыли некоторые уголовно-правовые, криминологические, криминалистические, оперативно-розыскные и международно-правовые аспекты противодействия киберпреступности. Но вышеперечисленные ученые не рассматривали противодействие киберпреступности с точки зрения комплексного подхода к методике их предупреждения, раскрытия и расследования.

Методология исследования. Для решения поставленных задач были применены общенаучные, включающие формально-логические (анализ, синтез, обобщение, абстрагирование, выдвижение гипотез), частнонаучные (наблюдение, анкетирование, интервьюирование, контент-анализ документов). Также были использованы методы связанные с изучением научной литературы, наблюдение, экспертный опрос, моделирование ситуаций, формирование статистических выборок, расчеты средних выборочных величин, определение статистической значимости результата и другие.

Анализ и результаты исследований. Особенность предупреждения, раскрытия и расследования киберпреступлений заключается в обязательном использовании достижений информационно-коммуникационных технологий. Следователи и сотрудники уголовного розыска должны знать методику и тактические приемы, процессуальный порядок получения цифровых доказательств посредством ИТ-технологий для эффективной борьбы с данными видами преступлений. Должностные лица, ответственные за раскрытие и расследования киберпреступлений, должны обладать необходимыми познания в области ИКТ, с оптимальными профессиональными умениями и навыками оперативно реагировать, назначать соответствующие экспертизы и проводить следственные действия, направленные на обнаружение, фиксирование и собирание цифровых доказательств в виртуальном пространстве.

По мнению А.М. Хлус, криминалистическая методика является самым проблемным разделом науки криминалистики. Это сказывается на эффективности раскрытия и расследования киберпреступлений, и эти проблемы локализуются в плоскости понимания сущности и содержания криминалистической методики, как раздела криминалистики, а также частной методики расследования отдельных видов преступлений[24,с.205]. Это концептуальное понимание сущности общей криминалистической методики можно и нужно отнести к методике расследования киберпреступлений.

Правоохранительные органы занимают особую роль в, эффективном применении частной криминалистической методики, оперативно-розыскного сопровождения и международного сотрудничества в противодействии киберпреступности[25, с.45]. Следственные и оперативные подразделения правоохранительных

органов, осуществляя соответствующую работу в предупреждении, раскрытии и расследовании киберпреступлений преобразовываются в специализированные правоохранительные органы осуществляющих кибербезопасность.

Исходя из содержания Указа Президента Республики Узбекистан №6079 от 05 октября 2020 года «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по её эффективной реализации» можно сделать вывод, что была принята комплексная программа «Цифровой Ташкент», предусматривающий оптимизацию механизма противодействия преступлениям в сфере информационных технологий. Также был, утвержден ряд программ цифровых трансформаций, и одобрена стратегия «Цифровой Узбекистан – 2030», разработанную Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций[26], которые тоже способствуют совершенствованию частной криминалистической методики расследования киберпреступлений.

В настоящее время существуют еще ряд проблем связанных с необходимостью совершенствования обеспечения организационно-аналитической деятельности правоохранительных органов по предупреждению, раскрытию и расследованию киберпреступлений. Это, прежде всего, связано с тем, что действующие организационно-штатные структуры правоохранительных органов не обеспечивают рационального использования сил и средств в борьбе с киберпреступностью. А это, в свою очередь, связано с другой проблемой связанной с системной подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников правоохранительных органов ответственных за предупреждение, раскрытие и расследование киберпреступлений. Также, проблемным вопросом является не соответствующее современным требованиям состояние уровня внедрения в деятельность правоохранительных органов новейших информационно-коммуникационных технологий, оснащения современными средствами и оборудованием в борьбе с киберпреступлениями.

В сущности киберпреступность представляет собой общественно-опасное деяние в виртуальном пространстве, которое можно обозначить как своеобразную разновидность преступлений, моделируемую с помощью компьютерной техники и иных информационных, телекоммуникационных средств в киберпространстве. Так, по мнению Т.Л. Тропиной под киберпреступностью понимается совокупность преступлений, совершаемых в киберпространстве с помощью или посредством компьютерных систем или сетей, а также иных средств доступа к киберпространству[27, с.25].

В настоящее время перед национальным и международным правом стоят задачи, касающиеся своевременности и необходимости совершенствования правовой регламентации борьбы с киберпреступлениями. Наличие в законодательстве Узбекистана и других стран норм, регулирующих общественные отношения в сфере информационных технологий и отдельных положений, связанных с уголовной квалификацией и процессуальным порядком расследования киберпреступлений в настоящее время, уже недостаточно. В этой связи возникает настоятельная необходимость в разработке соответствующих предложений по разрешению имеющихся проблем, связанных с эффективностью раскрытия и расследования киберпреступлений.

Выводы. В целях оптимизации механизма предупреждения, раскрытия и расследования киберпреступлений необходимо:

1. Систематически обобщать, проводить анализ следственной практики и готовить информационно-

аналитические материалы о состоянии, раскрываемости и расследования киберпреступлений;

This article shows the concept of "motivation", the importance of motivation in sports activities of boxer girls, the results of the research, the psychological state of boxer girls in the event of competition, as well as the importance of motivation in the post-competition situations, the criteria for success.

Key words: Motivation, Bocks, athlete girls.

Долзарблиги. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш, мамлакат ривожини келажакнинг мустақам асоси сифатида қаралмоқда. Давлатнинг келажак ва раванги унда камол топаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ҳар жабҳадаги фаолликлари, ютуқларига боғлиқ.

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг амалга оширадиган фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш, йигит - қизларнинг ижтимоий-сиёсий салоҳияти, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар давлат сиёсати даражасида эканлигини намоён этади. Илм, фан, санъат, маданият, спорт, адабиёт каби қўллаб соҳаларда ёш истеъодларни аниқлаш, иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва ўқитиш, салоҳиятини янада юксалтириш тизимини ташкил қилиш, интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам бериш бўйича ишлар сифатини ошириш зарурати бутунги ривожланиш асрининг асосий талабларидан бирига айланмоқда[1].

Юксак салоҳиятли, ҳар бир жабҳада ўз қобилиятига эга ёшларнинг фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, бутунги кунда мамлакатимиз ёшларига яратилаётган кенг имконият ва шароитларнинг кўриниши десак, муболаға бўлмайди.

Бутунги кунда мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси олдида турган муҳим вазифалардан бири бу – ўспирин спортчи қизлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар қилиб тайёрлашдир[1].

Айниқса, боксчи қизларни тайёрлаш ва уларни мусобақаолди тайёргарлигини ривожлантириш ҳамда мотивациясини ошириш долзарб масала бўлиб ҳисобланмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳиятини белгилаб берадиган кўрсаткичлари ана шу мамлакатда камолга етаётган маънан етук, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етаётган авлодлар билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Ҳар қандай шахс ҳам оилада улғаяди, унда тарбияланади ҳамда вояга етади. Бунда бевосита фарзанд тарбиясидаги улкан масъулият аёллар зиммасига юклатилади. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом аёлгина ҳар томонлама соғлом ва бақувват фарзандни тарбиялай олади.

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор кун сайин ортиб хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш, соғлом муҳитни ва бахтли яшашлари учун старлича шарт-шароитлар яратиш долзарб масалалардан бирига айланган. Айниқса, хотин-қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун зарур имкониятларни яратиш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Бидамизки, мотивация тушунчаси жаҳон психологиясида кенг қамровли ўрганилган ва ҳанузгача олимларимиз томонидан турли-туман ёндошувлар орқали тадқиқ этиб келинмоқда. Асосан ушбу йўналишда рус психологияси

намоёндаларидан Е.П.Ильин, А.Г.Маслоу, Х.Г.Хелворсон, Э.Т.Хиггинслар, хориж психологларидан К.Д.Ушенский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, А.Ф.Лазурский, В.М.Бехтерев, В.Н.Мясищев, П.Н.Якобсон, В.С.Мерлин, Л.И.Божович, В.И.Селиванов, В.Г.Асеев, К.Г.Юнг, Э.З.Фромм, К.Ц.Левин, К.Хорни, А.Адлер, З.Фрейд. Ўзбек олимларидан Э.Ф.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Б.Р.Қодиров, Х.А.Рухиева, А.И.Расуловлар, ўз илмий изланишларида инсоннинг хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахсининг тузилишида намоён бўлишини аниқлаганлар.

Боксчиланинг спорт педагогик маҳоратини ошириш тўғрисида эса В.Н.Шин, В.Д.Анашов, Р.Д.Халмухаммедов, С.С.Тажибаев Ғ.Қ. Ражабовлар илмий ва амалий ўрганишган.

Спорт психологияси йўналишида З.Г.Гаппаров, Д.Н.Арзикулов, спорт фаолиятининг мотивлари, спортда мотивларнинг ривожланиш динамикаси, спорт мотивларининг индивидуал хусусиятларини тадқиқ қилган[2]. Б.Р.Саматова мотивацияни инглиз тилини ўқитиш мисолида ўрганган, Ж.Ғ.Жалолов саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишни такомиллаштирган, Ғ.Д.Қўлдошева талабалар ўқув мотивациясини белгилловчи ижтимоий-психологик омилларини ёритган, Ғ.Ф.Қўчқоров кичик бизнес ва хусусий корхоналарда меҳнат мотивациясини ошириш омиллари ўрганилган, О.Э.Хайитов тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари мавзусидаги илмий ишида кучли мотивация ила тадбиркорлик ишини олиб боришнинг самарали йўллари кўрсатиб берган. Р.З.Асамова касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси тадқиқ қилган. А.Г.Нуриддиновна мотивация труда в системе управления промышленным предпринимательством (на примере НХК Узбекистана) мисолида бошқарув тизимидаги мотивацияни ўрганган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда айнан боксчи қизларнинг спорт фаолиятидаги психологик мотивацияси ўрганилмаган. Бу борада спорт фаолиятида айрим изланишлар олиб борилган, холос. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида спортнинг турли йўналишлари юзасидан илмий ишлар асосан педагогик жиҳатдан қилинган.

Ўспирин ёшидаги боксчи қизларимизнинг мотивациясини ривожлантириш, спорт психологиясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Илмий ишимиз учун танлаб олган методикаларимизни синалувчиларда ўтказдик булар:

Элерснинг муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивацияси, Гербачевский сўровномаси, А.В.Шаболтас “Спорт билан шуғулланиш мотиви”, “Фрустрация даражасини аниқлаш” методикалари фойдаланилди. Элерснинг муваффақиятга эришиш мотивини аниқлашга қаратилган методи 41та саволномадан иборат бўлиб, мотивациянинг 4 даражани аниқлашга ҳисмат қилди. Мағлубиятдан қочиш мотивацияси методикаси эса боксчи қизларнинг ҳимояга нисбатан куйи, ўрта, юқори ҳамда ўта юқори даражаларини аниқлаб берди.

Гербачевский сўровномаси 15 та мотивацион хусусиятлар тизимини қамраб олган. А.В.Шаболтаснинг спорт билан шуғулланиш мотиви методикаси 45 саволномадан иборат бўлиб, боксчи қизларимизнинг 10 та мотивини ёритиб берди. Иродвий сифатларини ҳам қамраб олган методика. Фрустрацияни аниқлашга қаратилган методика ҳам танлаб олинди. Қўшимча методика сифатида Ильиннинг “Тренинг билан спортчи муносабатини аниқлаш” тестидан ҳам фойдаланилди[3]

Методикаларимизнинг тажриба синов олди ва кейинги натижалари олиниб, таҳлил этилди. Боксчи йигит қизларимиз эмоционал ҳиссий барқарорлик ва фрустрация ҳолатлари устида ишлаш орқали муваффақиятга нисбатан юқори мотивацияга эриша олдик. Бунинг учун психологик консультация, психологик тренинг, психотерапиялардан фойдаланилди. Спортчининг ўзига нисбатан баҳосини оширишга қаратилган тренинглар олиб борилди.

Спортчининг ўзига баҳо бериши куйидаги асосларда шаклланади:

1. Спорт маҳорати даражаси бўйича спортчининг мусобақаларга тайёрлик кўришдаги ўзига ишонч билидиришида.

2. Ўйингача ва ўйин вақтида мусобақага тайёрлик кўриш бўйича ўзига адекват баҳо беришида, ўз ҳаракатлари ва қўлга киритган натижалари одиндан башорат қилишида. ўзини олий тоифадаги спортчилар билан қиёслашида, ҳаттоларига танқидий қарашида.

3. Спортчининг фаоллиги - мусобақаларда сезиларли ютуқларга эришишнинг муҳим омилдир. Олий тоифадаги спортчиларга ўхшаб фаоллик кўрсатиш юқори даражадаги марраларни қўлга киритишдан далолат беради. Шунинг учун ҳам спортчи кундалик машқлар олиб бориш давомида ва мусобақаларда доимо фаоллик кўрсатиш қоидага амал қилиши лозим.

4. Ўзининг ҳатти-ҳаракатларини нисбаган паст баҳолаши спортчида ўзига нисбатан “ишончсизлик” ҳиссини уйғотади. Шунинг учун ҳам тренер бундай ҳолатни келиб чиқмаслигини назарот қилиши, спортчини доимо руҳлантириб бориши лозим [4].

Бокс спорт тури қизларимиз учун оғирлик қиладими юкми? Бу борада илмий иш қилган олимларимиз ўтказган сўровномаларда 65% қизлар юқ, 10% оғирлик қилади 25% эса машғулотлар янада қизиқарли ўтса яхшироқ бўлади деган фикрларни айтишган[5].

Хулоса ва таклифлар. Олинган натижаларимизни қиссий таҳлил қилиб, ўғил ва қиз болаларнинг боксдаги мотивацияси ўрганилди. Унга кўра ўзбегим алп ўғлонлари муваффақиятга нисбатан юқори мотивацияни кўрсатишган.

Якка курашнинг бокс спорт тури спортчидан ўлкан масъулият ҳамда куч, ғайрат талаб этади албатта. Хулоса қилиб шуни айтишимиз жоизки спортчиларимизда жисмоний куч ва руҳий кучнинг мавжуд бўлиши бу ғалаба демакдир. Қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, спортни оммалаштиришда муҳим омилдир. Зеро, хотин-қизлар саломатлигига эътибор мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий мезонидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Musayev I., Nazarov N. “Universitet sporti: millatning sog‘lig‘i va farovonligi” XI talabalar va yosh olimlarning Xalqaro ilmiy anjumani 32-356.
2. Гаппаров З.Г “Спорт психологияси” “Ўзбекистон савдо нашриёт матбаа ижодий уйи”, 2021й. 57-596.
3. Хайитов У.А “Спорт психодиагностикаси ва психокоррекция” Тошкент-2020. - 76 б.
4. Усмонова А.А “Спорт психологияси” ўқув-услубий қулланма Тошкент-2016й. - 15-166.
5. Умаров Қ.А “Юқори малакали боксчи қизларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичида машғулоти юкломаларини оптималлаштириш” п.ф.д (PhD) дис.афтореферат 2022й.-156.



Фароғат НАРЗУЛЛАЕВА,
Термиз давлат педагогика институти магистранти
E-mail: email: ff_narzi02@mail.ru

Педагогика фанлари доктори, доцент Қ.Қодиров тақризи асосида

ЁШЛАРДАГИ МУҲАББАТ ҲОДИСАСИНING АЙРИМ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада ёшларда муҳаббат ҳодисасининг айрим семантик хусусиятлари, жараённинг кечишида темперамент билан ҳиссиётнинг ифодаланиши орасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи, рашкни ўз «рақиб»ни соғлом рақобатда маънавий, ахлоқий, ақлий, маданий жиҳатдан мағлуб қилиш йўли орқали ўз севгилисини қайтариш (агар шундай реал рақибнинг ўзи бўлса) талқини қаламга олинган.

Калит сўзлар: ёшлар, муҳаббат ҳодисаси, семантик хусусият, темперамент, ҳиссиёт, руҳий компонент, рашк, ўзаро муносабат.

SOME SEMANTIC CHARACTERISTICS OF THE PHENOMENON OF LOVE IN YOUNG PEOPLE

Annotation

In the article, some semantic features of the phenomenon of love in young people, the issue of interrelationship between temperament and the expression of feelings in the course of the process, the return of one's beloved through the way of defeating one's "rival" in a healthy competition spiritually, morally, intellectually, culturally (if there is such a real rival) are discussed in the article. the interpretation is penned.

Key words: youth, love affair, semantic feature, temperament, emotion, mental component, jealousy, interaction.

НЕКОТОРЫЕ СМЫСЛОВЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ФЕНОМЕНА ЛЮБВИ У МОЛОДЕЖИ

Аннотация

В статье рассматриваются некоторые семантические особенности феномена любви у юношества, вопрос о взаимосвязи темперамента и проявления чувств в ходе процесса, возвращение любимого путем победы над «соперником» в здоровая конкуренция в духовном, нравственном, интеллектуальном, культурном (если есть такой реальный соперник) обсуждается в статье.

Ключевые слова: юность, любовная связь, смысловой признак, темперамент, эмоция, психический компонент, ревность, взаимодействие.

Кириш. Қайси мутафаккир ёки олим, шоир ёки ёзувчининг асрларини олиб кўрманг, уларнинг ҳеч қайсиси ўз ижодий фаолиятида инсон ҳиссиётларининг энг кучли ва сирлиси, сержило ва цехрлиси ҳисобланган муҳаббатни четлаб ўта олмаган. Инсоният бор экан, муҳаббат одамни сирли туялар оламига етаклаган, уни енгиб бўлмас оловлардан ўтишга ва чўққиларни забт этишга ундаган, уни рағбатлантирган, унга бахтиёр онларни тухфа этган. Ҳатто ўлим тўшагида ётган одам ҳам умид бағишлаб, нашасини суйдирган, оддий кунларига камалак жилоларини армуғон этган, унинг атроф-муҳитни ҳамда ўзлигини идрок қилиши учун туртки бўлган[1]. Шахс руҳиятида ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлган қудратни кашф этган. Кўҳна ва ҳаминша навқирон ҳисобланган бу инсоний туйғу ҳаммага баробар азиз ва муқаддасдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Фалсафа ва психологиянинг деярли барча илмий арбоблари у ёки бу тарзда севги ва унинг тузилиши ҳақида мулоҳаза билдирдилар. Хорижий олимлар И.А.Болдирев[2], Karl Rogers va O.Rojers [3] “севги” тушунчасини ёшдан қатъи назар, ўсишнинг ажралмас қисми деб атадилар.

О.Ф.Кернбергининг ёзишича, етук севги ўзининг жинсий жиҳати бўйича мураккаб ҳиссий синтез бўлиб, ҳаяжон каби таркибий қисмлардан иборат, у инсон учун эротик истакга айланади, меҳр-муҳаббат тажовузорликдан устун бўлган ажралмас компонент сифатида ва инсоний муносабатларга ишора қилувчи "оддий иккиланиш"га бағрикенглик намоён бўлади, шеригига ва умуман муносабатларга нисбатан мажбуриятларни идеаллаштириш ва англашнинг етук шакли [4 28–бет].

О.Рojers фикрича, севги барқарор муносабатларнинг асосларидан биридир. Нозиклик ва ғамхўрлик кўрсатиш қобилияти етукликнинг бир қисмидир.

R.Мey етук бирлик сифатида севгини ривожлантиришнинг муҳим шарт сифатида ғамхўрликнинг аҳамиятини таъкидлайди[5, 28–бет].

Ғамхўрлик – бу ҳолат, унинг элементлари шерикнинг мавжуд бўлган бир хил асосий ҳис-туйғулар, яъни шерикнинг қувончи ёки оғриғи билан "мен"ни аниқлаш, ачиниш, айбдорлик ҳисси ва "универсал тамойилларга" боғлиқликни англаш.

Кўп муаллифлар “севги” тушунчасига ўхшаш қарашларга эга. Улар ўзаро қабул қилиш ва бир-бирини яхлит чуқур идрок этиш тамойилларига асосланади, бу тасвирларга эмас, балки воқеликка – инсоннинг аслида нима эканлигига асосланади[6].

Таҳқиқот методологияси. Мавзуга оид илмий-методик таҳқиқот ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, педагогик кузатув, моделлаштириш, қиёслаш, таҳлил ҳамда умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Шу ўринда мутахассислар томонидан муҳаббат туйғуларини бир неча турларга бўлинганлигига эътибор қаратсак:

1. Egos– кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат объектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.

2. Lyudus– севги ҳисларининг унчалик чуқур бўлмаган муҳаббат ўйини сифатида идрок қиладиган, севги ҳислари объекти осон алмашиши бўлган тури.

3. Storge – ташқи кўринишдан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат–дўстлик тури.

4. Pragma (LqS)–lyudus ва storgenлардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севги шахснинг манфаатларини кўзлаган мақсадлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.

5. Maniya (EqL) – эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги объектдан тобелиги билан характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турнинг фарқи севги шахсдан ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.

6. Agape (EqS) – эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланмаган, севган киши муҳаббат объектга ҳамма нарсасини ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган ҳислар тури ва ҳақозо [7].

Кузатишларга кўра, эракларнинг севги–муҳаббат ҳисларида кўпроқ қисмини эрос ва людус, аёлларда эса, прагма, сторге ва мания турлари ташкил этади. Ўсмир ва ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болаларда кўпроқ мания тури, катта ёшлардагиларда эса, бош турларга кузатилади.

Муҳаббат даврлига назар ташлаганда севги ҳиссининг илк куртакларини боғча ёшидаги болаларда ҳам кўриш ва буни ҳар бир тарбиячидан сўраб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин табиийки, бу ҳали тўлақонли муҳаббат бўла олмайди[8].

Болаликдаги муҳаббат ҳисларида физиологик компонент, яъни жинсий интилиш деярли бўлмайди. Улардаги ҳиссиётнинг аксарият қисми руҳий компонентдан иборат. Мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муҳаббат ҳислари эса, бир мунча фарқ қилади.

Ўспиринлик ёшидаги қиз болаларда руҳий компонент жинсий компонентдан устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиёт дивергенцияси–бўлиши кузатилади. Яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошидан кечирсалар, жинсий интилишни катта ёшли аёлга нисбатан ҳис этадилар, улардаги ҳиссиёт икки объектга бўлинади. Бу фақат ўғил болаларга ҳос бўлиб, қизларда бундай ҳол кузатилмайди. Ўспиринлик ёшидаги ўғил болаларда гипесекуаллик натижасида уларнинг ҳиссиётида жинсий интилиш устунлик қилади ёки унинг аҳамияти кескин ортади.

Қиз болаларда эса, руҳий компонентнинг устунлиги сақланиб туради. 17–25 ёшлардаги йигит–қизларда қиз жуфтини топишга интилиш ва ҳирс кескин ортади. Севиш ва севилишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёшлар ёрини тезроқ қидириб топишди ва оила қуришда, баъзан бундай ёшлар қисқа вақт ичида ажралишига ҳам улгуришди. 25 ёшдан кейин қизларнинг оила қуриш имкониятлари анча камайиб боради. Унда бўлғуси куёвга нисбатан талабчанлик ошиб, танқидий қараш кучаяди. Энди унда ҳисларга берилиш камайиб, унинг ўрнига бўлғуси ёрига бутунлай бошқача қарай бошлайди. Бундай руҳий ўзгаришлар йигитларда ҳам кузатилади, аммо қизларда фарқли равишда уларнинг оила қуриш, уйланиш имкониятлари камаяди, аксинча бирмунча ортади. Чунки бу ёшда уларнинг кўпчилиги битириб, маълум бир ихтиросни эгаллаган, меҳнат фаолиятини бошлаган бўладилар. Яъни оилани мустақил тебратиш имконига эга бўладилар. Муҳаббат ҳислари эрак ва аёллардаўзига ҳос шахвоний ҳирс ойғотади. Эракларниқидек тез орада ўзгармайди ва нисбатан узоқ давом этади. 13–14 ёшли ўғил болаларнинг 40 фоизи, қизларнинг 26 фоизи илк севги ҳисларини бошидан кечираётган ёки кечирган бўладилар. Бу ҳол 5–16 ёшли ўғил болаларда – 17%, қизларда 30%ни, 17–18 ўғил болаларда – 10%, қизларда 9%ни ташкил қилади.

А.Р.Лемехова қизлар ва йигитлар орасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиб, уни уч туга бўлган.

1. Уйғун тур – бунда қиз ва ўғил болаларда ахлоқий тушунчалар шаклланган, ҳиссиёт маданияти ривожланган бўлиб, улар муҳаббатга, қарама–қарши жинсга, оилавий ҳаётга бирмунча аниқ қарашади.

2. Оилавий романтик тур – бунда муҳаббат, жинслар орасидаги муносабатлар ҳаётдан олинган ҳолда, ниҳоятда идеаллаштириб олинган бўлиб, ҳаётдаги мавжуд борлиқ билан тўқнашганда эса, барча тасаввурлари парчаланиб, руҳан тушқунликка учрайди.

3. Маънавий камбағал тур – бунда ёшлар муҳаббатни нотоғри тушунадилар. Муҳаббатда маънавий яқинликни, руҳий омилнинг аҳамиятини кўра билмайдилар. Муҳаббатда асосий ролни жинсий яқинлик ўйнайди, деб биладилар. Бундай тоифадаги ёшлар кўп ҳолларда жинсий ҳаётни эрта бошлайдилар [9, 88–бет].

Тўлақонли муҳаббатни ҳис этган ҳар бир инсон муҳаббатнинг бошланғич, алангаланган ва ўзаро ҳурмат босқичларини босиб ўтади. Бошланғич ҳақиқий, истиқболи порлоқ, бир умирлик соф муҳаббатнинг бошланиш ёки аксинча шунчаки ҳавас қилиши ёки умри қисқа севгининг бирор бир кўриниши бўлиши мумкин. Мазкур босқич муҳаббатнинг “agape” турининг бошланиши ёки “yudus” турининг ўзгинаси бўлиши мумкин. Муҳаббатнинг пайдо бўлишини бевосита темпрамент тоифасига бўлиш хато бўлар эди.

Темпрамент билан ҳиссиётнинг ифодаланиши орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Холерик ва сангвиник тоифасидаги ёки уларнинг аралашувидан иборат тоифадагилар ўзгалар билан тез ва осон тил топишади. Бу тоифадаги эрак ва аёллар ўзлаига дўст топишда унчалик қийналмайдилар. Шунингдек, бундай тоифадаги одамлар флегматик ва меланхоликларга нисбатан тез ва осон севиб қоладилар. Чунки уларда ҳиссиёт ташқи томондан кучли ифодаланган ва шу сабабли ҳам ҳиссиёт қониқиш осонроқ ва тезроқ содир бўлади. Бундайлар юқоридаги айтиб ўтилган босқичларни бирмунча тезроқ босиб ўтишлари ҳам мумкин.

Флегматик ва меланхоликлар эса, ўзгалар билан тил топишишлари анча қийин. Улар дуч келган кимса билан дўстлашиб кетавермайди. Аммо дўстликнинг қадрига эгадиганлар ва азимаган сабаб учун дўстликдад кечмайди. Бу тоифадаги қишларда ҳиссиёт ниҳоятда чуқур ва пинҳона кечадики, буни бошқаларнинг ташқи томондан сезиш қийин. Буни ҳудди дарёнинг чуқурлигини унинг сатҳига қараб билиб бўлмаганига ўхшатиш мумкин.

Ҳиссиётдаги айрим босқичларга кўра муҳаббат турини, босқичини ва умуман севги ҳисларининг бор йўқлигини аниқлаш, инб Сино каби “оир ҳасталик”ка ташхис қўйиб, уни даволаш чораларини кўриш мумкин. Бу ҳиссиётнинг айримлари аслида биринчи босқичдаёқ кузатилади ва иккинчи босқичда ниҳоятда кучли, ҳар томонлама ифодаланади. Улар қуйдагилардан иборат:

1. “Бирлик эффекти” бундай ҳолларда муҳаббат ҳисларини бошдан кечираётган шахснинг онгида, тасарруфида ҳаёлида доимо севики ёри гавдаланиб туради. Нима иш қилмасин ва қаерда бўлмасин, ҳатто ёридан жуда узоқ масофада бўлсада, ҳаёлан у билан гаплашади, яшайди.

2. Идрокнинг идеаллашиши. Бундай ҳолда севилган инсон идеаллаштирилган ҳолда идрок этилади. Такорланмас даражадаги шахс сифатида, ҳар томонлама мукамал шаккланган, ниҳоятда чиройли, ақли, одобли ва ўзга ижобий ҳисларни ўзида мужассамлаштирган йигит ёки қиз сифатида намоён бўлади. Фел–атворидаги салбий томонлар ёки бирор жисмоний нуксонлар камчилик сифатида эмас, балки бетакрор, ноёб фазилат сифатида қабул қилинади. Севгилиси ва у билан боғлиқ барча нарсалар (унинг қарама қарши жинсдаги тенгдошларидан

ташқари) ва яқин кишилари ҳам фақат ижобий жиҳатдан идрок этилади.

3. Алтруизмнинг кескин ифодаланганлиги. Бу босқичда альтруизмнинг доирлик маркази муҳаббат тими билан бўлган қиз ёки йигитга йўналган бўлади. Алтруизм ниҳоятда кучли бўлганда инсон севган кишига учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. У севган кишининг манфаатини ўзининг манфаатидан устун қўяди ва буни биринчи даражали зарурат ҳисоблайди.

4. Муҳаббат кучига чексиз ишониш. Бундай ҳолатда муҳаббат ҳисларини бошдан кечириётган шахс ўз севгилиси билан бирга бўлишни, бўш вақтларини бирга ўтказишни, тезроқ у билан оила қуришни ва умрининг охиригача бирга бўлишни озу қилади, шунга интилади, у қўпинча бу режасини амалга оширади. Бундай олий бахтга эришиш йўлида турли тўсиқлар учати муқаррардир.

5. Севгилисида бошқалар кўрмаган жиҳатларни кўриш, ўзгалар аҳамият бермаган ҳисларни сезиш, ҳали яққол ифодаланмаган қобилиятни аниқлаш, унинг қандай мутахассис бўлиб етишни олдиндан кўра билишининг барчаси муҳаббат зийраклигининг намоён бўлишидир. Бу албатта, севган одамнинг қандай кўз билан қарашга боғлиқ. Бу қарашнинг ўзига ҳос руҳий томони шундаки, у башарти ижобий томонларини бўрттириб кўрсатса, салбий томонларга эътибор бермайди. Шулар туфайли қўпинча севгилисининг ота-онаси ҳам кўра билмаган истиқболни айтиб бера олади.

6. Севган одамда ҳаётга нисбатан муҳаббат кучаяди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: уларда руҳий жиҳатдан кескин ўзгариш содир бўлади, дунёни ўзгача тасаввур қилишади, ҳаётни чуқурроқ идрок эта бошлайдилар, ўзгаларни қалбдан тушуниш, уларга ҳамдардлик билдириш кучаяди, илгари яққол ифодаланмаган раҳмдиллик ҳислари пайдо бўлади ва ортади. Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш, теварак-атрофдаги гўзалликни кўра олиш-эстетик идрок қилиш кучаяди.

Севиганлар ёки оила қураётганларнинг ўзаро муносабатларини характерловчи вазият, шароитлардан бири бу-рашқдир. Севиги одамдан ажралиб қолиш, уни йўқотиб қўйиш ҳавфини ҳеч қачон бошдан кечирмаган одам рашқни қандайдир тушунарсиз ақлсизликдек тасаввур қилиш мумкин. Суюкли одамидан ажралиб қолиш нима эканлигини бир марта бўлса ҳам бошидан кечирган одам эса, рашқчини осонгина тушунади ва унга маълум даражада ҳамдардлик билан муносабатда бўлади. Умуман олганда, албатта рашқчи одамларга ҳавас қилиб бўлмайди. Ўзидаги бу ҳисни енга олмайдиган одамлар-доимо ҳавотирда, ҳадикда яшайдиган бахтсиз одамлардир. Уларнинг икки қарра бахтсизлиги яна шунда ҳамки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам жабрланувчи, ҳам азоб берувчи, ҳам зўравон, ҳам кучлидирлар.

Ишончсизлик, доимо хиёнат, шубҳаланиш муҳитини юзага келтирар экан, бундан рашқчиларнинг ўзлари биринчи бўлиб азобланадилар. Улар арзимаган баҳона туфайли ёки унинг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар ёлғиз ёки ошқора жанжалларни юзага келтиришга доимо тайёр бўлишади. Бу эса, уларнинг уйда, ишда ва бугун ҳаётида бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатларига, жумладан жинсий муносабатларига ҳам жиддий таъсир қилади ва қўпинча, аялчан психологик ҳасталиқлар, шикастланишларга ҳам олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолатларда ҳар икки жинс вакиллари ўз жуфтига рашқ қилиш учун ҳеч қандай сабаб, асос, баҳона яратиб қўймасликка ҳаракат қилиши, айниқса, “севгининг уйку” даврида қўпроқ илиқлик, сабр-тоқат, чидамлилики намоён қилишлари лозим бўлади.

Психологлар рашқни золимон рашқ ва “иззат-нафси поймол қилинганликдан” бўладиган рашқларга фарқлайдилар. Золимон рашқни одатда, худбин (егоист), қайсар, золим, ҳиссий совуқ, ва бегоналашиб кетган, ётсиратдиган, старлича авторитар одамлар юзага келтирадилар. Бундай одамлар одатда, турмуш ўртокларига фақат бир буюмдек, ўз манфаатини, фароғатини қондириш объекти, ўз мулкидек қарайдилар. Уларда бошқа одамнинг шахсий хусусиятларини сезиш, ҳурмат қилиш қобилиятлари ривожланмаган бўлади. Иззат нафси, шаъни камситилганликдан бўладиган рашқ-бу одатда, ҳаяжонланадиган, ҳар нарсадан гумонсирайверадиган, ўзига ишонмайдиган, ҳавф-ҳатар ва ноҳушликларни бўрттиришга мойил, нуқсонлар комплекسادан жабрланувчи одамларга ҳосдир. Уларнинг рашқи унчалик ғазабли, қаҳрли бўлмаслиги бироз юмшоқроқ, номоён бўлиши мумкин. Бироқ унинг ҳам ўз моҳиятига кўра оилавий бахт учун захри, зарари кам эмас [10].

Баъзан, “ундалма” деб номланувчи рашқ ҳам фарқланади. Бундай рашқнинг манбаи бўлиб, ўзининг турмуш ўртоғига вафосизлигини унга қўчириш ёки ўзининг ишончсизлиги, турмуш ўртоғига доимо хиёнат қилишга тайёрлиги қабилар хизмат қилиши мумкин.

Бу, айниқса никоҳдан олдинги “бой” сексуал тажрибанинг ҳавфли асоратларидан ҳисобланади.

Лов этиб ёнган рашқ мумкин бўлган барча «факт» ларнинг «қулоғидан» тортиб, турмуш ўртоғининг энг арзимаган, беозор хатти-ҳаракатлари, қилиқларини ўзининг ёвуз, золим, тубан нурлари, ранглари билан талқин қилиб, арзимаган нарсаларни шубҳа ботқоғига булғаб, улардан ўзининг намоён бўлиши учун қўшимча қувват манбаи сифатида фойдаланади. Ишдан озгина кечикиб қолиш, дўстлар даврасидаги беозор имо ишора ёки сўз, аллақачон унутиб юборилган болалик иштиёқлари ва шу каби ҳаёт иқир-чиқирларининг ҳаммаси ғоят даражада пухталиқ билан ўз турмуш ўртоғига қарши, уни айбловчи актларнинг қалин томларига йиғилади.

Қизиғи шундаки, бундай рашққа қарши кучли асосланган таъсирлар ҳам, уни тўхтатиб қолишга уринишлар ҳам қайтагана уни кучайтиради ва янада киздириб юборади. Худди қопагон итни занжирга боғлаб қўйилса, баттар дарғазаб бўлиб «тартиб бузувчиларига» ташланиши ва қаттиқ хуришидек, ичиб олган жанжалкаш одамнинг қўлидан тутиб турилса, ўз тажовузкорлигини янада кучли намоён қилганидек, рашқ ҳам шунга ўхшаш ҳолатни намоён қилади.

Рашқ ҳисларидан қутилишда психологлар қуйидаги йўللарни тавсия этишади:

1. Рашқ ҳисларини бошидан кечириётган шахс яхшилаб мулоҳаза қилиши, ўз рашқ ҳисларига танқидий қараш, рашқ ҳисларини юзага келтириётган сабаблар реалликдан анча йироқ бўлиб, у аксарият ҳолларда рашқ қилувчи шахснинг тасаввур ҳаёли эканлигини тушуниб етиши лозим. Ҳақиқатни тушуниб етган шахс тегишли ҳулоса чиқариб, рашқ ҳислари азобидан қутулиш имконига эга бўлади. Мазкур услубни қўллаш ҳар бир инсоннинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун шахс старли ақл, кучли аналитик тафаккур эгаси бўлиши керак.

2. Рашқни юзага келтирувчи шахснинг ижобий сифатларини ўзида мужассам қилиб, ўз «рақиби» ни соғлом рақобатда маънавий, ахлоқий, ақлий, маданий жиҳатдан мағлуб қилиш йўли орқали ўз севгилисини қайтариш (агар шундай реал рақибнинг ўзи бўлса). Бу услубнинг қимматли томони шундаки, севгилисини қайтара олмаган тақдирда ҳам шахсда ижобий ўзгаришлар, қимматли сифатлар шаклланади. Улар эса, йўқотилган севгилидан кўра афзалроқ муҳаббат объектини учратишга хизмат қилади.

3. Рашк ҳислари асосли фактларга таянган, аввалги тавсияларимиздан фойдаланиш имкони бўлмаган шахслар азоб берувчи рашк ҳисларидан қуйидагича қутилишлари мумкин: Рашк қилаётган кишингиз шахсини муҳаббат кўзойнагини ечиб, танқидий кўз билан ўрганинг. Оқибатда унинг шахсида қатор камчилик ва нуқсонлар борлигига иқдор бўласиз. Шунча камчиликлари бўлган, сизга бевафолик қилаётган шахс учун азоб чекишингиз ўринлими? Бу шахс сизнинг беғубор, муқаддас севги ҳисларингизга лойиқми? Мазкур вазият ўз вақтида кўзингизни очиб, унинг ҳақиқатан ким эканлигини тўғри идрок қила олишингизга ёрдам беради.

Хулоса. Севги ҳақидаги ғоялар субъект шахсининг ривожланиши билан бир вақтда сифат жиҳатидан

ўзгаради, яъни ривожланишнинг ижтимоий ҳолатининг ўзгариши ва ҳаётий тажрибани ўзлаштириш натижасида юзага келадиган турли ёш гуруҳлари учун севги маъносининг узлуксизлиги мавжуд. Талабалар севгини ўз-ўзини англаш, ўзаро қўллаб-қувватлаш имконияти, қизиқарли вақт, келажакни биргаликда режалаштириш деб билишади, лекин улар ҳақиқатан ҳам муносабатларда эркинликка муҳтож.

Тадқиқот натижалари севги муносабатларида бузғунчи тенденцияларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун ўрта мактаб ўқувчилари учун севги психологияси курсини ишлаб чиқишга имкон бериши.

ADABIYOTLAR

1. Akramova F.A. Insoniy munosabatlar psixologiyasi. "Shams ASA" 2005
2. Райс Ф. Психология подросткового и юношеского возраста : учеб. пособ. Филип Райс; [8-е изд.]. – СПб. : Питер, 2000. – 656 с.
3. Роджерс К. Клиент–центрированная психотерапия. Теория, современная практика и применение. М.: Апрель–пресс: ЭКСМО–пресс, 2002. – 506с.
4. Реан А.А. Психология человека от рождения до смерти. СПб.: прайм–ЕВРОЗНАК, 2001. – 656с.
5. Бернс Р. Развитие Я–концепции и воспитание. М.: Прогресс, 1986. – 420с.
6. Mahler M. (1968). On Human Symbiosis and the Vicissitudes of Individuation. Vol. 1, Infantile Psychosis. New York: International Universities Press.
7. Shoumarov Sh.B. Shoumarov Sh.B. – Muhabbat va oilaviy hayot. T. Ibn Sino 1996 y.
8. Akramova F.A. Insoniy munosabatlar psixologiyasi. "Shams ASA" 2005
9. Oila psixologiyasi. Akademik litsey va kasb–hunar kollejlari uchun. (B.Shomurodov tahriri ostida).
10. Якобсон П.М. Психология чувств и мотивации. Избранные психологические труды. М.: МПСИ, Воронеж, 1998. – 304с.



Gulnoza NAFASOVA,
Guliston Davlat universiteti o'qituvchisi
E-mai: gulnozanasova544@gmail.com

TDPU professori, ped.f.d B.S.Abdullayeva taqrizi asosida

DEVELOPMENT OF LOGICAL COMPETENCE OF FUTURE PHYSICS TEACHERS

Abstract

The main goal of this study is to consider the logical competence of a modern physics teacher. To understand today's learning skills, we have examined the following issues: student skills; level of professional growth of physics teachers; pedagogical culture of physics teachers; pedagogical innovations.

Key words: teaching competencies, cultural competency, talent, innovation, creativity, critical thinking, problem solving.

РАЗВИТИЕ ЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИКИ

Аннотация

Основной целью данного исследования является рассмотрение логической компетентности современного учителя физики. Чтобы понять современные навыки обучения, мы рассмотрели следующие вопросы: навыки учащихся; уровень профессионального роста учителей физики; педагогическая культура учителей физики; педагогические инновации.

Ключевые слова: педагогические компетенции, культурная компетентность, талант, инновации, креативность, критическое мышление, решение проблем.

BO'LAJAK FIZIKA O'QITUVCHILARINING MANTIQUIY KOMPETENTLILIGINING RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya

Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi zamonaviy fizika o'qituvchisining mantiqiy kompetentligini ko'rib chiqishdir. Hozirgi davr o'quv ko'nikmalarini tushunish uchun biz quyidagi masalalarni o'rganib chiqdik: talabalar mahorati; fizika o'qituvchilarning kasbiy o'sish darajasi; fizika o'qituvchilarning pedagogik madaniyati; pedagogik innovatsiyalar.

Kalit so'zlar: Kalit so'zlar: pedagogik kompetentsiya, madaniy kompetentsiya, iste'dod, innovatsiya, ijodkorlik, tanqidiy fikrlash, muammolarni hal qilish.

Kirish. Zamonaviy fizika o'qituvchilarini tayyorlash uchun bugungi kunda talablar va ehtiyojlar ortib bormoqda. Zamonaviy mehnat bozori soat sayin yangiliklarga va yangi kashfiyotlarga to'lib borayotgan glabollashgan davrda bo'lajak fizika o'qituvchilar-talabalarimiz qanday o'quv ko'nikmalariga ega bo'lishlari kerak? Ular oldingi o'qituvchilardan qanday farq qiladi? Bo'lajak o'qituvchilarga kerak bo'ladigan bilim va ko'nikmalar haqida eshitamiz. Shuni aytish zarurki faqatgina oliy ta'limdagi bilimi bilan chegaralanib qolmay doimiy o'qish va izlanishda bo'ladigan, o'quvchilarini yangi kashfiyotlarga undaydigan, fizik hodisalarga kreativ yondashib o'ziga xos uslubga ega, yangiliklarga tez moslashuvchan, zamonaviy o'qituvchilar zarur. Bunda albatta talimiy, kasbiy, ijodiy kompetensiyalar bilan bir qatorda mantiqiy kompetentlik darajasi ham zamonaviy o'qituvchida yuqori bo'sh zarur.

So'nggi yillarda ta'lim sifati sezilarli darajada o'zgardi. Agar ilgari Oliy ta'limning asosiy maqsadi talabalarga keyinchalik kerak bo'ladigan ba'zi turdagi bilimlarni berish bo'lsa, bugungi kunda Oliy ta'limlar birinchi navbatda bizning maqsadimiz hayotiy ko'nikmalar shakllantirish, o'zlari bilim olish va yangi g'oyalar bilan kelib, ularni hayotga tadbiiq etishni talabalarga o'rgatish hisoblanadi. Yangi g'oyalarni yaratish zamonaviy jamiyatning asosiy tamoyilidir. Bizga madaniy jihatdan malakali, iqtidorli, innovatsion va ijodiy muammolarni hal qiluvchi, malakali va tanqidiy fikrlaydigan mutaxassislar kerak. Yangi texnologiyalar tanqidiy fikrlashni rag'batlantirish imkoniyatini beradi. Biz talabalarga jamoada hamkorlikda va sezgir ishlashga, qaror qabul qiluvchi bo'lishga, o'z vaqtlarini samarali rejalashtirish va boshqarishga, bir-birimizni tinglashga va o'z vaqtida to'g'ri mulohaza strategiyasini tanlashga yordam beradigan ko'nikmalarni taqdim etishimiz kerak. Shunday qilib, biz ushbu yangi o'qitish talablarini qiziqdirish uchun zamonaviy ko'nikmalariga muhtojligimizni angladik.

- **Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Fizika o'qituvchining kompetentligi. O'qituvchi kompetentsiyasining ma'nosiga murojaat qilishdan oldin, avvalo, kompetentsiyaning ma'nosini belgilashimiz kerak. Kompetentsiya-bu turli xil odamlar tomonidan turli xil sharoitlarda keng qo'llaniladigan atama; shuning uchun u turli yo'llar bilan belgilanadi. O'qituvchilarning ta'limi va ish samaradorligi bu atama qo'llaniladigan ikkita kontekstdir. Mantiqiy kompetentligi malakaga asoslangan o'qituvchi ta'limining talablari bo'lib, o'qituvchi-stajyor o'qituvchi ta'lim dasturini muvaffaqiyatli yakunlash uchun namoyish qilishi kerak bo'lgan bilim, ko'nikma va qadriyatlarini o'z ichiga oladi.

Kompetentlikning ba'zi xususiyatlari quyidagilardan iborat:

1. Kompetentlik bir yoki bir nechta ko'nikmalardan iborat bo'lib, uning mahorati kompetensiyaga erishishga imkon beradi.
2. Kompetentlik ishlashni baholash mumkin bo'lgan uchta soha bilan bog'liq: bilim, ko'nikma va munosabat.
3. Ishlash o'lbog'iga ega bo'lgan mantiqiy kompetentligi kuzatiladigan va namoyish etiladigan.
4. Mantiqiy kompetentligi kuzatiladigan bo'lgani uchun ular ham o'lbog'lanadi. Fizika o'qituvchining ishlashidan kompetentsiyani baholash mumkin. O'qitish mantiqiy kompetentligi teng miqdordagi bilim, mahorat va munosabatni talab qilishi mumkin, ammo ba'zilar talab qilmaydi. Ba'zi mantiqiy kompetentligi mahorat yoki munosabatlardan ko'ra ko'proq bilimlarni o'z ichiga olishi mumkin, ba'zi mantiqiy kompetentligi esa ko'proq mahorat yoki ishlashga asoslangan bo'lishi mumkin.

Ba'zi olimlar "kompetentsiya" ni ish faoliyatini yaxshilash uchun ishlatiladigan bilim, ko'nikma va xulq-atvorning kombinatsiyasi yoki etarli malakali va ma'lum bir rolni bajarishga qodir bo'lgan holat yoki sifat sifatida

ko'rishadi. 1960-yillarda Devid Makklelland tomonidan boshlangan kasbiy kompetentlik harakati bilim, ko'nikma va munosabat nuqtai nazaridan kompetentsiyani tavsiflash uchun an'anaviy urinishlardan uzoqlashishga va buning o'rniga ushbu o'ziga xos qadriyatlar, xususiyatlar va motivlarga e'tibor qaratishga intildi.

-Tadqiqot metodologiyasi. Bugungi jamiyatning ko'p qirrali murakkabliklari shaxslarni jiddiy tanqid qilmoqda. Ushbu talablar shaxslar egallashi kerak bo'lgan asosiy

mantiqiy kompetentligi uchun nimani anglatadi? Bunday mantiqiy kompetentligini aniqlash bizga ta'lim tizimlari va umrbod ta'lim uchun umumiy maqsadlarni aniqlashga va zamonaviy o'qituvchisi uchun mantiqiy kompetentligi doirasini baholashga imkon beradi. Dastlab, talabalar muvaffaqiyatli muloqot qilish va shaxsiy rivojlanish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar va sub-ko'nikmalarni tushunishimiz kerak, bu ularga hayotda raqobatdosh ustunlikni ta'minlashi kerak (1-rasmga qarang):



1-rasm. Mantiqiy fikrlash kompetentlikning o'qituvchifaoliyatidagi ahamiyati

Kompetentlik nafaqat bilim va ko'nikmalardan iborat; u ma'lum bir kontekstda resurslarni (shu jumladan ko'nikma va munosabatlarni) jalb qilish va safarbar qilish orqali murakkab talablarni qondirish qobiliyatini o'z ichiga oladi. Yetuklik o'qituvchining mukammallikka intilishi uchun juda muhimdir.

Bugungi dunyoning murakkab muammolariga duch kelganda yechish uchun o'qituvchilarga keng mantiqiy kompetentligi kerak. O'qitish malakasi-bu ma'lum bir mamlakat yoki dunyoning farovonligiga hissa qo'shishga intiladigan samarali o'quv jarayonining ajralmas elementi (1-jadvalga qarang):

1-jadval

Ta'lim jarayonida bo'lajak fizika o'qituvchilarning mantiqiy kompetentlikning tayyorgarligi

Fikrlash va muammolarni hal qilish-mantiqiy fikrlash	- taxmin qilish va taxmin qilish	- muammolarni imkoniyatlarga aylantirish
O'z-o'zini boshqarish va o'rganish	- xotirani rivojlantirish-qat'iyatli bo'lish	- shaxsiy o'zgarishlar qilish
Hamkorlik	- boshqalarni ishonitirish-jamoadada ishlash	- alternativlarni muhokama qilish-murosaga erishish
axborot va tadqiqot - grafiklarni tushunish	- matn bo'yicha eslatma olish-so'rovlarni yozish	- hisobot ma'lumotlari
Tashkilot va rejalashtirish - rejalar tuzish	- vaqtni boshqarish	O'qitish mantiqiy kompetentligi

Ta'lim jarayonida Markaziy shaxslar o'qituvchilardir. Ta'lim va ta'limning muvaffaqiyati ularning tayyorgarligi, bilimi va ishlash sifatiga bog'liq.

Kasbiy o'qituvchilarning o'qitish qobiliyatlari va umrbod o'qitish qobiliyatlari quyidagilardan iborat: murakkab pedagogik vazifalarni bajarish; yaxshi gapirish, yaxshi ruhiy va jismoniy salomatlik, barqaror va bag'rikeng bo'lish; yosh avlod bilan ishlashga moyil bo'lish, yaxshi kommunikativ va kuzatuv qobiliyatlari, xushmuomalalik, yorqin tasavvur va etakchilik [4].

Kasbiy faoliyati davomida o'qituvchilar kasbiy malakaga erishish uchun quyidagi kasbiy o'sish darajalaridan o'tadilar.

1-daraja: pedagogik qobiliyat-mavzuni batafsil bilish bilan tavsiflanadi;

2-daraja: pedagogik mahorat-mukammal o'qitish mahorati;

3-daraja: pedagogik ijodkorlik-ta'lim faoliyatiga yangi usul va uslublarni joriy etish bilan belgilanadi;

4-daraja: pedagogik innovatsiya-o'qitish va tarbiyalashning mohiyatan yangi, ilg'or nazariy g'oyalari,

tamoyillari va usullarini o'zida mujassam etgani bilan ajralib turadi [5].

Ta'lim maktablari madaniy jihatdan malakali o'qituvchilarni rivojlantirishning dolzarbligini tan oldilar. Shuning uchun pedagogik madaniyat kompetensiya o'qituvchining ajralmas qismidir. Pedagogik madaniyat uch komponentdan iborat:

o'qituvchi pedagogik ish qadriyatlarini qabul qilishni anglatuvchi aksiologik komponent;

turli pedagogik vazifalarni hal qilishni osonlashtiradigan texnologik komponent;

maqsadlarni belgilash, rejalashtirish, tahlil qilish va o'z-o'zini tanqid qilishni o'z ichiga olgan evristik komponent; bu pedagogik faoliyatning ijodiy qismidir[6].

Pedagogik innovatsiyalar. Ta'lim innovatsiyalari butun dunyoda tobora ko'proq e'tiborni tortdi va ko'plab mamlakatlar allaqachon ta'limning maqsadlari va amaliyotini o'zgartirishga qaratilgan ta'lim islohotlariga kirishdilar. Ta'lim va o'qitish jarayoniga AKT (axborot-kommunikatsiya texnologiyalari) ni kiritish orqali bunday yangiliklardan foydalanish yoki qo'llab-quvvatlash mumkin degan taxminlar

keng tarqalgan. Bunday yangiliklar talabalarning o'quv tajribalarini tubdan o'zgartirmoqda.

Innovatsiya pedagogik tizimni o'zgartiradi, o'qitish jarayonini va uning natijalarini yaxshilaydi. Innovatsiyalarning maqsadlari orasida o'quv va o'quv faoliyatida motivatsiyani oshirish, har bir darsda o'rganiladigan materiallar hajmini oshirish, tezlashtirilgan mashg'ulotlar va vaqtni yanada samarali boshqarish kiradi.

Keyinchalik ilg'or usullarni joriy etish, faol o'qitish shakllari va yangi o'qitish texnologiyalaridan foydalanish innovatsiyalarning muntazam sohalaridir.

Haqiqiy yangiliklar inson taraqqiyoti jarayonlari haqidagi yangi bilimlardan kelib chiqadi, optimal natijalarga erishish uchun yangi nazariy yondashuvlar va amaliy

texnologiyalarni taqdim etadi. Pedagogik innovatsiya ta'lim paradigmalarini almashtirishni talab qiladi.

Kompetensiyali o'qituvchi uchun yana bir muhim tarkibiy qism-bu pedagogik tajriba. Ilg'or pedagogik tajribani boshqalarga o'tkazish va o'tkazish, shuningdek, o'qituvchilar tomonidan qo'shimcha vaqt sarflamasdan yuqori natijalarni ta'minlaydigan o'qitish texnikasi va usullarida ko'paytirish mumkin [7].

- **Tahlil va natijalar.** Zamonaviy mantiqiy kompetentligi zamonaviy ishchi kuchida raqobatbardosh bo'lish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va munosabat sifatida aniqlandi. O'qituvchilarni tayyorlash va malakasini oshirish o'qitishning asosiy mantiqiy kompetentligini o'qitish uchun qayta ishlanishi kerak. (2-jadvalga qarang):

2-jadval

Zamonaviy o'qitish mantiqiy kompetentligi

A	O'qituvchilar yetakchilikni namoyish etmoqda	turli xil baholash yordamida talabalar taraqqiyotini baholash-ma'lumotlarni o'lchash maqsadlari; - sinf va o'quv rejaralarini ishlab chiqish uchun tegishli ma'lumotlarga asoslanish; -turli xil baholash yordamida talabalar taraqqiyotini baholash-ma'lumotlarni o'lchash maqsadlari; - talabalarining o'qishini osonlashtiradigan xavfsiz va tartibli sinfni saqlash;
B	- o'qituvchilar tomonidan maktabda yetakchilik namoyish:	- hamkorlikdagi va jamoaviy kasbiy ta'lim faoliyati bilan shug'ullanish; -maktabni takomillashtirish rejasining xususiyatlarini yoki muhim elementlarini aniqlash; -maktabni takomillashtirish rejasida hal qilinishi kerak bo'lgan ehtiyoj sohalari aniqlash uchun tegishli ma'lumotlardan foydalanish qobiliyatini ko'rsatish
C	o'qituvchilar o'qituvchilik kasbini boshqaradi	-mantiqiy rivojlanish va o'sish faoliyatida ishtirok etish; -professional aloqalar va tarmoqlarni rivojlantirish
D	-o'qituvchilar maktablar va talabalarni himoya qiladilar:	- talabalarining bilimlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan islohatlar olib borish. -amaliyotlarni amalga oshirish va ularga rioya qilish -o'qituvchilar yuqori axloqiy me'yorlarni namoyish etadilar..

Zamonaviy o'qituvchisi talabalar uchun texnologik qo'llab-quvvatlanadigan o'quv imkoniyatlarini qanday taqdim etishni bilishi va texnologiya talabalarining o'qishini qanday qo'llab-quvvatlashi mumkinligini bilishi kerak

Bo'lajak fizika o'qituvchilari kelajakda o'rgatadigan kasbiy yuklamalar tarkibini bilishadi, o'qituvchilar samarali o'quv kursi asosida darslarni ishlab chiqadilar va talabalar bilimini oshirish uchun o'quv dasturi davomida va tarkib sohalarida samarali savodxonlik bo'yicha ko'rsatmalarni birlashtirishi lozim. Bo'lajak o'qituvchilar o'qituvchilik mutaxassisligiga mos bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi, o'z mutaxassisligi bo'yicha tegishli darajadagi kontent bilimlarini namoyish etishi, talabalarni bilimlarini kengaytirish va tabiiy qiziqishlarini qondirish uchun tarkib sohasini o'rganishga undashi darkor. Bo'lajak o'qituvchilar kelajakdagi faoliyati davomida duch kelishi mumkin bo'lgan nostandard vaziyatlarda kontent sohalari o'zaro bog'liqligini anglashi, muammoga yechimtopaolishni o'rganadilar:

- o'z fanlari bo'yicha bilimlarni boshqa fanlar bilan bog'lash orqali namoyish etish;

- mavzu haqida global xabardorlikni bog'lash.

Bo'lajak o'qituvchilar o'qituvchilar tomonidan ta'lim zamonaviy ko'nikmalarini va mazmunini integratsiya qish

yangi g'oyava metodlarni islab chiqish kompetentligi oshadi, natijada o'z talabalari uchun o'rganishni osonlashtiradi. O'qituvchilar ta'lim olish usullarini va o'qituvchilarning intellektual, jismoniy, ijtimoiy va hissiy rivojlanishining tegishli darajalarini bilishlarini ko'rsatadilar:

- individual talabalar rivojlanish darajasini aniqlash va shunga ko'ra ta'lim rejalashtirish;

- talabalarining kuchli va zaif tomonlarini hal qilish uchun zarur bo'lgan resurslarni baholash va ulardan foydalanish.


O'qituvchilar tomonidan ularning talabalar uchun tegishli ta'lim rejalashtirish:

- talabalar faoliyatini nazorat qilish va madaniy farqlar va individual ta'lim ehtiyojlariga javob beradigan ta'lim berish uchun hamkasblar bilan hamkorlik qilish.

O'qituvchilar o'zlarining zukkoligi va ko'p qirraliligini namoyish etadilar:

- barcha talabalar ehtiyojlariga mos usullari va materiallar turli foydalanish.

O'qituvchilar tomonidan o'rganish rivojlantirish uchun texnologiya salohiyatini ularning ongi namoyish: (3-rasmga qarang):



3-rasm . O'qituvchilar o'z amaliyotlari haqida fikr yuritish samardorligi.

- ularning ta'lim ichiga integratsiya texnologiyasi talaba ta'lim maksimalashtirish uchun.

O'qituvchilar talabalarga fikrlaydigan shaxs sifatida o'sishga yordam beradi:

- talabalarga tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilish jarayonlari va strategiyalarini qo'llash qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradigan aniq ko'rsatmalarni birlashtirish.

O'qituvchilar talabalarga jamoalarda ishlashga va etakchilik fazilatlarini rivojlantirishga yordam beradi:

- hamkorlik va talabalar etakchiligini rivojlantirish maqsadida o'quv guruhlarini tashkil etish.

O'qituvchilar tomonidan ularning talabalar eng yaxshi erishish:

- barcha o'quvchilar bilan samarali muloqot qilish uchun turli usullardan foydalanish;

- talabalarni fikrlarni ifodalashga doimiy ravishda rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlash

O'qituvchilar talabalar o'rgangan narsalarni eng yaxshi baholaydilar:

- talabalarining rivojlanishini kuzatish va baholash hamda ko'rsatmalarni xabardor qilish uchun shakllantiruvchi va yig'uvchi bir nechta ko'rsatkichlardan foydalanish;

- **Xulosa va takliflar.** Ideal holda, o'qituvchilar quyidagi mantiqiy kompetentligini namoyish etishlari kerak:

1) sinfni samarali boshqarish, samaradorlikni oshirish, intizom va ma'naviyatni saqlash, jamoaviy ishlarni rag'batlantirish, rejalashtirish, muloqot qilish, natijalarga e'tibor berish, taraqqiyotni baholash va doimiy tuzatishlar kiritish. Ijobiy munosabatlar, hamkorlik va maqsadli o'rganishni rivojlantirish uchun bir qator strategiyalardan foydalanish

kerak. Vaqt, makon va tadbirlarni tashkil etish, belgilash va boshqarish talabalarining samarali vazifalarga faol va adolatli jalb etilishini ta'minlashi kerak.

2) mavzu tushunchalarini o'rgatishda turlicha qarashlar, nazariyalar, "bilish yo'llari" va izlanish usullarini ifodalovchi samarali o'qitish amaliyoti. Bir nechta o'qitish va o'rganish strategiyalari o'quvchilarni tanqidiy fikrlash, muammolarni hal qilish va ishlash qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradigan faol ta'lim imkoniyatlariga jalb qilishda yordam berishi kerak, shu bilan birga o'quv resurslarini aniqlash va ulardan foydalanish uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga yordam beradi.

3) rasmiy testlarni o'z ichiga olgan samarali baholash; viktorinalarga javoblar; sinfdagi topshiriqlarni, talabalarining chiqishlari va loyihalarini baholash va talabalar nimani o'rganganligini tushunish uchun standartlashtirilgan muvaffaqiyat testlari. Baholash strategiyalari ishlab chiqilishi kerakki, u o'quvchilarni o'z-o'zini baholash faoliyatiga jalb qiladi, ularning kuchli tomonlari va ehtiyojlaridan xabardor bo'lishlariga yordam beradi hamda ularni o'rganish uchun shaxsiy maqsadlarni qo'yishga undaydi.

4) texnologiya ko'nikmalari, hozirgi ta'lim texnologiyasidan qachon va qanday foydalanishni bilish, shuningdek, o'quvchilarning bilimni maksimal darajada oshirish uchun texnologiyaning eng mos turi va darajasi mos bo'lishi lozim.

5) yuqoridagilarni umumlashtirganda bo'lajak fizika o'qituvchilarining mantiqiy kompetentligining juda mukammal shakllangan bo'lishi zarur.

ADABIYOTLAR

1. Teacher competence in higher education. The chapter from book. Retrieved in February 2012 from <http://www.egyankosh.ac.in/bitstream/123456789/24676/1/Unit6.pdf>.
2. Competence (human resources). Wikipedia. The Free Encyclopedia website. Retrieved in February 2012 from http://en.wikipedia.org/wiki/Competence_%28human_resources%29.
3. Diagram of teaching. Macmillan publisher website. Retrieved in January 2012 from http://www.mindseries.net/upload/assets/4/assets/3996/2950b6162255a6a6c6c875b0346f8d9c4e408e99/Spode_Diagram_graphic.pdf.
4. Shmelev, A. G. Psychodiagnosis of personnel characteristics. Saint-Peterburg, 2002.
5. Buharkova, O. V., Gorshkova, E. G. Image of the leader: technology of creation and promotion. Training programme. Saint-Peterburg, 2007.
6. Ivanitsky, A. T. Training of personnel development in the educational collective: methodological guide. Saint-Peterburg, 1998.
7. Kan-Kalik, V. A., Nikandrov, N. D. Pedagogical creativity. Moskov, 1990.
8. Conceptual Framework: Preparing the Future-Ready Educator. Official website of Department of Education at Davidson College. Retrieved in February 2012 from <http://www.davidson.edu/academic/education/framework.html>.
9. Olga Nessipbayeva :The competencies of the modern teacher Retrieved in February 2012 from : <https://www.semanticscholar.org>



УДК: 371.126:78

Истиқбол НҲМОНОВ,

Андижон давлат университети мустақил изланувчиси

ЎзМУ профессори, псих.ф.д. Д.Мухаммедова тақризи асосида

THE CONTENT AND ESSENCE OF THE DEVELOPMENT OF MUSICAL SKILLS OF FUTURE MUSIC TEACHERS IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL PRACTICE

Abstract

This article describes the description and recommendations for the development of musical skills of future music teachers in the process of professional practice, offers and comments on the development of practical competences of music teachers, the influence of music science on the human heart and soul, and the improvement of the future generation that has matured on this basis.

Key words: Music education, musical instrument, didactic features, rhythm science, music science, modern music art.

СОДЕРЖАНИЕ И СУЩНОСТЬ РАЗВИТИЯ МУЗЫКАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ МУЗЫКИ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПРАКТИКИ

Аннотация

В данной статье описаны описание и рекомендации по развитию музыкальных способностей будущих учителей музыки в процессе профессиональной практики, предложения и комментарии по развитию практических компетенций учителей музыки, влияние музыкальной науки на сердце и душу человека, а также совершенствование будущего поколения, выросшего на этой основе.

Ключевые слова: Музыкальное образование, музыкальный инструмент, дидактические особенности, ритмоведение, музыкальная наука, современное музыкальное искусство.

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ СОЗАНДАЧИЛИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада малакавий амалиёт жараёнида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг созандачилиқ маҳоратини ривожлантиришга доир тавсиф ва тавсиялар, мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ишлаб чиқишга оид тақлиф ва мулоҳазалар, мусиқа фанининг инсон қалби ва руҳига таъсири, шу асосда камол топган келажак авлоднинг барқарорлашуви ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: мусиқа таълими, мусикий қолғу, дидактик хусусиятлар, ритмика фани, мусиқа фани, замонавий мусиқа санъати.

Кирриш. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш жараёнида албатта уларни мусиқа тарихи билан таништириб бориш муҳим масалалардан саналади. Ҳар қандай мусиқа дарслари асосан мусиқа қолғуларини таништиришдан бошланади. “Мусикий қолғулар тарихи – бу техник тақомиллаштириш тарихи эмас, балки инсон қалбининг ва руҳининг ривожланишини акс эттиради”. Дарҳақиқат, муаллиф фикри ўз ўзидан пайдо бўлган эмас. Буни тарихнинг ўзи исботлаб турибди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Зокиржон Ориповнинг “Шарқ мусикий манбашунослиги” номли ўқув қўлланмасини бўлажак мусиқа ўқитувчиларига тавсия этаман. Бу ўқув қўлланма ҳам уларнинг амалий компетенцияларини ривожлантиришда ўзининг салмоқли ҳиссаси қўша олади. Мазкур ўқув қўлланма мусиқа йўналишида таълим олаётганларга, “Ўзбекистон мусиқа маданияти манбашунослиги” махсус фани бўйича тайёрланган ва шарқ, хусусан араб тилидан муайян билимга эга бўлган талабалар учун мўлжалланган. Унда матнларнинг баҳсли бўлиб келаётган баъзи қисмлари ҳам араб тилида, ҳам ўзбекча таржимада келтирилмоқда. Манба номлари, асл атамалар асосан арабча шаклида, ўрни билан, транскрипция ҳолатида берилган. Қўлланмага Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмийларнинг мусиқашуносликка оид асарларидан намуналар, уларнинг таржималари киритилган ва мазкур асарлар учун арабча - русча – ўзбекча мусиқа атамалари қисқача лугати илова қилинган.

Ҳозир Ўзбекистонда халқ таълимининг янги усуллари тадбиқ этилмоқда. Агар инсоният юксак билимга, ақлга эга бўлмаса, у ҳеч қачон ўз ўрнини топа олмайди. Масалан, Япония илгари дунёнинг бир чеккасидаги қолоқ ва савияси паст мамлакат эди. Лекин уларнинг оқсоқоллари, зиёлилари катта саҳнага чиқиб, “майли, биз 10 -12 йил қийналсак ҳам лекин ёшларимиз дунёвий билимларни ўргансинлар”, деганлар. Зеро, келажак ёшларнинг қўлида. Бунга жавобан мактаб дастурларида ўқитиш фанга катта эътибор қаратганлар. Булар япон тили (она тили), математика ва мусиқа фанлари эди. Мана озгина фурсат ичида мамлакат дунёнинг энг кучли давлатлари қаторига қўтарилди. Энг юксак, қудратли компьютерлар япониялик олимлар томонидан ишлаб чиқарила бошланди.

Тадиққот методологияси. Дунё бозорида ҳам япон маҳсулоти биринчи поғоналарга эга бўлди. Албатта, бунинг ҳаммаси ақл ва маънавиятнинг юксак савияси натижаси. Билим беришни улар, авваламбор, ёшлардан бошладилар. Чунки бежиз айтишмаган “Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш” деб. Бизда ҳам ҳозир шундай ислохотлар ўтказилмоқда. Лекин қандай қилиб тарбия-интизом бўлмаган жойда билим олиш мумкин. Шунинг учун ўқувчининг ақлий онгини ривожлантиришимиз керак-ки, у ўзи ақлан ўйласин ҳозир ўйнаш эмас, ўқиш кераклигини. Лекин гуруҳнинг ҳам қурмаги бўлгани каби орамизда тарбияси ёмонроқ ўқувчилари ҳам мавжуд. Фақатгина уларни тергаб, ўқишларига ёрдам бериб турилса, улардан келажакда юртимиз довуруғини дунёга

танитадиган ёшлар бўлиб етишиши мумкин ва етишмоқда ҳам. Зеро, ёшлик деб бошқа енгил-елпи ҳаётга ишониб қолмасинлар. Уларга билим билан ўз навбатида тарбиявий соатлар ўтказиш даркор. Бизга ҳарф ёзишни, дунёни ўрганишимизга катта хизматлари синган ўқитувчиларни ҳар доим асрашимиз даркор. Демак, улар доим халқ манфаати йўлида ҳеч нарсадан воз кечмайдилар. Улар бизнинг ҳамиша фахримиз, ғуруримиз бўлиб қолаверади. Бунда умумтаълим мактабларимизда мусиқа фанини кўпайтиришимиз даркор. Мусиқа боланинг миясини дам олдиради, ва яна билим олишига ёрдам беради.

Шу ўринда Т.В.Черниговская нейро ва психолонгистика соҳалари бўйича Россиялик олима бир қанча илмий унвонлар соҳибаси ўзининг марузаларида шундай деган эди “Мусиқа бу – инсонни фақат яхшилиққа етаклайди. Айниқса ёшлигидан мусиқа соҳасида ўқиган боланинг дунёқараши бошқа болаларникига қараганда кенг бўлади”. Бу фикрга қўшиламан чунки, 2013 йил “Ўзгарувчан сиёсий-маданий муҳитда мусиқа ва мусиқчиларнинг ўрни” илмий-методик мақолалар тўпламида “Имконияти чекланганлиги чегара эмас ёхуд, мусиқа тарбияси ҳамма учун” номли мақолада бу ҳақда батафсил ёзганман.

Таҳлил ва натижалар. “Ўзбек мусикаси тарихи” фанининг ҳам бўлажак мусиқа ўқитувчиларига таълим беришда ўзининг алоҳида аҳамияти бор. Бу борада Тригулова А.Х. ўзининг хорижий мақоласида шундай дейди: “...ушбу фан талабаларга икки босқичда ўтилади. Бакалавр ва магистратура босқичида. Бакалавриятда ушбу фан талабаларга курс ўқув дастури бўйича бир қанча мавзуларда ўтилади. Талабаларда бошланғич билимларни шакллантиришда дастур янги услубий вазибаларни ўз ичига олади. Ана шундай вазибалардан бири талабанинг ушбу фанни ривожланаётган оламнинг жисмоний ва маънавий маданияти билан бир бутунлигини англаб етишидир. Бу хусусият эса билимларнинг тизимлилиги билан боғлиқ. Ўзбек мусикаси тарихи борасидаги билимлар шаклланишининг услубий асоси сифатида тарихий аспект, яъни ҳар бир мусиқий асар тарихий жараён фониди баҳолаиши келтирилади.” Тригулова А.Х. фикрларига қўшиламан аммо билимларнинг тизимлилигини фақатгина бакалавр ва магистратура босқичларидагина эмас балки, мактабгача таълим муассасаларида босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш жараёнида устоз-шогирдлик аънасининг муҳим ўрни бор. “Устознинг энг буюк бурчи — юрт равнақиға ўзининг муносиб хисасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли ва қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёрлаш учун аввало унинг ўзи касбий салоҳиятли, маънавий баркамол, кенг дунёқараш ва соғлом фикрга эга бўлмоғи лозим.” Диссертацияда аини келтирилган фикрлар бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенциялари таърифиға тўла мос келади.

“Магистратура битирувчиси мусиқа ўқитувчиси касбининг ижтимоий аҳамияти ва моҳиятини англаб етиши керак. Бундан ташқари олган билимларини касбий фаолиятининг турли йўналишларида қўллаи олиши, фикрлаш маданиятиға эға бўлиши, мусиқа санъати ва педагогикаси янгиликларидан боҳабар бўлиб бориши, мусиқа санъати билан бирлашган соҳаларни тўғри баҳолай олиши керак.” Дарҳақиқат, бакалавр ва магистратура босқичи битирувчилари бажаришлари лозим бўлган кўникмалар мавжуд бўлиб, улар ана шу кўникмаларни амалиётда тадбиқ эға олсаларгина ўз касбининг устаси бўлиб шаклланадилар.

Энг аввало ўқувчиларда мусиқий хиссиёт тушунчасини тўғри шакллантира билишимиз керак. Бу

борада В.Холопова шундай дейди: “Мусикада хиссиёт тушунчаси қуйидагича бўлиши мумкин: мусиқий хиссиёт – одамнинг мусикани хис қилиш жараёни, натижаси, тасаввури ва тажрибасидир.”

Давлат таълим стандартларининг муҳим даражаси бўлган экспериментал таянч ўқув режаси ва дастурлар ҳар томонлама пухта ўрганилиши зарур. Ушбу дастур ва режани яратишда мамлакатимиздаги фан техника ижтимоий иқтисодий соҳалардаги ривожланишлар ҳисобға олинган. Ундан аввало ўқувчиларни психологик физиологик хусусиятларига муҳим ўрин берилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазиралиқлари умумтаълим мактаблари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбия мазмунини қайтадан мукаммал ишлаб чиқишлари лозим. Таълим-тарбия шаклари усули воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантириш;

таълим маданий-маърифий муассасаларини янги техника ва технология асосида замонавий жиҳозлаш; ўқитувчи мураббий ижодкорлигини таъминлаш касб маҳоратларини оширишнинг самарали йўллари топиш;

оила, маҳалла, мактабда таълим-тарбия мазмунини мукаммал ишлаб-чиқиш амалиётига кенг тадбиқ этиш. Шундай қилиб ўқитувчининг меҳнатини илмий ташкил этиш, давлатнинг бу ҳақдаги ғамхўрлиги, баркамол авлодни тарбиялашдек муқаддас вазибасини ёруғ юз билан адо этиш учун кучли туртки бўлади.

“Ўқитиш методлари жуда кўп бўлиб улар орасида ўйин билан дарс ўтиш методи алоҳида ўринда туради. Ўйин билан дарс ўтиш методи орқали бола нафақат дарсни мукаммал ўзлаштиради, балки унинг коммуникатив хусусиятлари ҳам фоллашиб боради.” Дарсларни ўйин тарзида олиб бориш методикасини бўлажак мусиқа ўқитувчиларига мукаммал ўргатиб бориш муҳим деб санайман. Сабаби, дарҳақиқат, дарсларни болаларға ўйин орқали сингдириб бориш, аиниқса мусиқа дарсларидан мусиқий электорон дастурий ўйинлардан фойдаланиш жуда катта самараларни бера олади.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари доимий равишда ижодий жараёнға тайёрлаб борилади. Шу билан бирға педагог сифатида назорат қила олишлари ҳам муҳим саналади. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Назорат ва ижод қандай қилиб бир жабада бирлашиши мумкин? Ушбу саволнинг жавобини Г.Л.Ержемскийнинг “Психология дирижирования” китобидан топишимиз мумкин: “Ижод ва назорат, маълум маънода бир бириға психологик антогонистлар саналади. Ижод ўз ўзидан назоратдан қочишға интилади, назорат эса ўз навбатида ижодий жараён. Улар нафақат бир ерда мавжуд бўлиши, балки ўзаро фаол муносабатда бўлиши жуда зарур.” Бу фикр жуда ўринли аммо юкорида такидлаганимиздек талабани назоратда ушлашимиз учун мустақил таълим тизимини ривожлантиришимиз зарур.

Живов В.Л. ўзининг “Хоровое исполнительство: Теория. Методика. Практика” номли ўқув қўлланмасида замонавий педагогик илм педагогик хусусиятлар сифатида қуйидагиларни келтиради, дейди:

Дидактик хусусиятлар. Бу хусусиятлар умумий ўқув таълими қондаларини ҳисобға олган ҳолда ўқувчиға билим бериш, амалий кўникмаларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш имконини беради; 2. Конструктив хусусиятлар ўқувчининг шахсини шакллантиришда, педагогик амалиётнинг натижаларини ва ўқувчининг турли вазибларда ҳаракатини олдиндан қўра билишға ёрдам беради; 3. Перцептив хусусиятлар, яъни ўқувчининг психологиясини ва унинг психологик ҳолатини тушуниш ва тўғри қабул қилиш хусусияти; 4. Экспрессив хусусиятлар, ўзининг фикрини, билимини, хиссиёт ва ишончини нутқ, мимика ва пантомимика ёрдамида ташқарига намоён қилиш; 5. Коммуникатив хусусиятлар, аудитория билан тўғри муносабатларни (педогогик такт,

индивидуал ва ёшга доир хусусиятларни инобатга олиш) йўлга қўйиш.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш йўлида, айнан мана шу хусусиятларни инобатга олиш муҳим саналади. Бу хусусиятларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб чиқсак. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари учун дидактик хусусиятлар жуда муҳим саналади. Ўқувчиларга берилаётган билим уларнинг ёши, қабул қилиш хусусияти, амалиётга тадбиқ эта олиш имкониятлари билан мос келиши керак. Ўқув жараёни босқичма босқич амалга оширилади. Яъни, ўқув дастури йилдан йилга ўзгариб боради, боланинг аввалги олган билимлари, ёши, қабул қилишидан келиб чиққан ҳолда албатта. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси эса мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, ўқув жараёнини ташкил қила олиши лозим. Живов В.Л. фикрлари ўринли аммо Диссертацияда талабалар билан видео ва аудио топшириқлар бериш тарзда ҳам доимий таълим бериш лозим.

Олдиндан кўра билиш хусусияти эса ўқувчининг янада кўпроқ билим олиш имкониятини оширади. Ундаги янги кирраларни кашф қилиш, ўқувчини зўриктириб қўймаслик, дарсга янада қизиқтириш, иштиёқини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Шунинг учун ҳам бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришда албатта олдиндан кўра билиш хусусиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайман.

Ҳар бир педагог учун перцептив хусусият энг зарури саналади. Педагог фаолияти давомидаги эришадиган ютуғининг 80%и айнан мана шу хусусиятга боғлиқ деб ҳисоблайман. Айниқса мусиқа ўқитувчиси учун бу жуда муҳим. Сабаби ўрганиш учун мусиқий асар танлаш жараёнида ўқувчининг психологиясини ҳисобга олиш орқали юқори натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун эса педагог ўқувчининг психологиясига ва психологик ҳолатига тўғри баҳо бера олиши лозим. Бунинг учун албатта бўлажак мусиқа ўқитувчилари таълим жараёнида болалар ва ўсмирлар психологияси билан таништирилиб боришлари, бунинг учун алоҳида соатлар ажратилиши, амалиёт жараёнида ўрганганларини тадбиқ этишга ўргатиш долзарб масалалардан саналади. Бугунги кунда албатта бу борада соталар ажратилган, лекин бўлажак мусиқа ўқитувчилари учун ушбу соатларни янада қўлайтириш зарур.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси маҳоратли педагог сифатида шаклланишни истаса, албатта чиройли нутққа эга бўлиши муҳим саналади. Нутқнинг раван бўлишига эса вақт давомида эришилади. Махсус машқлар, мунтазам машғулотлар, кўп китоб ўқиш албатта нутқнинг ўсишига имкон беради. Ўқувчилар билан мулоқот жараёнида педагогнинг юз ифодаси ҳам муҳим. Педагогнинг ҳар бир

ҳаракати, сўзлаган нутқи, имо ишораси ўқувчининг руҳиятига таъсир ўтказмай қолмайди. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари айнан мана шу жиҳатларни инобатга олишлари фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари учун ўзгалар билан, айниқса таълим беражак ўқувчилари билан қулай мулоқотга кириша олиши аҳамиятлидир. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатнинг тўғри қўйилганлиги ўқувчининг фанга бўлган қизиқишининг ортишига, ўзлаштиришининг осонлашишига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бўлажак мусиқа фани ўқитувчилари ритмика фанини чуқур билишлари лозим. Мусиқий фанларни ўқитиш амалий фанлар ичида жисмоний маданият фанлари билан кучли даражада боғлиқ бўлиб, бу фанлар, яъни соҳалар бир-бирининг ичига чуқур кириб борган ва дарс жараёнида бир-бирини тез-тез такрор этади. Ҳар иккала таълим туридан қўзланган мақсад эса комил инсон тарбиясидир. Шунинг учун, ҳар иккала соҳа бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнида фанларнинг юқорида айтиб ўтганимиздек боғлиқлик даражаси кучли эканлигини назарда тутган ҳолда улар ўқийдиган ўқув фанлари таркибига боғлиқ фанлар бўйича умумий маълумотлар берадиган ўқув дастурини ҳам киритиш лозим. Масалан: Бўлажак жисмоний маданият фанлари ўқитувчиларини мусиқа билан юриш, югириш, мусикали гимнастик ҳаракатлар, бадий гимнастика ва аэробика ҳаракатларини бажариш жараёнида мусиқа ижросидан қандай фойдаланиш, яъни мусиқий асарлар турлари, ритми, ўлчови, тезлиги, динамикаси, характери ва ифода хусусияти, ички тузилиши (период, фраза, мотив, такт) тўғрисида тўлиқ маълумот олишларига эришиш лозим. Шунингдек бўлажак мусиқа ўқитувчилари ҳам фанларнинг бундай боғлиқлик даражаларини билишлари, мусикали ҳаракатлар бўлган мусикали юриш, югириш, гимнастик машқлар, ритмика, айниқса бадий гимнастика, аэробика ва рақс ҳаракатларини ўргата олишлари учун жисмоний маданият бўйича ҳам маълум даражада билимга эга бўлиши лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мусиқа фани барча фанларни ўзида мужассамлаштирган йирик мажмуа десак адашмаган бўламиз. Чунки мусиқа фани ичида жисмоний тарбия, адабиёт, тарих, физика, химия, биология, география, соғлом турмуш тарзи ва шу каби фанларни кўришимиз мумкин. Комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш барчамизнинг бош мақсадимиз экан, бунинг учун тарбиянинг барча турлари баравар сингдирилгани каби жисмоний маданият ва мусиқий маданиятнинг ҳам шу борада ўз ўрни борлигини унутмаслигимиз, уларнинг ҳеч бирига паст назар билан қарамаслигимиз, уларнинг умум ишимиздаги ўрнини камситмаслигимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 1995 йил 20 октябрь // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 1995. – 21 октябрь. – Б. 1-2.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи. – Тошкент, 2008. – 8 январь.
3. Абдурахмон Саъдий. Гўзал санъат дунёсида // Инқилоб. – Тошкент, 1922. – 2-сон.
4. Акрамова Г.Р. Бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари: Пед. фан. номз. ... автореф. – Тошкент, 2007. – 25 б.
5. Ахмедова Х.А. Формирование готовности будущих учителей музыки к духовно-нравственному воспитанию учащихся педагогических колледжей (на примере музыкальных дисциплин): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Тошкент, 2007. – С. 23.



Xabiba OBLAMURODOVA,
TDYU dotsent v.b., falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori, PhD
E-mail: h.oblamurodova@tsul.uz

O'zMU dotsenti v.b., f.f.b.f.d., PhD A.I.Tulyaev taqrizi asosida

ENSURING INTERETHNIC HARMONY AND RELIGIOUS TOLERANCE IS A FACTOR OF PEACE AND STABILITY

Abstract

The article covers the importance of ensuring interethnic harmony and interreligious tolerance in Uzbekistan as one of the most important priorities of state policy, as well as comprehensive reforms carried out in this direction.

Key words: Tolerance, religious tolerance, interethnic harmony, enlightenment, religious enlightenment.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ ГАРМОНИИ И РЕЛИГИОЗНОЙ ТЕРПИМОСТИ – ФАКТОР МИРА И СТАБИЛЬНОСТИ

Аннотация

В статье освещаются вопросы обеспечения межнационального согласия и межконфессиональной терпимости в Узбекистане как одного из важнейших приоритетов государственной политики и важность проводимых в этом направлении масштабных реформ.

Ключевые слова: Толерантность, религиозная толерантность, межнациональная гармония, просвещение, религиозное просвещение.

MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG'RIKENGLIKNI TA'MINLASH – TINCHLIK VA BARQARORLIK OMILI

Annotatsiya

Maqolada O'zbekistonda millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglikni ta'minlash davlat siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri ekanligi hamda mazkur yo'nalishda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar ahamiyati yoritilgan.

Kalit so'zlar: Bag'rikenglik, diniy bag'rikenglik, millatlararo totuvlik, ma'rifat, diniy ma'rifat.

Kirish. Mamlakatimizda millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni, fuqarolar totuvligini ta'minlash, xorijiy mamlakatlar bilan do'stona, teng huquqli va o'zaro manfaatli munosabatlarni mustahkamlash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida qaralmoqda. Bu barcha sohada olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar, xalqimiz turmush darajasini yanada yuksaltirish yo'lidagi ezgu maqsaddan dalolatdir. Zotan, fuqarolar manfaatlarini faqatgina tinchlik va osoyishtalik, o'zaro hurmat, mehr-oqibat va hamjihatlik muhitini yaratish orqali ta'minlash mumkin.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son farmoniga muvofiq tasdiqlangan "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi"[2]da ham aynan jamiyatda millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlashga alohida e'tibor qaratilgan.

Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi O'zbekistonni keyingi 5 yilda rivojlantirishning 7 ta ustuvor yo'nalishi doirasida 100 ta maqsadga erishishni ko'zlagan. Ushbu maqsadlarga erishish yo'lida amalga oshiriladigan sa'y-harakatlar ham aniq. Ular, o'z navbatida, samaradorlik va natijadorlikni nazorat qilishni anchayin osonlashtiradi. Boshqacha qilib aytganda, rejalashtirilgan islohotlar natijadorligini taraqqiyotning maqsadlariga erishganlik darajasiga muvofiq ravishda baholash tizimi joriy etildi.

Taraqqiyot strategiyasining beshinchi – Ma'naviy taraqqiyotni ta'minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish yo'nalishining 74-maqsadi Jamiyatda millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglik muhitini mustahkamlashni nazarda tutadi. Unda qo'yidagi vazifalar amalga oshirilishi belgilab qo'yilgan:

Milliy madaniy markazlarni qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish;

Millatlararo munosabatlar sohasida davlat siyosati konsepsiyasini izchil amalga oshirish;

Turli millat yoshlari uchun qo'shimcha qulay shart-sharoitlar yaratish;

Xorijiy tillarda faoliyat yuritayotgan hamda millatlararo munosabatlar sohasida davlat siyosatini yoritayotgan OAVlarni qo'shimcha qo'llab-quvvatlash;

Do'stlik jamiyatlari faoliyatini takomillashtirish.

Mazkur vazifalar Taraqqiyot strategiyasida ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy omillar bilan birga, ma'naviy va ma'rifiy sohalarida amalga oshirilayotgan islohotlar ham g'oyat muhim ahamiyatga ega ekanligining yaqqol namunasi hisoblanadi.

Hozirgi axborot makonida dinlar, ayniqsa, jahon dinlaridagi bag'rikenglik tamoyillarini yoritish va yoshlar ongiga singdirish muhim vazifa hisoblanadi. Binobarin, turli din vakillari o'rtasidagi o'zaro murosai madorani ta'minlashda diniy bag'rikenglik eng samarali omildir.

Tadqiqot metodologiyasi. Keling, shu o'rinda biz yuqorida fikr yuritayotgan mazkur tushunchaning mazmun-mohiyatiga to'xtalsak.

Bag'rikenglik (tolerantlik – lot. chidam, sabr-toqat) – o'zgalarga nisbatan mehr-muruvvatli, g'amxo'r, saxiy, kengfe'lli bo'lgan, ana shunday ma'naviy fazilatlariga ega kishilarni ifodalovchi tushuncha. Bag'rikenglik o'zgalarning dunyoqarashi, diniy e'tiqodi, milliy va etnik xususiyatlari, an'ana-marosimlariga hurmat-ehtiromda bo'lish, muomalamunosabatda kamsitish va tahqirlashlarga yo'l qo'ymaslik, insoniylikni hamma narsadan ustun hisoblab, jamoada, shaxslararo munosabatlarda, jamoat joylarida bunga rioya etishni anglatadi. Mazkur tushuncha turli dindagi, turli millat va elatlarga mansub kishilarning bir mamlakat doirasida, yagona davlat tarkibida bahamjihat, tinch-osoyishta yashashini ifoda etadi.

Shu bilan birga, tolerantlik dunyoqarash sifatida zo'ravonlik ko'rinishi bo'lgan ekstremizmga qarama-qarshidir. Jamiyatda turli xil xalqlar, millatlar va dinlarning o'ziga xos xususiyatlariga nisbatan tolerantlik munosabatini O'zbekiston misolida ham ko'rish mumkin.

Bag'rikenglik ayrim shaxslarga yoki butun bir xalqqa xos xususiyat. Bag'rikenglik milliy va diniy tusda ham namoyon bo'ladi. Milliy bag'rikenglik – millatlararo totuvlikni anglatadi, diniy bag'rikenglik – turli diniy konfessiyalarga mansub kishilarning hamjihatlikda yashashini bildiradi [3].

Bag'rikenglik dunyodagi turfa madaniyatlar, turli xalqlar milliy qadriyatlar, an'ana va urf-odatlarini hurmat qilishni anglatadi. Bunday bag'rikenglik keng dunyoqarash, samimiy munosabat, hur fikr, vijdon va e'tiqod negizida vujudga keladi. Bag'rikenglik faqat ma'naviy burchgina emas, siyosiy va huquqiy ehtiyoj hamdir [5, 6]. Bag'rikenglik, eng avvalo, insonning huquq va erkinliklarini tan olish asosida shakllangan faol munosabatdir.

YUNESKO Bosh konferensiyasining 1995-yil 16-noyabrda 28-sessiyasida “Bag'rikenglik tamoyillari to'g'risida”gi Deklaratsiya qabul qilindi [9]. Shundan beri mazkur sana “Xalqaro bag'rikenglik kuni” sifatida nishonlanadi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad insoniyatni tinchlik va osoyishtalikni asrab-avaylashga hamda ijtimoiy-iqtisodiy farovonlikka erishishga chorlashdir. Mazkur deklaratsiyada ta'kidlanganidek: “Bag'rikenglik bo'lmasa tinchlik bo'lmaydi, tinchliksiz esa taraqqiyot va demokratiya bo'lmaydi”[4].

Tolerantlik tushunchasining o'zbek tilida turli xil ma'nolari bor: chidamlilik, sabr-toqatlilik, bardoshlilik, kelishuvchanlik, qayishqoqlik, ochiq ko'ngillik, kengfe'llik [7, 8]. Tolerantlik turli xil ezgu qarashlarni, e'tiqodlarni, ko'p qirrali jahon madaniyatini hurmat qilish va to'g'ri tushunish asnosidagi o'zligini namoyon qilish, insoniy individuallikning ko'rinishidir. Tolerantlik – “birlik – xilma-xillikda” prinsipi-ning keng miqyosda amalga oshirishini anglatadi. Tolerantlik fuqarolik jamiyatini qurishning me'yoriy normasi va bugungi tamaddunning muhim qadriyatiga aylanib bormoqda.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 18-moddasida: “O'zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat'iy nazar, qonun oldida tengdirlar”[1] – deb, mustahkamlab qo'yilgan.

Tahlil va natijalar. Bugun yurtimizda 130 dan ortiq millat va elatlar vakillari bir oila farzandlaridek, teng huquqlilik hamda o'zaro hamjihatlik sharoitida yashab, Vatanimiz mustaqilligini mustahkamlashga munosib hissa qo'shib kelmoqdalar. Ularning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta'minlash, ta'lim olishlari, o'z qiziqish hamda layoqatlari bo'yicha kasb-hunar egallashlari, madaniyatlari, urf-odatlarini, an'analarni saqlash va rivojlantirishlari uchun zarur imkoniyatlar yaratib berilgan [14, 15]. Bunday yuksak darajadagi e'tibor natijasida ko'p millatli xalqimizning boy tarixiy-madaniy merosi qayta tiklandi, qadr topdi. Barcha millat vakillarining davlat boshqaruvi, iqtisodiy, ijtimoiy hamda madaniy jarayonlarda keng va erkin ishtirok etishi kafolatlandi.

Yurtimizda bugungi kunda 138 ta milliy madaniy markaz, shuningdek, 34 ta do'stlik jamiyati faoliyat yuritmoqda. Bu barcha millat hamda elatlar tarixi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlarini, an'ana va urf-odatlarini asrash, ularni har tomonlama rivojlantirish, millatlararo munosabatlarni uyg'unlashtirish, jamiyat va davlatni barqaror rivojlantirishga xizmat qilmoqda.

Ular “xalq diplomatiyasi” mexanizmi asosida tinch hamda farovon hayotni asrash, xorijiy mamlakatlar bilan do'stona munosabatlar va madaniy-ma'rifiy aloqalarni rivojlantirish, chet eldagi hamyurtlarimiz bilan yaqin, o'zaro manfaatli munosabatlarni yo'lga qo'yishga salmoqli hissa qo'shmoqda [16]. Ta'lim muassasalarida dars mashg'ulotlari 7 tilda olib borilmoqda. Teleko'rsatuv va radioeshittirishlar 12 tilda efirga uzatilayotgan bo'lsa, gazeta hamda jurnallar 10 dan ortiq tillarda chop qilinmoqda.

O'zbekistonda davlat va din munosabatlari quyidagi tamoyillarga asoslangan:

Diniy bag'rikenglik, millatlararo totuvlik, vijdon erkinligi.

Diniy bag'rikenglik tushunchasi turli din hamda konfessiya vakillari e'tiqodida aqidaviy farqlar bo'lishiga qaramay, ularning yonma-yon va o'zaro tinch-totuv yashashini anglatadi. O'zaro bir-birini tushunmaslik, bilimsizlik va jaholat insoniyat hayotida o'zaro shubhalanish va ishonchsizlikning tug'ilishiga sabab bo'lgan, buning oqibatida yesa turli nizolar va qonli kelishmovchiliklar kelib chiqqan.

Millatlararo munosabatlar shunday jarayonki, unda teng huquqlilik, murosas, hamkorlik prinsiplariga tayaniladi.

Ma'lumki, millatlararo munosabatlarni rivojlantirishda dinning o'ziga xos o'rni bor. Dinga nisbatan, asosan, ikki yondashuv mavjud: birinchisi, din inson faoliyatiga, ongi va intellektiga bog'liq bo'lmagan, transsendental voqelik, ikkinchisi, u inson aqlu idroki, ratsional izlanishlarining bir ko'rinishi, deb hisoblashdir. XXI asrga kelib, ushbu ikki yondashuvning madaniy qadriyatlar umumiyligi negizida bir-biriga yaqinlashishi ro'y bera boshladi. Mehr-muhabbat, orzu-umid, dunyo, adolat, tenglik, oqibat, ezgulik, inoqlik va bag'rikenglik kabi tushunchalar universal ahamiyat kasb yetib, diniy hamda dunyoviy ilmlarni uyg'unlashtirishga asos yaratdi.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagilardan xulosa qiladigan bo'lsak, diniy bag'rikenglikning millatlararo munosabatlarga ta'siri quyidagilarda namoyon bo'ladi:

birinchidan, din va diniy qadriyatlar etnosiyosiy paradigmaga qarshi chiqmaydi, balki rivojlanishni ta'minlashga o'z vosita va usullari bilan yordam beradi. Etnosiyosiy paradigmanning strategik maqsadi jamiyatning barcha a'zolari, shu jumladan, dinga e'tiqod qiluvchilar, konfessiyalar, diniy tashkilot a'zolariga ham daxldor;

ikkinchidan, xalqlar, millatlar bahamjihatligi strategik maqsadni o'zining hayotiy maqsadi sifatida qabul qilganida ijtimoiy taraqqiyotni ta'minlash mumkin;

uchinchidan, diniy bag'rikenglik destruktiv guruhlar, fundamentalizm, terrorizm va missionerlikka xushomad, yon bosish emas, u mudom xatti-harakatlar hamda g'oyaviy qarashlarni ijobiy yoki salbiy xarakterga ega ekanini ajrata oladigan voqelik;

to'rtinchidan, millatlararo munosabatlarda dinga, diniy qadriyatlarga tayanish vijdon erkinligi orqali ta'minlanadi. Qaysi dinga e'tiqod qilish, qanday diniy qadriyatlarni e'zozlash, targ'ib etish va qo'llab-quvvatlash shaxsning konstitutsion huquqi [10, 11, 12, 13];

beshtinchidan, millatlararo munosabatlarda din va diniy tashkilotlar to'plagan tarixiy-madaniy, ijtimoiy-axloqiy tajribalardan foydalanish har ikki tomon, ayniqsa, ijtimoiy taraqqiyot uchun konstruktiv ahamiyatga ega. Lekin etnosiyosiy paradigma dinda konservativ va dogmatik unsurlar ham borligini, ulardan destruktiv kuchlar foydalanishga intilayotganini unutishi mumkin emas.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. // www.lex.uz.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi PF-60-son farmoni. // <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

3. Ozodovna T. D. (2022). “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to‘g‘risida” gi qonunning diniy ekstremizmga qarshi kurashdagi ahamiyati. integration of science, education and practice. scientific-methodical journal, 3(7), 29-33.
4. Таджибаева Д. (2020). Свобода совести – основа социальной устойчивости. Review of law sciences, 1(Спецвыпуск), 26-32.
5. Tojiboeva D. O. (2020). Religious Tolerance Is The Basis Of Society Sustainability And Integration. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(11), 21-25.
6. Tadjibaeva D. O., & Oblomurodova, K. N. (2020). Religious tolerance is a symbol of peace and enlightenment. Elementary Education Online, 19(4), 804-809.
7. Таджибаева Д. (2017). Обеспечение национальной безопасности в информационной сфере. Review of law sciences, 1(1), 56-61.
8. Ozodovna, T. D. (2021). “Mass culture” as the most dangerous weapon of ideological pressure.
9. Tadjibaeva D. (2017). Ensuring national security in the information sphere. Review of law sciences, 1(1), 8.
10. Tojiboeva D. O. (2021). “Mass culture” as the most dangerous weapon of ideological pressure. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 1106-1111.
11. Таджибаева Д. (2017). Ensuring national security in the information sphere. Юридик фанлар ахборотномаси, (1), 56-61.
12. Oblomurodov N. (2021). Investment basis and development trends of small business and entrepreneurship in uzbekistan. current research journal of history (2767-472X), 2(06), 1-6.
13. Khalimovich N. O. (2022). Those who are created for women are the conditions and provide them with work. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(5), 515-517.
14. Khalimovich N. O. (2022). Youth policy in Uzbekistan. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(5), 105-106.
15. Khalimovich N. O. (2022). The essence of the latest reforms in the field of health care. pedagogs jurnali, 10(2), 186-188.
16. Oblomurodov N. K. (2021). The Labor Heroism Of The People Of Uzbekistan Behind The Front During The Second World War. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(05), 37-46.



УДК: 37.013.46

*Баҳодиржон ОМОНОВ,
МТТДМҚТМОИ мустақил тадқиқотчиси
E-mail: bahodironov33@gmail.com*

Педагогика фанлари номзоди, доцент Ш.Э.Неъматов тақризи асосида

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ЧИКИНДИЛАР МЕНЕЖМЕНТИГА ДОИР ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҲОЛАТИ

Аннотация

Ушбу мақолада чиқиндилар менежментига доир халқаро ва миллий таълим тизими таҳлил қилинди ва мактабгача таълим ташкилоти директорларининг малакасини оширишда “чиқиндилар менежменти” ўқув модулини ташкил этиш зарурати очиб берилди.

Калит сўзлар: Чиқиндилар менежмент, халқаро тажриба, экологик концепция, қизиқарли чиқинди.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И СТАТУС НАЦИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ОБУЧЕНИЯ ОБРАЩЕНИЮ С ОТХОДАМИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация

В данной статье была проанализирована международная и отечественная образовательная система обращения с отходами и выявлена необходимость организации образовательного модуля “управление отходами” при обучении директоров дошкольных образовательных учреждений.

Ключевые слова: Обращение с отходами, международный опыт, экологическая концепция, интересные отходы.

INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL EDUCATION AND TRAINING STATUS OF WASTE MANAGEMENT IN PRESCHOOL EDUCATION

Annotation

In this article, the international and national educational system of waste management was analyzed and the need to organize a “waste management” educational module was revealed in the training of directors of preschool educational institutions.

Key words: Waste management, international experience, ecological concept, interesting waste.

Кириш. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра[15]. Жаҳон аҳолиси 2019 йил 2,01 млрд. тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни ишлаб чиқарган, 2050 йилга келиб глобал чиқиндилар 3,40 миллиард тўннагача ўсиши мумкин. Бундан ташқари, 2050 йилга келиб 216 млндан ортиқ одам иқлим ўзгариши сабаб ўз мамлакатларини тарк этиши мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу даврга келиб, дунёнинг олти минтақасида, хусусан, Тропик Африкада 86 млн, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасида 49 млн, Жанубий Осиёда 40 млн, Шимолий Африкада 19 млн, Лотин Америкасида 17 млн ҳамда Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 5 млн иқлим мигрантлари пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда.

Ҳисоботда қайд қилинишича, ички иқлим миграцияси келгуси ўн йилликлар мобайнида ўсиши кутилмоқда. Асрининг иккинчи ярмида эса бу жараён янада тезлашади. Агар мамлакатлар глобал иссиқхона газларини ҳосил қиладиган чиқиндиларини камайтирмаса ва иқлим ўзгаришининг ҳозирги ва келажакдаги таъсирига етарлича қаршилик кўрсатмаса, 2030 йил бошида мамлакатларда иқлим миграциясининг «қайноқ нуқталари» пайдо бўлади.

Умуман олиб қараганда биргина иқлим ўзгаришининг ўзи эмас дунё аҳолиси томонидан чиқиндилар чиқариш миқдорини ортиши атроф муҳитга салбий таъсирини оттирмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир йилда 12 турдаги чиқиндилардан фақатгина маишийсининг ўзи 7,0 млн. тоннадан зиёддир. Уларнинг бор йўғи 1,5 млн. тоннаси, яъни 21 фоизи қайта ишланмоқда, холос. Қолганлари эса атроф табиий муҳитни ифлослантирмоқда ва экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кейинги 10-15 йил ичида уларнинг миқдори (аҳолининг истеъмол даражасини ўсиши ва маҳсулотларнинг турли вариантларда уларга йеткилиб берилиши ҳисобида) 2 баробарга

ошган ва ушбу салбий динамик ҳолат ривожини сақлаб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мазкур муаммонинг назарий ва методик жиҳатларига тегишли тадқиқотларни хорижда (Мария Эдуарда Феррейра, Сатарина Сруза, Руи Питармаб 2016 йил) каби олимлар томонидан ўрганилган[6]. Улар чиқиндишунослик таълими ва тарбиясини айнан мактабгача ёшдаги болажонларга беришдан бошлаш кераклиги ва уни экологик таълимга интеграция қилиш орқали олиб киришни таклиф қилганлар. Россиялик Сидякина Е.А.[11]., (2013) тадқиқотларига кўра экологик, жумладан чиқиндишунослик таълими умумий ўрта таълимнинг бошланғич қисмида экотизимлар ҳақида қандай ўйлашни эмас, балки қандай фикр юритишни ўргатишга йўналтирилган бўлиши зарур, деб хулоса қилган. Панин А.В. – Колесникова И.А.(2017) [10]. каби бир қатор тадқиқотчилар болажонларнинг экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан чиқиндиларга доир тарбиясини муайян бир ҳудудда ташкил этилган “Табиат марказлари”да ахлатларни тўплаш, саралаш ва жойлаштиришга доир кўргазмалар дидактик воситалар орқали шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Бунинг учун улар, аввалам бор, Мактабгача таълимда экологик менежментни йўлга қўйишдан бошлаш кераклигини уқтирмоқдалар.

Тадқиқот методологияси. Мактабгача таълим ташкилотига чиқиндилар менежментига доир педагогик методлар тизими аниқланди ва улар қуйидаги иерархик поғонага жойлаштирилди:

мавзуга тегишли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

фаолият самарадорлигини аниқлаш ва тажрибаларни жорий қилиш ҳолатини баҳолаш;

мактабгача таълимнинг малака ошириш боскичида синаб кўриш ва жорий этиш.

Таҳлил ва натижалар. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майда “ЎзРда экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 434-сонли қарорининг 3-бобида мазкур тизимга экологик таълимни ривожлантириш бўйича 11 та вазифа белгиланиб олинган. Ушбу вазифаларни амалга татбиқ этиш учун 2019 йил 6 августда Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг МТТда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш

чора-тадбирлари бўйича қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур вазифаларнинг мазмуни ва моҳияти МТТда экологик таълимни замон талаблари даражасига олиб чиқиш, жумладан экологик илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни йўлга қўйишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Қўплаб ривожланган давлатларда чиқинди билан боғлиқ ишларни ҳал этишда техника ва технология билан бир қаторда аҳолининг онг ва маданиятини ривожлантиришга қаратилган ишларни МТТларидан бошлашга катта этибор қаратилган.

1-жадвал

Европа давлатларининг МТТда экологик, жумладан чиқиндилар менежменти

Давлатлар	МТТда чиқиндиларга оид экологик таълим-тарбияни ташкил этиш ҳолати
	Франциянинг жанубий-шарқий қисмидаги маъмурий бирликларда “Ким чиқиндиларни қанча кўп чиқарса – шунча кўп пул тўлайди” принципи асосида чиқиндиларни бошқариш тизими жорий қилинган. Шунинг учун ҳам МТТда экологик менежмент айнан ўша принципга мос равишдаги чиқиндиларни менежментига йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ўқув жараёнига киритишга қаратилгандир.
	МТТда чиқиндилар менежменти доир таълим-тарбия жараёни икки йўналишда тизимли равишда олиб борилади. 5 ёшгача бўлган болалар гуруҳларида чиқиндилар бўйича ўқув жараёни оддий кўринишдаги дидактик ролли ўйинлар ва воситалар орқали билим ва малакаларни шакллантиришга қаратилган. 5-7 яшар болаларни эса 10 та провинцияларининг ҳар бирида юқори медио технологик воситалар билан жиҳозланган «Табиат марказлари»да олиб борилиши йўлга қўйилган.
	Швецияда чиқиндиларнинг деряли 99 фоизи қайта ишланади ва бунда нафақат ихтисослаштирилган корхоналар, балки аҳолининг барча қатламлари бевосита иштирок этадилар. Бунинг учун аҳоли маиший чиқиндиларни ювилган, тозаланган ва ихчамлаштирган тарзда тўплаши уларга чиқиндиларни реализация қилиш (сотиш) имкониятини беради. Шунинг учун ҳам МТТда чиқиндиларга доир бошқарув тизими ушбу бошқарув механизмига мослаштирилгандир. Болаларни уй ва МТТда
	Россияда 15 апрель экологик билимларни ривожлантириш куни сифатида белгиланган. Экологик миллий лойиҳага кўра 2030 йилгача чиқиндиларни саралаб йиғишни 100 фоизга етказиш ҳамда чиқинди полигонлар сонини икки баробарга камайтириш мақсадида аҳолининг экологик онги ва маданиятини кўтаришни, айнан мактабгача таълимда экологик менежментини ташкил этишга қаратилгандир. Чиқиндилар менежментига доир экологик лойиҳалар ижроси айнан МТТ раҳбариятига юклатилгандир.
	1990 йилдан буён ГФРда чиқиндилар менежменти федерал экологик таълим концепцияси таркибига киритилгандир. Янги экологик таълим концепциясида МТТ раҳбарларини экологик, жумладан чиқиндиларни корпоратив бошқарувини замон талаблари даражасида олиб боришга мослаштирилган малака ошириш тизими ишлаб чиқилган.
	МТТ раҳбари унга ишга жошламоқчи бўлган ҳар қандай таълим йўналишидаги педагогдан махсус экологик, жумладан чиқиндиларга доир тайёргарликка эга бўлган сертификатларни талаб қилади ва уни меҳнат шартномасига илова қилиб қўяди.
	Барча педагогик касбий таълим тизимига экологик, жумладан чиқиндиларни бошқариш таълими жорий этилган ҳамда мактабгача таълим йўналишидаги раҳбарларнинг малакасини оширишда тегишли малака талаблари мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Францияда экологик таълим 1970-йиллардан бошлаб олиб борилади. 1993-йилда Атроф-муҳит ва Франция Миллий таълим вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартномада мамлакатнинг барқарор ривожланиши ҳар бир фуқаронинг экологик хавфсиз муҳитда яшаши билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ўқтирилган. Махсус малка ошириш марказларида корпоратив бошқарув раҳбарларига МТТда чиқиндилар менежменти ўқув режасининг мажбурий блокига киритилган. Ҳамда ушбу соҳага дахилдор барча ходимларнинг малакасини узликсиз равишда ошириб боришга алоҳида этибор қаратилади.

Жаҳон экологик “Экологик тоза” давлатлар рейтингининг доимий равишда биринчи бешталигидан жой олган Финляндиянинг Мактабгача таълим ташкилотларида чиқиндилар менежментига диор ташкилий ишлар мазмуни оддийдан-мураккабга, яқиндан-узоққа томон экологик таълим-тарбияни ташкил этишга қаратилгандир.

Боғча ҳовлисидаги чиқиндиларга доир таълим-тарбия жараёни экологик йўлакчаларда ташкил этилган “Чиқинди ҳам бизга керак!” мавзусидаги 5 хил рангдаги контейнерлар жойлашган ҳудудда олиб борилади.

Финляндиядаги боғча раҳбарлари маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда болаларни табиат марказларига олиб бориш ва табиат билан таништириш, чиқиндиларни саралаб йиғишга ўргатишга қаратилган ўқув дастурларини ишлаб чиқади[5]. Хелсинкидаги шаҳар чиқиндиларни саралаш станцияси аҳолининг турли гуруҳлари хусусан кичик ёшдаги болалар учун таъсирчан таълим дастурини таклиф этади. Бу курснинг асосий мавзулари барқарор истеъмол, фуқароларнинг экологик масъулиятли ва атрофмуҳитга фаол муносабатини шакллантириш жараёнига катта ёрдам беради[12].

Швецияда барқарор ривожланишга эришишнинг асосий шартларидан бири қилиб ҳар бир шахс ва умуман жамиятни экологик маданиятни ривожлантириш белгилаб

олинган. Швецияда 1998-йил 1-августда мактабгача таълим муассасалари ривожлантириш учун кучга кирган Ўқув дастури сифатли таълим кафолати ҳисобланади ва ушбу ўқув дастурида экологик таълим тарбияга алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир Швециялик болалар учун яшаш жойидан қатъи назар, экологик таълим билан қамраб олинади[13].

Россия мактабгача таълимида ҳам чиқиндилар менежментига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб ушбу мамлакатда бирқанча чиқиндилар менежментига доир экологик проектлар жорий қилинган. Масалан:

“Табиат бизнинг уйимиз, унда ахлат керак эмас [3]!” проекти ўз олдига мактабгача таълим муассасаларидаги болажонларнинг маиший чиқиндиларни тўғри бошқаришга қаратилган экологик онг ва маданиятини ривожлантириш ҳамда маиший чиқиндилардан фойдаланиш; маиший чиқиндилар турлари ва уларнинг хоссалари ҳақида тушунча бериш; маиший чиқиндиларнинг инсон ҳаёти ва тирик организмлар учун хавфлилиги ҳақида. Болаларнинг ер, сув, ҳаво ифлосланишининг асосий манбалари, унинг оқибатлари, ифлосланишнинг олдини олиш чоралари ҳақидаги билим кўникма ва малакани шакллантиради.

Южориди келтириб ўтилган лойиҳалар доирасида Мактабгача таълим муассаса раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш мақсадида икки ҳафта давомида улар ўз лойиҳалари билан иштирок этадилар ва чиқиндиларни алоҳида йиғиш амалиёти билан яқиндан танишадилар[1].

Болаларнинг атроф-муҳитга қандай муносабатда бўлишига қараб, ота-оналар ҳам ўзларининг хатти-ҳаракатларини ўзгартирадилар, шу тарзда бир вақтнинг ўзида икки авлод тарбияланади[7].

“Замонавий Германияда экологик таълим экологик онгни шакллантириш ва табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилияти сифатида тушунилади, кенг давлат ва маъмурий ёрдамга эга бўлиб, таълим соҳасида ишончли ўринни эгаллайди”[4].

1990-йилда Германияда чиқиндиларни саралаб йиғиш ва қайта ишлаш тизимини қайта қуриш муносабати билан экологик таълим контсептсияси қабул қилинди. “Ахлатсиз яшанг”, “Биз ва атрофимиздаги дунё” дастурлари амалда жорий қилинган. Педагоглар учун малака ошириш курслари ташкил этилиб, чиқиндилар мавзусига оид ўқув адабиётлари чоп этилмоқда. Бу жараёни ташкил қилиш муассаса раҳбари тарафидан амалга ошириш қатий белгилаб қўйилган[9].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020-йил 23-сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида “Биз хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур”, деб бежиз айтмаганлар[14]. Ўзбекистонда биргина экологик хавфсизликни таъминлаш учун экологик муаммоларнинг ечимини топишда инновацион, яъни масалага янгича ёндашиш орқали ресурс тежамкорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишимизга тўғри келади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз учун экологик муаммоларнинг асосийлари: чиқиндиларни қайта ишлаш, хавфсиз жойлаштириш ва утиллаштириш, иқлим ўзгариши ва унга мослашиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, табиий ёки техноген, жумладан коронавирус пандемияси каби экологик тусдаги кўзда тутилмаган тарзда юзага келадиган фавқулодда вазиятларга тайёр туриш ва улардан эсон-омонликда чиқиб кетиш кабилар.

Чиқиндиларни қайта ишлаш, хавфсиз жойлаштириш ва утиллаштириш экологик масаласи билан “Гарбология” фани шуғулланиб келмоқда. Лекин мазкур фан бўйича тегишли билим, кўникма ва малакаларни

бериш Ўзбекистонда ЎЗМУ Экология факультети таянч ОТМ сифатида фақатгина 7 та минтақавий университетларнинг “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” бакалавр таълим йўналиши 58 соатлик юклама асосида олиб борилмоқда. “Экологик тоза давлат”ларда мазкур таълим ва тарбия жараёни мактабгача таълимдан бошлаш самарали натижаларни бериши ўз тасдиғини топмоқда[8].

Ўзбекистон Республикасида 2018-йил сентябрь ойидан МТТ учун тавсия этилган “Илк қадам” давлат ўқув дастурининг мақсади – мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш[2]. Ушбу мақсадга эришмоқ учун Дастурида МТТда таълим жараёнини “боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш ҳамда у учун хавфсиз муҳитни таъминлаш ташкил қилиш таъминоти асосида қўшимча таълим хизматларини имкониятлардан келиб чиққан ҳолда болалар ва аҳоли эҳтиёжларига мос равишда ташкил этилади”, деб битилган. Мактабгача ёшдаги болаларга (6-7 ёш) қўшимча таълим хизматларини ташкил қилишда (3.1-боб) уларнинг ижтимоий компетенциясида ҳаётини вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати ҳамда билиш компетенциясида атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни бажариш учун фойдаланиш вазифаси юклатилган. Билиш компетенциясида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва кўринишларни кузатади ҳамда тадқиқ қилиш ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатни намоён этиш масаласи қўйилган. Ривожлантирувчи муҳитни ташкил 6-бобда мактабгача таълим муассасасининг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмунида эса табиат ва иқлимдан келиб чиқувчи хусусиятларга мос бўлиш вазифаси юклатилган. Дастурнинг 3-илоvasи, яъни МТТнинг барча гуруҳларининг “Йиллик мавзувий режа намунаси”да болажонларни атрофдаги олам билан уларни таништириш берилган. 4-иловада эса тегишли эксперементлар ўтказиш кўзда утилган. Лекин уларда бевосита мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишда чиқиндиларга доир таълим-тарбия масаласи қўйилмаган. 2022 йил “Илк қадам” давлат ўқув дастурининг[2] такомиллашган иккинчи нашри амалиётга жорий қилинди ва «атроф-муҳит ва табиат билан танишиш» бошланғич таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда «табиатхунослик ва экология асослари» билан алмаштирилди, чунки табиатхунослик табиат объектлари, ҳодисалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларнинг умумийлигини белгилайди. Ҳамда минтақанинг табиий-географик ва маданий-тарихий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, ўқув режасини 20% гача МТТ компоненти билан шакллантириш тавсия этилади, МТТ ихтиёрига кўра фаолият турларидан бирини алмаштириш кўзда тутилган.

Лекин «Илк қадам» давлат ўқув дастури бўйича ўқув жараёнини олиб бораётган Олий таълим муассасаларининг 110000–Педагогика таълим соҳасининг 5112700–Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси ҳамда 5111800–Мактабгача таълим методикаси таълим йўналишларининг «Болаларни табиат билан таништириш» фан дастурида 8 та модуль ва 32 та мавзунинг бирортасида чиқиндиларга доир мавзу қиритилмаган.

МТТДМҚТМО институтида мактабгача таълим раҳбар ва мутахассисларининг малакасини ошириш тизими учун “Маҳаллий миқёсда экологик таълим-тарбияни ташкил этиш” ва “МТТда экологик таълим-тарбияни ташкил этиш” ўқув модулларининг мазмун-моҳиятида “Чиқиндиларни қайта ишлаш, хавфсиз жойлаштириш ва утиллаштириш”га оид долзарб экологик муаммо бор

эканлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин, чиқиндиларга доир билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш масаласига эътибор қаратилмаган. Чунки, жуда катта ҳажмдаги экологик таълим-тарбия учун ажратилган 2 соатлик академик соатда чиқиндилар масаласини алоҳида очиб беришнинг ҳам иложи йўқ.

Институтнинг номуахассисларни 4 ва 6 ойлик қайта тайёрлаш учун ажратилган 18 соатлик “Экологиянинг долзарб муаммолари ва ҳаёт фаолият хавфсизлиги” ўқув модулида экологик таълим-тарбия учун ажратилган 8 соатлик 2 соатлик амалий машғулоти “Қайси боғчанинг чиқиндиси фойдалироқ” мавзусига бағишланган. Лекин машғулотнинг мақсади чиқиндилар таркибига қараб 2 та МТТнинг солиштиришга доир кўникмаларни олишга

қаратилгандир. Унда Гарбология фанинг мазмун ва моҳияти, МТТда уни бошқаришни, яъни чиқиндилар менежментига доир малакаларни ҳосил қилиш талаблари ёритилмаган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Юқорида таҳлил қилинган чиқиндишуносликка доир миллий экологик таълим-тарбиянинг муаммоларини бартараф этишнинг энг оптимал ва тезкор равишда ҳал этишга доир чора-тадбирларидан бири Мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган корпоратив бошқарув, яъни таълим менежменти юритадиган МТТ директорларининг малакасини ошириш жараёнида “Чиқиндилар менежменти”га доир ўқув модулини шакллантириш ўта долзарб экологик муаммодир.

АДАБИЁТЛАР

1. Иванова И.Е. Экологический проект для детей младшего дошкольного возраста 02.12.2018
2. Илк қадам давлат ўқув дастури 2018
3. Илларионовна.Б.Л.Экологический проект “Природа – наш дом. Мусор не нужен в нём!” 2019г
4. Калининкова М. В., Ивченков С. Г. Система экологического образования в условиях глобализации // Известия Саратовского университета. Новая серия. Социология. Политология. — 2012. — № 2. — С. 122.
5. Ларионова Е. В Финляндии дети учат родителей сортировать мусор экология 09,12,2019г
6. Мариа Едуарда Феррейраа , Сатарина Сруза , Руи Питармаб 2016 Интернационал Жоурнал Оф Енвиронментал & Сиенсе Едусатион 2016, ВОЛ. 11, НО. 12, 5619-5632
7. Мусорные экивоки: утилизации отходов будут учить в детсадах и школах Новосибирские новости 21 декабря 2021
8. Нигматов А. Мактабгача экологик таълим ва тарбия.-2020
9. Новикова.Д. Сравнение экологического образования в России, Германии, Японии, Финляндии 2018г.
10. Панин А.В. – Колесникова И.А. Методические рекомендации для педагогов по организации занятий на тему обращения с твердыми коммунальными отходами 2017- год.
11. Сидякина Е.А. Теории и технологии экологического развития детей дошкольного возраста, 2013
12. Солдатова. В. Экологическое образование в Финляндии на примере Природного парка «Харакка» 02/13/2020.
13. Тайлакова Е. А. Воспитание экологической культуры детей и молодежи в Финляндии и Швеции. журнал Педагогика и психология
14. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи <https://www.хабар.уз/жамиат/сессиядаги-нутқ> 03.09.2020 18:50
15. <https://www.всемирныйжбанк.org/ru/news/пресс-релиз/2021/09/13/климат-чанг-соулд-форсе-216-миллион-люди-то-мигрируют-в-тх-свой-own-соунтриес-бй-2050>



Наргиза ОПТИКОВА,

Қўқон давлат педагогика институту, Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

E-mail: onargiza@mail.ru

Педагогика фанлари доктори, professor З.Раҳимов тақризи асосида

METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF YOUTH POLITICAL CULTURE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Abstract

Political culture is an important condition for building a civil society and a democratic state, the main guarantee of the inviolability of rights and freedoms. We all know well that the development of our society on the path of democracy and the effectiveness of reforms depend on the legal culture of citizens. Based on the fact that more than 60 percent of the population of our country are young people, special attention is being paid to the implementation of the state policy regarding young people and comprehensive legal protection of their interests. The article talks about the methodological foundations of the development of youth political culture and its importance today.

Key words: Youth, political culture, law, politics, assimilation, education, formation.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

Политическая культура является важным условием построения гражданского общества и демократического государства, главной гарантией незыблемости прав и свобод. Все мы хорошо знаем, что развитие нашего общества по пути демократии и эффективность реформ зависят от правовой культуры граждан. Исходя из того, что более 60 процентов населения нашей страны составляет молодежь, особое внимание уделяется реализации государственной политики в отношении молодежи и всесторонней правовой защите ее интересов. В статье говорится о методологических основах развития молодежной политической культуры и ее значении на сегодняшний день.

Ключевые слова: Молодежь, политическая культура, право, политика, ассимиляция, воспитание, образование.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация

Сиёсий маданият фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарт, ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлигининг асосий кафолати ҳисобланади. Жамиятимизнинг демократия йўлида тараққий этиши ва ислохотларнинг яхши самара бериши бу – фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи ёшлар эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Мақолада айнан ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг методологик асослари ва ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ёшлар, сиёсий маданият, ҳуқуқ, сиёсат, сингдириш, ўқитиш, шакллантириш.

Кириш. Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти таъмин-лашда асосий пойдевор - инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур қатлам ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартиби-даги муҳим вазифадир.

Маълумки, 2017-йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинди ҳамда 30-июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон амалиётида бутунлай янги тизим, яъни ёшларнинг турли долзарб муаммоларини ўрганиш би-лан шуғулланадиган махсус – Ёшлар муаммоларини ўрга-ниш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси қошида ташкил этилганлиги институтнинг илмий-методик ва таҳлилий-тадқиқот фаолиятини замон талаблари асосида шакллантирилиши учун асос бўлди. Шунингдек, давлат бошқаруви

соҳасидаги ёш раҳбар кадрларнинг ўрнини белгилаш, уларни тайёрлаш ва турли масъулиятли лавозимларга тайинлаш масаласига алоҳида урғу берилди. Бу мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “социал лифт” тушунчасида ўз ифодасини топди. Ўтган 2 йил давомида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқ-болли кадрларни тайёрлаш институти томонидан 4 ойлик қайта тайёрлов курсларида 162 нафар ёшлар таҳсил олди ҳамда уларнинг аксарияти вазирлик, идора ва ташкилотларнинг юқори авозимларига тайинланди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилаётган ишлар-нинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳ-камланиб борди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар сиёсатида дахлдор 40 та Қонун ва қонуности хужжатлари қабул қилинди.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири сифатида муҳтарам Президентимиз томонидан 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китоб-хонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу орқали

давлати-миз раҳбари Ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли ва ёғ ғоялар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги[1]ни таъкидлаб ўтди. Қайд этиш керакки, бу каби ишлар ёшлар сиёсати соҳасида янгича механизмлар сирасига кириб, уларни санъат, мусиқа ва спортга жалб қилиш борасида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Аммо бу борадаги ишларни янада такомиллашти-риш, замон талаблари асосида янгича механизмларни тадқиқ этиш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва Ўзбекистон шароитига мос, миллий хусусиятларимизга жавоб берадиган методларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки, глобаллашув шароитида, ахборот хуружлари тезлашган, ёшларнинг онги ва қалби учун кураш кечаётган, энг асосийси уларнинг дунёқараши ўзгариб бораётган даврда ёшлар сиёсати соҳасида ҳам янгича услуб ва механизм-ларга табиий эҳтиёж туғилади.

Ўзбекистон шароитида ёшлар билан ишлаш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалти-риш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизмлари-ни такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, услубларни амалиётга жорий этишнинг осон йўллари ишлаб чиқиш вазифаларини бажариши нуктаи назаридан методологик ёндошувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий маданият кенг маънодаги маданиятнинг таркибий қисмига кирилади. Айни пайтда у жамият ва мамлакат ҳаётига утказадиган таъсири билан алоҳида ажралиб туради. Лекин, уни кенг маънодаги маданиятдан бутунлай айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улар бири иккинчиси билан ботик, ҳолда ривожланади. Шунинг учун ҳам ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш вазифасини кенг доирада қараш зарур бўлади. Яъни ёшларнинг умумий, кенг маънодаги маданиятини ривож-лантирмасдан туриб, уларнинг сиёсий маданиятини ҳам ривожлантириб бўлмайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ёшларнинг сиёсий маданияти ва уни такомиллаштириш масаласига педагогик ёндошувлар XXI асрнинг фан муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу мавзу доирасида ўзбек олимларидан Н.Ёрматов, А.Саидқосимов, Т.Норбоева ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. С.Отамуротов ўзининг “Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари” асарида ёшларга сиёсий маданиятни сингдиришнинг ўчоқлари сифатида мактаб-

ларни бирламчи манба дея тарифлайди[3]. Д.Ж.Суюнова сиёсий маданиятни шакллантиришнинг асосий манбаини “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига қаратади ва қуйи-даги фикрларни келтиради, “.....Ўзбекистон том маънода ёшлар мамлакати ҳисобланади. 2018 йил боши ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолиси 32.575.300 кишидан иборат бўлиб, унинг тарки-бида 18 ёшга тўлмаганлар сони аҳоли умумий сонининг 33,4 фоизини, яъни 1/3 қисmini ташкил қилишини билди-ради. Шу сабабли келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, улар учун қулай ва талаб даражасидаги шарт-шароитларни яратиб бериш – давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Республикада олиб борилаётган кенг қўлмалли ислохотлар қаторига вояга етмаганларга қаратилаётган эътибор алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан эртанги кунимизда ҳаётимиз фаровон бўлиши ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказишимиз зарурлиги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу ўз-ўзидан ёш авлодни ҳар томонлама билимли, жисмонан соғлом, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши зарурлигини тақозо қилади. Ҳуқуқий давлатдаги муҳим мезон, яъни қонун устуворлиги тамойилини ёш авлод онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз тилидаги “ёшлиқдан олинган билим-тошга ўйиб битилган нақш кабидир” ҳикмати бежиз бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Мамлакатимизда вояга етмаган-ларнинг ҳуқуқий тарбияси учун етарли шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратиб берилмоқда. Вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялашда “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда иш олиб берилмоқда”[2].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотимизни сўров анкета усулида ўтказдик. Тадқиқот объекти сифатида Қўқон давлат педагогика институтининг 1-2-3- босқич талабалари орасидан 385 та талаба корреспондент сифатида танлаб олинди. Асосий анкета саволлари:

-Конституция ҳақида нима орқали кўпроқ маълумотга эгасиз?

-Ҳуқуқларингиз ҳақида асосий манбалар сиз учун нима?

-Ўзингизни сиёсий маданиятингизни қанчалик баҳолайсиз?

-Сиёсий маданиятингизни шаклланишида талим муассасангизни ўрни қанчалик дея баҳолайсиз?

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқот-лар сўров анкеталарнинг тўлдирилиши ва натижаларни аниқлашда 2-3 ойлик синов муддатини ўз ичига олди. Қуйидаги натижаларга эришилди.

Курс Саволлар	1 босқич 125 та талаба	2 босқич 130 талаба	3 босқич 130 талаба
1	57%ало даражада 22% ўртача 21% ёмон	49%ало даражада 26% ўртача 25% ёмон	60%ало даражада 22% ўртача 21% ёмон
2	53% Ижтимоий тармоқлар 27%Талим муассасалари 20% Бошқа	66% Ижтимоий тармоқлар 23%Талим муассасалари 11% Бошқа	65% Ижтимоий тармоқлар 22%Талим муассасалари 13% Бошқа
3	62%ало даражада 18% ўртача 20% ёмон	56%ало даражада 19% ўртача 25% ёмон	57%ало даражада 20% ўртача 23% ёмон
4	56%ало даражада 23% ўртача 21% ёмон	47%ало даражада 32% ўртача 11% ёмон	51%ало даражада 25% ўртача 24% ёмон
.....			

Хулоса ва таклифлар. Президент Фармони билан ёшлар сиёсий маданиятини оширишга қаратилган

худудий дастурлар қабул қилиниши лозим ва уларнинг ижро механизми таъминланишига алоҳида эътибор

берилиши керак. Ушбу дастурларни амалга ошириш ва ижро этишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан аниқ тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатларининг аҳолининг барча қатламларига етиб боришни таъминлаш ва талим муассасаларида ўқитилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, фақатгина аниқ ўйланган ва самарали тизимгина, ҳуқуқий тарғиботгина ёшлар сиёсий маданиятини ошириб, унинг ҳуқуқий онги шаклланишига олиб келиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ёш авлодни баркамол шахс қилиб шакллантириш ғояси жамият

тараққиётининг мавжуд босқичида баркамол шахс ва мала-кали мутахассисни тарбиялашдан иборат. Ушбу ижтимоий буюртмани тўлақонли бажариш узлуксиз тарбия тизими мазмунида қуйидаги асосий таркибий қисмларини акс эти-шини тақозо қилмоқда: баркамол шахснинг сиёсий, ҳуқуқий (фуқаролик) билим ва маданият, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик, динлар ҳақида билим ва маданият, экологик билим, касбий маҳорат, соғлом ҳаёт тарзи ва жисмоний маданият, шахснинг маънавий баркамоллик да-ражасидаги камолоти, педагогик, психологик билим ва ма-лакалар, иқтисодий билим ҳамда бошқа жиҳатларнинг бар-часини ўз мазмунига қараб қамраб олиши зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон. 2017-й.
2. Отамуротов С. “Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари”-тошкент; Шарқ-2015.350 б.
3. Хакимов Н.К. Шахснинг сиёсий маданияти. — Т.: “Мехнат”, 1994.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. — Т.: “Ўзбекистон”, 2010.



Шухрат ОТАКУЛОВ,
МТТДМҚТМОИ доценти, PhD.

МТТДМҚТМОИ профессори, с.ф.д. Т.Алимардонов тақризи асосида

FORMATION OF GENDER VALUES IN FAMILY RELATIONS

Annotation

The article notes that the family is one of the most important social unit of society, it is through it that the understanding and implementation of gender roles is carried out in practice. It is emphasized that the family model does not depend only on specific situations and decisions, but is formed due to the influence of state policy and support for the lower levels of society, as well as national traditions, social values and the economic environment.

Key words: social life, value, personality, family, society, gender, gender expertise, law.

ФОРМИРОВАНИЕ ГЕНДЕРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЯХ

Аннотация

В статье отмечается, что семья является одной из важнейшей социальной ячейки общества, именно через нее на практике осуществляется понимание и реализация гендерных ролей. Подчеркивается, что семейная модель не зависит только от конкретных ситуаций и решений, а формируется за счет влияния государственной политики и поддержки нижних ступеней общества, а также национальным традициям, социальным ценностям и экономической среде.

Ключевые слова: социальная жизнь, ценность, личность, семья, общество, гендер, гендерная экспертиза, право.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ГЕНДЕР ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада оила жамиятнинг энг муҳим ижтимоий муассасаларидан бири эканлиги, амалда айнан шу орқали гендер вазибалари англаниши ва амалга оширилиши ҳақида сўз кетади. Бунда оила андозалари фақат муайян ҳолатлар ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки у давлат сиёсатининг таъсири ва қуйи поғоналарда жамоаларнинг қўллаб-қувватлаши, шунингдек анъаналар, ижтимоий қадриятлар ва иқтисодий муҳит орқали ҳам шаклланиши таъкидланади.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳаёт, қадрият, шахс, оила, жамият, гендер, гендер экспертиза, ҳуқуқ.

Кирриш. Бугунги кунда аёллар ва эркекларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилигини қарор топтиришга ижтимоий тараққиётнинг, жамиятни барқарор ривожлантиришнинг асоси сифатида қаралмоқда. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда тенг ҳуқуқлилик тамойиллари изчил такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Халқаро ҳужжатларни қабул қилиниши жараёнида хотин-қизларга нисбатан камситмаслик тамойилининг устуворлигига аҳамият бераётганлиги буни яққол далилдир. Хотин-қизларга инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари берилишини кафолатлайдиган ҳуқуқий нормаларни ривожлантириш зарур қадам эканлиги, бироқ бу уларни камситишларини бартараф этиш учун етарли эмаслиги халқаро ҳужжатларда ҳам эътироф этилади.

Бу эса давлатларга аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча воситалари ва самарали механизмларини яратиши шарт эканлигини англатади. Ўзбекистон Республикаси гендер масалаларини ҳал қилиш, ҳамда хотин-қизларнинг жамият ишларида кенг иштирок этиши учун шароитлар яратиш билан мунтазам шуғулланиш борасида кенг имкониятларга эга бўлди. Бу ўз навбатида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий мақсадларга эришиш учун энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда инсоният тараққиётининг исталган йўналишини гендер тенгликка амал қилиш масаласининг ечимсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Гендер тенглик сиёсатида амал қилиш жаҳон мамлакатларининг ҳар бирида ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эркеклар ва аёлларнинг тенглиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади[1] дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари аёлларга эркеклар билан тенг шароитларда барча кишиларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқини, ишга олинаётган пайтда тенг имкониятларни, эркин касб танлаш ва таълим олиш ҳуқуқини, нафақага чиққанда, ишсиз, бетоб бўлган тақдирда ижтимоий таъминот ҳуқуқини, саломатлигини ва меҳнат шароитларининг хавфсизлигини сақлаш ҳуқуқини таъминлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан аёлларга давлат хизматидан, бошқарувнинг барча даражаларида давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этишдан эркеклар билан тенг равишда фойдаланиш кафолатланади. Шундай қилиб, республикада олиб борилаётган гендер сиёсатининг асосий ютуқлари сифатида аёлларнинг таълим даражаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш улуши юқори эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида эркеклар ва аёлларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини мустаҳкамлаб қўяр экан, давлат имтиёз ва устуворликлар, кафолатлар тизими орқали уларнинг меҳнати ва саломатлигини муҳофаза қилиш учун қўшимча шароитлар яратади. Бироқ қонун ҳужжатларимизда гендер тенглиги муаммолари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Аёллар томонидан ҳам, худди шунингдек умуман жамият томонидан ҳам ҳуқуқларнинг анланмаганлиги мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш муаммоларининг ўзига хос хусусиятидир. Аёллар аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этибгина қолмай, шу билан бир қаторда ижтимоий жиҳатдан фаол ҳамда турмушнинг ҳозирги замон шароитларига пухта мослашган бўлишларига қарамай, ана шундай ҳолат юзага келган. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлаш масалаларини алоҳида ўрганиш лозим. Ўзбекистон Республика-

сида хотин-қизларнинг ахволини, ижтимоий-демографик вазиятнинг гендер жиҳатларини тадқиқ этиш, Оила ва Меҳнат кодексларининг қоидаларини гендер таҳлили нуқтаи назаридан ўрганиш, гендер тенглиги принципини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра хотин-қизлар эркалар билан тенг ҳуқуқларга эга. Республикамизда хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хотин-қизларнинг энг юқори даражада сиёсий ва иқтисодий қарорларни қабул қилишда янада жиддий мавқега эга бўлишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонда ёши, жинси, миллий ва irqий мансублиги, диний эътиқодидан қатъи назар шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конституциявий қафолатлангани билан бир қаторда, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли норматив-ҳуқуқий база ҳам яратилган. Оила кодекси Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва оила муносабатлари соҳасидаги асосий қонун ҳужжати. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда оилани мустаҳкамлашга, оилада уни аъзоларининг манфаатларини қаноатлантиришга энг кўп имконият берадиган муносабатларни ўрнатишга, оила аъзоларидан ҳар бири учун муносиб ҳаёт ва эркин ривожланишни таъминлайдиган шароитлар яратишга қаратилган ҳуқуқий шароитларни белгилашдан иборатдир. Бу мақсадни амалга оширишнинг зарур шарти эр ва хотиннинг оилавий муносабатларда тенглиги принципини мустаҳкамлашгина эмас, балки улардан ҳар бирига тегишли ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятларни ҳам таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларидан бири оилавий муносабатларда эрка ва аёлнинг тенг ҳуқуқчилигидир. Ушбу принцип Оила кодексининг иккинчи моддасида белгиланган бўлиб, унда қуйидаги норма келтирилади: “Оилавий муносабатларни тартибга солиш эрка ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро қилишув йўли билан ҳал қилиниши...оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади”[2]. Фуқароларнинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқчилиги принципи Оила кодексининг учинчи моддасида ҳам белгиланган бўлиб, “Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий қелиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга, ҳамда оилавий муносабатларга аралаштишга йўл қўйилмайди...”[3] деган фикрлар келтирилади. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқчилиги биринчи навбатда эр ва хотин биргаликдаги турмушнинг барча масалаларини ҳал қилишда тенг ҳуқуқларга эга эканлигида ифодаланиши боисидан бу принцип Кодекснинг бошқа моддаларида эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишда аниқлаштирилади. Жумладан, Кодекснинг йигирма иккинчи моддаси эр ва хотиннинг ҳар бири машғулоти тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркин эканлигини назарда тутса, йигирма биринчи моддасида оналик ва оталикка тааллуқли барча масалалар, болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалалари тенглик тамойили асосида ҳал қилинади[4] дейилади. Шу тариқа, Оила кодексининг нормалари кўп жиҳатдан ўзида

гендер ҳолислик хусусиятга эга бўлиб, эр ва хотинга тенг ҳуқуқли шахс сифатида қарайди.

Оила асрлар мобайнида ҳар қандай жамият ижтимоий тузилмасининг ажралмас қисми бўлиб келган. У кишилик жамиятини такрор ишлаб чиқарувчи ва унинг барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам ижтимоий институтдир. Оила энг муҳим ижтимоий муассасалардан бири бўлиб, амалда айнан у орқали гендер вазифалари англанади ва амалга оширилади. Оила андозалари фақат муайян ҳолатлар ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки у давлат сиёсатининг таъсири ва қуйи поғонада жамоаларнинг қўллаб-қувватлаши, шунингдек анъаналар, ижтимоий қадриятлар ва иқтисодий муҳит орқали ҳам шаклланади. Оила жамият кўрсаткичи бўлиб, унинг ахволи кўп жиҳатдан фаровонликка ва соғлом руҳий муҳитга боғлиқдир. Оила - бу мураккаб ижтимоий ташкилот бўлиб, оила ички муносабатлари ва эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишида кўп нарса, биринчи навбатда, миллий маданият, тарихий анъаналар, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, шахс омиллари билан белгиланади. Оила бола вояга етadиган асосий макон ва инсоний муносабатларни барча турларининг масканидир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аёллар ўзларини эркалар билан тенг деб билмайдилар, асрлар мобайнида уларга иккинчи даражали шахс сифатида муносабатда бўлиб келингани учун ҳам шундай аҳвол юзага келган. Ўзбекистонда оила ҳамда хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Давлат томонидан оиланинг мавқеи ва ижтимоий салоҳиятини кучайтиришга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мақомини оширишга қаратилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ўзбек жамияти анъаналар ва урф-одатларга жуда бой бўлиб, улар жамият аъзоларининг ахлоқий, эстетик ва маданий жиҳатдан ривожланишида, ҳамда умуман миллатни уюштиришда ижобий роль ўйнайди. Бироқ, баъзи бир оилаларда айрим номмақбул урф-одатлар ва расм-русумлар борки, улар бу оилалар аъзоларининг юриш-туриши нормаларини белгилайди. Урф-одатлар ҳамда уларга риоя этиш талаблари хусусан аёлни эркалар билан тенг бўлмаган вазиятга қўяди. Оилада қизларни катталарга ва эрига итоаткорлик руҳида тарбиялаш ҳанузгача сақланиб қолган ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, никоҳларни тузиш ҳар доим ҳам никоҳланувчи жуфтликларнинг ўзаро розилиги ва ихтиёрий, онгли қарорига асосланган деб бўлмайди. Никоҳ тузувчилар учун кўпинча уларнинг ота-оналари ёки оиланинг бошқа аъзолари бу масалани ҳал этадилар, бу эса никоҳланувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўғридан-тўғри бузишдир.

Давлат Конституцияси ва қонунлари ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз йўлини ўзи танлашнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланиб, уларда ҳар бир кишининг, яъни эркалар ва аёлларнинг ҳар томонлама жисмоний ҳамда маънавий-ахлоқий ривожланишлари учун тенг ҳуқуқлар белгиланган ва қафолатланган. Ҳозирги замон жамиятида аввалбошданок гендер нотенглигига асослар яратилади: қизалоклар болалигиданок асрлар давомида қарор топган оналик вазифаларини бажаришга тайёрланади, уларда қўнғилчанлик, ювошлик ва итоаткорлик руҳи тарбияланади; эркалар ҳамда аёлларнинг оила ва ижтимоий ҳаётдаги тенглигига нисбатан эскича қараш шаклланиб боради; хотин-қизлар ижтимоий ҳаётдан оила ва маиший турмуш соҳасига сиқиб чиқарилади; эркалар оила бюджетини шакллантиришда иштироклари ҳиссаси юқори бўлганлиги туфайли оилада ҳуқумрон мавқеи эгаллайдилар; уй-рўзғордаги вазифалар тақсимланишида нотенгликка йўл қўйилади; эркалар биринчи никоҳдан ажрашмасдан иккинчи (диний) никоҳ тузишлари мумкин ва ҳоказо. Аёллар оилада кўплаб вазифаларни

бажарадилар ва бу вазифаларни кўшиб олиб бориш жуда мураккабдир. Аёллар оилавий иттифоқда шерик, уй-рўзгорда ҳақ тўланмайдиган бека, онадилар. Болалар парваришига доир оғир юк ҳам кўпинча улар зиммасида бўлади. Аёлларнинг ана шу вазифаларни бажариши оила аъзоларининг, хусусан болаларнинг соғлиги, маълумоти даражаси, моддий фаровонлигини белгилловчи асосий омиллардан ҳисобланади, шунингдек аёллар болаларга улар ҳам улғайганларида муайян вазифаларни бажаришлари учун намуна андозаси бўлиб хизмат қиладилар. Оилада ота-она томонидан ҳам, эр-хотин томонидан ҳам хотин-қизларга нисбатан йўл қўйиладиган зўравонлик ҳоллари жамиятда мавжуд бўлган гендер номуаносиблигидан жиддий далолатдир. Аёлларга нисбатан зўравонлик кўпинча маиший зўравонлик шаклида, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик, садизм асосида уларга нисбатан қотиллик ва турли даражадаги оғир тан жароҳатлари етказишда, шунингдек жисмоний ва руҳий зўравонликнинг бошқа шаклларида намоён бўлади. Оилада зўравонликнинг ўсиши қадимий тарихий илдизларга, иқтисодий, ахлокий ва бошқа бир қанча сабабларга эгадир. Бу ҳодиса сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишидан қатъи назар дунёнинг барча мамлакатлари учун ҳосидир.

Оила алоҳида бир жабҳа бўлиб, унда гендер тенглиги муаммолари ёки, аниқроғи, гендер нотенглиги жуда кескин, кўпинча – жуда оғриқли тарзда намоён бўлади ва айнан оилада уларни ҳал этиш бошқа жойдагидан кўра қийин, жуда бўлмаганда, ҳуқуқ ёрдамида ҳал қилиш қийин кечади. Амалиёт шундан далолат берадики, қонунлар даражасида мустаҳкамлаб қўйилган аёл ва эркак ўртасидаги тенглик принципи ҳар доим ҳам ҳаётга татбиқ этилавермайди, айрим ўринларда умуман татбиқ этилмай қолавериши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам айнан шу ўринда оилада гендер тенглиги ғояларини мутахкамлаш ва уларни ҳаётга аниқ татбиқ этиш механизмини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Шу туфайли ҳам оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларини гендер таҳлилидан ўтказиш зарурати туғилдики, бу таҳлил амалдаги оилавий-ҳуқуқий нормалар эр ва хотиннинг ҳар бири ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши имкониятини қандай таъминлаётганига, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари камситишлардан холи бўлишни қай даражада қафолатлаши тўғрисидаги масалани татқиқ этишга қаратилган. Гендер экспертизасини ўтказишнинг мақсади амалдаги оила ва ҳуқуқ нормалари эр ва хотиннинг ҳар бирига уларга берилган тенг ҳуқуқларни ҳақиқатда амалга ошириш учун қай даражада имконият бераётганлигини, гендер-холис қонун ҳужжатлари реал ҳаётда камситишлар бўлмаслигини қай даражада қафолатлашини ва ниҳоят, гендер мутаносиблигини бузувчи нормалар мавжудми ва бундай бузувчи нормалар қай даражада асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир[5]. Қонун ҳужжатларини гендер экспертизасидан ўтказишнинг вазифалари, биринчидан, у ёки бу масалаларни ҳал қилишда эркак ёки аёлнинг устуңлигини очиқчасига эътироф этувчи ёхуд улардан бирининг ҳуқуқини ошқора чеклайдиган нормаларни аниқлаш ва таҳлил этишдан иборат. Оилада эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш учун бир қатор зарур чора-тадбирларни кўриш даркор, яъни иштирокчи давлатлар кўп хотинчилигини таъқиқлашни ёки уни бекор қилиш чораларини кўришни ҳамда аёлларнинг оилавий мақом борасида ҳам, эр-хотинлик борасида ҳам танлаш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш, айни бир вақтда мажбурий ва иккиламчи никоҳларни бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олади. Болалик ёшида никоҳлаш ва унаштириб қўйишга қарши махсус саъйи-ҳаракатлар амалга оширилиши, иштирокчи давлатлар

бундай никоҳлаш ва унаштиришларни ноқонуний деб топиш учун чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Гендер тарбиясини амалга оширишда оила, таълим ташкилотлари педагогик жамоасининг, болани қуршаб турган муҳитнинг роли бениҳоя катта. Мазкур жинсий ва гендер тарбияси биринчидан, ўзига ҳосликка эга бўлган мустақил тарбия йўналишлари ҳисобланади. Ҳар бир йўналишнинг ўзига хос ёндашуви, усули ва воситалари мавжуд. Иккинчидан эса, уларни бизнинг назаримизга кўра бир-бири билан ўзвий, чамбарчас боғлиқликда, ўзаро таъсир асосида олиб бориш керак. Демак, бунда врач гендер тарбия асосларини яхши ўзлаштирган, гендер педагоги эса врач малакасига эга бўлмоғи керак. Мана шундай уйғунликда биз қутган мақсадга эришамиз.

Юқорида айтилганлардан ташқари ушбу нозик масалада яна бир муҳим жиҳат бор. Бу - ушбу тарбия жараёнидаги миллий-маданий назариянинг, дунёқарашнинг ўрни. Биламизки, ўзбек оилаларида кўпчилик ҳолларда жинс, жинсга алоқадор ҳолатлар бениҳоя сир тутилади. У ҳақда гаплашиш, уни муҳокама қилиш уят ҳисобланади. Шу сабабдан ўғил ва қиз болаларимиз ҳаётга кўрган, кузатган, эшитган гап сўзлари ҳолатларига кўра кириб келадилар ва натижада айрим ҳолларда бир қатор нохуш муаммоларга ҳам дуч келадилар. Ваҳоланки, жинсий тарбия, жинсий маданият, жинсий муносабат маданияти ижтимоий ҳаётнинг асосий заминларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг бахтли ҳаёт асосларидан бири бўлган ушбу тарбияга уялиб қараб келдик. Бугун гендер тарбияси масаласи бутунлай бошқача қарашни, дунёқарашни талаб қилмоқда. Биринчидан, ўғил ва қизлар бир хил бола, улардаги жинсий фарқлар улар ўртасидаги инсоний муносабатларни янада мазмунли, қизиқарли қилиши учун хизмат қилиши керак. Қиз бола қиз бола бўлгандигидан ғурурланиши, ифтихор туйғуларини билан яшаши керак. Она бўлиш бахти авлодлар давомийлигини ҳаракатга келтириш бахти, миллат, ватан рамзи бўлиш бахти қизларимизда белгилловчи қадрият бўлишига эришмоғимиз керак. Улар ўзларидаги шу қадриятларга хос сифатларини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоёйиш қилишига интилишлари лозим.

Қиз ва ўғил болалар тарбиясига оид стереотипларини биллиш ҳам болалар гендер тарбиясини ташкил қилиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Албатта, бир қараганда оилада гендер тарбияси бола туғилиши билан ўз-ўзидан бошланиб кетгандек туйилади. Туғилган боланинг жинсига қараб қийим-кечак, уйинчоқлар олинади, муомала, мурод-мақсад ва бошқалар танланади. Лекин, айни вақтда бола икки ёшга етиши билан ўз жинсини танийди ва 6-7 ёшга етганда унда жинсий таълуқчилик ва гендер константлик шаклланган бўлади. Улар ўғил болалар эркак, қиз болалар аёл бўлишини тушунадилар ва ҳар қандай ҳолатда қизлар аёл, ўғил болалар эса эркак бўлишга ўзларини тайёрлай бошлайдилар. Бунда кўпчилик ота-оналар ўғил бола ўздан ўзи ўғил бола бўлиб қолади, қизларимиз ҳам худди шундай бир зумда бўйи етиб қолганини билмай қоласиз дейишади.

Аммо, уларнинг шаклланиш жараёнлари анча мураккаб кечади. Бунда оила, таълим ташкилоти, жамият, болаларнинг ўртоқлари бирлиги муҳимдир.

Яқин йилларга қадар ўғил болаларимиз кўпчилик ҳолларда дарс тайёрлаш, иш, турли туман хизматларни бажариш билан банд бўлар эдилар. Уйга эркак меҳмонлар келганида улар хизматда бўлишган. Катта ёшдаги эркакларнинг ўтириш-туришини кўрганлар, гап сўзларини тинглаганлар. Уларнинг ҳаётга, турмушга, касбга, обрў-эътиборга қизиқиши ортган ва қандай қилиб йигит бола бўлиб қолганликларини ҳам ҳатто сезмай қолишган. Қиз болалар ҳам худди шундай. Бунда гендер тарбияси ҳақида ҳатто бирор сўз ҳам айтилмаган.

Ҳозирги давр кизлардан фақат анъанавий сифатлардан ташқари жиддийликни, чўрткесарликни, ташаббукорликни, ўз манфаатларини ҳимоя қила олишликни, натижага эриша олишликни, ўғил болаларда эса нафақат эркакларга хос, балки тоқатли бўлишни, одамларга ёрдам беришга интилишни ҳар қандай масалада лаббай деб, жавоб беришга тайёр бўлишни тарбиялаш керак.

Ўғил ва қиз болаларнинг гендер ўзига ўзи мослигини шакллантиришда уларнинг ўзаро бирлик, ҳамкорлик муҳити яхши натижалар беради. Ушбу муҳитда қиз ва ўғил болалар бир-бирлари билан эркин, дўстона гаплашишади, ўйнайдилар, ҳазиллашади, меҳнат қилади, ўзларининг индивидуал гендер хосликларини

намоён қиладилар. Шундай қилиб, гендер ўзига хосликни шакллантирувчи муҳим омил кўп функционали ривожланувчан предметли муҳитни тобора такомиллаштириб бориш керак[6].

Тарбияда яна шунга аҳамият бериш керакки қиз болалар эшитиб шаклланади ва эшитиш стимули улар камолотида устуворлик қилади. Ўғил болалар эса кўпроқ кўриш, намоиш қилинишга асосланган визуал идрокга кўпроқ аҳамият беради. Шунинг учун таълим тарбияда биз фақат айтиб, тушунтириб эмас, жонли кўргазмали восита-муносабатлардан кенг фойдаланишимиз керак. Ушбу тадбирлар ва таълимда болаларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишлари зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” 2021 йил. 21-бет
2. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари тўплами. Иккинчи жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2021 йил. 6-бет
3. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари тўплами. Иккинчи жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2021 йил. 6-бет
4. Шу манба. 8-9 бетлар
5. Отақулов Ш.М. (2020). Гендерное равенство и политическая жизнь. «Вопросы политологии», 6(58),57-63.
6. Отақулов, Ш.М. Гендерное равенство и политическая жизнь. Вопросы Политологии, 6(58), 2020.



Jamshid PULATOV,

Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti dotsenti

«Pedagogika va psixologiya» kafedrasi mudiri,

E-mail: jamshidpu@mail.ru

P.f.d., professor O.Hayitov taqrizi asosida

PSYCHOLOGICAL SUPPORT OF THE PROGRAM OF A SPECIAL COURSE IN THE ORIENTATION OF STUDENTS TO PROFESSIONAL EDUCATION

Abstract

This article presents an analysis of the experimental work carried out under the program of a special course that provides continuity in the orientation of students to training centers for Olympic and Paralympic sports.

Key words: Sports, sports schools, center, Olympic sports, Paralympic sports, talented athletes, identification, selection, orientation.

ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОГРАММЫ СПЕЦИАЛЬНОГО КУРСА В ОРИЕНТАЦИИ УЧАЩИХСЯ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОМУ ОБРАЗОВАНИЮ

Аннотация

В данной статье представлен анализ опытно-экспериментальной работы, проводимой по программе специального курса, обеспечивающего преемственность в ориентации обучающихся в центры подготовки к Олимпийским и паралимпийским видам спорта.

Ключевые слова: Спорт, спортивные школы, центр, олимпийские виды спорта, паралимпийские виды спорта, талантливые спортсмены, отбор, селекция, ориентация.

O'QUVCHILARNI PROFESSIONAL TA'LIMGA YO'NALTIRISHDA MAXSUS KURS DASTURINI PSIXOLOGIK TA'MINOTI

Annotatsiya

Ushbu maqolada o'quvchilarni olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirishda va uzviylikni ta'minlashga qaratilgan maxsus kurs dasturi asosida tashkil etilgan tajriba-sinov ishlarining tahlili keltirilgan.

Kalit so'zlar: Sport, sport maktablari, markaz, Olimpiya sport turlari, Paralimpiya sport turlari, iqtidorli sportchilar, tanlash, saralash, yo'naltirish.

Kirish. Bugungi kunda jismoniy tarbiya va sport sohasida bolalar va yoshlarning maktabdan tashqari sport ta'limi tizimini tubdan takomillashtirish orqali iqtidorli sportchilarni aniqlash, tanlash va saralash (seleksiya), yo'naltirishning yangi mexanizmlarini joriy qilish, sportchilarning Olimpiya va Paralimpiya, Osiyo va Paraosiy o'yinlarida, boshqa nufuzli xalqaro musobaqalarda ishtirok etishi hamda yuqori natijalarga erishishini ta'minlashda sport maktablari va Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarining o'zviylik muhim ahamiyat kasb etadi. Respublikamizda sport sohasida joriy etilgan o'zviylik va uzluksizligi «Umid nihollari», «Barkamol avlod» va «Universiada» kabi yoki «Besh tashabbus» bosqichli ko'p (mahalliy, tuman, viloyat va Respublika bosqichlari) ommaviy sport musobaqalarining muntazam tashkil etilayotganligi, sport bilan shug'ullanuvchi o'quvchi-sportchilar doirasini yanada kengaytirib borishini ta'minlamogda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 6-iyunda «Davlat sport-ta'lim muassasalari faoliyatini mutlaqo yangi tizim asosida tashkil qilish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 268-qarorida ham sport maktablar, Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarida o'quvchilarni qabul qilish va tayyorlash bo'yicha qaratilgan masalalarda ham dalolat bermoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. M.G.Davletshin o'quvchilarning kasb-hunarga yaroqliligini aniqlashda quyidagi uch muhim omillar: kasb-hunarga munosabat, qobiliyat va ko'nikma, kasbiy layoqatga alohida e'tiborni qaratish maqsadga muvofiq ekanligi haqida o'talib o'tgan.

R.I.Sunnatova [1], U.Parpiyevlar kasb-hunarga yo'naltirish yoshlarning qiziqishlari, moyilliklari, shakllangan

qobiliyatlari va iqtisodiyot sohalari, umuman, jamiyatning mutaxassis kadrlarga ehtiyojini hisobga olib, ishga joylashtirishni maqbullashtirishga qaratilgan psixologik-pedagogik va tibbiy tadbirlar majmui tushunilishi, shu bilan birga ta'lim muassasalari tarbiyaviy ishining uzviy va muhim sharti ekanligi haqida fikr bildirib o'tganlar.

R.Z.Asamova o'zining kasb tanlash motivatsiyasi va uning dinamikasi bo'yicha ilmiy tadqiqot ishida kasb tanlash motivlarining mexanizmlari, ularning birlamchi manbalari, harakatlantiruvchi kuchlar dinamikasi va shaxsning individualligi yuzasidan tadqiqot o'tkazish hozirgi davrning eng dolzarb muammo ekanligini ta'kidlagan [2].

U.S.Jumayevning tadqiqot ishida o'smirlarda kasb tanlashga munosabat tizimini shakllanishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari haqida fikrlar keltirilgan bo'lsa [3], Sh.A.Eshmetovning ilmiy tadqiqot ishida ustoz-shogird munosabatlarida kasb-hunarga yo'naltirishning ijtimoiy-ma'naviy, axloqiy-irodaviy, umuminsoniy qadriyatlarining yetakchi ahamiyati haqida yoritilgan bo'lib, bu jarayonlarni boshqarish imkoniyatlari psixologik-pedagogik nuqtai nazaridan baholangan [4].

H.Rafiye, J.Eshnazarov, U.Masharipov, T.Hayitov, B.Haydarov, U.Do'sanov, F.Qosimovlar tomonidan olib borilgan pedagogik kuzatuvlar, ilmiy tadqiqotlar statistik ma'lumotlar natijalariga ko'ra o'quvchilarni sportga yo'latirishda darsdan tashqari to'garaklarga jalb qilish hamda umumiy o'rta ta'lim hamda o'rta professional ta'lim jarayonining uzviylikni va sport mahoratini uzluksiz o'stirishni ta'minlashni hisobga olgan holda nazariy ta'lim bilan bog'lab olib borish masalalari yoritilgan.

R.H.Jo'rayev, O'.Q.Tolipov, Sh.S.Sharipovlarning kasb-hunarga yo'naltirishga oid tadqiqotlarida asosiy e'tibor kasb-hunarga yo'naltirish ishlari tarixiy rivojlanishning o'ziga xos xususiyatlari, mustaqillik yillarida kasb-hunarga yo'naltirish ishlari isloh qilish omillari, mehnat va kasb ta'limini boshqarish, shaxs tarbiyasida kasb-hunarga yo'naltirish ishlarining o'rni va ahamiyati, umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarini darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida kasb-hunarga yo'naltirish ishlarining mazmunini bayon qilishga qaratilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotimizda o'rganilgan olimlarning fikricha va tajribalardan kelib chiqib, bugungi kunda sport ta'lim muassasalarida o'quvchilarni professional ta'limga yo'naltirish texnologiyalarini takomillashtirishning psixologik ta'minoti dolzarbligini ko'rsatmoqda. Shu maqsadda tadqiqot ishimizning tajriba-sinov qismida mazkur muammoni empirik o'rganish uchun «O'quvchilarni olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirishda uzviylikni ta'minlash» nomli maxsus kursi dasturini ishlab chiqdik. Maxsus kursida keltirib o'tilgan nazariy amaliy mashg'ulotlar olimpiya zahiralari kollej (olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazi)-larining pedagogik jamoasi: trener-o'qituvchilari, psixologlari tomonidan sport maktablarining o'quv mashg'ulotlarida, ixtiyoriy soatlarida, amalga oshirildi. Maxsus kursini o'tkazish shakli guruhii tarzda bo'lib, rejalashtirilgan soatlar davomiyligi 34 soatga mo'ljallangan. O'quvchilarga maxsus o'quv kursini o'qitishdan maqsad jismoniy tarbiya va sport haqida umumiy tushunchalar, sport turlari va tushunchalari, kasb etikasi, «Men obraz», «inson-inson» sohasidagi kasbiy pozitsiya, «Dinamik-Men» obrazini yaratish kabi bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlariga qaratilgan.

Amaliy mashg'ulotlar jarayonlarida psixotrening mashg'ulotlar, «Muammoli vaziyat», «Aqliy hujum», tasniflash va tizimlashtirish, umumlashtirish va tizimlashtirish, qiyoslash (nazariy usullar); eksperiment, ekspert baholash, faoliyat natijalarini baholash va tahlil qilish (empirik usullar); J. Rotterning «Subyektiv nazorat darajasini diagnostika qilish» metodikasi, G.Ayzenkning «Temperament testi», Ye.A. Klimovning «Professional diagnostik so'rovnomasi», M.R. Rokichning «Qadriyatlar orientatsiya» metodikasi, T.Elersning «Muvaffaqiyatga erishish motivatsiyasi» va «Mag'lubiyatdan qochish motivatsiyasi» metodikalaridan (diagnostikalash usullari) foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Maxsus o'quv kurs dasturida keltirilgan mavzular, topshiriqlar o'quvchilarni professional

ta'limga yo'naltirish ishlarini bochqichma-bosqich, tashkil etishga qaratilgan mazmun doirasida ishlab chiqildi. Pedagogik yondashuv asosida tashkil etilgan ilmiy izlanish muammo mohiyatini to'laonli anglay olish, uning yechimlarini bashoratlash, maqbul shakl, metod va vositalar majmuini asoslash, maqsadning natijalanganligiga erishish imkonini berdi. Muammoning nazariy tahlili, amaliy tajriba-sinov jarayonining natijalari va ularning tahlili asosida olib borilishiga alohida e'tibor qaratildi.

Tajriba-sinov ishlarini olib borishda Respublika, Chirchiq, Samarqand olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarining pedagogik jamoasi (instruktor-metodistlar, trener-o'qituvchilar, psixologlari) bilan hamkorlikda «O'quvchilarni Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirishda uzviylikni ta'minlash» maxsus kursi dasturi asosida mashg'ulotlar Toshkent shahar Sergeli tumani 1-sonli sport maktabi, Chirchiq shahar sport maktabi, Samarqand shahar 1-sonli sport maktabida tashkil etilgan tajriba-sinov maydonlarida o'tkazildi.

Tadqiqot ishimizda keltirilgan tajriba-sinov maydonlarida dastlabki o'tkazilgan anketa so'rovnomasi tahlil natijalariga asosanib tajriba va nazorat guruhlarini belgilab oldik.

Tajriba guruh sifatida sport maktablarining sport-sog'lomlashtirish, boshlang'ich tayyorgarlik guruhlarining guruhlarining 5-sinf o'quvchilari (sportning o'yin turlari va yengil atletika, suv sporti turlari, yakka kurash va gimnastika) tanlab olindi. Tajriba guruhida mashg'ulotlar biz taklif etgan «O'quvchilarni Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirishda uzviylikni ta'minlash» maxsus kursi dasturi asosida haftada 1 marotaba bo'lib yilida 34 soatni tashkil etadi. Respublika olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazini, Chirchiq olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazini, Samarqand olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarining pedagogik jamoasi: instruktor-metodistlar, trener-o'qituvchilar, psixologlari tomonidan tajriba-sinov maydonlari tarkibida keltirilgan sport maktablarida o'tkazildi. Maxsus kurs dasturini tadbiiq etish maboynida sport maktablari o'quvchilarini keyingi ta'lim turi professional ta'lim yo'nalishlariga kasbiy motivatsiyalarini oshirib borish, sport mahoratini oshirishga qo'yiladigan talablari, tanlagan sport turini ijtimoiy hayotda aloqadorligi yuzasidan ma'lumotlar, tavsiyalar berildi.

1-jadval.

Tajriba-sinov va nazorat maydonlari tarkibi

№	Tajriba-sinov maydonlari	Professional ta'limga yo'naltirish ishlarini aniqlash	Nazorat guruhi	Tajriba-sinov guruhi	Umumiy soni
1.	Respublika OPSTTMning Olimpiya maktabi	Anketa, test	24		24
	Sergeli tuman 1-sonli sport maktabi	Anketa, test, maxsus kurs dasturi		27	27
2.	Chirchiq OPSTTMning Olimpiya maktabi	Anketa, test	27		27
	Chirchiq shahar sport maktabi	Anketa, test, maxsus kurs dasturi		26	26
3.	Samarqand OPSTTMning Olimpiya maktabi	Anketa, test	26		26
	Samarqand shahar 1-sonli sport maktabi	Anketa, test, maxsus kurs dasturi		25	25
Jami			77	78	155

Nazorat guruh sifatida Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazining Olimpiya maktablarining 5-sinf o'quvchilari (sportning o'yin turlari va yengil atletika, suv sporti turlari, yakka kurash va gimnastika) tanlab olindi. Nazorat guruhida anketa, testlar tadbiiq etildi.

Tajriba-sinov ishlarida ta'lim jarayonida guruhlar faoliyatining samaradorligi o'quvchilarning olimpiya maktablariga yo'nalganlik darajasini oshirishga quyilgan ijtimoiy talablarga muvofiq tavsiya etilgan tizim asosida tahlil qilindi. Tahlil quyidagi uch mezoniga asoslandi:

1. Maxsus kurs tahsilining o'quvchilar ehtiyojlarini qondira olganligi.

2. O'zlashtirilgan nazariy bilimlarning sportchi-o'quvchilar tomonidan amaliyotda qo'llanishining taxminiy darajasi.

3. Maxsus kursning samaradorligiga berilgan umumiy baho.

Biz tajriba-sinov jarayonlarida amalga oshirilgan ishlarni samaradorligini aniqlash hamda o'quvchi-sportchilarni sport faoliyatga tayyorgarlik holatlarini belgilashda qo'yidagi darajali ko'rsatkichlarni asos qilib oldik:

I daraja – yuqori sport faoliyatga tayyorgarlik darajaga ega bo'lgan sportchi-o'quvchilar. Tajriba guruhidan 58 nafar (74,3 foiz), nazorat guruhida 35 nafar (45,5 foiz) o'quvchi-sportchi ushbu guruhga mansub sanaladi (2-jadvalga qarang). Bu guruh o'quvchilar olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazining sport turlari bo'yicha kasbiy axborotga ega, mustaqil sport faoliyatiga kirishishda aniq sport turini tanlash jarayoniga kirisha oladigan hamda shu asosida mustaqil sport turini tanlash orqali kelajakda maqsadni belgilab olish ko'nikmasiga ega sportchi-o'quvchilardir.

2-jadval.

Tajriba va nazorat guruhlaridagi o'quvchi-sportchilarning sport faoliyatiga tayyorgarlik holati ko'rsatkichi

№	Umumiy o'rta ta'lim maktablari	Guruhlar	O'quvchi-sportchi-lar soni	Ko'rsatkich darajalari		
				I	II	III
1.	Sergili tuman 1-sonli sport maktabi	Tajriba	27	19	5	3
	Respublika OPSTTMning Olimpiya maktabi	Nazorat	24	11	8	5
2.	Chirchiq shahar sport maktabi	Tajriba	26	18	5	3
	Chirchiq OPSTTMning Olimpiya maktabi	Nazorat	27	12	8	7
3.	Samarqand shahar 1-sonli sport maktabi	Tajriba	25	21	3	1
	Samarqand OPSTTMning Olimpiya maktabi	Nazorat	26	12	8	6
Jami		Tajriba	78	58 (74,3)	13 (16,7)	7 (9)
		Nazorat	77	35 (45,5)	24 (31,2)	18 (23,4)

II daraja – o'rtacha sport faoliyatga tayyorgarlik darajaga ega bo'lgan sportchi-o'quvchilar. Tajriba guruhidan 13 nafar (16,7 foiz), nazorat guruhida 24 nafar (31,2 foiz) o'quvchi-sportchi ushbu guruhga mansub sanaladi. Bu guruhga mansub sportchi-o'quvchilar olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazining sport turi bo'yicha kasbiy axborotga ega biroq, sport turinitanlashda qaysi u uchun mos kelish jarayoniga javob berishi haqida bilim darajasi aniq shakllanmagan shu bilan birga biror sport turini tanlashlari muqim emasligi, ularda sport turini tanlovi vaqt o'tishi bilan o'zgarib to'rishi ko'zatladi.

III daraja – sport faoliyatiga tayyorgarligi sust, aniq maqsadni qo'ya olish ko'nikmasi shakllanmagan sportchi-o'quvchilar. Tajriba guruhidan 7 nafar (9,0 foiz), nazorat guruhida 18 nafar (23,4 foiz) o'quvchi-sportchi ushbu guruhga mansub sanaladi. Ular kelajakdagi kasbiy tanlov to'g'risida aniq to'xtamga ega emasliklari, sport turini tanlashga ko'mak istovchi, sport turlari va kasblar haqida tor doirada ma'lumotga ega sportchi-o'quvchilar hisoblanadi.

Tadqiqotning ko'rsatishicha, 5-sinf o'quvchilaridan tashkil topgan Toshkent shahar Sergeli tumani 1-sonli sport maktabidagi 27 nafar shug'ullanuvchining 19 nafari yuqori sport faoliyatga tayyorgarlik darajasiga ega bo'lgan sportchi-o'quvchilar sanaladi. Bu guruh o'quvchilari ayni paytda Olimpiya maktablari va Olimpiya va paralimpiya zahiralari kollejining sport turlari bo'yicha kasbiy axborotga ega, tanlangan sport turi bo'yicha faoliyatga kirishishda mustaqil qaror qabul qila oladigan hamda shu asosida mustaqil sport turini tanlash orqali kelajakda maqsadni belgilab olish ko'nikmasiga egaliklari ma'lum bo'ldi. 5 nafari esa o'rtacha sport faoliyatga tayyorgarlik darajaga ega bo'lgan sportchi-o'quvchilar bo'lib professional sport ta'lim muassasalaridagi sport turlari bo'yicha kasbiy axborotga ega biroq, sport turini tanlashda qaysi u uchun mos kelish jarayoniga javob berishi haqida bilim darajasi aniq shakllanmagan, shu bilan birga biror sport turini tanlashlari muqim emasligi, ularda sport turini tanlovi vaqt o'tishi bilan o'zgarib to'rishi ko'zatladi. 3 nafari esa sport faoliyatiga tayyorgarligi sust, aniq maqsadni qo'ya olish ko'nikmasi shakllanmagan sportchi-o'quvchilar bo'lib kelajakdagi kasbiy tanlov to'g'risida aniq to'xtamga ega emaslik, sport turini tanlashga ko'mak istovchi, sport turlari va

kasblar haqida tor doirada ma'lumotga ega bo'lgan o'quvchilardir.

Yakuniy tajriba-sinov bosqichida hosil bo'lgan ko'rsatkichlardan ma'lumki, tajriba guruhida ishtirok etgan 78 nafar o'quvchilardan 58 nafari ya'ni 74,3% sportchi-o'quvchilar yuqori kasbiy tayyorgarlikka ega ekanligi ma'lum bo'ldi. Bu esa 34 soatga mo'ljallangan «O'quvchilarni olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirishda uzviylikni ta'minlash» maxsus kursi asosida tashkil etilgan ta'lim jarayonining samaradorligini belgilaydi.

Xulosa va takliflar. Tajriba-sinov ishlari quyidagi uch bosqich asosida xulosalandi:

Asoslovchi tajriba bosqichida Sport maktab o'quvchilarni Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirish ishlari uzviyligini ta'minlash muammosiga doir falsafiy, psixologik-pedagogik manbalar, hukumatimiz tomonidan qabul qilingan huquqiy, o'quv-me'yoriy hujjatlar, qarorlar o'rganildi va tahlil qilindi. Shuningdek, tajriba-sinov ishlari tashkil etishda pedagogik kuzatish, suhbat, anketa metodlaridan foydalanildi. Bularning barchasi tadqiqotning asosiy yo'nalishi va dasturini muayyan darajada aniqlash imkonini berdi.

Shakllantiruvchi tajriba bosqichida Tadqiqotda o'quvchilarning professional ta'limga yo'naltirish jarayonlarini pedagogik kuzatish, ular ishtirokida amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish, olingan natijalarni samaradorligini aniqlashda sport maktablari o'quvchilarini Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga qobiliyatlari, qiziqishlari, moyilliklari asosida mustaqil ravishda sport turlarini tanlashlariga imkon beruvchi metod va vositalar yordamida yo'naltirishga qaratilgan pedagogik-psixologik ta'sirni aniqlashga ahamiyat qaratildi.

Ta'kidlovchi tajriba bosqichida Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga o'quvchilarini yo'naltirishda uzviylikni ta'minlanganlik darajasini aniqlash uchun dissertant tomonidan «O'quvchilarni Olimpiya va Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlarga yo'naltirishda uzviylikni ta'minlash» maxsus kurs dasturi ishlab chiqildi va tajriba-sinov ishlari o'quvchilarni yo'nalganlik holati aniqlandi. O'quvchilarni Olimpiya va

Paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlariga borasidagi ishlarni mustahkamlash hamda kamchiliklarni yo'naltirishning samaradorligi, natijalarni yanada oshirish bartaraf etishga doir ko'rsatmalar, tavsiyalar ishlab chiqildi.

ADABIYOTLAR

1. Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: Дис. ... д-ра психол. наук: 19.00.07. – Т.: ТашГПУ, 2001. – 311 с.
2. Асомова, Р.С. Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси: Психол. фан. ном. ... дис. автореферати. – Т., 2002. – 24 б.
3. Жумаев У.С. Ўсмирларда касб танлашга муносабат тизими шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номзоди ... дис.: 19.00.05. – Т.: ТошДПУ, 2004. – 176 б.
4. Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари: Психол. фан. номзоди ... дис.: 19.00.05. – Фарғона: ФарДУ, 2004. – 147 б.
5. Pulatov J.A O'quvchilarni sportga yo'naltirishning psixologik ta'minoti / Jismoniy tarbiya va sport mutaxassislari tafakkur tarzini va kasbiy madaniyatini rivojlantirishning ilmiy-nazariy muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman matireallari (Chirchiq, 2021 yil 19 mart). – Chirchiq: O'zDJTSU, 2021. – B. 82–83.
6. Pulatov J.A. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishda uzviylikni ta'minlash muammolari // Maktab va hayot. – Toshkent, 2008, № 6. – B. 4



Gulora RAXIMOVA,
Urganch davlat pedagogika instituti o'qituvchisi
E-mail: raximovagulora1976@gmail.com

UrDPI kafedra mudiri, Phd. D.Nafasov taqrizi asosida

THE IMPORTANCE OF AN INTERNATIONAL ASSESSMENT SYSTEM IN PRIMARY EDUCATION

Annotation

The article deals with the issues of increasing the educational efficiency of primary and secondary school students and participation in evaluation studies at the international level, which are important for educational institutions.

Keywords: PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS, EGRA, EGMA, IHTT, international assessment program, math literacy, reading literacy, international requirements

ВАЖНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНОЙ СИСТЕМЫ ОЦЕНИВАНИЯ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация

В статье рассматриваются важные для общеобразовательных учреждений вопросы повышения образовательной эффективности учащихся начальных и старших классов и участия в оценочных исследованиях на международном уровне.

Ключевые слова: PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS, EGRA, EGMA, IHTT, международная программа оценивания, математическая грамотность, грамотность чтения, международные требования

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA XALQARO BAHOLASH TIZIMINING AHAMIYATI

Annotatsiya

Maqolada umumiy o'rta ta'lim muassasalari boshlang'ich va yuqori sinf o'quvchilarining ta'lim samaradorligini oshirish va xalqaro darajada baholash tadqiqotlarida ishtirok etishi uchun muhim masalalar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS, EGRA, EGMA, IHTT, xalqaro baholash dasturi, matematik savodxonlik, o'qish savodxonligi, xalqaro talablar

Kirish. Dunyoda yuzdan ortiq davlat o'z mamlakatida joriy etilgan ta'lim sifatini xolisona baholash maqsadida PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS, EGRA hamda EGMA kabi xalqaro baholash tadqiqotlarida ishtirok etadi. Jumladan, O'zbekistonning ham birinchi marta PISA va boshqa xalqaro baholash tadqiqotlarida ishtirok etishi ko'zda tutilgan. XXI asr o'rtalarida jahon mamlakatlari tomonidan xalqaro iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish maqsadida Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (IHTT) tuzildi. 1961 yilda ish boshlagan IHTT o'tgan davr mobaynida moliyaviy sohada yuzaga kelgan turli muammolarni hal etib kelmoqda. Ayniqsa, yangi asr ostonasida ushbu tashkilot negizida dunyo ta'limining asosiy bo'g'ini bo'lgan umumiy o'rta ta'limni rivojlantirish maqsadida PISA (Programme for International Student Assessment) — o'quvchilarni xalqaro baholash dasturi ishlab chiqildi. Iqtisodiy tashkilotning ta'lim sohasiga murojaat etishiga sabab, har qanday soha uchun kadrlar maktablarda, oddiy sinfxonalarda ulg'ayadi. Shu ma'noda IHTTdek ulkan tuzilma ham davlatlarning ta'lim tizimiga qancha mablag' sarflayotgani va ular nechog'li samara berayotgani reytingini tuzishga majbur bo'ldi. Bugun dunyoning turli davlatlaridagi ta'lim ko'rsatkichlarini o'rganish, tahlil etish, solishtirish va istiqboldagi taraqqiyot maqsadlarini belgilash uchun xalqaro baholash dasturi ayni muddao bo'lmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Dastlabki adabiyotimiz "Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash", deb nomlanadi. Bu kitob boshlang'ich sinf o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma sifatida ishlab chiqilgan. Unda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash uchun turli mavzulardagi matnlardan namunalar berilgan. O'quvchilar matnni o'qib tegishli savollarga javob berishi zarur bo'ladi. Keyingi metodik qo'llanma "Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning matematik

savodxonligini baholash". Undan matematika fani o'qituvchilari, metodistlari va soha mutaxassislari metodik qo'llanma sifatida foydalanishi mumkin. Bu kitobda matematikaga oid masalalar, ularning yechimlari va mantiqiy fikrlash bosqichlari berilgan. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning o'qish savodxonligini baholash o'quv qo'llanmasi ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari, soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma sifatida xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi. Mamlakatimiz innovatsion taraqqiyot yo'lida shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrga yetib keldi. Yoshlarning ijodiy g'oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish hamda ilg'or xorijiy tajribalar, xalqaro mezon va talablar asosida baholash tizimini takomillashtirish, shu yo'lida xalqaro tajribalarni o'rganish, mavjud tizimni har tomonlama qiyosiy tahlil qilish, tegishli yo'nalishdagi xalqaro va xorijiy tashkilotlar, ilmiy tadqiqot muassasalari bilan yaqindan hamkorlik qilish muhim ahamiyatga egadir. Unga ko'ra, xalqaro ta'lim ekspertlari o'quvchilarning fanlarni o'zlashtirish darajasini aniqlash uchun universal test tizimi ishlab chiqdi. Bundan tashqari, dastur ijodkorlari o'quvchilarning bilimlarini amaliyotda qo'llay olish qobiliyatini ham tekshiradi.

2021 yilda o'tkaziladigan PIRLS xalqaro baholash dasturida 70 ga yaqin davlatlar qatorida mamlakatimizdagi 4-sinf o'quvchilari ham ilk marotaba ishtirok etishi ko'zda tutilgan edi. Mamlakatimizda yuz bergan favqulotdagi vaziyat tufayli bud astur amalga oshmay qoldi. Tadqiqotlar 2001, 2006, 2011, 2016 yillarda o'tkazilgan bo'lib, 2021 yil tadqiqotning beshinchi davriyligi hisoblanadi. Har besh yilda o'tkaziladigan PIRLS dasturi 4-sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmasini xalqaro darajada baholaydi. Mazkur dastur 4-sinf o'quvchilarining matematika va tabiiy fanlardan bilim darajasini baholaydigan TIMSS dasturini to'ldirishga yo'naltirilgan bo'lib, Boston kollejidagi TIMSS va PIRLS

xalqaro markazi, IEA tashkilotining Gambur va Amsterdam shaharlaridagi idoralari bilan yaqindan hamkorlikda boshqariladi. O'quvchilarning erishgan yutuqlarini baholash barcha o'quvchilardan emas, balki ushbu qatlam vakillari sifatida tanlab olingan o'quvchilardan ob'ektiv testlarni o'tkazish orqali amalga oshiriladi. Shuningdek, maktab direktorlari, o'qituvchilar, o'quvchilar, hattoki ota-onalardan so'rovnoma o'tkazilib, ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi omillarga doir qimmatli ma'lumotlar to'planadi.

PIRLS xalqaro tadqiqoti boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilashda ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga xizmat qilishi mumkin bo'lgan tahlillarni taqdim etadigan yirik xalqaro baholash dasturi hisoblanadi. Hozirgi vaqtda PIRLS ta'rifiga ko'ra, o'qish savodxonligi jamiyat tomonidan talab qilinadigan va inson tomonidan qadrlanadigan yozma til shakllarini tushunish va ulardan foydalanish, shuningdek, matnlardan turli shakllarda ma'no hosil qila olish qobiliyati hamdir. Tadqiqot doirasida asosiy e'tibor tushunishni namoyon qilishdan o'zlashtirilgan ma'lumotlarni qanday qilib yangi loyihalar va vaziyatlarda qo'llay olish qobiliyatlarini namoyon qilishga qaratilmoqda. O'quvchi bu jarayonning faol qatnashuvchisi bo'lib, ma'no yaratadi, matn ustida mushohada yuritadi va samarali o'qish strategiyalarini ongli ravishda tanlab qo'llaydi. Har bir matn turi odatiy shakl va qoidalariga amal qilgan holda o'quvchiga matnni sharhlashga yordam beradi. Har qanday matn turli shaklga ega bo'lishi mumkin. Bular an'anaviy kitoblar, jurnallar, hujjatlar va gazetalar, shuningdek, raqamli ko'rinishdagi yozma shakllarni ham o'z ichiga oladi. PIRLS boshlang'ich sinf o'quvchilarining sinf va sinfdan tashqari o'qishini baholashda ikkita keng qamrovli maqsadga, ya'ni "badiiy tajriba orttirish", "axborotni olish va undan foydalanish"ga qaratiladi. O'z navbatida, ushbu maqsadlarning har biri to'rtta keng tushunish jarayonini birlashtiradi. Bular:

diqqatni jamlash va aniq ko'rsatilgan ma'lumotlarni topish;

to'g'ridan-to'g'ri xulosalar chiqarish;

kontent va matn elementlarini baholash va tanqid qilish;

g'oyalar va axborotni talqin qilish va uyg'unlashtirish.

PIRLS boshlang'ich 4-sinf o'quvchilarining matnini o'qish va tushunish darajasini baholash;

TIMSS – 4- va 8-sinf o'quvchilarining tabiiy-ilmiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonligini baholash;

TALIS– rahbar va pedagog kadrlarning umumiy o'rta ta'lim muassalarida o'qitish va ta'lim olish muhitini hamda o'qituvchilarning ish sharoitlarini o'rganish;

PISA– 15 yoshli o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholash.

EGRA va EGMA esa boshlang'ich sinflarda o'qish hamda matematika bo'yicha ko'nikmalariga baho beradi. Baholash natijalariga ko'ra yangi o'quv dasturlari, o'qitish uslubi va yondashuvlar O'zbekiston yoshlarining yaxshi natija ko'rsatishi uchun moslashtiriladi. Respublikamizda matematika sohasini rivojlantirish bo'yicha olib borilayotgan islohotlarga ham hamnafas bo'ladi deb aytish mumkin. Matematika va tabiiy fanlarni baholash bo'yicha TIMSS tadqiqoti ta'lim samaradorligini monitoring qilishda qimmatli manba hisoblanadi, chunki, odatda, STEM deb nomlanadigan tabiiy fanlar, texnologiya, muhandislik va matematika o'quv dasturining asosiy yo'nalishidir. Shubhasiz, hatto bugungi kunga ham ko'pgina ish o'rinlari uchun matematika va tabiiy fanlardan asosiy tushunchalarga ega bo'lish talab qilinadi va bu kelajakda ham o'z dolzarbligini yo'qotmaydi. STEM kasblarida ishlaydiganlar ochlikka qarshi kurash va yashash joylarining yo'qolishi kabi dunyo

muommolariga yechim topish, shuningdek, global iqtisodiyotda o'sish va barqarorlikni qo'llab-quvvatlashga mas'uldirlar.

Shuningdek, matematika va tabiiy fanlar kundalik hayotning asosi hisoblanadi.

Tabiiy fanlar- bu tabiat, jumladan, bizning ob-havo, yer va suv, oziq-ovqat va

yoqilg'i manbalarimiz. Matematika bizga kundalik vazifalarni bajarishga yordam

beradi va biz tayanadigan kompyuter, smartfon, televizor kabi texnologiyalarni

yaratishda muhim ahamiyatga ega.

60 dan ortiq mamlakatlar o'quvchilarning bilim, ko'nikma, malakalari darajasini

aniqlashning global resursi jahonning eng ilg'or tajribasi asosida ishlab chiqilgan. TIMSS yordamida o'quvchilarning ta'limiy yutuqlari: bilish, qo'llash, mulohaza yuritish baholanadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini TIMSS xalqaro baholash dasturiga tayyorlash

ayni vaqtda muhim ahamiyatga ega hodisa sanaladi.

Agar:

*Boshlang'ich sinf o'quvchilarini TIMSS xalqaro baholash dasturiga tayyorlash

samarali tashkil etilsa;

*Boshlang'ich sinf o'quvchilarini TIMSS xalqaro baholash dasturiga tayyorlash

usul va vositalari faollashtirilsa;

*O'qituvchi ta'lim jarayonida ijodiy ishlab, matematika va

tabiatshunoslik, darslarida hayotiy misollar, mantiqiy tushunchalardan o'rinli

foydalanilsa, o'quvchilarning o'quv-bilim faoliyat samarali bo'ladi

Tahlil va natijalar. Tadqiqotdagi matnlar murakkabligiga ko'ra, o'rtacha 500 dan 800 tagacha, o'quvchilarning o'qish savodxonligi darajasi past bo'lgan mamlakatlar uchun 400–500 ta, PIRLSda esa, taxminan 1000 ta so'zdan iborat bo'ladi. Matnning mazmuni 9-10 yoshdagi o'quvchilarga mos, ayrim madaniyatlarga juda xos bo'lgan mavzulardan chetlashgan, shuningdek, qiziqarli hamda o'quvchiga unchalik tanish bo'lmaydi. PIRLS tadqiqotida o'qish savodxonligining darajalari quyidagicha tavsiflanadi:

Eng yuqori daraja (625 ball va undan yuqori) – O'quvchilar matnni yaxlit o'zlashtira oladi va ayni paytda uning alohida qismlarini bir-biri bilan bog'liq holda tushunadi. Muallifning g'oyasini izohlashda o'z fikrini asoslash uchun matnga tayana oladi.

Yuqori daraja (550 ball) – O'quvchilar matnning ahamiyatli xabarlarini tushunadi, matnga asoslanib o'z xulosalarini chiqaradi, matn mazmuniga ham, shakliga ham baho bera oladi, uning ayrim til xususiyatlariga e'tibor qaratadi.

O'rta daraja (475 ball) – O'quvchilar matndan axborot topa oladi, matn shakli va tilining ba'zi xususiyatlaridan foydalanib, matnga asosan o'z xulosalarini chiqaradi.

Quyi daraja (400 ball) – O'quvchilar matnda aniq berilgan va cheklash oson bo'lgan xabarni ajratib oladi.

Tadqiqotda O'zbekistonning boshlang'ich sinf bitiruvchilari boshqa davlatlardagi tengdoshlariga nisbatan qanchalik darajada yaxshi o'qiydi? O'zbekiston o'quvchilarining o'qish savodxonligi qay darajada? O'qish 4-sinf o'quvchilari uchun sevimli mashg'ulotmi? Oila tomonidan savodxonlikni rivojlantirishga qanday hissa qo'shilmoqda? Bugungi kunda bizning mamlakatimizda o'qishni o'rgatish jarayoni qanday tashkil etilgan? O'zbekiston o'qishni o'rgatish jarayonining boshqa davlatlarga nisbatan o'ziga xosligi bormi, agar shunday bo'lsa u nimada namoyon bo'ladi? Boshlang'ich sinflarimizning o'qituvchilari foydalanayotgan metodlar boshqa mamlakat o'qituvchilari foydalanayotgan metodlardan

farq qiladimi? kabi asosiy masalalar o'rganiladi. Shuningdek, tadqiqotda ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi omillarni o'rganish va tahlil qilish maqsadida anketa so'rovnomalari ham o'tkaziladi. Jumladan, o'quvchilar so'rovnomasi orqali ishtirokchi haqida ma'lumotlar, oiladagi ta'limiy resurslar, maktabga, o'qituvchiga, o'quv faniga munosabat, o'quvchilar o'rtasidagi munosabat, o'quv fanlari bo'yicha o'zini baholash, sinfdan tashqari mashg'ulotlar to'g'risida ma'lumotlar to'planadi.

O'qituvchilar so'rovnomasi o'qituvchilar haqidagi ma'lumotlar, maktabning jihozlanishi, xavfsizlik, maktab muhiti, o'qitish usuli, malaka oshirish masalalarini o'z ichiga oladi.

Ota-onalar so'rovnomasida ota-onalar haqidagi ma'lumotlar, oiladagi ta'limiy resurslar, farzandini maktabga tayyorlash, maktabga qabul qilinishidan avvalgi ko'nikma va malakalari, ota-onalarning maktabga va o'qishga munosabati o'rganiladi.

Maktab ma'muriyati so'rovnomasi orqali maktab quvvati, joylashuvi, jihozlanishi, ta'limiy resurslar, maktabda o'quv jarayonining tashkil etilishi, maktab muhiti o'rganilib, tahlil etiladi.

Tadqiqotning 2016 yil natijalariga ko'ra, 50 ta mamlakat ichida, Rossiya, Singapur, Gonkong, Irlandiya va

Finlyandiya mamlakatlari yuqori natijalarni qayd etgan bo'lsa, shular orasida rossiyalik va singapurlik o'quvchilar matnni o'qish va tushunish bo'yicha eng yuqori natijalarni ko'rsatdi. Shuningdek, Rossiyaning boshlang'ich sinf o'quvchilari ushbu mezon bo'yicha dunyoda yetakchilik qildi.

Xulosa va takliflar. Mazkur davlatlarda o'qish savodxonligi bo'yicha yuqori natijalar quyidagi omillar bilan bog'liq: uydagi kitoblari va raqamli qurilmalarning mavjudligi, ziyoli ota-onalar va ularning kitobga bo'lgan muhabbati, bola maktabga borgunga qadar o'qish-yozishni o'rganganligi hamda maktabgacha ta'lim muassasalariga qamrab olish ko'rsatkichining yuqoriligi. PIRLS tadqiqotida O'zbekiston Respublikasining ishtirok etishi ta'lim sifatini oshirish, xalqaro miqyosda mamlakat nufuzini mustahkamlash bilan birga, o'quvchilar bilimini xalqaro talablar darajasiga olib chiqishga xizmat qiladi. Xulosa qilib aytganda, O'zbekiston TIMSS va boshqa xalqaro tadqiqotlarda qatnashish orqali rivojlangan mamlakatlar tajribalarini O'zbekiston ta'lim tizimida qo'llash, o'z natijalarini boshqa davlatlar natijasi bilan qiyosiy taqqoslash imkoniyatlariga ega bo'ladi. Tadqiqotning har to'rt yillik davriyligida uzluksiz ravishda ishtirok etishi global miqyosda mamlakatimiz ta'lim tizimining samaradorligini oshirishga imkon beradi.

ADABIYOTLAR

1. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash. (Boshlang'ich sinf o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma) «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. Toshkent-2019.
2. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning matematik savodxonligini baholash. (Matematika fani o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma) «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. Toshkent- 2019.
3. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning o'qish savodxonligini baholas (Ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari, metodistlar va soha mutaxassislari uchun metodik qo'llanma) «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. Toshkent – 2019.
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori. “Xalq ta'limi tizimida
5. ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarini tashkil etish chora tadbirlari to'g'risida” 997-son 08.12.2018. // <http://lex.uz/docs/4097073>.
6. Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi matbuot xizmati.
7. <http://timssandpirls.bc.edu> sayti – TIMSS & PIRLS International Study Center.
8. <http://www.uzedu.uz>-O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi veb sayti.
9. <http://www.edu.uz>- O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi portali.



Эътибор РАХИМОВА,
Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси
E-mail: etiborrahimova@gmail.com

с.ф.н. доц Н.Халилова тақризи асосида

ЎСМИРЛИК ДАВРИДА МУЛОҚОТДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада ўсмирлик даврида мулоқотдаги қийинчиликларни юзага келишининг психологик омиллари таҳлил қилинган. Айниқса, мулоқотдаги қийинчилик тушунчасининг мазмуни ва бу борада хориж олимларининг ёндашувлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ўсмирлик даврида мулоқотдаги қийинчиликни намоён бўлиши экспериментал тадқиқотлар асосида текширилиб, натижалари акс эттирилган.

Калит сўзлар: Мулоқот, мулоқотдаги қийинчилик, ўзаро алоқа, шахслараро муносабатлар, бир-бирини тушуниш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, инсоний муносабатлар, нутқнинг хусусиятлари, идрок қилиш, ўзга инсонларни тушуниш.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ФОРМИРОВАНИЯ ТРУДНОСТИ ОБЩЕНИЯ В ПОДРОСТКОВОМ ВОЗРАСТЕ

Аннотация

В статье анализируются психологические факторы коммуникативных трудностей в подростковом возрасте. В частности, проанализировано содержание понятия трудности в общении и подходы зарубежных ученых на этот счет. Также на основе экспериментальных исследований рассматривается проявление трудности общения в подростковом возрасте и отражаются результаты.

Ключевые слова: Общение, трудности в общении, общение, межличностные отношения, взаимопонимание, взаимоподдержка, человеческие отношения, особенности речи, восприятие, понимание других людей.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE FORMATION OF DIFFICULTY IN COMMUNICATION DURING ADOLESCENCE

Abstract

The article analyzes the psychological factors of communication difficulties in adolescence. In particular, the content of the concept of difficulty in communication and the approaches of foreign scientists in this regard were analyzed. Also, the manifestation of difficulty in communication during adolescence is examined on the basis of experimental studies, and the results are reflected.

Key words: Communication, difficulty in communication, communication, interpersonal relations, mutual understanding, mutual support, human relations, features of speech, perception, understanding of other people.

Кириш. Сўнгги вақтларда инсон омили кўплаб фанларнинг ўрганиш предметига айланиб бормоқда. Маълумки, мулоқотсиз инсон инсонлар орасида яшаш имкониятига эга бўлмайди, камолотга эриша олмайди ҳамда бирор бир нарсани яратиш қобилиятида маҳрум бўлади. Шу боис, мулоқот тушунчаси кенг маънода инсонлар ўртасидаги турли хил алоқалар йиғиндисидир.

Шунингдек, мулоқот ҳар бир шахсни индивидуал шаклланиши ва ривожланишининг зарурий шартидир. Таъкидлаш жоизки, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари ўқитувчи ва талабанинг ўзаро таъсири, ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли улар ўртасида мулоқотни тўғри йўлга қўйиш қобилияти икки томон ўртасида самарали муносабатга эришишда энг муҳим вазифадир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Маълумки, шахснинг жамият ҳаётида инсонлар билан биргаликда ҳаёт кечириши, ҳамкорликда фаолият олиб бориши жараёнида мулоқот, муомала қилиш қобилиятига эга бўлишини тақозо қилади. Агар инсон объектив ёки субъектив омиллар туфайли мулоқотда қийинчиликларга дуч келса, у ҳолда унинг жамиятга мослашиши ва ижтимоийлашувида муаммолар пайдо бўлади.

Тадқиқотимизнинг асосий муаммоси “мулоқотдаги қийинчилик”нинг моҳияти, сабаблари ва хусусиятларини кўриб чиқишдан олдин “мулоқот” тушунчасининг мазмунига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. С.И. Ожеговнинг изоҳли луғатида мулоқот “ўзаро

муносабатлар, ишбилармонлик ва дўстона муносабатлар” деб ҳисобланади [8].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мулоқот рус психологлари томонидан батафсил ўрганилган. Жумладан, Б.Ф.Ломовнинг фикрларига кўра, мулоқот - бу инсоният жамиятининг тузилиши, ташкил этилиши ва фаолият механизмини, шунингдек, шахснинг ижтимоий-тарихий тизимга киритиш шакллари ва усулларини очиб берувчи ижтимоий ҳодиса. Мулоқотнинг ажралмас шарт, унинг таъкидлашчи, концепциянинг мураккаблиги ва кўп қирралигини белгилайдиган ижтимоийликдир [7].

А.А.Леонтьевнинг фикрларига кўра, мулоқот инсон фаолиятининг турларидан биридир [6].

Тадқиқот методологияси. Психологияда мулоқот “одамлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришнинг мураккаб, кўп қиррали жараёни, биргаликдаги фаолият эҳтиёжлари натижасида ҳосил бўлган ва маълумот алмашиш, ўзаро таъсир ўтказиш, идрок этиш, бошқа одамни тушунишнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқишни ўз ичига олган” жараён сифатида тақдим этилади [9]. Мулоқот борасидаги илмий тадқиқот ишимизда Л.С.Виготский ва С.Л.Рубинштейнларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда [2], биз турли хил алоқа воситалари ва механизмлари ёрдамида одамлар ўртасида маълумот алмашиш ва ўзаро бир-бирини тушуниш жараёнини йўлга қўйишни тушунамиз. Шунингдек, мазкур жараёнда ҳиссиётлар, кечинмалар, фикрлар,

қарашлар, билимлар, ижтимоий қадриятлар, тажриба ва бошқалар маълумот сифатида ишлайди.

Инсоний муносабатлар жараёнида мулоқот асосий ўрин эгаллайди ҳам бу билан боғлиқ қатор қийинчиликлар юзага келади. Е.В.Цуканованинг таъкидлашича, мулоқотдаги қийинчиликлар “одамларнинг бир-бирини тушунмасликлари кўринишидаги ўзаро муносабатларнинг реал вазиятларида ўзини намоён қиладиган ўзига хос ижтимоий-психологик ҳодисадир” [11]. Ҳатто мулоқотнинг ўзи ҳам, В.А.Лабунскаянинг қарашларига асосланиб, ижтимоий-психологик табиатига кўра, “қийин” фаолиятдир, чунки у фаолиятнинг оптимал даражасига тўққонлик қиладиган элементларни ўз ичига олади. Ифода ва нутқнинг хусусиятлари, шахснинг ижтимоий-перцептуал соҳаси, унинг муносабатлар тизими, мурожаат шакллари, ўзаро таъсир кўникмаларининг ривожланиш даражаси ва мулоқот шароитлари ҳар қандай мулоқот ҳаракатини вазифага, мураккаб кўп қиррали фаолиятга айлантиради [5].

И.Е.Стрелков томонидан мулоқотдаги психологик қийинчиликларнинг моҳиятини кўриб чиқиб, уларда “шерикларнинг ўзаро таъсири пайтида алоқаларнинг бузилиши, муносабатларнинг ривожланишига барча турдаги тўсиқларнинг пайдо бўлиши, уларнинг узилиши-гача, мулоқот ноқулай ривожланса ва шериклар (ёки улардан бири) ҳулқ-атворнинг мослашуви билан бирга келадиган ҳиссий тангликни, зўриқишни бошдан кечирилади [5].

Бинобарин, мулоқотдаги қийинчиликлар турли йўللار билан намоён бўлиши мумкин: ўзаро таъсир (контактлар), турли хил тўсиқларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот мавзусига доир адабиётларни таҳлил қилиш натижасида биз мулоқотдаги қийинчиликлар объектив ва субъектив хусусиятга эга эканлигини аниқлаш имкониятига эга бўламиз. В.Н. Куницина уларни субъектнинг онги даражасида интраперсонал ва нейропсихик стресс билан бирга келадиган ноқулайлик ҳиссий тажрибалари шаклида ифодаланган субъектив ҳодиса деб ҳисоблайди [3].

Шу билан бирга, А.А.Бодалев ва Г.А.Ковалев ўз тадқиқотларида мулоқот қилишдаги қийинчиликларни таърифлаб, шундай деб таъкидлайди: “Мулоқот жараёнида объектив қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин, натижада мақсадларга тўлиқ ёки қисман эриша олмадик, мотивацион мотивдан норозилик ёки фаолиятда керакли натижани ололмадиклигига бу алоқа хизмат қилиши мумкин” [1].

“Самарасиз”, бузғунчи, деструктив мулоқот муаммоси “мулоқотдаги қийинчилик” деган махсус атамасини келтириб чиқарди.

Э.В.Цукановнинг таъкидлашича, “мулоқотдаги қийинчилик” тушунчаси мулоқот жараёнини тўхтатмайдиган ва алоқа жараёни иштирокчиларининг ўзлари томонидан энгиб ўтиладиган кичик носозликлар билан тавсифланган мулоқотни аниқлаш учун унинг қўлланилиш имкониятларини аниқлаш мумкин. Мулоқот жараёни қаттиқ блокланган ва хафа бўлганида, ўта аниқ қийинчилик, шунинг учун кейинги алоқа учун имконсиз бўлиб қолади” [10].

Рус психологлари ҳозирги илм-фандаги мулоқотдаги қийинчилик муаммоси қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган: А.А. Бодалев ва Г.А. Ковалёв [1], Э.В. Цуканова [11], В.Н. Куницин [3; 4]. Мулоқотдаги қийинчилик муаммосини энг машҳур тадқиқотчи В.А.Лабунская томонидан ўрганилган [5].

Шу боисдан, рус психологиясида “мулоқотдаги қийинчилик” таърифига энг яқин маъно - мулоқот ҳамкорларининг бир-бирдан норози бўлган, ўз мақсадларига эриша олмайдиган, очик мулоқот ўрната олмайдиган бундай вазиятларни акс эттирувчи нуқсонли мулоқот тушунчаси бўлиб, тушунмовчилик, низолар пайдо бўлади ва ҳоказо.

Олимларнинг таъкидлашича, “қийин - осон мулоқот” жуфтлашган тушунчалари “муваффақиятли - муваффақиятсиз”, “самарали - самарасиз”, “оптимал - оптимал бўлмаган алоқа” тушунчалари билан синоним эмас. Мулоқотнинг бу хусусиятлари унинг натижасига эришишнинг объектив кўрсаткичларини акс эттиради, лекин мулоқот жараёнида юзага келадиган ҳиссий ҳолатни (тажрибалар спектрини) ҳисобга олмайди.

В.А.Лабунскаянинг сўзларига кўра, [5], мулоқотдаги қийинчилик психологиясида бир неча жиҳатларда кўриб чиқилади, хусусан:

- фақат ижтимоий мулоқот, ўзаро таъсир вазиятида намоён бўладиган ижтимоий-психологик ҳодиса;

- мақсад ва натижа, танланган мулоқот модели ва ҳақиқий жараён ўртасидаги номувофикликда ифодаланган объектив ҳодиса;

- қондирилмаган эҳтиёжлар, мотивацион, когнитив, ҳиссий диссонанслар, шахсий ички низолар ва бошқаларга асосланган турли хил инсоний тажрибаларда акс эттирилган субъектив ҳодиса.

Илмий адабиётларда мулоқотдаги қийинчилик тушунчасининг тор ва кенг маънода кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир [5].

Биринчи ҳолда, мулоқотдаги қийинчилик - бу шериклар ва жамоаларни ҳулқ-атворларининг бузғунчи ўзгаришларига, узлуксиз ва узлуксиз бўлмаган алоқаларга (мулоқот қилишдан бош тортишгача), алоқа даражасининг пасайишига олиб келадиган барча турдаги ва алоқа шакллари (шахсларародан гуруҳларарога), шунингдек, мулоқотдаги қийинчиликларнинг сабабларини билиш, қамайиши ва баъзи ҳолларда йўқолиши, юзага келган қийинчиликлардан мустақил равишда чиқишга уринишлар, ҳар қандай мулоқот ҳолатига ташвишли муносабатни шакллантириш.

Иккинчидан, мулоқотдаги қийинчилик - бу шахслараро мулоқот соҳасидаги кичик ишқаланиш ва муваффақиятсизликлар, бунда хавфсизлик, шериклар ўртасидаги мулоқотларнинг узлуксизлиги, бошдан кечирилган қийинчиликлардан маълум даражада хабардорлик кузатилади; мулоқот асоратларига олиб келадиган сабабларни излаш; ижтимоий-перцептив, ўзаро, коммуникатив қийинчиликларни мустақил равишда энгиб ўтишга уринишлар.

Хулоса ва таклифлар. В.А.Лабунскаянинг хулосасига кўра, мазкур тушунчанинг таърифи “субъектив ва объектив характерга эга бўлган мулоқот жараёнини ҳам, натижасини ҳам ўз ичига олади” [5].

Маълумки, ўсмирлик даврида мулоқот етакчи фаолият эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уларда мулоқот жараёнида кечадиган қийинчиликларни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу боис, синалувчилар гуруҳида В.А.Лабунская томонидан ишлаб чиқилган “Мулоқотдаги психологик қийинчиликларни диагностика қилиш” методикасидан фойдаланилди. Методика орқали синалувчилар гуруҳидаги мулоқотдаги қийинчиликлар қандай психологик омиллар билан алоқадорлигини текширишга қаратилди. Тадқиқот методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб натижалар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинди.

Ўсмирлик даврида мулоқотдаги қийинчиликларнинг намоён бўлиш даражалари

№	Қийинчиликлар	7-синф	9-синф
1	Шерикларнинг ифодали нутқ (ШИИ)	18,7%	19,1%
2	Шерикларнинг ижтимоий - перцептив (ИП) хусусиятлар	22,4%	23,6%
3	Мулоқот - муносабатларини (ММ)	21,9%	22,3%
4	Ҳамкорликни ташкил этишдаги кўникма ва малакаларни (ХКМ)	19,6%	18,5%
5	Мулоқот шартлари (МШ)	17,4%	16,5%

Тадқиқотда иштирок этаётганларнинг натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, шерикларнинг ифодали нутқ бўйича синалувчиларнинг кўрсаткичлари 18,7% ва 19,1% ни ташкил қилган бўлиб, томонларнинг мулоқотдан кўзланган асосий мақсади билдирилаётган фикрнинг ифодали тарзда етказиш ҳам муҳим психологик ҳодиса сифатида кўрсатилади. Дарҳақиқат мулоқот жараёнида юзага келадиган ҳар қандай муаммолар сўхбатдошнинг фикрларини қабул қилмаслик ёки фикрнинг ифодалашдаги ноаниқликлар ҳисобланиши мумкин.

Методика натижаларига кўра, шерикларнинг ижтимоий - перцептив (ИП) хусусиятлар 22,4% ва 23,6% ни ташкил қилиб, бу уларни суҳбат жараёнида суҳбатдошда кечадиган психологик ҳолатнинг муҳимлигини текширишга қаратилади. Унга кўра, синалувчилар гуруҳида бир-бирининг психологик ҳолатини юзасидан маълумотга эга эканлигини кўрсатади.

Синалувчилар гуруҳида мулоқот муносабатлари 21,9% ва 22,3% инсонлар билан муносабат асосан мулоқот жараёнида юзага келади. Ҳар қандай фаолиятнинг асоси бу ҳамкорликдир. Ҳамкорликни ташкил этишдаги кўникма ва малакаларни шаклландирилганлиги синалувчилар гуруҳида 19,6% ва 18,5% ташкил қилади. Бу уларнинг ҳамкорлик фаолиятида асосли мақсадни мавжудлигидан далолат беради. Мулоқот шартлари синалувчилар гуруҳида 17,4% ва 16,5% ни ташкил қилиб, уларда мулоқот жараёнида ишлаб чиқилган шартларни амалга

оширишлари билан белгиланади. Унга кўра, томонларнинг ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган назарий ва эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларини илгари суриш мақсадга мувофиқдир:

-ўсмирлик даври муаммоларини таҳлил қилган хориж психологлари мулоқотчанликни шаклланиши, ўзини ўзи англаш, баҳолаш, атрофдагилар билан муносабатга кириша олиш қобилиятининг мавжудлиги билан белгиланади;

-шахслараро муносабатлар, мулоқотчанликни ривожланганлиги шахс камолотида муҳим мезон эканлиги асослаб берилди;

-шахсда кечадиган турли психик ҳолатлар, жараёнлар, мулоқотдаги қийинчиликлар жамоага ва ундаги психологик муҳитга, шахслараро муносабатларда тутган ўрнига мавқега боғлиқ бўлади;

-ўсмирлик даврида мулоқотдаги қийинчиликларни юзага келиши унинг ёш давр хусусиятлари билан боғлиқ;

-ўсмир шахсида эмоционал соҳа ва шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўйилиши уларда мулоқотдаги қийинчиликларни олдини олишдаги омил бўлиши мумкин;

-ўсмир шахсига нисбатан катталарни самимий муносабатларининг мавжудлиги мулоқотдаги қийинчиликларни енгишдаги муҳим восита бўлиши эҳтимол.

АДАБИЁТЛАР

1. Бодалев, А.А. Психологические трудности общения и их преодоление / А.А. Бодалев, Г.А. Ковалев // Педагогика. – 1992. – № 5, 6. – С. 15 – 25.
2. Выготский, Л. С. Мышление и речь / Л. С. Выготский // Собр. Соч.: В 6 т. Т.2. – М.: Педагогика, 1982. – С. 381-395.
3. Куницына, В.Н. Нарушения, барьеры, трудности межличностного неформального общения / В.Н. Куницына // Актуальные проблемы психологической теории и практики; под ред. А.А. Крылова. – СПб.: Речь, 2005. – С. 56 – 82.
4. Куницына, В.Н. Трудности межличностного общения: дисс. ... д-ра психол. наук / В.Н. Куницына. – СПб., 1991. – 358 с.
5. Лабунская, В.А. Психология затрудненного общения: Теория. Методы. Диагностика. Коррекция: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.А. Лабунская, Ю.А. Менджерицкая, Е.Д. Бреус. – М.: Издательский центр "Академия", 2001. – 288 с.
6. Леонтьев, А.А. Психология общения: учеб. пособие для студентов вузов. – 5-е изд., – М.: Академия, 2008. – 368 с.
7. Ломов, Б.Ф. Проблема общения в психологии / Б. Ф. Ломов. – М.: Наука, 1981. – С. 115-119
8. Ожегов, С.И. Толковый словарь русского языка: ок. 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений / С.И. Ожегов; под ред. проф. Л.И. Скворцова. – М.: ООО «Издательство Оникс»: ООО «Издательство Мир и Образование», 2010. – 736 с.
9. Рубинштейн, С.Л. Основы общей психологии / С.Л. Рубинштейн. – СПб.: Питер Ком, 1999. – 720 с.
10. Хухлаева, О.В. Психология развития: молодость, зрелость, старость / О.В. Хухлаева. – М.: Академия, 2012. – 208с.
11. Цуканова, Е.В. Психологические трудности межличностного общения / Е.В. Цуканова. – Киев: Вища школа, 1985. – 160 с.



Малоҳат САИДУРАТОВА,
Урганч давлат университети катта ўқитувчиси

ТДПУ профессори З.Т.Нишанова тақризи асосида

ХОРИЖ ОЛИМЛАРИНИНГ БОЛАЛАРДА ЎҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек ва хориж олимлари томонидан ўқув фаолиятини орқали балаларда китобга меҳр қўйиш ва тафаккур рефлексияларини шаклланишини муаммоси доирасидаги амалга оширилган ишларнинг таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Ўқитувчи, рефлексив, саноген тафаккур ривожланиш, бола образ ва ғоялари, креативлик.

ФОРМИРОВАНИЕ АКТИВНОСТИ ЧТЕНИЯ У ДЕТЕЙ ЗАРУБЕЖНЫМИ УЧЕНЫМИ

Аннотация

В данной статье представлен анализ работ, проведенных узбекскими и зарубежными учеными в рамках проблемы формирования у детей любви к книге и формирования мыслительных рефлексий посредством образовательной деятельности.

Ключевые слова: Педагог, рефлексивное, саногенное развитие мышления, детские образы и представления, творчество.

FORMATION OF READING ACTIVITY IN CHILDREN BY FOREIGN SCIENTISTS

Annotation

This article presents an analysis of the work carried out by Uzbek and foreign scientists in the framework of the problem of forming children's love for the book and the formation of mental reflections through educational activities.

Key words: Teacher, reflexive, sanogenic development of thinking, children's images and ideas, creativity.

Кириш. Кичик мактаб ёшидаги болани билим олишга, китоб мутола қилишга ўргатиш оилада бола фаолиятини тўғри йўналтириш орқали амалга оширилади, бунинг учун энг аввало болани хатти –харакатлари ва қизиқишларини ўрганамиз, қизиқишларини асосида мақсад қўйишни ўргатамиз, қўйган мақсадга асосланиб вазифаларини ўрганиб чиқамиз шу вазифаларни бажариш жараёнида мазмунини тушуниб моҳиятини болага мослаб мақсадқўямиз шу шу мақсадларимизни амалга ошириш учун режа тузамиз, ўз усулларимиздан фойдаланимиз ва ўрганилаётган объектимизга мос методика танлаймиз, натижаларни ўрганамиз таҳлил қиламиз ва хулосалиймиз, хулосаларимизни таққослаймиз ижобий яъни ютуқларимизни ва салбий камчиликларимизни ўрганиб энг тўғри бўлган усулни танлаймиз, таҳлил қиламиз, камчиликларни шу йўл билан бартараф қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Психологик-педагогик тадқиқотларда А.А.Леонтьевнинг инсон фаолиятининг энг муҳим хусусиятлари асослаб берилган фундаментал асарлари асосида ўқиш фаолияти тузилиши ҳақида умумий ғоя ишлаб чиқилган [4]. Ўқиш фаолияти ҳар қандай фаолиятнинг тузилишига ўхшаш тузилишга эга: бошида мотив мавжуд, кейин ҳаракатлар тизимида амалга ошириладиган мақсад пайдо бўлади ва охирида - натижаларни назорат қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Ўқиш фаолиятида мулоқат, тафаккур фаолиятининг бир тури сифатида ўзаро боғлиқ бўлган асосий таркибий босқичларни ўз ичига олади.

Биринчи босқич ўқиш жараёнининг двигатели бўлган эҳтиёжлар, мотивлар ва ўқиш мақсадининг мураккаб ўзаро таъсири билан тавсифланади.

Иккинчисида (аналитик-синтетик) - билимлар йиғиндисига (текстологик, матннинг жанр хусусиятлари тўғрисидаги билимлар, унинг тузилишини таҳлил қилиш ва бошқалар) асосланиб, мазмунни бирламчи идрок этиш амалга оширилади.

Бу манба матни ҳақида батафсил қўшимча ахборот олиш учун манба матнини киритинг

Фикр-мулоҳаза

матн билан мулоқот қилиш учун зарур бўлган ўқиш стратегиялари аниқланади.

Учинчиси - китобхон фаолиятининг ижро этувчи босқичи - мазмунни чуқур англаш, уни шарҳлаш.

Тўртинчиси - рефлексив - баҳолаш, ўқилган нарсга муносабат, оғзаки ва оғзаки бўлмаган шаклда ифодаланган ва бошқалар) [1].

Мактаб ўқувчиларининг ўқиш фаолиятини ривожлантириш янги авлодининг Федерал давлат таълим стандартини жорий этиш шароитида асосий таълим дастурини ўзлаштиришнинг асосий режалаштирилган натижаларидан бири сифатида белгиланади:

Таҳлил ва натижалар. Болада китобга бўлган қизиқиш кичик мактаб ёш даврдан бошланади яъни 7-8 ёшда бу (балким бундан ҳам олдинроқ) даврда кўпроқ бошлар қизиқувчан бўлади гуруҳдаги энг аълочи ўқувчи бўлгиси келади; бола мактабда аъло баҳога ўқиши учун ҳам ўқув фаолиятини тўғри ташкил қилиш керак, фаолияти тузилмасига эътиборимизни қаратамиз: Фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар – методика компонентлар йиғиндисиди. Ўқиш жараёнида фаолият тузилмасини тўғри ташкиллаштирсак кўзланган натижага эришамиз. Буни учун энг аввало болага мотивни тўғри йўналтириш керак матив асосида мақсадни тўғри қўйиб билиши керакмақсадларнинг англаган ҳолда вазифаларни белгилаб олади ва бажаришни бошлайди, вазифаларни бажариш жараёнида бола қилиб турган ишин мазмунини тушуниб олади ва фаолиятни шаклини, ўз фикрларини умумлаштириб олади умумлаштириш орқали болани узини усули ёки тушунчаларини бошқаларга тушунтириб бериш усули келиб чиқади ва узига қулай бўлган методикалардан фойдаланади қарабсизки натижа аъло даражада бажарилади. Бизнинг ишимиз ҳақиқий ўқиш фаолиятининг мазмуни ва тузилишини таҳлил қилиш ҳам муҳимдир.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, бўлажак ўқитувчиларда тафаккурни ривожлан-

тириш ва мазкур жараёнда рефлексив ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти куйидаги жиҳатларда ўз аксини топди:

1. Саноген тафаккур фикрий жараён объектларига диққатни жамлаш ва идентификациялаш (аниқлаштириш) имконини беради. Саноген фикрлаш кўникмаларини ўзлаштирган талаба ўзидаги салбий фикрларни назорат қилиш, улар дан ҳимояланиш йўллари ҳамда муаммоли вазиятларни конструктив ҳал этишга доир билимларга эга бўлади.

2. Рефлексия саноген тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида юз бераётган ҳодисани кенг тизим контекстида тушуниш жараёнларини алоҳида ташкил этиш (у вазият ва ҳаракатларни баҳолашни, вазиятларни ҳал қилиш усуллари ва операцияларини топишни ўз ичига олади), хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларини англаш учун йўналтирилган фаолият, инсоннинг фикрий фаолиятларининг шакли, яъни ўтмишга (оркага) мурожаат қилиш ҳамда субъектнинг маълум бир муаммони ва унинг вужудга келиш сабабларини кўра олиши, аниқлаши, ўрганиши ва таҳлил қила олиш қобилиятидир.

3. Рефлексия учун қулай муҳит яратишда ички хотиржамликни ҳосил қилиш лозим. Агар рефлексия релаксация (хотиржамлик) вазияти билан уйғунлашса, инсон тафаккури салбий ўй-хаёллар, нотўғри тасаввурлар, тимсоллардан халос бўлади ва уларнинг онгда қайта такрорланиши ноқулай ҳолатни юзага келтирмайди. Мазкур шароитда инсон вазиятга мослашади, агар салбий эмоциялар такрорланганда ҳам, ёмон таассурот юзага келмайди.

4. Рефлексив кўникмаларнинг юқори даражада ўзлаштирилиши нафақат талабаларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришда, балки уларнинг муваффақиятга эришиши, ўз-ўзини таҳлил қилиши, ўз имкониятлари даражаси ва камчиликларини аниқлаш ҳамда келажакдаги фаолият турларини тўғри амалга ошириши учун зарур бўлган муҳим индикатор ҳисобланади.[10]

“Ўқувчилар ўқишни келажакдаги режаларини амалга ошириш воситаси сифатида ўзлаштирадilar: узлуксиз таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш... меҳнат ва ижтимоий фаолиятга тайёрлаш” [59, б. 2].

“Китобхон фаолияти” тушунчаси китобхонлар, методистлар, ўқитувчилар, психологлар, эстетика олимларининг асарларида очиб берилган бўлиб, улар китобхонликни маънавий, эстетик, когнитив, коммуникатив фаолият деб ҳисоблайдилар.

Методикага “Китобхон фаолияти” атамаси Н.Н. Светловская ўқиш фаолиятининг тўғри тури аспектида болалар томонидан китобни ёки алоҳида матнни ўқишдан олдин, ўқиш жараёнида ва ўқишдан кейин мақсадли индивидуал тушунишнинг уч босқичли жараёни сифатида. Бу уч босқич (идрокнинг уч босқичи) китобхоннинг мустақил китоб ўқишдаги фаолияти мантиқини акс эттиради [7].

Н.Н. Светловскаянинг ёндашувига мувофиқ китобхон фаолиятининг турли босқичларидаги мақсадлари:

- “ўқишдан олдин” босқичидаги мақсад

- китобдаги, китоблардаги асарларнинг мавзуси, характери, миқдори ва ўзига хос хусусиятларини башорат қилиш;

-“ўқиш жараёнида” босқичидаги мақсад

- китобни баҳолаш асосида;

вужудга келган образ ва ғоялар, ўқиш учун ўз олдига аниқ мақсад қўйиш ва адабий асарни ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

- “ўқишдан кейин” босқичидаги мақсад - маънони

тушунишга эришиш, барча фойдали маълумотларни олиш.

Шунингдек, ўқиш фаолияти босқичларига кўра, ўқувчилар ўртасида ушбу фаолиятни амалга оширишнинг турли усуллари ажратилади, хусусан, “ўқишдан олдин” босқичда, мазмуннинг ташқи кўрсаткичлари бўйича прогностлаш усуллари, “илк” босқичда, ўқиш жараёни” методларини ёдлаш, расмларни қайта тиклаш, ижодий талқин қилиш, таҳлил-қайта ўқиш, адабий сўзни идрок этиш, семантик ўқиш, “ўқишдан кейин” босқичда умумлаштириш, ифодали ўқиш, баҳолаш, ижодий вазифалар. , янги китобларга ҳавола, шунингдек, лойиҳа фаолияти [7].

Т.А. Разуваева ўқувчи фаолиятини фаол, мақсадли, тизимли воситачилигида ва қўйилган ўқув вазифалари, ўқилган матн маълумотларини идрок этиш, тушуниш, шарҳлаш ва баҳолаш жараёни билан белгиланадиган фаолият сифатида белгилайди [5]. Шу билан бирга, агар нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва табиат шахснинг билиш қобилиятига боғлиқ бўлса, А.А.Леонтев [4] таъкидлаганидек, бажариладиган ўқиш фаолияти (нутқ фаолиятининг бир тури сифатида) унинг ўқиш қобилиятига боғлиқ. Т.А. Разуваев томонидан кўрсатилган [4].

Умуман олганда, китобхонлик фаолияти китобхон ва китоб ва китоблар олами ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсадли ва шахсга йўналтирилган жараёни бўлиб, бунинг натижасида китобхоннинг мустақиллиги шаклланади.

Бошланғич мактабда таълимнинг турли босқичларида ўқиш фаолияти бир қатор омиллар билан белгиланадиган ўзига хос муҳим хусусиятларга эга: ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, уларнинг ўқиш тажрибаси, асосий билимлар захираси, нутқнинг ривожланиши, когнитив соҳа; фикрлаш жараёнлари, бошланғич мактаб ёшидаги адабий асарларни ўзига хос идрок этиш ва бошқалар д [3].

Ўқиш фаолияти шунчаки матнни мазмунли декодлаш (ўхшаш атамалар орасидаги фарқни солиштириш) учун зарур бўлган ҳаракатлар тўплами эмас

“хорижий” нутқ. Бу ўқиш ва мулоқот қилишни ўрганиш жараёнида аста-секин ривожланадиган ўқиш маданияти ва ўқиш одатлари тизими, ўқувчида ўзини ўзи англаш ва атрофдаги дунёни тушуниш учун китоб билан танлаб мулоқот қилиш учун барқарор спонтан эҳтиёжни шакллантиради. [2].

Н.Н. Светловскаянинг фикрига кўра, малакали ўқувчида ўқиш фаолиятининг етакчи таркибий қисмлари ўртасидаги самарали ва самарасиз алоқаларни аниқ кўрсатадиган идеал тузилма мавжуд бўлиб, у тўғри ўқиш фаолияти модели деб аталади [9].

Тўғри ўқиш фаолияти модели Н.Н. Светловская томонидан аниқланган бир нечта компонентларни ўз ичига олади. [8]:

1) китоб ва ўқиш дунёсига мурожаат қилишнинг шахсий маъноси;

2) мавжуд ўқиш доирасидаги китобларни билиш ва унда тезда ҳаракат қилиш қобилияти;

3) китоб мазмунини маълум бир вақтда маълум бир ўқувчи учун максимал даражада мавжуд бўлган даражада ўқишда идрок этиш қобилияти.

Н.Н. Светловская раҳбарлигида лабораторияда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида. [6], тўғри ўқиш фаолиятининг учта компоненти эквивалент эмаслигини аниқлади.

Биринчи компонентнинг мазмуни кенг ва ўзгарувчан. Ўқишнинг мақсади кўпинча ўқувчининг китобларни билишига боғлиқ. Шундай қилиб, ўқиш фаолиятининг биринчи ва иккинчи компонентлари ўртасидаги боғлиқлик кўринади. Китобларни билмасдан, уларни ўқишни ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун тўғри ўқиш фаолияти моделининг етакчи компоненти

ўқувчининг китобларни билишидир. Китобларни билиш - маълум бир ўқувчи учун мумкин бўлган ўқиш доирасини тизимли, ёпиқ гуруҳга эга бўлиш

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ўқиш – бу график жиҳатдан мустаҳкамланган матнни семантик идрок этишга қаратилган нутқ фаолиятининг бир тури.

Ўқишнинг мақсади фақат ёзма маълумотни қабул қилиш ва қайта ишлаш эмас бола тафаккури ва креатив сифатлари, ўқиш нутқ фаолияти турларидан бири сифатида ўқувчи шахсини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўқиш фаолияти нутқ фаолиятининг бир тури сифатида ўзаро боғлиқ бўлган асосий таркибий босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқич ўқиш жараёнининг двигатели (бир турдаги энергия) бўлган ўқиш эҳтиёжлари, мотивлари ва мақсадларининг мураккаб ўзаро таъсири билан тавсифланади,

Иккинчи босқичда билимлар жамланмаси, мазмунни бирламчи идрок этиш юзага келади, матн билан мулоқот қилиш учун зарур бўлган ўқиш стратегиялари аниқланади,

учинчи босқичда мазмунни чуқур англаш, уни талқин қилиш,

тўртинчи босқичда ўқув жараёнининг мазмунини чуқур англаш, ўқишни ўрганиш, ўрганиш, ўрганиш, ўрганиш - ўзлаштириш, ўзлаштириш - ўқиш стратегиялари, ўқиш стратегиялари, ўқиш усуллари аниқланади. баҳолаш, ўқилган нарсга муносабат, оғзаки ва оғзаки бўлмаган шаклда ифодаланган ва ҳоказо.

Китобхонлик фаолияти - китобхон ва китоб ва китоблар олами ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мақсадли ва шахсга йўналтирилган жараёни бўлиб, бунинг натижасида ўқувчининг мустақиллиги шаклланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Качурин М. Г. Организация исследовательской деятельности учащихся на уроках литературы: Книга для учителя [Текст] / М.Г. Качурин. – М.: Просвещение, 1998. – 210 с.
2. Колганова Н. Е. Обучение полноценному чтению детской литературы [Текст] / Н.Е. Колганова // Начальная школа. – 2005. – № 6. – С. 56–65.
3. Костромина С. Н. Как преодолеть трудности в обучении чтению [Текст] / С. Н. Костромина, Л.Г. Нагаева. – М. : Осъ–89, 2006. – 240 с.
4. Леонтьев А. А. Основы психолингвистики [Текст] / А. А. Леонтьев. – М. : Просвещение, 1997. – 410 с.
5. Разуваева Т. А. Формирование читательской компетенции студентов факультета иностранных языков [Текст] / Т. А. Разуваева. Автореф. дисс. канд. пед. наук. – Тула, 2006. – 10 с.
6. Светловская Н. Н. Методика внеклассного чтения [Текст] / Н. Н. Светловская. – М.: Педагогика, 1991. – 151 с.
7. Светловская, Н. Н. Методика обучения чтению: что это такое [Текст] / Н. Н. Светловская // Начальная школа. – 2005. – № 2. – С. 9-14.
8. Светловская Н. Н. Обучение детей чтению: Практическая методика. Учебная практика [Текст] / Н. Н. Светловская, Т. С. Пиче-оол. – М. : Академия, 2001. – 282 с.
9. Светловская Н. Н., Пиче-оол Т. С. Внеклассное чтение на начальном этапе формирования читательской самостоятельности [Текст] / Н. Н. Светловская. – М.: Академия, 1999. – 160 с.
10. Кахрамонович И.М. Термиз давлат университети тадқиқотчиси. Рефлексив ёндашув асосида талабаларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг эмпирик таҳлили. Замонавий таълим / Современное образование 2021 , 3 (1 00)



Сардор САТТОРОВ,
Термиз давлат педагогика институтини ўқитувчиси
E-mail: ssattorov_82@mail.ru

Педагогика фанлари доктори, профессор Ю.Маҳмудов тақризи асосида

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИНТИЗОМЛИЛИКНИ ТАРБИЯЛАШДА ИЖТИМОЙ МЕЪЁР АСОСЛАРИ

Аннотация

Мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида интизомлиликни тарбиялашда ижтимоий меъёр хусусиятлари ва унинг зарурлиги, шахснинг индивидуал хусусиятларини шакллантириш, таълим муассасаларида мақсадга йўналтирилган онгли интизомлиликни тарбиялаш жараёнининг ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўқувчида ахлоқий сифатларни тарбиялаш синф жамоасида ўз ўрнини топа олиши ва ўзлигини англай билиши педагогик талабларни бажарилишига асос бўлади.

Калит сўзлар: ўқувчи шахси, интизом, тарбия, онгли интизом, ижтимоий меъёр, бурч, масъулият, шахс, хатти-ҳаракат, самарали таълим, фикр, жараён субъекти.

ОСНОВЫ СОЦИАЛЬНЫХ НОРМ ВОСПИТАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ У УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ

Аннотация

В статье представлена информация о социальных нормах и их необходимости, формировании индивидуальных особенностей личности, роли процесса обучения целевым дисциплинам в общеобразовательных учреждениях. Воспитание нравственных качеств у учащегося, его умения найти свое место в коллективе класса и реализовать свою индивидуальность является основой выполнения педагогических требований.

Ключевые слова: личность учащегося, дисциплина, воспитание, сознательная дисциплина, социальная норма, долг, ответственность, личность, поведение, эффективное обучение, мышление, субъект процесса.

FOUNDATIONS OF SOCIAL NORMS IN EDUCATION OF DISCIPLINE IN STUDENTS OF GENERAL EDUCATION SCHOOLS

Abstract

The article provides information about the social norms and their necessity, the formation of individual characteristics of a person, the role of the process of educating goal-oriented conscious discipline in educational institutions. Cultivation of moral qualities in the student, his ability to find his place in the class team and realize his identity is the basis for fulfilling pedagogical requirements.

Key words: student personality, discipline, education, conscious discipline, social norm, duty, responsibility, person, behavior, effective education, thought, process subject.

Қириш. Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида амал қилаётган тенденциялар, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжлар ва талабларнинг кучайиши туфайли таълим-тарбиявий жараён тубдан ўзгарди. Замонга мос равишда бу жараённинг ижобий ва салбий томонлари кўзга ташланиб қолмоқда. Ўқувчиларни тарбиялашдаги ижобий ютуқлар билан бир қаторда турлитуман муаммоли вазиятлар ҳам майдонга келмоқда. Масалан, баъзи умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ўз холига ташлаб қўйиш, ҳуққини назорат қилмаслик, интизомнинг пастлиги, дарсларга келмаслик, кечикиш, жамоат тadbирларида қатнашмаслик, ёлғончилик, ўғирлик, бузғунчи ўқувчиларнинг пайдо бўлаётганлиги, чекиш, ичкиликбозлик, наркотик гиёҳларни истеъмол қилиш, уяли телефонлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш, Интернетдаги порнография ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильмларни кўриш каби нохуш ҳолатлар шулар жумласидан. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш ўз фуқароларини эркин, озод, жисмонан ва маънан баркамол бўлишини истайдиган жамият аъзоларининг муҳим бурчи.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мактаб ўқувчиларида интизомлиликка йўналтирилган турли ёндашувлар, унинг мезонларига оид манбалар, турли илмий қарашлар В.Е.Гмурман[1], Г.Айзенк[2],

А.Бандура[3], В.А.Крутецкий[4], Т.Н.Мальковская[5], ўқувчиларнинг тарбияланиш жараёнини инсонпарварликка йўналтириш Ш.А. Амонашвили[6], В.Ф. Шаталов[7], И.П.Павлов[8] асарларида тадқиқ этилган. Уларнинг қарашларида педагогикада инсонга нисбатан ахлоқий муносабатлар, шахснинг ўзлигини намоён этувчи хусусиятлар билан уйғунлаштирилиши вазифа қилиб қўйилган.

Р.А. Рогожникова[9], Н.С.Спирина [10] ва В.А., Сластёнин[11]лар ўзларининг монографик асарларида болаларда интизомлиликни тарбиялаш муҳимлигини ва унда бевосита амалиётдан келиб чиқиш зарурлиги, бу муаммони ҳал этишда ўқитувчилар ҳал қилувчи роль ўйнаши, уларнинг тайёргарлик даражалари ва етарли педагогик тажрибалари муҳим эканлигига эътиборни жалб қилдилар.

Мамлакатимизнинг бир қатор олимлари Ю.М.Асадов, Р.Мусурманов[12], Г.К.Тўлаганова[13], И.М.Ҳақимова[14], Г.Т. Ядгорова, О.У.Авласев[15]лар ўз илмий ишларида ўқувчи-ёшлар орасидаги ҳуққ ва интизом муаммоларига мурожаат қилганлар.

Илмий манбалар таҳлили педагогик тажрибалар натижалари ёритилган илмий ва ўқув адабиётлари, дастурларнинг таҳлили ҳозирги вақтда мактаб интизоми муаммосига ягона ва тизимли ёндашув йўқ, деган ҳулоса

чиқаришга асос бўлади. Яратилган айрим ўқув ва методик қўлланмалар, тавсиялар мазкур камчиликни тўлиқ бартараф этиш имконини бермайди.

Тадқиқот методологияси. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида интизомлиликни тарбиялашда ижтимоий меъёр асослари белгилаш ва таҳлил этишда педагогик кузатув, педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, тадқиқот мавзуси бўйича суҳбатлар ташкил этиш, тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

Таҳлил ва натижалар. Ўқувчиларда мактабдаги тартиб қоидалар, бурч ва вазифалари ва уларга бўлган масъулият ҳам муносабатларни тўғри тарбиялашда онгли интизом тарбияси ўқитувчининг самарали натижаларга эришишида яқиндан қўмак беради. Ўқувчида ахлокий сифатларни тарбиялаш синф жамоасида ўз-ўзини топа олиши ва ўзлигини англай билиши педагогик талабларни бажарилишига асос бўлади.

Интизом – “шахснинг ўз-ўзини шакллантиришдаги субъектив қобилият сифатида мактаб ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олади. У тарбия ва таълим жараёнининг энг самарали шартларидан биридир” [16].

Ахлокий тарбиянинг мазмуни аввало ўқувчиларнинг амалий фаолиятларида, ўқиш, меҳнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг муносабатлари характерида, ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиришларида намоён бўлади.

Интизомлилик тарбияси натижасида ўқувчиларда шахсий ижобий сифатлар шаклланади. Маълумки, интизом шахснинг инсоний қадриятларини шахсий зарурат сифатида қабул қиладиган фаолиятидаги табиий эркинлигидир. Интизомлилик ва унинг тарбиясига тайёрликни шакллантиришнинг психологик механизми мактаб, педагоглар ҳамда ўқувчиларнинг манфаатларига баравар тарзда йўналтирилиши лозим.

Интизом бирор кимсанинг ёрдамсиз, мустақил тафаккур орқали, яхши ахлокий сифатлар билан берилган топшириқларни бажариш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг ривожланиб, таркиб топишида асосан учта омил ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир: биологик омил, ижтимоий шарт-шароит (муҳит) ва тарбия. Бинобарин, кишининг маънавий қиёфаси, унинг феъл-атвори, воқеликка муносабати, илғор дунёқараши худди ана шу учта омил туфайли қарор топади. Зотан инсоннинг ҳақиқий комил инсон даражасига ўсиб етишишида мазкур учта омилнинг роли бирдек аҳамият касб этади. Муайян сабабларга кўра, бу омиллардан бирортаси маром даражасида бўлмаг, шахс фаолиятида турли миқёсда амал қилинмаслиги салбий қўринишларни келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганда, шахс маънавий қиёфасида чекиниш юз беради унинг тарбияси бузила бошлайди.

Замонавий инсонпарварлик педагогикаси асосида инсон ривожланишининг бирдан-бир мақсади, ижтимоий жараёнлар ўлчови, таълим-тарбиявий жараёнлар субъекти сифатида қўрилиши ҳақидаги таянч ғоя этади. Бироқ инсоннинг ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворини танлашдаги эркинлиги унинг бу ижтимоий масъулиятдан озод бўлишини англабмайди. Инсоннинг ички оламидан англаган ҳаётий зарурат сифатидаги эркинлик тушунчасини қабул қилиши даражаси қанчалик юқори бўлса, шахснинг ахлокий негизи бўлган ҳуқуқ ва бурчлари, ҳиссиёт, тафаккур, хулқ-атвор, ирода интизими каби сифатлари мустаҳкам бўлади. Натижада, шахсда шаклланаётган бу сифатлар муҳим ижтимоий аҳамиятли хусусиятга эга бўлади.

Ўқувчининг шахсий интизомлиги муаммосини бугунги кунда янада чуқурроқ таҳлил қилиш, фикр-мулоҳаза юритиш босқичидан ўтмоқда. Ўқувчиларнинг интизомига қўйилаётган замонавий талаблар улар билан

олиб бориладиган тарбиявий ишлар қатъий назорат табиатида эга бўлмаслиги, келиб чиқадиган муаммолар авторитар усуллар билан ҳал этилмаслиги лозимлигини таъкид қиладди.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг қадриятли асосларини кўриб чиқиш масаласи педагогик жараёнга инсонпарвар тарзда ёндашиб, тарбиявий жараёни шахсга йўналтирилган педагогик конвенциялар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва мулоҳаза юритишни талаб этади. Ҳар бир ўқувчи шахсида унинг дастлабки қадамлариданок, ноёб, такрорланмас шахсий хусусиятлар намоён бўлади. Бунда умумтаълим мактабларининг вазифаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг шахсий ўзлигини намоён этиши ҳамда ўз мавқеини белгилаши учун шароитлар яратиш бўлиб ҳисобланади.

Ўқувчиларда интизомлиликни шакллантириш масаласини ўрганиш учун интизомлилик тарбияси технологиясини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Амалда интизомлилик кўникма ва малакаларини шакллантириш учун кўп куч сарфланиши ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳаддан ташқари ўрнатилган меъёрлар шахснинг хусусий интилишларига қарама-қарши келади. Бундан диалектиканинг марказий тоифаси бўлган – ривожланиш тоифаси “алоқаларни тартибга солиш, ахборотларнинг тўпланиши, янги тузилмаларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг мураккаблашиши ҳамда детерминацияларга қўшилган жараёнлар акс этиши билан боғлиқ ўзгаришлар сифатида намоён бўлади” [17].

Ўз ҳиссиёти учун жавобгарликка, ўз фикр-хаёлининг эгаси бўлишга, хулқ-атворини тоза сақлашга ўрганиш қадриятли йўналганликка мувофиқ тарзда ривожланиши зарур. Ўз интизомига эга, ўз-ўзини ташкил қилиши қобилияти бўлган ўқувчи ўзининг шахсий эркинлигини оширган ҳолда тасодифий ташқи ҳолатлардан ўзини ҳимоя қила олади.

Ижтимоий-маданий жараён сифатидаги тарбия заминида қадриятли-меъёрий мазмун этади. Тарбияни ижтимоийлашувнинг бошқарувчи механизми сифатида асослаш мумкин. Бошқарув жараёни тарбиянинг қатор функциялари асосида фаолият кўрсатадиган ижтимоий-маданий институт сифатида акс этади. Тарбияга институционал позициядан туриб кириш бу жараёнга мажбурий тус берилишини англаблади.

Ҳар қандай хулқ-атворни баҳолашда унинг қандайдир меъёр билан солиштирилиши назарда тутилади. Ижтимоий меъёр – шахс ёки ижтимоий гуруҳларнинг хулқ-атворида жамият томонидан ўрнатилган маълум меъёрлардан ташкил топади [18].

Интизом мактаб ҳаёти жараёнида юзага келади. Педагогик таъсирлар таълим фаолияти жараёнида ўқувчининг ҳаётий тажрибасига айланиб бориши керак. Интизом, авваламбор, ҳар бир ҳаракатнинг элементар шarti сифатида ўқитувчининг тўғридан-тўғри талаби ҳисобланади. Талаб интизомнинг асоси, яъни болалар жамоасидаги фаолиятнинг тартибидир. Талабларни ташкил этиш эса, ўқувчиларни мактаб, оила, мактабдан ташқари муассасалар ва жамоат жойларида уюштиришдан иборат.

Замонавий фанда шундай фикр юзага келганки, ижтимоий меъёрлар инсон онгида ва хулқ-атворидаги бузилишларни акс эттириш натижасида юзага келади. Шундан келиб чиқиб, муайян жамиятда ўрнатилган ёки юзага келган ижтимоий меъёрлардан оғишни акс эттирувчим хулқий оғиш, шахснинг алоҳида хулқий оғиши ёки хулқий оғиш тизими сифатида намоён бўлади. Оғиш ҳолатидаги хулқ-атвор девиант, делинквент ва жинсий хулқ тушунчаларига бўлинади [19].

Бундай хулқ-атвор инсон келажагини белгиловчи характерининг шаклланишига кучли таъсир этади. Агар

шундай хулқ-атвор ўз вақтида тўғри йўлга қўйилмаса, жамият енгилтак, маънавий камолотга эришмаган, турли таъсирларга берилувчан, ҳаётий тамойиллари ҳамда ахлоқий асосга эга бўлмаган, ночор инсонга эга бўлади.

Хулоса, боланинг ўз хулқ-атвори, ўзининг хатти-ҳаракатини англаши унда ижтимоий фойдали кўникмалар

ва интизомий-ахлоқий меъёрлар шаклланишининг асосий шартидир. Бундай хулқ учун шахс онгли равишда жамият, жамоа, бошқа одамлар олдида жавоб бериши ва буни жамият учун фойдали ва зарур эканлигини тушуниши муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Гмурман В.Е. Дисциплина в школе. – М.: “Учпедгиз”, 1958. -164 с.
2. Амонашвили Ш.А. Психологические основы педагогического сотрудничества: Кн. для учителя. –К.: Освита, 1991. -111 с.
3. Бандура А. Теория социального научения. –Санкт-Петербург: “Евразия”, 2000. -320 с.
4. Крутецкий В.А., Лукин С. Воспитание дисциплинированности подростков. –М.: «Учитель», 1960. -370 с.
5. Мальковская Т.Н. Воспитание сознательной активности старших школьников. –М., 1974. -56 с.
6. Амонашвили Ш.А. Психологические основы педагогического сотрудничества: Кн. для учителя. –К.: Освита, 1991. -111 с.
7. Шаталов В.Ф. Точка опоры. –М.: “Педагогика”. 1987. –С. 70-50.
8. Павлова И.П. 20-летний опыт изучения высшей нервной деятельности. –М.: «Наука», 1973.
9. Рогожникова Р.А. Определение уровня дисциплинированности школьников: Методическое пособие. / Пермь: ПТПУ, 1998. -51 с.
10. Спирина Н.Д. Воля. Дисциплина. Послушание. 2012 год. Листок сада.–М., 2004.
11. Слестёнин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика. 6-издание. –М., 2007. -576 с.
12. Асадов Ю.М., Мусурманов Р. Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (диагностика, профилактика, коррекция). Ўқув-методик қўлланма. –Тошкент: ЎзАФТИ, 2011. -191 б.
13. Тўлаганова Г.Қ. Тарбияси қийин ўсмирлар: [Психолог мутахассислар, амалий психологлар учун]. –Тошкент: “Университет”, 2005. -128 б.
14. Ҳақимова И.М. Девиант хулқ-атвор психологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. -155 б.
15. Ядгарова Г.Г., Авлаев О.У. Тарбияси қийин гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш. –Тошкент: ЎМКТТҚМО ва ЎҚТи, 2007. -70 б.
16. Дехкамбаева З.А. Интизомсиз ўсмирлар диагностикаси (услубий қўлланма). –Тошкент: ЎзПФТИ, 2015. – 84 б.
17. Рашидов Х.Ф., Мусурманов Р., Дехканбаева З., Зокиров А.А., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этишининг назарий ва методологик асослари. – Т.: «Ноширлик ёғдуси», 2015
18. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
19. Ермолаев Б.А., Г.Г. Жарков и др. Отклоняющееся поведение молодежи: краткий словарь-справочник. Владимир: ВГПУ, 1994. -144 с.



Shaxlo SAFAROVA,
Termiz davlat Pedagogika instituti magistranti

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) Norbosheva M. A. taqrizi asosida

METHODS FOR THE FORMATION OF KNOWLEDGE AND SKILLS OF A HEALTHY LIFESTYLE IN PRESCHOOLERS

Abstract

This article discusses the methods of forming the skills and competencies of a healthy lifestyle in preschoolers, the importance and characteristics of a healthy lifestyle for preschoolers, the impact of physical activity on the growth and development of a child.

Key words: children, educator, physical education, parents, adaptation, reschool education, neonatal, Ibn Sina, game.

МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЗНАНИЙ И НАВЫКОВ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У ДОШКОЛЬНИКОВ

Аннотация

В данной статье рассматриваются методы формирования навыков и компетенций здорового образа жизни у дошкольников, значение и особенности здорового образа жизни для дошкольников, влияние двигательной активности на рост и развитие ребенка.

Ключевые слова: дети, воспитатель, физическое воспитание, родители, адаптация, дошкольное воспитание, новорожденный, Ибн Сина, игра.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA SOĞ'LOM TURMUSH TARZI KÖNIKMA VA MALAKALARINI TARKIB TOPTIRISH USULLARI

Annotatsiya

Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzi ko'nikma va malakalarini tarkib toptirish usullari, maktabgacha yoshdagi bolaga sog'lom turmush tarzining ahamiyati hamda o'ziga xos xususiyatlari haqida, bolaning jismoniy faoliyati natijasida o'sish va rivojlanishiga ta'siri haqida so'z bordi.

Kalit so'zlar: bolalar, tarbiyachi, jismoniy tarbiya, ota - ona, moslashish, maktabgacha ta'lim, neonatal, Ibn Sino, o'yin.

Kirish. Insonning salomatligi eng muhim hayotiy qadriyatlardan hisoblanib salomatlikni shakllantirish eng dolzarb muammolaridan biri bo'lib kelgan. Shu boisdan bolalarning salomatligini muhofaza qilish va mustahkamlash mamlakatimizning eng ustuvor vazifalaridandir. Umuman olganda bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirishni maktabgacha yoshdan boshlanishi kerak.

Xususan: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 30.10.2020 yildagi PF-6099-son "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" farmonida jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanish hamda sog'lom turmush tarzi bo'yicha hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish orqali har bir fuqaroda kasallikka qarshi kuchli immun tizimi paydo bo'lishini ta'minlash, zararli odatlardan voz kechish, to'g'ri ovqatlanish tamoyillariga amal qilish, tiklash va reabilitatsiya ishlari hamda ommaviy jismoniy faollik tadbirlarini tizimli va samarali tashkil qilish, bu borada tegishli infratuzilma va boshqa zarur shart-sharoitlarni yaratish chora tadbirlari bo'yicha ko'rsatmalar berilgan[1].

Tarbiyachilar ota-onalar bilan hamkorlikda bolalarning salomatligini saqlash va mustahkamlash maqsadida bolalarda o'z sog'lig'iga g'amxo'rlik qilish, uni himoya qilish, sog'lom bo'lishga va sog'lom turmush tarziga o'rgatish zarurligi haqida tushunchani shakllantirishlari lozim. Maktabgacha ta'lim tashkilotida tarbiyachi kunning ko'p qismini bolalar bog'chasida bolalar bilan o'tkazishganda barcha bolalarga mashg'ulotlar davomida sog'lom turmush tarsi haqida, bolalar bog'chasida, uyda, ko'chada, o'rmonda sog'lig'ini saqlash qoidalari va me'yorlari to'g'risida muntazam ma'lumot berib borishlari va o'yinli texnologiyalardan foydalangan holda mustahkamlab borishlari lozim.

Bolaning etarlicha harakatlanishini ta'minlash neonatal davrda ya'ni bolaning tug'ilganidan to 28 kunigacha bo'lgan

davrda oilada boshlanishi kerak. Erta va maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiyalash vositalaridan biri jismoniy mashqlar bo'lib ularga massaj va gimnastikani misol qilsak bo'ladi.

Massaj bu organizmga turli ta'sir ko'rsatib bolaning fiziologik xususiyatlariga qarab buyuriladi. Gimnastika tayanch-harakat tizimining tirnash xususiyati; passiv mashqlar kattalar tomonidan amalga oshiriladi, jismoniy tarbiya mashg'ulotlari (o'yin elementlarini maxsus yordam vositalaridan foydalangan holda, ochiq havoda o'yinlar, sport mashqlari, shuningdek qattiqlashuvni o'z ichiga oladi).

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Yunon donishmandi Aflotun «Inson uchun birinchi baxt uning sog'lig'i, ikkinchisi - go'zallikdir» degan fikrlarni birinchilardan bo'lib aytib o'tgan.

Buyuk hakim Abu Ali ibn Sino «Badan tarbiya - sog'likni saqlashda ulug'vor usuldur» deydi, bu fikr «Kimki qilsa hara- kat - sog'ligida barakat» degan naqlni eslatadi. Jismoniy mashqlarning sihat-salomatlikka foydasi cheksizligini D.Adisson shunday ta'riflaydi: «Mutolaa aql uchun qancha zarur bo'lsa, jismoniy mashqlar ham shuncha zarur». Suqrot hakim esa bunday deydi: «Gimnastika yordami ila men badanimning muvozanatini to'g'rilab olaman».

Bolalarga amaliy jismoniy mashqlar asosiy ijtimoiy ko'nikmalarni rivojlantirish uchun yangi sport va harakatlarni o'rgatish kerak. Jismoniy ta'lim mutaxassisi Amy Kaiser shunday deydi: "Talim olishning asosiy negizi bu o'yinlar o'ynashdir. Bolaning biologik rivojlanishi jarayonini tabiiy fanlar majmui o'rganadi, ularning asosini I.M.Sechenov, I.P.Pavlov va ular izdoshlarining organizm va muhit birligi, organizmning yax-litligi va uning hayoti y faoliyatida markaziy asab sistemasin-ing tartibga soluvchilik roli haqidagi ta'limoti tashkil etadi[2,3].

Tadqiqot metodologiyasi. Inson salomatligini saqlash

va mustahkamlash, qolaversa, uzoq umr ko'rishning yagona yo'li sog'lom turmush tarzi ekanligi barchamizga ma'lum. Sog'lom turmush tarzini saqlab qolish bugungi jamiyatimiz kishilari tafakkurida yangicha qarashlar sodir bo'layotgan murakkab bir davrda o'ta muhim masala hisoblanib, rivojlanib kelayotgan kelajak avlodni ham jismonan ham ma'nan barkamol qilib tarbiyalashni taqozo etadi.

Ibn Sinoning fikricha, jismoniy mashqlarga kirisha turib, ikkita shartga amal qilish lozim: birinchidan, badan toza bo'lishi kerak, ikkinchidan, iste'mol qilingan ovqat hazm qilinishi lozim. Jismoniy mashqlarni bajarishni, ayniqsa kuchli jismoniy mashqlarni och qorin paytida boshlash tavsiya etilmaydi, chunki ular «kuchni yo'qotadi». Jismoniy va gigienik tavsiyalar bolalar uchun, yigitlar va «yoshi o'tib qolgan» kishilar uchun juda oqilona va maqsadga muvofiq bo'ladi. Bolaning tug'ilishidan tortib to yigitlik paytigacha va voyaga etishi davrigacha jismoniy rivojlanishini yoritib turib, Ibn Sino chaqaloqni parvarish qilish, uni ovqatlantirish, cho'miltirish, uxlatish qoidalarini, inson organizmiga quyosh, havo, suvning ta'sir etishini batafsil ta'riflaydi, sezgi a'zolari (ko'rish, eshitish, tuyish) rivojlanishi uchun jismoniy mashqlarning foydali ekanligiga ishonitiradi. Bolalik va yigitlik davrlari o'rtasida o'smir katta kuch xarajatlari, ko'p energiyani talab etmaydigan jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishi lozim. Ushbu mashqlar bolaning o'sishiga va uning mushaklarining mustahkamlanishiga yordam berishi kerak[4].

Bilamizki chaqaloqlar hamma narsani juda tezlikda o'zlashtirib oladilar. Shuning uchun maktabgacha yoshdagi bolalar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish bo'yicha metodik ishlar davom etmoqda. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida butun ta'lim tizimi sog'lom turmush tarzining asosiy tamoyillariga asoslanadi, ko'plab ko'nikmalar mashg'ulotlar davomida jamoada o'z-o'zidan sodir bo'ladi. Bolalar ko'pincha xatti-harakatlarni nusxalashadi va zavq bilan birga ovqatlanadilar, yurishadi, mashqlar qiladilar va hokazo. Maktabgacha yoshdagi bolalarga mashg'ulotlar davomida to'g'ri ovqatlanish dietasi markazlashtirilgan tarzda o'rgatilib boriladi. Ammo bunda qator qiyinchiliklar kuzatilishi mumkin bunda bir tomondan, guruhdagi bolalarga moslashish erta yoshda yaxshiroq kechsa, boshqa tomondan, ota-onasi hamda qarindoshlarning 8 soat davomida yo'qligiga chidash, aniq jadvalga moslashish va boshqa tarbiyachilarni tinglashlari ularga itoat etishlari kerak bo'ladi. Biroq, moslashish davri o'tib, chaqaloq yangi holatga o'rganib qolgandan so'ng, u albatta bolalar bog'chasiga borishdan zavqlana boshlaydi[5,6].

Maktabgacha yosh davri bu inson hayotidagi eng qisqa davrlardan biri bo'lib, 7 yoshgacha inson o'z rivojlanishining katta bosqichidan o'tadi, bu bosqich butun hayoti davomida hech qachon qayta takrorlanmaydigan jarayondir. Bolalarda sog'lom turmush tarziga nisbatan muhabbatni shakllantirish, yaxshi odatlarga, sog'lig'ini saqlash va mustahkamlashga o'rganish uchun bolalar asosiy vaqtini maktabgacha ta'lim tashkilotida o'tkazadilar.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini to'g'ri shakllantirish muassasaning asosiy vazifalari hisoblanadi. Bolalar bog'chalari tarbiyalanuvchilarini takomillashtirish nafaqat tarbiyachilar, psixologlar hamda uylarida ota-onalari bilan birgalikda amalga oshirilishi zarur. Bu ota-onalar bog'langan va o'qituvchilar bilan birgalikda ishlashlari kerak bo'lgan katta zanjir hisoblanadi[6,7,8].

Tahlil va natijalar. Ko'pgina faylasuflar va olimlar hayot qadriyatlarini orasida salomatlikni birinchi o'ringa qo'yib kelishganlar. Taniqli rus shifokori va yozuvchisi V.Veresev salomatlikni quyidagicha baholagan: "...u bilan hech narsa qo'rqinchli emas, sinovlar yo'q, uni yo'qotish hamma narsani yo'qotish demakdir...". Bola sog'lom o'sishi kerak. Sog'lom bolani tarbiyalash, o'qitish va bilim berish osonroq kechadi. Unda tezda kerakli ko'nikma va qobiliyatlarni rivojlana boshlaydi. U o'zgaruvchan sharoitlarga yaxshiroq moslashadi

va unga qo'yilgan barcha talablarni adekvat idrok etadi. Sog'lom turmush tarzi bola irodasini, tabiiy qobiliyatlarini rivojlantirishning eng muhim shartidir. Olimlar inson salomatligi faqat 7-8% sog'liqni saqlashga, yarmidan ko'pi esa turmush tarziga bog'liqligini isbotladilar.

Ilmiy tadqiqotlar natijalari shuni ko'rsatadiki, maktabgacha yoshdagi sog'lom bolalar yildan - yilga tobora kamayib bormoqda. Fiziologik yetuklik ulushi yuqori, bu funktsional va surunkali kasalliklarning o'sishiga sabab bo'ladi. Shu munosabat bilan, maktabgacha yoshda sog'lom turmush tarziga bo'lgan ehtiyojni shakllantirish, bolalarda jismoniy tarbiyaga qiziqish uyg'otish, ularning jismoniy rivojlanishini kuzatish, bolaning tanasini chiniqtirish, shu orqali mustahkam salomatlik bazasini yaratish zarur [10,11].

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun sog'lom turmush tarzini shakllantirishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim.

1. Bola tanasining ehtiyojlarini to'liq qondirish (uyqu, ovqatlanish, harakat, aloqa va boshqalar).
2. Oqilona parvarish, shu jumladan tozalik haqida.
3. Bolani mehnat jarayonlariga jalb qilish to'g'risida.
4. Umumiy qabul qilingan gigiena ko'nikmalarini shakllantirish bo'yicha.

5. Hissiy farovonlik va muloqot haqida.

6. Bolaning individual xususiyatlarini hisobga olish.

Sog'lom turmush tarzining so'nggi komponentining ahamiyatini biz maqolada batafsil ko'rib chiqdik ". Afsuski, bolalar bog'chasida sog'lom turmush tarzining har qanday tarkibiy qismini rejalashtirishda individual yondashuv deyarli mumkin emas: guruhda ta'lim asosan umumiy qoidalar va tamoyillarga rioya qilishga asoslanadi. Shu sababli, maktabgacha yoshda turmush tarzini qurishga individual yondashuv asosan ota-onalar tomonidan amalga oshiriladi: dam olish kunlari va kechqurun bolalar bog'chasiga tashrif buyurgandan keyin. Shu munosabat bilan, rejimni shakllantirishda ota-onalar ikkita asosiy tamoyilga rioya qilishlari kerak: barqarorlik va moslashuvchanlik. Barqarorlik doimiylikni, moslashuvchanlikni anglatadi - intensiv o'sayotgan organizmning o'zgaruvchan ehtiyojlariga rejimni tezda qayta qurish qobiliyati shakllanadi [9,12].

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytganda sog'lom turmush tarsi konikmalarini chaqaloqlik davri uyda hamda maktabgacha ta'lim tashkilotidan boshlash lozim. Maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiyalashning mavjud vositalaridan sog'lomlashtirish, ta'lim va tarbiya vazifalarini hal qilish uchun foydalanish yaxshi natija beradi. Shuning uchun maktabgacha ta'lim muassasasi hamda oila a'zolari bilan hamkorlikda bolalik davrida sog'lom turmush tarzi asoslarini shakllantirish. Oila, bolalar ta'lim muassasasida rivojlanishning dastlabki bosqichida bolaga imkon qadar erta sog'liqning mustahkam qiymatini tushunishga yordam berish, bolani mustaqil va faol shakllantirish, sog'liqni saqlash va salomatlikni oshirishga undash kerak. Shu bilan birga, har bir yosh davri o'ziga xos xususiyatlar bilan ajralib turishini hisobga olish kerak, bu sog'lom turmush tarzini shakllantirish bo'yicha ishlarda e'tiborga olinishi lozim.

Sog'lom turmush tarzi bu kasalliklarning oldini olish va salomatlikni mustahkamlashga qaratilgan insonning turmush tarsi hisoblanadi. Sog'lom turmush tarzining muhim tarkibiy qismlari sifatida quyidagilarni e'tirof etish mumkin:

1. Erta bolalik davridan salomatlik va to'g'ri turmush tarzi asoslarini o'rgatish (oilada va ta'lim muassasalarida olib boriladi).
2. Organizmning har tomonlama rivojlanishiga yordam beruvchi va salomatlikka zarar keltirmaydigan xavfsiz muhitni yaratish.
3. Yomon odatlarga salbiy munosabatni shakllantirish.
4. Ovqatlanish madaniyatini to'g'ri shakllantirish.
5. Muntazam jismoniy faoliyat, uning intensivligi tananing yoshi va umumiy holatiga mos keladi.
6. Gigiena qoidalarini bilish va ularga rioya qilish

(shaxsiy va jamoat).

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda pedagogik

tajribamni bolalarda sog'lom turmush tarzi haqidagi bilimlarini shakllantirishga yo'naltirdim.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 30.10.2020 yildagi PF-6099-son
2. Qodirova F.R. "Maktabgacha pedagogika" darslik. Toshkent: Tafakkur nashriyoti, 2019. - 688 b.
3. Hasanboyeva O., Tadjieva M., Toshpulatova Sh. va boshq. "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi". T.: Ilm-ziyo, 2012.
4. Sodirov.Q., Aripova. S.X., Shaxmurova.G.A. –"Yosh fiziologiyasi va gigiyenasi". T.:Yangi asr avlodi. 2009 y
5. Galanov A.S. 3 yoshdan 5 yoshgacha bo'lgan bolaning ruhiy va jismoniy rivojlanishi / AS Galanov. - M.: 2006. - 96 b.
6. Omelchenko S. A. Jamiyat ijtimoiy institutlarining shakllanishidagi o'zaro ta'siri Bolalar va o'smirlarning sog'lom turmush tarzi / C. A. Omelchenko. - L.: 2007. 352
7. Sharipova D. Oilaning salomatlik sirlari. T. O'qituvchi. 2006.
8. Kuznetsova M. N. Kompleks chora-tadbirlar tizimi Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalar salomatligini yaxshilash / M. N. Kuznetsova. - M.: 2002. - 64 b.
9. Vorobyeva, M. Maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini tarbiyalash / M. Vorobyeva // Maktabgacha ta'lim. - 1998. - No 7. - S. 5 - 9.
10. Fomina, A.I. Bolalar bog'chasida jismoniy tarbiya, o'yinlar va mashqlar / A.I. Fomin. - M.: Gardariki, 2007. - 183 b.
11. Yumatova, A.V. Maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirish / A.V. Yumatova // Maktabgacha ta'lim. - 1996. - No 3. - S. 12 - 14.
12. Novikova, I. M. Maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarsi haqida g'oyalarni shakllantirish / I. M. Novikova. – M.: 2010. – 96 b.



Расул СОАТОВ,
ЖДПУ ўқитувчиси
E-mail: soatov1985rasul@gmail.com

ЖДПИ профессори, фал.ф.д. (DSc) А.Саитқосимов тақризи асосида

МУТАФАККИР БОБОРАҲИМ МАШРАБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИДА ТАСАВВУФИЙ АНЪАНАЛАР ТАДРИЖИ

Аннотация

Мутафаккир Машраб ҳаёти ва ижодида тасаввуфий анъаналар давомийлигини ўрганишда мутасаввифлар Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Офокхожа, Мулло Бозор охунд ва бошқа мутафаккирларнинг ижтимоий-маънавий, тасаввуфий асарларига мурожаат қилинган, улардаги тасаввуфий фикрлар ривожлантирилган.

Калит сўзлар: Ишқ, мажоз, илоҳий неъмат, замон, ислом, тариқат, намоянда, шайх, ориф, сулукат, пир, мурид, эмоция, пантеизм, маърифат, ҳақиқат, сўфий, зоҳид, чўри, каландар, дарвеш.

СУФИЙСКИЕ ТРАДИЦИИ В ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВЕ МЫСЛИТЕЛЯ БОБОРАХИМА МАШРАБА

Аннотация

При изучении преемственности суфийских традиций в жизни и творчестве мыслителя Машраба были рассмотрены социально-духовные и суфийские труды суфиев Ахмеда Яссави, Бахауддина Нақшбанд, Абдурахмана Джами, Алишера Навои, Офокходжи, Муллы Базара Ахунда и других мыслителей. упоминались, и в них развивались суфийские мысли.

Ключевые слова: Ишк, метафора, божественное благословение, время, ислам, секта, внешность, шейх, ученый, сулукат, пир, мурид, эмоция, пантеизм, просветление, истина, суфий, аскет, служанка, каландар, дервиш.

SUFI TRADITIONS IN THE LIFE AND WORK OF THINKER BOBORAHIM MASHRAB

Abstract

In studying the continuation of Sufi traditions in the life and work of the thinker Mashrab, the socio-spiritual and Sufi works of the Sufis Ahmed Yassavi, Bahauddin Naqshband, Abdurrahman Jami, Alisher Navoi, Ofaqkhoja, Mulla Bazar Akhund and other thinkers were referred to, and Sufi thoughts were developed in them.

Key words: Ishq, metaphor, divine blessing, time, Islam, sect, in appearance, sheikh, scholar, sulukat, pir, murid, emotion, pantheism, enlightenment, truth, Sufi, ascetic, maid, qalandar, dervish.

Кириш. Шубҳасиз, Машраб-ўзбек адабиётидаги фалсафий-сўфиёна йўналишнинг йирик вакили. Аммо шоир ижодида бир ёкламагина ёндошиб бўлмайди. Бу ҳақда шунинг учун тўхталаяпмизки, илгари Машраб шеърлярида фақат дунёвий муҳаббатгина эътироф этилган бўлса, эндиликда баъзилар, бунинг аксича, шоир ғазалларида дунёвий ишқнинг қуйланганлигини бутунлай инкор қилмоқдалар. Шу тарзда фикр юритиш адиб ижодини яна бир томонлама талқин қилиш, унинг мавзуи ва ғоявий-фикрий доирасини чегаралаб қўйиш демакдир. Бобораҳим Машраб шеърларида ишқи мажозий ҳам, ишқи ҳақиқий ҳам зухур этади, кўп ҳолларда булар уйғун тарзда қуйланади. Зеро, инсоний ишқ ҳам илоҳий неъмат, табиий ва зарурий ҳол, муҳаббат-севгучи қалбларнинг азалий ва абадий қўшиғи, севги балан, меҳру вафо билан ҳаёт гўзал, умр файзли. Ҳар икки ишқда ҳаётбахш ғоялар порлаб туради. Улар бир-бирини инкор этмайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Машраб шеърлари шоир кечирган фожиавий ҳаёт, у тортган азиятлар, аламлар акс-садосидир. Машраб ҳаёти зулмат ичида кечади, у мавжуд ноҳақликлар ила келиша олмайди, буларга қарши исёнкорлик билан яшайди. Шоирнинг қалбидаги тугёнлари шеърларига кўчади, унинг шахсий изтироблари ижтимоий норозилик билан қўшилади. Шу тариқа замона жафоларидан, норасо муҳит жабридан чеккан дардини ифодаловчи ўтли сатрлар юзага келади.

Даврон уни “дарди аламга мубтало” қилган-лигидан, “Дард кўп, ҳамдард йўқ, душман кўп, толеъ забун”лигидан, “дунёга келиб ранжу балони кўриб” ўтаётганлигидан ҳасратланади шоир:

Жароҳатли дилимни захмини ҳар кимга кўрсатсам,

Ажаб толеъ забунман-мен шифони кўрмадим ҳаргиз.

Дўстлар ҳолимга йиғлар, душманам кўрса қулар,
Дард кўп, ҳамдард йўқ, душман кўп, толеъ забун[2].

Ҳазрат Алишер Навоий ўрта асрлар ислом оламида кенг ёйилган тасаввуф фалсафий тариқатининг нақшбандия сулукига расман кирган, бу тариқатнинг машҳур намояндаларидан шайхул-ислом Абдурахмон Жомийга қўл бериб, муридлик хирқасини елкасига олган (1471) ва ундан орифлик мақомига етиб фотиҳа олган[4,6].

Машрабнинг тахминан 1665 йилларда (бошқа маълумотга кўра, 1672 йилда) Мулло Бозор охунд тавсияси билан Қашқарга бориб, донгдор мутасаввиф, нақшбандия шайхи, ҳазрат Ҳидоятуллох Офокхожа эшон даргоҳига боғланиши, яъни, у зотга мурид бўлиб, тариқат таълимига киришуви унинг ҳаёти, ижоди, кулфи дилининг очилишида ва муршид ўлароқ камол топишида оламшумул аҳамият касб этгандир. Бу ташриф хоҳ Мулло Бозор охунд вафотидан олдин юз берган бўлсин, хоҳ кейин бўлсин, Қашқарга у зотнинг тавсияси билан борганлиги ҳақиқатга яқиндир. “Тазкираи Қайюмий”да ҳам: “Бошда Мулло Бозор номли кишининг тарбиясинда бўлмиш. Сўнгра саёқлик ила Қашқарга бормишдур, Дахбедийлардан бири бўлмиш шайх Мулло Ҳидоятуллох Хожа лақабли Оффоғ Хожамбек хонақоҳида бўлмиш”, дейилади[6].

Баҳоуддин Нақшбанддан кейин унинг таълимоти-ни Хожа Аҳрор (1404-1490) давом эттирди. Ундан кейин эса 1515 йилдан бошлаб Хожа Аҳмад Косоний нақшбандия раҳнамоси бўлди. «Махдуми Аъзам» (Буюк

хоким) фахрий номи билан машхур бўлган тасаввуфнинг бу йирик намояндаси асли ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманидан бўлиб, тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. Аҳмад Косонийдан кейин тасаввуфнинг йирик намояндаси ва машхур авлиё Қашқарда яшаб ном чиқарган Офокхожа бўлган эди. Фаргона водийсида эса мулла Бозор охунд тасаввуфнинг машхур намояндаларидан бўлган[3].

Бобораҳим Машраб мутасаввифлар мулла Бозор охунд ва Офокхожадан мукаммал тасаввуфий таълим олди. Пирлар хизматини адо этиб, қийин, машаққатли синов йўллари босиб ўтиб, Ҳаққа етишди ва тасаввуфнинг йирик вакили сифатида ўз ғазаллари ва «Мабдаи нур», «Кимё» асарларида бу ҳақ йўлни поклик, ҳалоллик ва Аллоҳга етишишнинг ягона воситаси деб тавсифлади.

Машраб бир шаҳарда муқим яшамади, балки шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, тасаввуфнинг буюк намояндаси сифатида шуҳрат қозонди. Ўз ғазаллари, «Мабдаи нур», «Кимё» асарларида бу таълимотни халқ орасида кенг тарғиб қилди.

Машраб Офокхожа Накшбандий ҳазратларига эришгунча бошқа умрни яшаган бўлса, у зотни топганидан кейин бошқа бир умрни яшади, десак тўғрироқ бўлади. Ҳикмат булоқларининг шоир дилидан тилига оқиб чиқиши, ижодининг гуллаб-яшнаши, ҳатто, ихтиёрсиз ҳолда жазба касб этишида бу тариқат даргоҳининг хизмати улқандир. Шоир: “Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин”, деб бежиз айтмаган. Бу муборак йўлнинг арбоблари: “Тасаввуф авлиё бўлиш йўлидир, натижа сифатида иймон билан оламдан ўтишни таъминлайди”[5:58], деганлар. Машраб ижодида айни ана шу эътироф ошқоради: “Кимки пирни топти, давлати дунёву дин келди...”.

Машраб Пирга қўл бериш нима эканини, тасаввуф йўлининг шарафи, талаб ва натижаларини ўз вужуди гувоҳлигида англаган ориф зотдир.

Пирга қўл бермоқ-тоқи Аршга қўл солмоқ эрур,

Риштайи нисбатни тутганларга хизмат эътибор.

Машраб “нолоийк иршод” деганда икки нарсани кўзда тутган бўлади: 1) тўғри йўлни кўрсатишда нуқсонга йўл қўйиш, маънавий раҳбарлик ишида лойиқ хизмат қилмаслик; 2) иршод хатининг нолоийк инсонларга берилиши, нокомил шахсларнинг шайлик мақомига ўтиб, пирлик даъво қилиши. Иршод соҳиби бўладиган шахс тасаввуф мақомларидан муваффақиятли ўтган, сайри сулукда камол топган, хусусан, латойиф зикрларида натижага эришган бўлиши лозим. Шунинг учун Машраб:

Сўфийлик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,

Қўйди йўлдин халқни нолоийк иршод оқибат-деа халқни огоҳлантиришни зарур деб билади. Яъни, маънавий раҳбарлик вазифасига ҳар ким лойиқ бўлавермайди. Пирлик, шайхлик даъво қилишга ҳар кимнинг ҳаққи йўқ. Иршод хати ҳам ҳар жойга экиб кетилаверадиган экин эмас, ҳар кимга бериладиган бекадр ҳужжат эмас. Нолоийк шахсларга, илм, эътиқод ва маърифатда комил бўлмаган инсонларга иршод ҳужжатини бериш тасаввуф таълимининг заифлашуви ва бошқа фитналарга олиб келади. Нолоийк иршод халқнинг тўғри йўлдан тойишига сабаб бўлади. Шунинг учун Машраб нидо қиладики:

Муттақийлик даъви айлаб, ўзларини пир тутуб,

Охири вақт поросидин Худо берсун панох.

Машхур шоир ва мистик сўфий Машраб, Сўфи Оллоёр ва уларга эргашувчилар ана шу тарихий шароитда яшадилар ва ижод қилдилар.

Машраб-айрим тазкираларга кўра, шоир Бобораҳимнинг тахаллусидир. Унинг асли Намангандан. У ўз дунёқарашларининг асосларини “Мабдаи нур” номли шеърый асарида ифода қилган.

Машраб шайх ва мулаларнинг фирибгарликларини фош қилади; золим ва деспотларни қоралайди. Унинг ажойиб лирик шеърлари китобхонда олий эмоционал туйғу, чуқур руҳий кечирмалар пайдо қилади. Бироқ, Машраб асарлари мистикадан холис бўлмай, улар меҳнаткашларни реал турмушдан узоклаштириб, синфий курашдан четлатган. Мана шунинг учун умуман Машраб ижоди Ўрта Осиёда ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида объектив равишда салбий роль ўйнаган деб ҳисоблаган бўлсалар керак.

Тадқиқот методологияси. Машраб шеърларида илоҳий ишқ, яъни Худога муҳаббатини такрорланмас сатрларда баён қилган. Буни мажозий шаклда, яъни, капалакнинг шамга интилиши мисолида кўрсатиб беради. У пантеистик сўфийлардан Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Насимийларни шеърларида тилга олади, улар дунёқарашини ўрганиб, эътиқод қилади. Тасаввуфнинг бу йирик вакиллари зоҳид ва шайхларнинг дин ҳамда шариаатга тўғри келмайдиган лўттибозлиги, таъмағирлиги, ёлғончилиги, фирибгарлигини фош қилганликлари учун руҳонийлар томонидан умр бўйи таъкиб этилдилар ва пировардида қатл қилиндилар.

Машрабдаги илмга, айниқса, тасаввуфга бўлган чуқур муҳаббат ва иштиёкни сезган мулло Бозор охунд шоир ўз тасаввуфий илмини тўла камолотга етказишни истаб, уни 22 ёшида янада машхур ва заковатли эшон Офокхожа (ваф. 1693 й.) ҳузурига Қашқарга юборди. Мана шу даврдан то умрининг охиригача Машраб ҳаётида сарсон-саргардонлик йиллари бошланди. Офокхожага шоир маъқул бўлиб, ёқиб қолади ва унга Машраб тахаллусини беради (Машраб сўзи ичиш жойи, ичимлик, мазҳаб, мижоз, табиат, феъл-атвор, йўл, лоқайдлик, маслак, ғоя каби маъноларни билдиради). Етти йиллик оғир тайёргарлик, ўзининг жисмоний ва руҳий қобилиятини чиниктириш туфайли Машрабга тасаввуфий жозибалик сингиб борди. У тасаввуф илмини тўла эгаллади. Офокхожа даргоҳида унинг кўплаб муридлари, ҳарамда эса тортиқ қилинган ва сотиб олинган чўрилар хизмат қиларди. Шу чўрилардан бирига Машрабнинг кўзи тушади ва уни яхши кўриб қолади. Бундан хабардор бўлган эшон шоирни ўз даргоҳидан қувади.

Сўфий олимлар айтган даражага етгандан кейин у улиҳият зотида мавжуд бўлади, бир қатра сув чексиз уммонга тушиб ўзини кўрмоқчи бўлганда фақат уммонни кўрганидек, у ҳам ўзини кўрмоқчи бўлганда фақат «Зот»ни кўради. Навоий ифодаси билан айтмоқчи бўлсак:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,

Навоий мун бил тариқи тасаввуф[1].

Аллоҳ тажаллийсининг равиш бўлиши Тур тоғи, «Айман» водийси бот-бот унинг шеърларида такрорланиб туради. Қуръони каримда зикр этилган Тур тоғи, Айман водийси номли катта биёбоннинг чап томонига жойлашган бўлиб ҳазрат Мусо пайғамбар, ўша ерда Аллоҳдан «Раббий ариний» яъни «Эй эгам ўзингни менга кўрсат» деб илтижо қилганда, унга «Лан тароний» яъни бу дунёда мени ҳеч қачон кўришинг мумкин эмас деб жавоб берилган эди. Сўнгра Худо томонидан Мусога – тоққа боқ, агар мен кўринганимда у ўз жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан дейилади. «Тур» тоғи Аллоҳ тажаллийсига чидаёлмай парчаланиб кетганини кўрганда Қуръонда «Ва ҳарра Мусо Саико» (Мусо ҳушсиз бўлиб йиқилди) дейилган[1].

Бешинчи кўхи Турда рези маҳфий айладим нурдин,

Тажаллиёт кўрдум, ҳазрати Мусо бўлиб келдим.

Мазкур илоҳий ҳодиса, ҳар доим Машрабни ўзига тортиб тўлқинлантириб туради. У неча ўринда, мазкур ҳодисага ишора қилиб, ниҳоят жасорат ва шаҳомат билан:

«Наям Мусо никоб аз чехра бирдор»

«Нами ояд хушам ин «Лан тароний».

Яъни, мен Мусо эмасман, юзингдан пардани кўтар, бу «Лан тароний мени ҳеч қачон кўролмайсан» деганинг менга ҳеч ёқмайди деб ёзади. Бошқа бир шеърида «Харра Мусо» рафтаму «инний анАллоҳ» яъни мен Мусо каби йиқилиб тушдим, лекин «инний анАллоҳ» (шубҳасиз мен Худомаъ) деб келдим, деб «шатҳиёт» айтишга ўтади. Шатҳиёт юзаки маъноси шариатга қарши бўлиб, комил, ориф ва сўфийлар томонидан важди хаяжон ва жазба ҳолатида тилга олинадиган сўзлар, масалан мазкур байт ва Мансур Халлож айтган «Анал-Ҳақ» («мен Ҳақман» деган сўз). Бу каби сўзларни тилга олиш оқибатида Мансур Халлож, Имоуддин Насимий, Яхё Сухравардий ва Машраб кишрий (юзаки) мутаассиб дин арбоблари томонидан ўлдирилдилар.

Таҳлил ва натижалар. Одам фарзанди ўзига берилган шарафга яраша Аллоҳ таолонинг амрларига таъзим ва ҳурмат ҳамда жамики махлуқотларга шафқат билан яшаши керак.

Машраб улуг мутасаввифлардан таълим олиб, инсониятга қўйидаги тасаввуфий ғояларни таъкидлаган:

Эй одамийзот, ниманики яратиш қўлингдан келмас экан, уни ўлдирма. Оддий кўринган чумолига ҳам озор берма. Чунки уни яратиш сенинг қўлингдан келмайди. Инсон қалбини жароҳатлама. Чунки қалб Аллоҳнинг уйидир. Қалбга озор Худога озор. Ота-онангни сев. Уларга озор берма. Ота-онангни охирги нафасларидан ҳушёр бўл. Иймон айт. Ўзинг ва охиратинг учун бир пири мукамални топ, унга жон фидолик билан хизмат қил. Ота-онанг сени азалий даргоҳингдан айлариб ерга туширган бўлсалар, пиринг-устозинг сенинг руҳингни тарбиялаб, яна азалий маконингга чиқаргувчилардир.

Ўйла: ким улуг?

Манманлик ва такаббурликдан қоч. Наслу насабингга эътиمود қилма. Оқ қўйни ҳам, қора қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар. Аллоҳнинг бир мўъмин бандаси сифатида, у гадо бўлса ҳам, ҳурмат бажо келтир. Наслу насабингга эътиمود қилма. Тонгла қиёматда иймону куфрингга қараб мукофот ёки жазо берилур.

Умид билан яша, чунки ноумидлик куфр.

Аллоҳни севган бандаларини сев.

Намозу рўза қилсанг дуруст қалб билан қил.

Ҳаж қилсанг ҳажингга мағрур бўлма.

Зеро, ҳаж кўрганмисан ёки Худони кўрганмисан? Аллоҳни кўриш бу дунёда насиб этмайди. Уни фақат у дунёда кўриш мумкин. Бунинг учун ваъдага вафо қилиб ўтмоқ керак. Сан ҳали бу ҳаётдасан. Худони кўрмагансан, демак, макбули даргоҳ бўлдим, деб мағрурланма.

Биров йиғлаб турганда сан кулма.

Миннатдан қоч. Чунки шохнинг миннатли кандидан гадонинг беминнат оши явғони улуг. Ўзгаларга тақлид қилма. Эргаш ва ўрган. Аммо қўшиқ айтсанг ҳам ўз овозинг билан айт.

Ишқ, муҳаббат билан умр кўр.

Тавба билан яша. Гуноҳ қилдингми-тавба қил. Тавба қилдингми, қайтиб яна ўша гуноҳни қилма.

Иймон-ишонч билан яша. Бу дури ноёбни қўлингдан бериб қўйма.

Талаб йўлига равона бўл. Яхшиларнинг, улугларнинг олдида борма, бир қарич бўлса ҳам орқаларидан юр. Машрабнинг тасаввуфий ирфонлари, маънавиятлари, насиҳатлари ана шундай эди.

«Мабдаи нур»да бевосита Шарқ машойихларининг ҳаёти, рафтору гуфторлари, кароматлари билан боғлиқ ҳикоятлар ўттиздан зиёд. Диккатга молик томони шундаки, Бобораҳим Машраб китобда машриқзаминда шухрат қозониб, улар ҳақидаги ҳикояту ривоятлар асрдан-асрга, китоблардан китобга ўтиб юрган Боязид Бистомий, Ҳусайн Нурий, Суфён Саврий, Зуннун Мисрий, Мансур Халлож, Саҳл Тустарий, Абдулло Мағрибий, Довуд Тойи, Махдуми Аъзам Косоний, Жунайд Бағдодий, Фахриддин Розий сингари алломалар ҳақидаги ранг-баранг ҳикоятлар билан бир қаторда кенг илм-адаб аҳлига кам маълум бўлган Шайх Нуриддин, Махдуми Сарахсий, Исмоил Шомий, Хожа Акмал, Хожа Абдували Нишопурий, Юнус Нишопурий, Хожа Илёс Самарқандий сингари тасаввуф арбоблари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳикоятларни ҳам келтирган[7].

Хулоса ва тақлифлар. Иброҳим Адҳам, Мансур Халлож, Абу Бакр Шиблий, Шамс Табризий, Жалолоддин Румий, Боязид Бистомий, Аттот, Насимий, Кубро, Нақшбанд, Офқоҳжа, Хожа Ахрор каби бу улуг зотларни Машраб ўзининг ғойибона пири қомили деб қабул қилади. Уларни ҳавас билан тақдор ва тақдор тилга олади, алқайди уларга ўзини қиёс этади. Бу муборақ зотлар билан боғлиқ байт ва ғазаллар ҳам Машраб дунёсининг турли қарашларини намоён этади.

Машраб шеъриятининг ғоявий, фалсафий, ахлоқий заминини-тасаввуф. Шоир ижодиётига доир тадқиқотларда унинг шеърлари онгли равишда ўз заминидан ажратилиб таҳлил қилинган. Натижада илоҳий ишқ моҳиятини очувчи фикру кечинмалар дунёвий муҳаббатга мансуб тасвирлар сифатида тавсия этилган. Машраб ижодиётидаги «антиклерикал мотивлар» ҳақида айтилган мулоҳазалар ҳам бирёқлама, гоҳо жуда чалкашдир. Бунинг сабаблари изоҳланганда, икки жиҳатга алоҳида диққат қилиш керак бўлади. Биринчиси, давлат ва сиёсат микёсида динга қарши ҳужумнинг авж олдирилганлиги, иккинчиси, тасаввуф таълимотининг юзаки ўрганилганлигидир.

Машраби девони инсон сурати таҳоратиғаина эмас, балки қалб, кўнгил таҳоратиға кўп эътибор берадилар. Чунки одамнинг ташки кўриниши топ тоза, силлиқ бўлиши, аммо сийрати илон, чаёнлар билан тўлиб тошиб ётиши мумкин. Покиза хонадонга муттасил меҳмон келаверганидек, соф кўнгил уйига ҳам севги, садоқат, меҳр-муҳаббат, илҳом, раҳм-шафқат адолат, тўғрилиқ, саховат, ризолик, мардлик, илм, шукр, тавба, камтарлик, сабр, нур отлик илоҳий меҳмонлар турғун бўлиб келадилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001.
2. Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани. Наманган, «Наманган», 2007.
3. Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур» Сўзбоши Исматуллоҳ Абдуллоҳники. –Т.: «Фан», 1994.
4. Дилором Салоҳий. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: 1995.
5. Махмуд Аъсад Жўшон, «Ислом, тасаввуф ва ахлоқ». Таржимон Сайфиддин Сайфуллоҳ. –Т.: «Истиклол», 1999.
6. Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. 1-жилд. – Тошкент: 1998.
7. Раҳим Воҳидов, Ҳамиджон Ҳомидий. Ҳиммат иноятсиз бўлмас. Олими нуктадон ўзум. Тўплам. –Т.: 2006.



Lobar SODIQOVA,
O'zDJTU o'qituvchisi
E-mail: umarova.farangiz18@mail.ru

Oriental Universiteti dotsenti, p.f.f.n F.O. Egamberdiyeva taqrizi asosida

APPROPRIATENESS OF ORGANIZING FOREIGN LANGUAGE LESSONS USING AUTHENTIC MATERIALS TO STUDENTS' LEVEL OF KNOWLEDGE

Abstract

In recent years, learning English has become popular among adults and children. Learning a language creates an opportunity not only to communicate in a foreign language, but also to acquire the history, culture, customs and other important information of the studied language. We know that knowing the language is the source of opening the doors of this world, through which you can go out into the world. Usually, foreign language teachers ask students, "How long does it take to speak English?" or "How long before I can speak fluently?" they often ask questions like this, especially these questions are more interesting to students or learners who are just starting to learn a foreign language. Our answer to this question depends on the desire and aspirations of the student, the information and materials provided by the teacher. Even if students do not fully understand foreign languages, they often try to understand and use the language using materials that are authentic, that is, in accordance with real reality. Even if they watch or listen to authentic materials without understanding, they learn to pronounce words and respond to language.

Key words: Authentic materials, reading, skills, level, method, vocabulary, language learning and age.

СООТВЕТСТВИЕ ОРГАНИЗАЦИИ УРОКОВ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ АУТЕНТИЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ УРОВНЮ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ

Аннотация

В последние годы изучение английского языка стало популярным среди взрослых и детей. Изучение языка создает возможность не только общаться на иностранном языке, но и усваивать историю, культуру, обычаи и другую важную информацию изучаемого языка. Мы знаем, что знание языка – это источник открытия дверей этого мира, через которые можно выйти в мир. Обычно учителя иностранных языков спрашивают студентов: «Сколько времени нужно, чтобы заговорить по-английски?» или «Сколько времени пройдет, прежде чем я смогу бегло говорить?» они часто задают подобные вопросы, особенно эти вопросы более интересны студентам или учащимся, которые только начинают изучать иностранный язык. Наш ответ на этот вопрос зависит от желания и стремления ученика, информации и материалов, предоставленных преподавателем. Даже если учащиеся не в полной мере понимают иностранные языки, они часто пытаются понять и использовать язык, используя материалы, которые являются аутентичными, то есть в соответствии с реальной действительностью. Даже если они смотрят или слушают аутентичные материалы, не понимая их, они учатся произносить слова и реагировать на язык.

Ключевые слова: Аутентичные материалы, чтение, навыки, уровень, метод, словарный запас, изучение языка и возраст.

AUTENTIK MATERIALLARDAN FOYDALANGAN HOLDA CHET TILI DARSLARINI TASHKIL ETISHNING TALABALAR BILIM DARAJASIGA MUVOFIQLIGI

Annotatsiya

So'ngi yillarda ingliz tilini o'rganish kattalar va bolalar orasida ommalashib bormoqda. Tilni o'rganish nafaqat bir chet tilida muloqot qilish balki o'rganilayotgan til tarixi, madaniyati, urf odatlari va boshqa muhim ma'lumotlarga ega bo'lish imkoniyatini yaratib beradi. Bilamizki, til bilish bu dunyo eshiklarining ochilish manbai hisoblanib, u orqali dunyoga chiqish mumkin. Odatda, chet tili o'qituvchilaridan talabalar "Ingliz tilida gapirish uchun qancha vaqt ketadi?" yoki "Qancha vaqtdan keyin ravon gapira olaman?" degan savollar bilan tez tez murojaat qilib turishadi ayniqsa bu savollar chet tilini endi o'rganayotgan va endi boshlayotgan talaba yoki o'rganuvchilarni ko'proq qiziqtiradi. Bu savolga bizning javobimiz o'rganuvchining xohish va intilishiga, o'qituvchi tomonidan berilayotgan ma'lumotlar va materiallarga bog'liq bo'ladi. O'rganuvchilar chet tillarini to'liq tushunmasalar ham o'rganishda ko'p hollarda autentik ya'ni haqiqiy reallikka mos bo'ladigan materiallardan foydalanib tilni idrok etishga, undan foydalanishga harakat qilishadi. Autentik materiallarni tushunmasdan tomosha qilsalar yoki eshitsalar ham, ular so'zlarni talaffuz qilishni va tilga munosabatni o'rganadilar.

Kalit so'zlar: Haqiqiy materiallar, o'qish, ko'nikmalar, daraja, usul, lug'at, til o'rganish va yosh

Kirish. Keyingi yillari jamiyatning turli sohalaridagi taraqqiyot natijasida chet tillarning o'rni mustahkamlanib, unga bo'lgan talab ortib bormoqda. Hech kimga sir emas, jahonga yuz tutgan ilg'or davlatlar mehnat bozorining asosiy talabi chet tilida bemalol muloqot qila oladigan, kompyuter texnologiyalaridan xabardor va innovatsion g'oyalarga boy hamda o'z uslubiga ega kadrlardir. Bunday talablar o'z o'rni mamlakatimizda olib borilayotgan ta'lim bilan bog'liq islohotlarning asosiy negizini tashkil etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Oliy majlisi tomonidan qabul qilingan "Ta'lim to'g'risidagi qonun", "Kadrlar

tayyorlash milliy dasturi" hamda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1875-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori chet tillarni o'rganish davlat ahamiyatiga molik masala ekanligini ko'rsatdi [10].

Autentik materiallar orqali chet tilini o'rganayotgan o'quvchilar real voqealikka va muloqotni ko'rib o'rganishlari til o'rganishga bo'lgan ishtiyoqlarini oshiradi va bu esa albatta o'rganish jarayonini tezlashtirishga yordam beradi. Dars jarayonida faqatgina an'anaviy grammatik tarjima usulidan foydalanilsa o'rganuvchilarni jalb qilish darajasi tushib ketishi

kuzatiladi chunki bu metodda o'rganuvchi va o'qituvchi orasidagi aloqa to'raligicha bo'lmashligi sababli o'rganuvchi zerikishni va o'qishga bo'lgan motivatsiyasi tushib ketishni boshlaydi. Ammo autentik materiallardan foydalangan holda darsni real voqealikdagi vaziyatlarga to'ldirish va shu vaziyatlardan talabalar qanday chiqib ketishini ko'rsatib bera oladigan darslar albatta a'naviy usulda o'tilgan darsdan ko'ra samaraliroq hisoblanadi. Ta'kidlab o'tkanimizdek autentik materiallardan foydalanish juda muhim lekin shuni e'tiborga olishimiz joizki, bunday turdagi materiallar barcha yoshdagi va turli xil darajadagi o'rganuvchilarga bir xilda mos tushishidir [5]. Bazi bir manbaalarda autentik materiallardan foydalanish xorijiy tillarni endi o'rganishni boshlagan o'quvchilarga qiyinchilik tug'dirishi haqida fikrlar kelgan. Ushbu tadqiqot chet tilini o'rganuvchilarda autentik materiallarning ahamiyati va qay darajada foydalanish mumkinligiga e'tibor qaratishga qaratilgan.

Asosiy qism. Jadallashib borayotgan internet asrida chet tillariga bo'lgan ehtiyoj oshib bormoqda. Albatta bunda o'rganuvchilar tomonidan yangi usullarga ehtiyoj oshishidan dalolat beradi. Har bir o'quvchi eng onson va samarali usulni tanlagan holda o'rganishni va tezroq natijaga erishishni istaydi. Shunday usullardan biri bu autentik materiallardan foydalangan holda dars jarayoni olib boirish hisoblanadi.

Berardo til o'rganuvchilar uchun autentik materiallardan foydalanishni ko'rib chiqayotganda, u shunday deb yozgan edi: "Sinfda autentik materiallardan foydalangan holda dars o'tilsa o'quvchilarda ta'sirliroq bolib real vaziyatni yaratishga yordam beradi" [1, 3].

Yuqorida aytib o'tilganidek, o'quvchilarga material tanlashda ta'sir darajasini e'tiborga olgan holda darslik yoki metod tanlash o'rganuvchilarning o'rganish darajasini tezlashtirishga xizmat qiladi. Wilga Riversning so'zlariga ko'ra, materiallardan to'g'ri foydalanishga erishish uchun mavzu va materialni tog'ri tanlashni hisobga olish kerak [8]. Autentik materiallarning manbai ham o'quvchi darajasiga mos bo'lishi kerakligini ham alohida ta'kidlab o'tish muhimdir. Masalan, maqolalar, gazetalar, hisobotlar kabi haqiqiy yozma materiallardan yuqori darajalar uchun o'qitish manbai sifatida foydalanish samaraliroq bo'lib unda o'rganuvchining tushunish darajasi keng bo'lib matnlarni g'oyasini tushungan holda o'qib tahlil qila olish qobiliyatiga ega bo'ladi [3]. Past darajali yoki boshlang'ich o'rganuvchilarga boshidan autentik materiallarni olib kirish o'rganishga bo'lgan ishtiyoqini susaytirishi mumkinligini ham ko'plab olimlar ta'kidlab o'tishgan.

Kilickaya [2004] va Kimning ta'kidlashicha, o'qituvchilar haqiqiy materiallardan faqat o'rta va yuqori darajadagi til darslarida foydalanishlari mumkin [4]. Guariento

va Morleyning autentik matnlardan foydalanish quyi darajadagi o'quvchilarda bezovtalanish, chalkashlik va motivatsiyani tushurish kabi noqulayliklarni keltirib chiqaradi [2].

Yasridaning fikriga ko'ra, autentik materiallarda leksikalarida ona tilida so'zlashuvchilar foydalanadigan juda ko'p notanish so'zlar, atamalar, iboralar mavjud. Bu o'quvchilarga matnni tushunishni qiyinlashtiradi, shuning uchun o'qituvchilar talabalarga o'rgatish uchun mos materiallarni tanlashlari, shuningdek, manbaning qiyinchilik darajasini talabaning qobiliyat darajasi bilan hisobga olishlari kerak [9].

Haqiqiy materiallardan foydalanishning kamchiliklari Richards [2006] tomonidan tushuntirilgan: Haqiqiy materiallarda ko'pincha qiyin til, keraksiz so'z birikmalari va murakkab til tuzilmalari mavjud bo'lib, ular ko'pincha muammolarni keltirib chiqarishi mumkin [7]. Ba'zida lug'at o'quvchining ehtiyojlariga mos kelmasligi va juda ko'p tuzilmalar qiyinchilik tug'dirishi mumkin. Bu o'qish ko'nikmalarini o'rgatishda faqat haqiqiy materiallardan foydalanish yaxshi fikr degani emas. O'qituvchining roli va haqiqiy materiallardan foydalanish ularning talabalariga mos kelishi juda muhim, aks holda bu talabalarining motivatsiyasiga ta'sir qiladi [5].

Tadqiqot metodologiyasi. Mavzuni o'qitish tushunchasi mavzuning mohiyatini tekshirish, uning tadqiqotga asoslangan o'qitish va o'rganish falsafalari, ta'lim, falsafa va psixologiya bilan bog'liq bo'lgan g'oyalarga asoslanadi.

Ushbu tadqiqotda tadqiqot maqsadiga erishish uchun ham miqdoriy, ham sifat tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

1. Anketa

Ushbu tadqiqot O'zbekistondagi ingliz tili o'qituvchilari va talabalari bilan o'tkazildi. Ishtirokchi sifatida chet tillar universitetining o'n nafar o'qituvchilari va ularning o'n nafar talabalarini ma'lum bir sabablarga ko'ra tanlandi. Birinchi muhim sababi tadqiqot mavzusi bo'yicha ingliz tili o'qituvchisi va talabalarining fikrini olish, so'ngra berilgan "Chet tillarini o'rgatishda autentik materiallardan foydalanishda o'rganuvchilarning darajasi hisobga olinishi kerakmi?" va "Yangi tilni o'rganishni boshlagan o'rganuvchilar uchun autentik materiallardan o'rganish osonmi?" savollarga javoblarni yig'ish va tahlilga tortish tadqiqotning asosiy maqsadi hisoblanadi.

Tadqiqot ishtirok etayotgan umumiy hisobda o'n nafar ishtirokchilar, 8 nafar ayol va 2 nafar erkak o'qituvchilar ish tajribasidan kelib chiqqan holda tanlab olindi. Bunda ular 5 yildan ko'p bo'lgan ish tajribasiga ega bo'lganligi va o'z sohasida ma'lum bir yutuqlarga ega bo'lganliklari hisobga olindi. Suhbatga kirishdan oldin berilgan javoblar va nuqtai nazarlarni chalkashtirmaslik uchun demografik ma'lumotlar shakllantirildi (1-ilova).

№	To'liq ismi sharif	Jins	Yosh	Chet tillarini o'qitishdagi tajribasi	Darajasi/ sertifikat mavjudligi	Javoblar

Tadqiqotni sifat tadqiqot usulidan foydalangan holda tahlil qilish maqsadida ikkita o'qish matni ishlab chiqilgan, biri autentik, ikkinchisi o'qituvchilar ingliz tilini ikkinchi til sifatida o'rgatish uchun mustaqil ravishda yaratgan qo'llanma va darsliklarda olingan. O'qituvchilarga ikki matn Vazifaning ko'rsatmasi berilgan matnni o'qish va uni qayta aytib berishga harakat qilarni o'qib va gapirib berish vazifasi qo'yildi. Ikki matnda ham bir xil mavzu va ma'lumotlar jamlanmasi ham bir xil faqatgina matnda ishlatilgan so'zlar qiyinlik darajasi xar xil biri oddiy so'zlardan foydalanilgan asosiy go'yani saqlab qolgan matn ikkinchisi esa autentik manbadan olingan maqola.

Natijalar va mulohazalar. Ushbu bo'limda o'qituvchining berilgan savollarga va o'qish topshirig'iga

bo'lgan munosabati natijalari ko'rsatilgan va muhokama qilinadi.

Autentik manbalar turli afzallik va kamchiliklarni taqdim etganligi sababli, bu o'qituvchilar yoki o'quvchilarning o'qitish qobiliyatini rivojlantirishga yordam berishi mumkin. Shuning uchun o'qituvchi va o'quvchilar manbani egallash va tilni o'rganish uchun haqiqiy materiallardan to'g'ri foydalanishlari kerak. Tadqiqotning aniq tahliliga o'tadigan bo'lsak, taqdim etilgan savol va topshiriqlarga ko'ra, o'qituvchilarning ko'pchiligi yangi boshlanuvchilar uchun emas, balki yuqori darajalar uchun autentik materiallardan foydalanish ma'qulligini aytib o'tishdi. Ularning fikricha, asl materiallarni tushunish oson ish emas va agar o'qituvchilar o'quvchilarning darajasiga mos keladigan aniq va mos

materialni tanlashga majbur bo'lmalar, talabalar harakatlarini yo'qotadilar va hatto tilni o'rganishdan voz kechadilar. Raqamlar bilan batafsil natijalar haqida gap ketganda, 7 nafar o'qituvchi yuqori darajalar uchun haqiqiy materiallardan foydalanish yangi boshlanuvchilarga qaraganda foydaliroq ekanligini aytishdi, uchta o'qituvchining javobi esa barcha darajadagi o'rganuvchilarga autentik materiallardan foydalanish samarali bo'lishini ta'kidlashgan. Keyingi bosqich talabalarining javoblari bo'ldi, beshta talaba o'rta darajadagi yuqori darajadagi o'quvchilarga autentik materiallarni o'rgatish natijalarga erishishning eng tog'ri yo'li ekanligini o'z javoblarida qayd etishdi. Bundan tashqari, qolgan beshta talaba darslarda ayniqsa chet tillarini boshlang'ich o'rganayotganlarga autentik matnlar yoki materiallar qiyinlik qilishini va bunday holatlar.

Autentik materiallardan boshlang'ich o'rganuvchilarda foydalanishdan kelib chiqadigan muammolar:

Motivatsiyani yo'qolishi

vazifalarni bajara olmasligi

juda ko'p yangi so'zlar sababli tushunmaslik

Ikkinchi savolni tahlili jarayonida, o'qituvchilar va o'quvchilar javoblarini qayd etib jadval ko'rinishida tahlil qilindi.

2-savol: Qaysi darslar uchun autentik materiallardan foydalanish foydali?

Ikkinchi vazifa berilgan matnni qayta aytib berish edi. Javoblarga ko'ra, autentik matndan foydalangan o'quvchi va o'qituvchilar matnda noma'lum so'zlarning ko'pligi, ilmiy atamalarining tushunish darajasi qiyinchilik tug'dirgani uchun matnni qayta so'zlab berishga qiyinalishdi, ikkinchi guruh esa qayta ishlangan so'zlari osonlashtirilgan lekin g'oya va ma'lumotlari bir xil bo'lgan matnni so'zlab berish osonligini ta'kidlab ikkinchi matndan foydalangan maqul ekanligini aytib o'tishdi.

Xulosalar. Ushbu maqolada ingliz tilidagi o'qituvchilar tomonidan autentik materiallardan samarali foydalanishga e'tibor qaratishga harakat qilindi. Umumiy nuqtai nazardan xulosa qilish mumkinki, autentik materiallardan foydalanish chet tillarini o'rganishda muhim ahamiyatga ega va u har qanday tilda haqiqiy madaniy ma'lumot va madaniy me'yorga munosabatni ta'minlaydi. Faqatgina to'g'ri tanlangan matn va talabalar darajasiga mos tushuvchi material chet tilini o'rganishda katta yordam beradi. Shuni ta'kidlash joizki, autentik materiallar o'quvchilarning motivatsiyasini yo'qotmaydi, balki o'z ona tilida so'zlashuvchilarning nutq shakllarini egallashga turtki berishga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Berardo S.A. "The use of authentic materials in the teaching of reading". 2006 - 243 p
2. Guariento W., & Morley, J. Text and task authenticity in the EFL classroom. *ELT Journal*, 55(4), 2001- 347-353pp.
3. Jeremy Harmer. *The Practice of English Language Teaching*. Longman. 1989-392p.
4. Kilickaya F. Authentic materials and cultural content in EFL classrooms. *The Internet TESL Journal*, 2004-10 p
5. Kim D. A qualitative approach to the authenticity in the foreign language classroom: A study of university students learning English in Korea. *Texas Papers in Foreign Language Education*, 5(1), 2000. 189-205 pp.
6. Morley J. Aural comprehension instruction: Principles and practices. In Celce- Murcia, M. (Eds.). 2001- 167p
7. Richards J. C. *Tactics for listening*. Oxford: Oxford University Press. 2005 -202p.
8. Wilga R. "Communicating naturally in a second language" 2002-67p
9. Yasrida. Using authentic materials in reading comprehension of students' low and high proficiency levels 2017- 356p.
10. Available at: http://lex.uz/docs/2165717?lact_id=2165717&version=print



UDK:291.6(045)(575.1)

Dilnavoz TADJIBAYEVA,
TDYU dotsent v.b.
E-mail: d.tojiboyeva@tsul.uz

O'zMU Ijtimoiy fanlar fakulteti dotsenti v.b., f.f.b.f.d., PhD G.M.Shadimetova taqrizi asosida

ON FREEDOM OF CONSCIENCE AND RELIGIOUS ORGANIZATIONS

Abstract

The problem of freedom of conscience is extremely important to ensure the safety of modern societies. Freedom of conscience is the basis for stability and integration of societies. Intolerance of religious feelings and values of the other faiths has led to bloody wars, disintegration of states and nations. This article describes, the principles of freedom of conscience and tolerance in Uzbekistan, clarifies the content of the additions and changes included in the Law "On Freedom of Conscience and Religious Organizations", adopted on July 5, 2021. There is also emphasized that this law is quite relevant in of stability of the Republic.

Key words: Freedom of conscience, tolerance, religion, religious tolerance, security, intolerance, religious organization, religious and confessional groups, Law "On Freedom of Conscience and Religious Organizations".

О СВОБОДЕ СОВЕСТИ И РЕЛИГИОЗНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Аннотация

Вопрос свободы совести крайне важен для обеспечения безопасности современных обществ. Свобода совести является основой обеспечения стабильности и интеграции общества. Нетерпимость к религиозным чувствам и ценностям инаверцев приводила к кровопролитным войнам, расколу государства и наций. В статье рассматриваются вопросы свободы совести и обеспечение религиозной толерантности в Узбекистане, разъясняется содержание дополнений и изменений включённые в Закон «О свободе совести и религиозных организациях», принятый 5 июля 2021 году. Также подчеркивается важность данного закона в обеспечении стабильности в республике.

Ключевые слова: Свобода совести, религия, религиозная толерантность, безопасность, нетерпимость, религиозная организация, религиозно-конфессиональные группы, Закон «О свободе совести и религиозных организациях».

VIJDON ERKINLIGI VA DINIY TASHKILOTLAR TO'G'IRISIDA

Annotatsiya

Zamonaviy jamiyatlarda xavfsizlikni ta'minlashda vijdon erkinligi masalasi juda muhim hisoblanadi. Vijdon erkinligi jamiyat barqarorligi va integratsiyasining asosidir. Diniy tuyg'u va qadriyatlarga toqatsizlik qonli urushlar, davlatlar va millatlarning bo'linishiga olib kelgan. Maqolada O'zbekistonda e'tiqod erkinligi va diniy bag'rikenglikni ta'minlash masalalari, 2021-yil 5-iyulda qabul qilingan "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi Qonunga kiritilgan qo'shimcha va o'zgartirishlarning mazmun-mohiyati ochib berilgan. Shuningdek, mazkur Qonunning respublikamizda barqarorlikni ta'minlashdagi ahamiyati yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: Vijdon erkinligi, din, diniy bag'rikenglik, barqarorlik, toqatsizlik, xavfsizlik, diniy tashkilot, diniy-konfessial guruhlar, "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi Qonun.

Kirish. Vijdon erkinligi tabiiy huquq va erkinliklar sirasiga kiruvchi, har bir shaxsning ajralmas huquqlaridan biridir. Tabiiy huquqlar jumlasiga kiruvchi erkinliklarni qonun chiqaruvchi o'zi xohlaganda qisqartirishi yoki cheklashga ham haqli emas. Chunki bu huquqlar tabiiy ravishda insonlarga berilgan in'om sanaladi. Vijdon erkinligi ham xuddi shunday. Vijdon erkinligi insonning asosiy erkinliklaridan bo'lsa-da, qonunda o'z ifodasini topib, muhofaza ostiga olingandagina chin ma'noda huquq darajasiga ko'tariladi. Bu erkinlik deyarli barcha davlatlarning konstitutsiya va qonunlarida, shuningdek, qator xalqaro hujjatlarda huquqiy jihatdan himoyaga olingan.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Biror dinga e'tiqod qiluvchi fuqarolar jamiyatning tarkibiy qismi va shu sababli din fuqarolik jamiyatida o'z mavqeyiga ega bo'ladi. Din va jamiyat hayotidagi aloqadorlikdan din va dunyoviy davlat munosabatini belgilab beruvchi boshqa bir tamoyil – din sohasida kechayotgan o'zgarishlarni xolis va ilmiy o'rganish, ijobiy jarayonlar rivojiga yanada kengroq imkoniyat yaratish, salbiy holatlarning oldini olishdir. Davlatning dinga bo'lgan munosabatini ifodalovchi yana bir tamoyil shundan iboratki, davlat dinni xalq ma'naviyatining uzviy qismi sifatida tan oladi. Shundan kelib chiqib, dinning rivoji uchun tegishli shart-sharoitlar yaratadi. Dinning jamiyatimizdagi o'rni, eng avvalo, uning konstitutsion maqomi bilan belgilangan. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida bu

masalalar o'z yechimini topgan. Har qanday dinga e'tiqod qiluvchi va hech qanday dinga e'tiqod qilmaydigan kishilar uchun bir xildagi shartlar qo'yilishi Konstitutsiyaning 31-moddasida, jumladan, shunday ifodalanadi: "Hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanadi. Har bir inson xohlagan dinga e'tiqod qilish yoki hech qaysi dinga e'tiqod qilmaslik huquqiga ega. Diniy qarashlarni majburan singdirishga yo'l qo'yilmaydi"[1]. Ushbu kafolatlar xalqaro huquqiy hujjatlarga to'la mos keladi. Xususan, 1948-yili qabul qilingan "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi"ning 18-moddasida har bir inson fikr, vijdon, din va e'tiqod erkinligi huquqiga egadir, deb ta'kidlangan. 1966-yili qabul qilingan "Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro Pakt"ning 18-moddasida esa "Biror odam ham o'z ixtiyori bilan o'z dini va e'tiqodiga ega bo'lish yoki ularni qabul qilish erkini kamsitadigan majburiy xatti-harakatlarga duchor bo'lmasligi kerak"[2] deb ko'rsatilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. 1991-yil 14-iyunda, hali sovet mafkurasi hukmron bo'lib turgan bir paytda O'zbekistonda fuqarolarning vijdon erkinligini himoya qilish, diniy tashkilotlarning xalq va davlat irodasi ifoda etilgan qonunlarga muvofiq faoliyat olib borishini ta'minlash maqsadida "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida" Qonun qabul qilindi. Mazkur Qonun 1993-yilda kiritilgan ba'zi qo'shimcha va o'zgartirishlar bilan 1998-yilga qadar

amalda bo'lib keldi. Mustaqillikning dastlabki yillarida hukumatimiz tomonidan berilgan imkoniyatlarning suiste'mol qilinishi, masjid qurish kampaniyabozlikka aylanib ketishi oqibatida ularning soni 89 tadan 5000 tagacha etdi. Ularning aksariyati hujjatlari to'liq rasmiylashtirilmagani, malakali imomlar bilan ta'minlanmagani (95,8 foizi diniy ma'lumotsiz) va zarur sharoitlar bo'lmagani holda faoliyat yurgizib, turli din "peshvo"lari masjidlarni o'z uyalariga aylantirishga harakat qildi. Ba'zi diniy tashkilotlarning rahbarlari xorijiy fuqarolar bo'lib, aslida hech qanday diniy ma'lumotga ega bo'lmay, moliyaviy yordam ko'rsatish hisobiga respublika hududidagi diniy tashkilotlarga rahbarlik qilib olib, buzg'unchilik, missionerlik faoliyati bilan shug'ullanar edilar. Ularning asosiy maqsadi turli yo'l va usullar bilan o'z saflarini mahalliy millat vakillari hisobiga kengaytirishdan iborat edi. Ayniqsa, diniy fundamentalizm va din niqobi ostida keng harakat qilishga intilayotgan xalqaro ekstremizmning avj olishi mavjud qonunlarga to'ldirishlar kiritishni talab etdi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi 1998-yil 1-mayda "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi Qonunning yangi tahririni qabul qildi.

Davr talabi asosida 2021-yil 5-iyulda "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi Qonunga qoshimcha va o'zgartirishlar kiritildi.

Tahlil va natijalar. Yangi tahrirdagi qonun loyihasini ishlab chiqishda qo'shni davlatlar, shuningdek yaqin va uzoq xorijdagi diniy vaziyat, shuningdek, O'zbekiston xalqining ko'p asrlik o'ziga xos tarixi, madaniy-tarixiy an'ana va qadriyatlari inobatga olindi.

Mazkur Qonun 35 moddadan iborat. Uning 1-moddasida ushbu Qonunning maqsadi nimalardan iborat ekanligi ochiq va ravshan bayon etilgan: "...vijdon erkinligini ta'minlash sohasidagi munosabatlarni, shuningdek diniy tashkilotlar faoliyatini tartibga solishdan iborat"[3].

2-moddada davlat idoralari tomonidan qonun normalari noxolis talqin qilinishi va turlicha qo'llanishining oldini olish maqsadida atama va tushunchalarga ta'riflar keltirilgan. Diniy ta'lim muassasasi, diniy tashkilot, diniy tashkilotlarning O'zbekiston Respublikasi bo'yicha markaziy boshqaruv organi, mahalliy diniy tashkilot, missionerlik, qonunga xilof diniy faoliyat, diniy professional ta'lim, diniy professional ta'lim, prozelitizm atamaları aniq va ravshan tarzda bayon etilgan. Negaki, qonun atamalarining noto'g'ri talqin qilinishi natijasida turli tushunmovchiliklar, masalaga noxolis yondashuv holatlari vujudga kelishi mumkin.

Qonun respublikamiz e'tirof etgan xalqaro hujjatlar va davlatimizning Asosiy qonuni – Konstitutsiyada belgilab qo'yilgan huquq normalaridan kelib chiqadi. Shuning uchun ham qonunning 2-bobi Vijdon erkinligini ta'minlash asoslari nomlangan. Uning 4-moddasida "Vijdon erkinligi – fuqarolarning har qanday dinga e'tiqod qilish yoki hech qanday dinga e'tiqod qilmaslikdan iborat kafolatlangan Konstitutsiyaviy huquqidir" [4] deb ta'kidlanadi. Qonunda e'tiqod munosabatlarida majbur etishga yo'l qo'yilmaydi, deb qat'iy belgilab qo'yilgan. Qonun talabiga ko'ra, rasmiy hujjatlarda, masalan, pasport, tug'ilganlik shahodatnomasi, shaxsiy varaqalarda fuqaroning qaysi dinga e'tiqod qilishini ko'rsatishiga yo'l qo'yilmaydi.

Vijdon erkinligi haqidagi qonunning 7-moddasida O'zbekiston Respublikasida din va diniy tashkilotlar davlatdan ajratilganligi ko'rsatilgan. Bu degani davlat diniy masalalar bilan shug'ullanmaydi, diniy tashkilot va diniy boshqarma ishlariga aralashmaydi. Din va diniy tashkilotlar ham davlat ishlariga aralashmasligi lozim. Davlat konfessiyalarning tinch-totuv yashashiga kafil bo'ladi. Missionerlik va prozelitizmni amalga oshirishga yo'l qo'yilmaydi.

O'zbekistonda maktab dindan ajratilgan. Qonunning 8-moddasiga ko'ra, O'zbekiston Respublikasida ta'lim tizimi dindan ajratilgan, ta'lim tizimining o'quv dasturlariga diniy fanlar kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi. Respublikamizda davlat

o'quv yurtlarida diniy ta'lim berilmaydi, ya'ni maktabgacha ta'lim, umumiy ta'lim, o'rta maxsus va oliy o'quv yurtlari o'quv rejalariga din dars sifatida kiritilmaydi. Chunki bu o'quv yurtlari dunyoviy bilimlar beruvchi maskanlardir. Lekin bundan, fuqarolar mutlaqo diniy ta'lim olish huquqiga ega emas, degan ma'no ham kelib chiqmaydi. O'zbekiston fuqarolari diniy ta'lim olishlari mumkin. "Diniy ta'limning professional maqomi rasman e'tirof etildi, O'zbekiston fuqarolarining, dinga bo'lgan munosabatidan qat'i nazar, dunyoviy ta'lim olish huquqi ta'minlanishi qayd etildi".

Har qanday shaxsning "o'zicha" aholiga diniy ta'lim berishi – noan'anaviy aqidalarning tarqalishiga, mutaxassis bo'lmagan shaxslar tomonidan sof diniy masalalar bo'yicha biryozlama tushunchalar berilishiga olib keladi.

Bu esa jamiyatda diniy masalalar bilan bog'liq ixtiloflar kelib chiqishiga, aholining yot g'oya va qarashlar ta'siriga tushishiga sabab bo'ladi. Shu maqsadda, diniy ta'lim muassasasidan tashqarida diniy ta'lim berish noqonuniy faoliyat sifatida belgilandi.

Fuqarolar o'z ixtiyorlariga qarab istagan tilda va istagan diniy ta'limlarni olishlari mumkin, biroq bu ta'limlar nafaqat Konstitutsiya va boshqa qonun normalariga mos kelishi, shu bilan birga, yon-atrofdagi kishilarga xalaqit bermasligi hamda shaxsning salomatligiga, erkin rivojlanishiga aks ta'sir etmasligi lozim [7, 8].

Diniy tashkilotlarni tuzishning huquqiy mexanizmlari, tartiblari mavjud. "Qonun asosida diniy tashkilotlarni ro'yxatdan o'tkazish va tugatish bilan bog'liq tartib soddalashtirildi".

Qonunning oxirgi 31-moddasida "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar" to'g'risidagi Qonunni buzgan kishilar qonun oldida javob berishlari ko'rsatilgan.

Shuningdek, Qonun bir nechta muhim yangiliklar va huquqni qo'llash amaliyotini takomillashtirishni o'z ichiga olgan:

Birinchidan, amaldagi qonunchilik hujjatlarida "ibodat libosi" tushunchasining huquqiy ta'rifi mavjud emasligi sababli jamoat joylarida ibodat libosida yurishga taqiq Qonundan chiqarib tashlandi.

Shu bilan birga, amaldagi boshqa qonunchilik hujjatlariga asosan, davlat tashkilotlari va muassasalarida xodimlarning kiyinishiga oid talablar ularning ichki hujjatlari bilan tartibga solinadi.

Ikkinchidan, diniy tashkilotni tuzish uchun talab etib kelingan MFY roziligini olish tartibi bekor qilindi. Diniy tashkilot tuzish tashabbuskorlari ortiqcha xat-hujjatlarni yig'ishdan xalos bo'ldilar.

Uchinchidan, bugungi kunda dunyoning ko'pgina mintaqalarida notinch vaziyat hukm surayotgani tufayli diniy omildan g'arazli maqsadlarda foydalanish kuchayib borayotganini inobatga olib, O'zbekiston hududida buzg'unchi g'oyalarning tarqalishiga yo'l qo'ymaslik uchun diniy mazmundagi bosma, audio va video mahsulotlarni ekspertizadan o'tkazish dolzarb bo'lib qolmoqda.

To'rtinchidan, Diniy qarash va ta'limotlarning turlicha talqin qilinishiga yo'l qo'ymaslik maqsadida "noqonuniy diniy faoliyat" bilan "qonuniy diniy faoliyat" o'rtasidagi chegara aniq belgilab qo'yildi hamda "diniy ta'lim" tushunchasiga huquqiy jihatdan aniqlik kiritildi.

Bugun yurtimizda 130 dan ortiq millat vakillari istiqomat qilib, 16 ta diniy konfessiyaga mansub 2241 ta diniy tashkilot, shu jumladan, Imom Buxoriy xalqaro markazi, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, O'zbekistondagi Islom madaniyati markazi, Imom Buxoriy nomidagi Toshkent islom instituti, Mir Arab Oliy madrasasi, 9 ta o'rta maxsus islom bilim yurti, pravoslav va protestant seminariyalari faoliyat olib bormoqda.

Xulosa va takliflar. Ta'lim muassasalaridagi va, umuman, barcha fuqarolarimizda vijdon erkinligi huquqiga to'g'ri munosabatni shakllantirish hozirgi kunning eng dolzarb

masalalaridan hisoblanadi. Shunga ko'ra mazkur yo'nalishda, bizningcha, quyidagi vazifalarni amalga oshirish talab etiladi:

umumiy o'rta ta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari, oliy o'quv yurtlarida dunyo dinlari tarixi, ularning asl mazmun-mohiyatini o'quvchi-talabalarning yoshi, ko'nikma va istaklariga mos tarzda, mavzularning tadrijiy o'sib borishi, bir-birini takrorlaymaydigan prinsiplar asosida o'qitish [5, 6, 13];

talaba yoshlar bilan muntazam va izchil ravishda dinlarning asl mohiyati haqidagi bilimlarni shakllantirishga yordam beradigan davra suhbatlari, tanlov va viktorinalar o'tkazish [11, 12];

yosh avlodga dinning inson va jamiyat hayotidagi muhim o'rnini, u yoxud bu din vakilining imoni o'zgaralar e'tiqodini hurmat qilish evaziga yanada mustahkamlanishini tushuntirish;

barcha dunyo dinlarining, xususan, islom dinining ezigulikka yo'g'rilgan mohiyatini OAVlarida, internetning

yoshlar ko'proq foydalanadigan saytlarida aniq misollar orqali yoritib borish;

ekstremizm, buzg'unchilik, zo'ravonlik, yovuzlik illatlari dinga mutlaqo yot ekanini asl va ishonarli, sinovdan o'tgan manbalar materiallari asosida aholiga tushuntirish [9, 10, 14];

fuqarolar, ayniqsa, yoshlarda dunyoviy va diniy masalalarni o'zaro ajrata bilish malakasini shakllantirish uchun har ikki bilimning aniq va keng o'zlashtirilishiga erishish.

“Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida”gi qonunning yangi tahriri kelajakda xalqimiz manfaati uchun xizmat qiladi, ya'ni, diniy bag'rikenglik va konfessiyalararo hamjihatlikni mustahkamlashga, dinning asl mohiyatini anglashga, buzg'unchi g'oyalarga qarshi immunitet hosil qilishga, ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlashga munosib hissa qo'shadi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. //www.lex.uz.
2. Fuqaroviy va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro Pakt. //www.lex.uz.
3. “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida”gi Qonun. Xalq so'zi, 2021-yil 5-iyul. № O'RQ-699.
4. Oblomuradova X. N. (2022). Mantiqiy fikrlashning yurist faoliyatidagi ahamiyati. *integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(7), 34-39.
5. Обломуродова Х. (2018). Могущественна страна, имеющее здоровое поколение. *Review of law sciences*, (1), 173-178.
6. Oblomuradova, K. N. (2021). Missionary activity in the context of globalization: ways and means to prevent it. *Theoretical & Applied Science*, (8), 12-16.
7. Naimovna O. K. (2021). Elements Of Missionary Activities Strategy: Mechanisms And Norms Of Their Practical Implementation. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(01), 148-157.
8. Хабиба О. (2020). ПРАВОВАЯ ОСНОВА СВОБОДЫ СОВЕСТИ. *Review of law sciences*, 1(Спецвыпуск), 62-69.
9. Oblomuradova K. N. (2021). Freedom Of Conscience Is The Foundation Of Social Stability. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(01), 140-147.
10. Oblomuradova K. N. (2019). Elements of missionary activities strategy: mechanisms and norms of their practical implementation. *Credo new*, (3), 9-9.
11. Oblomuradova K. N. (2020). Missionary activity: socio-philosophical interpretation. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 143-148.
12. Oblomuradova, X. N. (2018). A state with healthy children is evident to become powerful. *Review of law sciences*, 2(1), 31.
13. Oblomuradova K. N. (2020). Missionary in the form of ideological threats and their form of manifestation. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 115-124.
14. Khalimovich, N. O. (2022). Those who are created for women are the conditions and provide them with work. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 515-517.
15. Khalimovich N. O. (2022). Youth policy in Uzbekistan. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 105-106.



УДК: 373.3.016:74

Назокатхон ТЎЖИБАЕВА,
Тошкент давлат педагогика университети в.б доценти, (PhD)
E-mail: nazokat.tojibaeva.87@inbox.ru

Гулистон давлат университети профессори, п.ф.д Б.Рахимов тақризи асосида

STRATEGIC APPROACHES AND MECHANISMS OF THEIR ORGANIZATION IN THE DEVELOPMENT OF MANAGERIAL SKILLS OF STUDENTS OF HIGHER EDUCATION ORGANIZATIONS

Annotation

The article discusses the development of a seminar-training program for the formation of strategic planning, management and leadership skills of students in higher education institutions, the most effective technologies based on scientific and technological achievements and the preferred and science-based tools of teachers' thought.

Key words: Manager, management, marketing, leader, target needs, team needs, individual needs, financial and human resources, information, Narrow management, Middle management, Lower management

СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ И МЕХАНИЗМЫ И ИХ ОРГАНИЗАЦИИ В РАЗВИТИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ ОРГАНИЗАЦИЙ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация

В статье рассматривается разработка программы семинара-тренинга по формированию навыков стратегического планирования, управления и лидерства у студентов высших учебных заведений, наиболее эффективные технологии, основанные на научно-технических достижениях и наиболее предпочтительные и наукоемкие инструменты преподавателей

Ключевые слова: Менеджер, менеджмент, маркетинг, лидер, целевые потребности, командные потребности, индивидуальные потребности, финансовые и человеческие ресурсы, информация

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МЕНЕЖЕРЛИК КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация

Мақолада педагогнинг олий таълим ташкилотларида талабаларнинг стратегик режалаштириш, замонавий ёндашувлар, менежмент ва лидерлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида семинар-тренинг дастури ишлаб чиқиш, менежмент кўникмасини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш механизмлари фан-техника ютуқларига асосланган энг самарали технологиялар ва ўқитувчилар ўз фаолиятида афзал билган ҳамда илмий асосланган воситалар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Менежер, менежмент, маркетинг, лидер, мақсадли заруриятлар, жамоа заруриятлари, индивидуал заруриятлар, молиявий ва меҳнат ресурслари, ахборот, Top management, Middle management, Lower management

Қириш. Сўнгги вақтларда ғарб мамлакатлари ўртасидаги кучли рақобат оқибатида бошқарув услубида сезиларли ўзгариш содир бўлди. Илгари ўзгарувчан шароитга тезда мослашувчи менежерни муваффақиятли менежер деб ҳисоблаган бўлса, ҳозирда яхши менежер деганда нафақат ўзгарувчан шароитга тезда мослашувчи, балки таълим муассасаси учун инновацияларни киритадиган ва уни эгаллайдиган мутахассис тушунилади. Шу сабабли, менежер олдига қўйилган вазифа дастлаб хоҳишни имкониятга, сўнгга имкониятни ҳақиқатга айлантиришидир.

“Менежер” ва “менежмент” сўзлари ўтган аср бошларидаёқ инглиз тилида муомалада бўлган. 20 асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб эса бошқарувнинг замонавий усуллари ёрдамида аниқ белгиланган вазифани бажарувчи шахсга нисбатан менежер сўзи қўлланила бошланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. А.Д. Держания томонидан талабаларининг ташкилий-менежерлик кўникмалари тадқиқ этилган, у қуйидаги таърифни беради: «Ташкилий-менежерлик кўникмалари ўқув жараёнини таҳлил қилиш, мақсадлар ва уларга эришишнинг муқобил усуллари таърифлаш, оптимал ечимни танлаш бўйича ҳаракатларни бажариш, қабул қилинган қарорни бажариш, жамоадаги муаммони ҳал қилишдан иборатдир».

Тилимизда “менежер”, “менежмент”, “маркетинг”, “лидер” каби тушунчалар тез-тез қўлланилмоқда. Баъзан

ташкилотлар директори ҳақида гапирганда, у яхши менежер дейишади. Бу эса уни эски буйруқбозлик ва бюрократия тизимидаги бошқарув услубидан тубдан фарқ қилувчи замонавий раҳбар эканлигини, ташкилотдаги ишларни ташкиллаштиришда бошқарувнинг замонавий усуллари қўллашнинг афзаллигини англатади.

Қўллаб «менежерлар мактаби» очилаётган, «менежерлар клуби» тузилаётган, «менежерлар семинари» ўтказилаётган бўлса ҳам, инсон онгидаги муассаса менежери ва директори ўртасидаги тафовут тўла шаклланиб улгурмаган.

Менежер ҳар доим ҳам таълим муассасаси раҳбари ёки юқори лавозимдаги шахс бўлиши шарт эмас. Менежерлар бошқарувнинг барча соҳаларида фаолият юритишади, америкаликлар таъбири билан айтганда, менежер бу ташкилотда ўзига бириктирилган маълум миқдордаги педагоглар билан ўзига юкланган топшириқни бажарувчи шахсдир.

Ғарбда менежерларнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

- Top management - бошқарувнинг олий даражаси, масалан, бош директор.
- Middle management - бошқарувнинг ўрта даражаси, масалан, бўлим раҳбари.
- Lower management - бошқарувнинг қуйи даражаси, масалан, кичик бўлим ёки бўлинма раҳбари.

Тадқиқот методологияси. Менежер томонидан амалга оширилган ҳар қандай ҳаракат, қабул қилинган ҳар қандай қарор бошқарув тусига эга бўлган воқеа саналади. Менежернинг фаолиятини эришилган ютуқлар ва кўрсаткичлар билан ўлчаши мумкин. Менежмент фандаги назариядан кўра кўпроқ амалиётга яқинроқ.

Муҳими менежментда - ўз олдига жамоа манфаатларига мос келувчи мақсад қўйиш, яъни management by objectives (мақсадли менежмент). Айнан шу жойда менежер ҳамда эски услубдаги раҳбар ўртасидаги фарқ юзага чиқади. Менежернинг вазифаларидан яна бири бу мавжуд вазиятдан оқилона фойдаланган ҳолда ташкилот рентабеллигини таъминлашдир.

Бошқарувнинг асосий вазифаси—таълим муассасасининг муваффақиятли фаолияти учун шароит яратиш. Педагогик олий таълим муассасаларида талабаларнинг стратегик режалаштириш, менежмент ва лидерлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида тадқиқот ишимиз доирасида семинар тренинг дастури ишлаб чиқилди. Дастур асосида танлаб олинган педагогик олий таълим муассасалари талабалари учун қуйидаги машғулотлар ишлаб чиқилди.

Менежмент тушунчаси тавсифлаш ва талабаларга тушунтириш.

Ҳозирда ташкилот бошқаруви шундай мураккаб ишки, бунга ҳар қиммат ҳам бажара олмайди. Шу туфайли деярли барча йирик фарб компанияларида раҳбарият ишчи гуруҳлари сифатида шакллантирилган ва бир киши бошқарувчи сифатида намоён бўлади. Гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам ушбу раҳбар билан тенг ҳуқуққа эга.

Лойиҳаларни бошқариш - лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган иш тартиблар ва ёндашувлар тизими.

Лойиҳаларни бошқариш - мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, режалаштириш, ташкиллаштириш, рағбатлантириш, назорат жараёнлари ёрдамида қўйилган мақсадга эришиш.

Раҳбарлик - «қонунчилик» ҳарактерига эга бўлган буйруқ, маслаҳат, назорат ва қоидаларни ишлаб чиқиш.

Лойиҳа - вақти чекланган ва мураккаб вазифа. Лойиҳаларнинг ташкилий формаси сифатида «лоийҳавий менежмент» хизмат қилади ва у матрицали кўринишдаги махсус штаб ёки алоҳида структуравий бирлик ёрдамида амалга оширилади.

Дастур - бирор мақсадга қаратилган лойиҳалар ва тадбирлар йиғиндиси.

Бошқарув - буйруқ бериш, идора қилиш ва йўналтириш, яъни ишлаб чиқарилган қоидаларни амалда қўллаш.

Режалаштириш - мақсадга эришишга қаратилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқлаш билан боғлиқ фаолият.

Ташкиллаштириш - ташкилот мақсадини мужассамлаштириш учун топшириқ ва вазифаларни тақсимлаш, система ва унинг элементлари ўртасида боғлиқликни юзага келтириш.

Мувофиқлаштириш - ташкилотдаги бўлимлар, лойиҳалар, йўналишлар ўртасидаги ўзаро муносабатни таъминлаш.

Бошқарувнинг лойиҳавий структураси - аниқ вазифалар мажмуасини бажарилишни таъминловчи структура. Унинг моҳияти шундаки, лойиҳани белгиланган муддатда амалга ошириш учун мавжуд материал, молиявий ва меҳнат ресурслари ёрдамида энг малакали мутахассисларни жалб қилиш.

Ахборот - материал, молиявий ва меҳнат ресурсларига ўхшаган корхонанинг ташқи алоқавий ресурси.

Бўлажак тарбиячи шахсини муваффақиятли касбий шаклланиши, бўлажак раҳбар ва лидер бўлиб

Hozirgi rivojlanayotgan davrda fan va texnika jadal o'sib bormoqda. Har bir sohada yutuqlarga erishilmoqda. Xususan, ilm-fan sohasida katta o'zgarishlar, sezilarli yutuqlarni kuzatish mumkin.. Har bir fanni yangi innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda o'quvchilarga yetkazish bugungi ta'limning asosiy talablaridan biridir. Ushbu maqolada chet tillarini o'rgatishda nutq ko'nikmalarini rivojlantirishning ahamiyati haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: ta'lim jarayoni, gapirish mahorati, nutq qobiliyati, kommunikativ faoliyat, fikr bildirish, interfaol mashqlar.

Introduction. The use of advanced pedagogical technologies, interactive, innovative methods, communicative and informational tools is required in the process of teaching foreign language classes. In our republic, new methods and requirements have been developed in accordance with the recommendations of the European Framework of Reference for Languages (CEFR) for foreign language teaching and assessment of knowledge and skills of foreign language teachers. According to it, textbooks were created for students of general education schools and vocational colleges. In accordance with these requirements, classrooms were equipped with stands and new information and communication techniques. The demand for learning a foreign language is increasing day by day. Foreign language science is divided into four aspects (reading, speaking, listening and speaking), and separate concepts and skills are given for each of them. Educational technologies are effective use of modern information technologies in the educational process. It also provides for increasing the quality and efficiency of education by introducing modern innovative technologies into the educational process. In particular, there are several advantages of using such information and communication technologies in learning a foreign language. The role of modern technology in language learning and teaching is incomparable. An important factor in the use of modern technologies in the educational process is that students know information and communication technologies well and are able to use them. Teaching and learning a foreign language using modern technologies is one of the most fruitful ways.

Literature review. It is the most important issue to bring modern communication technologies into the educational process, to use them purposefully and correctly, to increase the student's interest in a foreign language, and to increase the effectiveness of teaching. Through this, the opportunity to use innovative technologies of education will be created and the demand will increase. Today, there are several different methods of innovative educational technologies. If they use wide and different methods to cover the topic in classes, the effectiveness of the lesson will be high and the increase of students' interest in the lesson will be ensured. It is intended to increase the effectiveness of education by introducing innovations into the educational process and implementing them. The use of various role-playing and action games in the teaching of foreign language classes increases the interest in the lesson and language learning. It helps students to communicate with others by working in pairs or small groups. At a time when the need to learn a foreign language is high, effective use of modern information technologies and innovative educational technologies in the educational process will make this process effective. The effectiveness of innovative educational technologies lies in their correct and effective use in the educational process. The development of speaking skills consists of various sub-competencies. These sub-skills are pronunciation, grammar and vocabulary. The development of speaking skills depends on the correct use of tasks and exercises given in the lesson. Before presenting the necessary tasks and exercises, we briefly explain two terms. The term "task" refers to solving and solving communicative problems

in a situation. Tasks serve as an introduction to independent work and offer different methods of implementation. On the other hand, exercises focus on problems that can be solved through repetition and consolidation.

Research Methodology. Linguistics and situational phenomena are mostly treated separately, which gives the exercises a one-dimensional character. There is no single typology of exercises for speaking skills. Usually presented as communicative exercises in didactic and methodical manuals. A general structure or division is difficult because the requirements for teachers and students are different. Exercise typologies can be created, for example, based on skill levels. Then we have tasks and exercises for variable, different and finally fluency. The results of the typology of exercises, which provide tasks and exercises for the development of monologic and dialogic speech, if it follows from the division of speech into dialogic and monologic speech. In this visualization of the typology of exercises, general information about the stages of speech development is given. Speech cannot be constructed or composed or imitated without prior preparation. Preparatory tasks and exercises for speaking. Such assignments and exercises are imitative in nature and not varied. In addition, they are strictly supervised by the teacher and are only part of reproductive exercises: distinction is made between a) tasks and exercises to improve pronunciation and articulation and b) tasks and exercises to increase vocabulary. a) Improving pronunciation and discriminative listening. There are two types of exercises and assignments. These are: 1. Imitation exercises in which students imitate as much as possible the pronunciation of what they hear. 2. Discriminatory hearing, sounds heard in it and words that sound the same, as well as syntagms and sentences should be marked. The purpose of these exercises is to train the student's ear and get used to the sound of a foreign language. Pronunciation does not have to be perfect, but it should be understandable so that there are no misunderstandings in communication.

1. Pair work in which students create short oral conversations based on a certain pattern. Such dialogues usually consist of two or three sentences, which are repeated over and over again.

2. Chain exercises, association games, picture-guided exercises aimed at word recall speed. These are word exercises that are done under time pressure and are great for revising vocabulary (like packing a suitcase). Speaking is the priority in working with vocabulary and should be given to students only after the written face has strengthened them. Context is also important. All words, sentences, mnemonics must be conveyed in context.

3. Exercises on the use of speeches: The purpose of these exercises is to acquire and strengthen speeches. The focus here is on formulaic expressions such as greetings, thanks and requests, apologies, introducing yourself, etc. First of all, these exercises should be used according to the situation and the target group. Students should have ready phrases for all difficult communication situations. Speeches can only consist of one word and must be typical. The purpose of this article is to describe speaking skills as one of the important skills that help in teaching a foreign language. The main goal is to prove that in order to speak spontaneously and fluently, it is necessary to learn the correct use of the translated language. Speaking is a complex activity that involves psychological and physical processes. To be successful as a teacher, it is necessary to develop language processing processes in students. This first informs the readers about the speech.

Time and space should always be created for speaking in class. A certain order should appear so that students get used to conversations and discussions and accept it as something natural, because the dialogues in the textbook make the conversations seem artificial. Students should not be required to speak without mistakes. As a teacher, one should strive to

speak freely among students without barriers and fear. Therefore, positive comments should always be given and students should be encouraged. Free expression of feedback, receiving it in the translated language, creates real communication in the classroom, improves the relationship between the teacher and the student, and creates a positive work environment. In the development of communication in the classroom, it is necessary to conduct oral tests as often as possible. Vocabulary and grammar do not always need to be checked in writing, rather they should be checked as a conversational task. There is no single typology of exercises for the development of speaking skills. The range of speech tools should be wide and varied, students should always have ready phrases. As a result, with their help, they can find a way even in difficult conversation situations. For advanced groups, it is desirable to perform simulation, developmental exercises as much as possible. Some teachers argue that communicative competence requires more than simple familiarity with grammatical structures because students are familiar with these rules but cannot communicate based on these rules. Thus, communication required pupils/students to perform some language functions in a social setting. In other words, communication skills require more than simple language skills, and it means knowing when and how to say something to someone. Communicative teaching methods in foreign languages All communicative teaching methods used in Uzbekistan today focus on communicative acts and language functions. Communicative acts perform some functions that express the goals of the communicator. That is, language learning for communicative purposes aims to apply the theoretical perspectives of the communicative approach, making communicative competence the ultimate goal of language learning. These methods aim to go beyond simple grammatical possibilities where learners/students not only understand the language but can use it in personal dialogues, thus using the language to achieve a goal. And this is known as communication skills. By encouraging communicative potential, the language level is greatly improved, because the language used for personal purposes is more durable than the language learned in grammar and translation. It emphasizes communication in life situations and is very important in foreign language learning because it defines a number of important principles to improve students' communicative skills: learners/students learn language through communication; correct communication and understanding is the ultimate goal of the audience; fluency is an important aspect of communication.

Analysis and results. Communication combines different language skills; another important principle of this method is that the student is at the center of the learning process and the role of the teacher/speaker is very different from the role in a traditional lesson. In traditional lessons, the teacher has the obligation to control, in communicative lessons he is more of an assistant. While more grammar is taught in the traditional classroom, life situations are created in the communicative classroom; grammar is still important, but in the function of conveying messages. As we can see, regardless of the language being studied, the objectives remain the same; development of communicative competences. There are several communicative activities (games, role plays, teamwork, simulations, problem and task solving, etc.) that give students the opportunity to practice their skills in different contexts and roles, while teachers provide opportunities for pupils/students to use the language in a meaningful way. Language performs a number of social functions. When communication takes place in a social, formal or public setting, the interaction of language factors and social factors makes the organism different from speech. According to him, language behavior changes during conversation based on social relations, that is, when

communicating through speaking or writing. Each communicative act has and exists in certain social groups, according to which speech acts are performed. This means that if we do not act as mentioned above, there will be a gap between the speakers. Today, the reason why we study a foreign language is mainly aimed at acquiring communicative competence, which is developed by teaching and learning the basic skills of the language. "The Common European Framework of Reference for Languages uses the following terms: speaking, reading, listening and writing. Each language level is characterized by communicative and functional examples, depending on the type and level of expressions that students need to master at a certain level. In order to increase these communicative possibilities, it is important to successfully combine all these elements without differentiating each other.

At lower levels, students need to understand short questions, commands based on non-verbal language, and at higher levels, they need to understand a variety of spoken language from different sources: news, magazines, documentaries, films that know how to draw conclusions and pay attention to emotional relationships, dramas. In language

teaching programs, writing is again based on student level. At each writing level, students should be exposed to communicative and functional examples of language. At lower levels, students can reproduce words and complete sentences, label objects, and choose words, while at higher levels, students have to write about real or imaginary topics. They should have the ability to connect sentences, paragraphs and match language. In order for writing to be functional in communication, the teacher must use different strategies and methods. We can use all language skills, critical thinking, and sociolinguistic and cultural competencies to develop creative writing. "In fact, if students have the opportunity to practice at least 24 times, they will achieve 80% proficiency.

Conclusion. As a general conclusion, it can be said that oral communication is the basis of teaching and learning a foreign language. Only solid foundations of speech will help students, better develop their reading and writing skills. To learn how to communicate in a foreign language, a student must express his interests and needs in an authentic interactive context, and first of all he must develop listening skills. It is possible to acquire a second language only when the students use the language to perform any task according to the purpose.

REFERENCES

1. Yoldoshev J. Problems of new pedagogical technologies directions - Public education, 1999.
2. Abdinazarov Sh. Actual issues of education, Karshi, 1991.
3. Zaripov F. Handbook of foreign language teaching methodology, Tashkent, 2002.
4. Hoshimov O', Yakubov I. English language teaching methodology, Tashkent, 2003.
5. Kadirova F. Pedagogical education, Tashkent, 2002.
6. Issues of modern technology of teaching foreign languages. Republic scientific and practical Proceedings of the conference, Tashkent, 2007.
7. History, present and future of learning foreign languages. Regional scientific and practical conferences, Andijan, 2016.
8. Lioshi, Xhevat. Stilistika e gjuhës shqipe dhe pragmatika, botimi dytë. Tiranë, 2001.
9. Shkurtaj Gj. "Etnografia e të Folurit të shqipes", Shblu Tirane,, 2004 (277f)
10. Musai, B., Mjeshtëritë themelore të mësimdhënies, Tiranë, 1997.
11. Trehearne, Miriam P. 2006. Littératie en 1re et 2e année – Répertoire de resources.
12. Stewart Cogswell, Fiona, et Paula Lee, Kristmanson (2007). French is a Life Skill, A Summary of Research, Theories and Practices, Toronto, Ontario, Nelson.
13. Отабоева, М. Р. Chet tilini o'qitishda zamonaviy innovatsion texnologiyalaridan foydalanish va uning samaradorligi / М. Р. Отабоева. - Текст : непосредственный // Молодой ученый. - 2017. - № 4.2 (138.2). - С. 36-37.



Суюнжон ХОЛИКОВ,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
E-mail: suyun.xoliqov@gmail.com

БУХДУ профессори, ф.-м.ф.д., Д. Қ. Дурдиев тақризи асосида

USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ORDINARY DIFFERENTIAL EQUATIONS TO DEVELOP STUDENTS' CONCEPTUAL KNOWLEDGE

Abstract

This article presents a methodology for using algorithms and Case-Study technology in developing students' conceptual knowledge of ordinary differential equations, as well as an analysis of experimental work to determine their effectiveness.

Key words: differential equation, algorithm, case study, criterion.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБЫКНОВЕННЫХ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ

Аннотация

В данной статье представлена методика использования алгоритмов и технологии Case-Study в развитии у учащихся концептуальных знаний об обыкновенных дифференциальных уравнениях, а также анализ экспериментальных работ для определения их эффективности.

Ключевые слова: дифференциальное уравнение, алгоритм, кейс-стади, критерий.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРДАН КОНЦЕПТУАЛ БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Annotatsiya

Ушбу мақолада оддий дифференциал тенгламалардан талабаларнинг концептуал билимларини ривожлантиришда алгоритмлар ва Case-Study технологиясидан фойдаланиш усули, уларнинг самарадорлик даражасини аниқлашга оид тажриба-синов ишларининг таҳлили келтирилган.

Kalit soʻzlar: Дифференциал тенглама, алгоритм, Case-Study, критерий.

Киритиш. Оддий дифференциал тенгламалар математик тушунчалардан бири ҳисобланиб физика, механика, дифференциал геометрия, вариацион ҳисоб, иссиқлик техникаси, электротехника, кимё, биология ва иқтисод каби фанларда кенг қўлланилади. Бу фанларда учрайдиган кўплаб жараёнлар дифференциал тенгламалар ёрдамида тавсифланади. Дифференциал тенгламаларни ўрганиш билан тегишли жараёнлар ҳақида маълумотга, тасаввурга эга бўламиз [1].

Дифференциал тенгламалар, ўрганилаётган жараённинг математик моделидан иборат бўлади. Бу модел қанча мукамал бўлса, дифференциал тенгламаларни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар жараёнларни шунча тўла тавсифлайди. Шунга айтиб ўтиш керакки, табиатда учрайдиган турли жараёнлар оддий ёки хусусий ҳосилаларни дифференциал тенгламалар билан ифодаланиши мумкин. Шу боис талабаларга табиатдаги жараёнларни ифодаладиган дифференциал тенглама тузиш, дифференциал тенгламаларни турларга ажратиш, умумий, хусусий, махсус, классик ечимларини топиш бўйича концептуал билимларини ривожлантириш бир мунча мураккаб ва муҳим бўлган вазифалардан ҳисобланади [3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Дифференциал тенгламаларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, талабаларнинг дифференциал тенгламаларга оид компетентлигини шакллантириш ва дифференциал тенгламаларни амалий тадқиқини ўқитиш методикаси бўйича юртимиз ва хорижда Э.О. Шарипов, А.С. Безручко, Н.В. Сычева, Р.М. Асланов, М. Madalena, А. Saglam, D. Nyland ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Жумладан, Э.О. Шарипов тадқиқотида академик лицейларда дифференциал тенгламаларни шахсга

йўналтирилган таълим технологияси асосида ўқитиш методикаси келтирилган [1].

А.С. Безручконинг тадқиқотида дифференциал тенгламаларга оид мураккаб типик мисолларни аналитик, сонли ва тақрибий ечишда компьютер дастурларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган [2]. Н.В. Сычева тадқиқотида жараён (физикавий, кимёвий, биологик ва иқтисодий)ларга мос дифференциал тенглама тузиш методикасини тадқиқ қилган [3]. Р.М. Асланов бўлажак математика ўқитувчисини тайёрлашда дифференциал тенгламаларнинг ўрнини ўз тадқиқотида очиқ берган [4]. М. Madalena тадқиқотида радиоактив емирилиш, дори воситаларининг сўрилиши, кимёвий реакциялар, жисмларнинг совиш қонуни, электр занжирлари, аҳоли сонининг ўсиши ва касалликнинг тарқалиши каби масалаларни рақамли ва графикли ёндашув билан powersim дастурида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган [5]. Aysegul Saglam тадқиқотида университетнинг биринчи курс математика ва физика йўналишидаги талабаларига электр занжирга доир дифференциал тенгламага олиб келувчи масалаларни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган [6]. D. Nyland тадқиқотида физика йўналишида таҳсил олаётган талабаларга турли физик жараёнларни дифференциал тенгламага келтиришда (previ/post-test) методидан фойдаланган [7].

Юқорида қайд этилган олимларни тадқиқотларида дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг айрим ёндашувлари илгари сурилган бўлса-да, аммо олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитишда талабаларнинг концептуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган изланишлар олиб борилмаган. Шу боис, илгари сурилаётган тадқиқот бугунги кунда таълимнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Олий таълим муассасаларида математика фанларидан таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли маъруза ва амалий машғулотлар ҳисобланади. Оддий дифференциал тенгламалар курсидаги маъруза машғулотларида талабаларнинг концептуал билимларини ривожлантиришда асосан:

-жараёнларга мос дифференциал тенглама тузиш;
-турни таниб олиш (турни эслаб қолиш);
-алмаштиришларни қўллаш;
-маъруза машғулотидаги маълумотлар билан алоқа ўрнатиш каби методик муаммоларни бартараф қилишга эътибор қаратдик.

Физик жараёнларнинг дифференциал тенгламасини тузиш алгоритми 1-расмда келтирилган.

1-расм.



Талабалар алгоритмдан мустақил равишда фойдалана олишлари учун ҳосиланинг физик маъносидан келиб чиқадиган катталиқларни билишлари муҳим

ҳисобланади. Ҳосиланинг физик маъносидан келиб чиқадиган баъзи катталиқларни 1-жадвалда келтириб ўтаемиз.

1-жадвал.

№	Физик катталиқ номи	Белгиланиши	Мустақил ўзгаришчи бўйича олинган биринчи тартибли ҳосиласи	Ҳосил натижасида олинган физик катталиқ номи
1	Масофа	$x = x(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{dx}{dt} = \dot{x} = v$	v — Тезлик
2	Тезлик	$v = v(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{dv}{dt} = \dot{v} = a$	a — Тезланиш
3	Импульс	$p = p(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{dp}{dt} = \dot{p} = F$	F — Куч
4	Механик иш	$A = A(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{dA}{dt} = \dot{A} = N$	N — Қувват
5	Бурчлиш бурчаги	$\varphi = \varphi(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{d\varphi}{dt} = \dot{\varphi} = \omega$	ω — Бурчкли тезлик
6	Бурчкли тезлик	$\omega = \omega(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{d\omega}{dt} = \dot{\omega} = \varepsilon$	ε — Бурчкли тезланиш
7	Импульс моменти	$L = L(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{dL}{dt} = \dot{L} = M$	M — Куч моменти
8	Песиклик микдори	$Q = Q(T)$ (T — ҳарорат)	$\frac{dQ}{dT} = \dot{Q} = C$	C — Песиклик снгими
9	Газларда иш	$A = A(V),$ (V — ҳажм)	$\frac{dA}{dV} = \dot{A} = -P$	P — Газнинг босими
10	Заряд	$q = q(t), (t - \text{вақт})$	$\frac{dq}{dt} = \dot{q} = I$	I — Ток кучи
11	Заряд	$q = q(l)$ (l — узунлик)	$\frac{dq}{dl} = \dot{q} = \tau$	τ — Заряднинг чизикли зичлиги
12	Заряд	$q = q(S), (S - \text{сирт})$	$\frac{dq}{dS} = \dot{q} = \sigma$	σ — Заряднинг сирт зичлиги
13	Заряд	$q = q(V)$ (V — ҳажм)	$\frac{dq}{dV} = \dot{q} = \rho$	ρ — Заряднинг ҳажмий зичлиги
14	Потенциал	$\varphi = \varphi(r)$ (r — масофа)	$\frac{d\varphi}{dr} = \dot{\varphi} = E$	E — Майдон кучланганлиги
15	Магнит оқими	$\Phi = \Phi(t)$ (t — вақт)	$-\frac{d\Phi}{dt} = -\dot{\Phi} = \varepsilon$	ε — Индукцион эюк
16	Магнит оқими	$\Phi = \Phi(S)$ (S — сирт)	$\frac{d\Phi}{dS} = \dot{\Phi} = B$	B — Магнит майдон индукцияси

Масала. Локомотив йўлнинг горизонтал қисми бўйлаб 72 км/соат тезликда ҳаракатланади. Агар тормоз бошлангандан кейин ҳаракатга қаршилик унинг оғирлигининг 0,2 қисмига тенг бўлса, ушбу масалага мос дифференциал тенглама тузинг.

Ечиш. Масала шартининг моҳияти ҳаракатни ифодалайди. Блок ичидаги шартни текшириш ҳолатига кўра ҳа қисми бўйича кетма-кетлик давом эттирилади. 1. Вақт ўтиши билан қаршилик кучи таъсирида локомотив тезлиги пасаяди, бу жараён Ньютоннинг иккинчи қонуни $F = ma$ билан тартибга солинади.

2. Вақт t ни мустақил ўзгарувчи сифатида олайлик.

3.

Олинган тенглик иккита ўзгарувчан миқдорни ўз ичига олди: F ва a


а) Шартга кўра, тормоз бошланганидан кейин ҳара катга қаршилик кучи локомотив оғирлигининг 0,2 қисмига тенг бўлганлиги сабабли, у ҳолда $F = -0,2p$, бу ерда p - локомотивнинг оғирлиги $p = mg$ формула билан ифодаланади, g - эркин тушиш тезланиши.

б) тезланиш a қиймати ҳосиланинг физик маъносига кўра $a = \frac{dv}{dt}$ кўринишда ифодаланади.

4. Биз қуйидаги дифференциал тенгламага эга бўламиз.

$$-0,2mg = m \frac{dv}{dt}$$


Турни таниб олиш (турни эслаб қолиш) алгоритми 2-расмда келтирилган. 2-расм.



Дифференциал тенгламалар мавзуларини ўқитишда алмаштиришларни қўллаш методик муаммоси кўплаб мавзуларида учраб туради. Ушбу методик муаммони бартараф қилишда Case-Study технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз. Намуна сифатида Биринчи 3-расм.

тартибли чизиқли дифференциал тенгламаларни ўқитишда қуйидаги сасени тавсия этамиз.

Case: расмдаги тенламаларни ечишда марказдаги дифференциал тенгламадан фойдаланинг.



Маъруза машғулотидаги маълумотлар билан алоқа ўрнатиш муаммоси математика фанларини ўқитишда бошқа фанларга нисбатан бир мунча кўпроқ кузатилади. Математика фанларини жумладан дифференциал тенгламаларни ўқитишда ушбу ҳолатга Case-Study технологияси орқали ёндашамиз. Алоқа ўрнатиш

Саселари маруза машғулотида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, мақсади талабалар олдин ўтилган мавзулар ва ҳозир ўтиляётган мавзу билан алоқа ўрнатиши кўзда тутилган. Қуйидаги 2-жадвалда интегралловчи кўпайтувчини топиш мавзусида қўлланилган алоқа ўрнатиш сасидан намуна келтирамиз.

Case: Маълумотни текширинг?

2-жадвал.

$y' + p(x)y = q(x)$ дифференциал тенгламани $\mu = \mu(y)$ функцияга кўпайтириш билан тўлиқ дифференциалли тенгламага келириш мумкин.	
case бўйича савол-вазифа: 1. Дифференциал тенгламани таянч билимларга асосланиб ечинг. 2. Дифференциал тенгламани янги билимлар орқали ечинг.	

Таҳлил ва натижалар. Олий таълим муассасаларида дифференциал тенгламаларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг таркибий қисмларидан бири тажриба-синов ишларини ўтказиш орқали намоён бўлади.

Шунинг учун тадқиқот доирасида олий таълим муассасаларида бўлажак математика ўқитувчиларига ўқитиладиган дифференциал тенгламалардан маъруза машғулотларини ўқитиш самарадорлигини оширишда алгоритмлар ҳамда Case-Study технологиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Ушбу ишлаб чиқилган методикани самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишларига Бухоро давлат университетининг 106 нафар талабаси, Навоий давлат

педагогика институтининг 120 нафар талабаси, Чирчиқ давлат педагогика институтининг 103 нафар талабаси жалб этилди. Шундан 150 нафар талаба тажриба гуруҳига, 179 нафари эса назорат гуруҳига ажратилди. Бунда назорат гуруҳига ананавий тартибда маъруза машғулотлари олиб борилган бўлса, тажриба гуруҳига эса маъруза машғулотлари алгоритмлар ва Case-Study технологиясини қўллаш асосида ташкил этилди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг дифференциал тенгламаларга оид билим даражаси оғзаки ва ёзма саволлар ҳамда тестлардан фойдаланиб баҳоланди. Уларнинг олган билим, кўникма, малака ва компетенциялари таҳлил этилиб, умумлаштирилди. Таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

Гуруҳлар	Талабалар сони	Тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг олган баҳолари			
		5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	2 (қониқарсиз)
Тажриба гуруҳи	150	28	90	29	3
Нazorat гуруҳи	179	23	93	53	10

Келтирилган натижаларининг ишончилигини текшириш мақсадида хи квадрат критерияси асосида математик-статистик таҳлил этилди. Таҳлил натижасига кўра, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 9 % га ошганлиги маълум бўлди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳамда олий таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов натижаларига кўра, маъруза

машғулотларида дифференциал тенгламаларга оид теоремаларни исботлашда, дифференциал тенгламаларга оид формулаларни, дифференциал тенгламаларнинг хусусий, умумий, махсус ечимларни топишни ўргатишда Case-Study технологиясидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бунинг натижасида талабалар мисол ва масалаларни ечишда, муаммоли вазиятларга дуч келиш орқали ижодий ёндашишга ҳамда дифференциал тенгламалардан концептуал билимларга эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шарипов Э.О. Академик лицейларда математик анализ асосларини ўқитиш методикаси // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Тошкент, 2019. – 52 б.
2. Безручко А.С. Методика обучения решению дифференциальных уравнений будущих учителей математики, основанная на использовании информационных технологий // Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Москва, 2014. – 231 с.
3. Сычева Н.В. Методика изучения дифференциальных уравнений средствами поисковой деятельности студентами технических направлений подготовки // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Орел, 2013. – 23 с.
4. Асланов Р.М. Методическая система обучения дифференциальным уравнениям в педвузе // Дисс. на соиск. уч. степ. докт. пед. Наук. – М., 1997. – 390 с.
5. Maria Madalena Dullius. Enseñanza y aprendizaje en ecuaciones diferenciales con abordaje gráfico, numérico y analítico // Niversidad de burgos programa internacional de doctorado enseñanza de las ciencias. Departamento de Didácticas Específicas. – Burgos, febrero de 2009. – 514 P.
6. Aysegul Saglam-Arslan. Les Équations Différentielles en Mathématiques et en Physique: Étude des conditions de leur enseignement et caractérisation des rapports personnels des étudiants de première année d'université à cet objet de savoir // THESE Pour obtenir le grade de Docteur de l'université Joseph Fourier Ecole doctorale de Mathématiques et Informatique-Sciences de Technologies de l'Information Présentée et soutenue publiquement par Ayse Saglam Le 29 octobre 2004. – 265 P.
7. Diarmaid Hyland nvestigating students' learning of differential equations in physics Author // Thesis submitted to Dublin City University for the degree of Doctor of Philosophy School of Mathematical Sciences Centre for the Advancement of STEM Teaching and Learning Dublin City University. 2018. – 250 P.



УДК:94.57.

Нодиржон ХОЛМИРЗАЕВ,
ТДТУ Қўқон филиали “Ижтимоий ва аниқ фанлар” кафедраси
мудир, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
nodirjon86.86@mail.ru

Такризи ФарПИ дан Исматило Тухтаровдан оламан. Ф.ф.н. доц

УРБАНИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚИ

Аннотация

Мақолада урбанизация тушунчасининг мазмуни моҳияти, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётга таъсири, олимлар томонидан турлича тадқиқ этилиши, ҳамда фалсафий талқини тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: цивилизация, социо-маданий қиёфа, урбанизация, миллий кадриятлар, шаҳар маданияти, демография.

ПОНЯТИЕ УРБАНИЗАЦИИ И ЕЕ ИССЛЕДОВАНИЕ

Аннотация

В статье рассматривается сущность концепции урбанизации, ее влияние на социальную, экономическую и духовную жизнь, ее различные исследования учеными, ее философская интерпретация.

Ключевые слова: цивилизация, социокультурный образ, урбанизация, национальные ценности, городская культура, демография.

THE CONCEPT OF URBANIZATION AND ITS RESEARCH

Annotation

The article discusses the essence of the concept of urbanization, its impact on social, economic and spiritual life, its various studies by scientists, its philosophical interpretation.

Key words: Civilization, socio-cultural image, urbanization, national values, urban culture, demography.

Кириш. Шаҳарлар ижтимоий фанлар объекти сифатида сифатий ва миқдорий кўрсаткичлар асосида типларга ёки турларга бўлиб ўрганилади. Шаҳарларнинг қайси соҳага ихтисослашганлиги (монофункционал ва полифункционал), яшовчи аҳоли сонига кўра ўзига хос социо-маданий ва демографик хусусиятлари аниқланади. Шунга кўра, уларни индустриал шаҳарлар, транспорт марказлари (портлар, темир йўллари марказлари), илмий шаҳарлар, туристик шаҳарлар, тарихий шаҳарлар, курорт шаҳарлар сифатида ўрганилади.

Адабиётлар таҳлили. Шаҳарлаштириш кўп қиррали жараён бўлгани учун деярли барча ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади. Фалсафа, тарих, маданиятшунослик, сотсиология каби фанлар ушбу жараённи ўз усуллари асосида бевосита ўрганади.

Ҳозирги кунда урбанизацияга кўплаб олимлар ўз таърифларини берган бўлиб, улар урбанизациянинг турларини ҳам белгилаб бердилар. 1960 йилларда шаклланган ички урбанизация назариясининг келиб чиқишида Ю.А. Левада, Л.Б. Коган ва О.Н. Яницкийлар катта роль ўйнадилар [2; 1].

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида Гринин ва Коротаев урбанизация ва давлатчилик эволюцияси ўртасидаги чамбарчас алоқа борлиги тўғрисида сўз юритадилар. А. Кўзиев, А. Мирзааҳмедовларнинг номзодлик диссертацияларида шаҳарлаштиш жараёнининг аҳоли миллий кадриятларига таъсири назарий жиҳатдан ўрганилган.

Мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимларидан К. Махмудов, У. Махкамов, А. Мунавваров, М. Расулова, Э. Юсупов ва бошқалар шаҳарлаштиш жараёнининг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан салбий оқибатларини, маънавият ва миллий кадриятларга таъсирини ўрганишган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мамлакатимизда ҳозирги вақтда урбанизация жараёнлар ҳолати, улар келтириб чиқарган муаммоларни бартараф

этиш усуллари ҳамда бу борадаги таклиф ва тавсиялар анализ, синтез ҳамда таҳлил усулларида фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Мустақиллик йилларида, шунингдек янги тараққиёт даврида мамлакатимизда, қатор соҳаларда ислохотлар амалга оширилди. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар бажарилди. Мамлакатимизда урбанизация тараққиётга эришишини давлатнинг стратегик вазифасига айлантириш борасида кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан барча соҳалардаги муносабатлари янада фаоллашди ва шаффофлашди. Мамлакатимиз дунёга бор бўй басти билан намоён бўла бошлади. Айнан мана шу каби омиллар Ватанимизда шаҳарларга кучли эътибор бошқача даражада урбанизация сиёсатини янада фаоллаштиришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан ҳам урбанизация жараёнлар ривожини масаласини тадқиқ этиш ва унинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш мамлакат тараққиётига эришишнинг муҳим омили саналади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Бугунги кунда мамлакатимизнинг урбанизация даражаси 35,5 фоизни ташкил этади ва ҳозирдан бошлаб зарур чоралар кўрилмаса, ушбу кўрсаткич яқин келажакда пасайиши мумкин [11; 2] – деган эди. Бу соҳага ўз вақтида эътибор қаратилмаса келажакда кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳозирда урбанизация жараёнларини нафақат иқтисодий, балки маданий ҳодиса сифатида ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Дунё тарихининг янги ва энг янги даврида шаҳарлар жамиятдаги ривожланишнинг энг муҳим белгисига айланди.

Аҳоли турмуш тарзининг тараққий эта бориши, у яшаётган жамиятнинг қай даражада маънавий ўсганлиги ва урбанизациялашганлиги билан боғлиқ бўлиб қолди.

Бугун дунёнинг кўплаб давлатлари шаҳарлаштириш муаммосига жиддий қарамоқда. Зеро чекланган ер ва тоза экологик муҳитларни сақлаб қолиш учун бу жуда муҳимдир. Савол туғилади. Урбанизация нима ўзи?

Урбанизация (лотинча урбанус - шаҳарча) - бу шаҳарларнинг ривожланиши, шаҳар маданияти ва “шаҳар муносабатлари”нинг жамият тараққиётидаги роли, шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпайиши ва шаҳарлар ташқарисидagi шаҳарларда шаклланган юқори маданият.

Ўзбекистон Республикасининг янги шаҳарсозлик кодексига кўра урбанизация - аҳолининг ижтимоий-қасбий ва демографик тузилишида ижобий ўзгаришларга, унинг турмуш тарзи ҳамда маданияти сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига кўмаклашувчи, жамият ва иқтисодий ривожлантиришда шаҳарларнинг родини ошириш, шунингдек шаҳар инфратузилмасини шакллантириш жараёни. Урбанизация, қоида тариқасида, шаҳар атрофини шаҳар худудида киритиш, бир нечта аҳоли пунктларини ягона маконга бирлаштириш билан бирга олиб борилади. [10; 2]

Урбанизация - давлатдаги ҳақиқий сиёсий институтлар, кўплаб сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ жараён. Инглиз олими Р. Адамс давлатнинг ажралмас хусусияти сифатида шаҳарларнинг мавжудлигини билади.[1; 15] Демак шаҳарлар давлатларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди. Урбанизация цивилизациянинг муҳим белгиси ҳисобланади. Шундай экан шаҳарлар тараққиёти давлатлар тараққиётини таъминлайди.

Ҳозирги кунда урбанизацияга кўплаб олимлар ўз таърифларини берган бўлиб, улар урбанизациянинг турларини ҳам белгилаб бердилар. 1960 йилларда шаклланган ички урбанизация назариясининг келиб чиқишида Ю.А. Левада, Л.Б. Коган ва О.Н. Яницкийлар катта роль ўйнадилар [2; 2].

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида Гринин ва Коротаев урбанизация ва давлатчилик эволюцияси ўртасидаги чамбарчас алоқа борлиги тўғрисида сўз юритадилар.[6;] Юқоридаги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича урбанизация давлатнинг ўз фуқаролари ва жамият тараққиётини таъминлашида катта аҳамиятга эга.

А.П. Евгеньев таърири остидаги рус тили луғатида урбанизацияга иқтисодий ва маданий ҳаётнинг шаҳар марказларида тўпланишида, ўта йирик шаҳарларнинг пайдо бўлишида ва бошқаларда ифодаланган шаҳарларнинг мамлакат ҳаётидаги родини ошириш жараёни[7;] - дея таъриф берилади.

Шаҳарларнинг соcio-маданий қиёфаси ва урбанизация жараёни икки томонлама ўзаро таъсирга эга бўлган жуфтлик саналади. Шаҳар ва шаҳар ҳаёти муаммолари соcioлогия фани доирасида кўплаб таниқли олимлар томонидан ўрганилган. М. Вебер, Э. Дюркгейм, Э. Гидденс[5; 63], Г. Зиммел, Ж. Виртлар шулар жумласидан. Г. Зиммел шаҳар ҳаётининг маънавий жабхалари тўғрисида ҳам иш олиб борган.

Замонавий соcioлогик билим доирасида ҳам қатор олимлар томонидан мазкур муаммо турли ёндашувлар ва жиҳатлар нуктаи назаридан тадқиқ этилган. Улар орасида шаҳарларнинг ривожланишини ва аҳолининг турмуш тарзини мазкур худудларнинг социал-иқтисодий моҳияти ҳамда маданий потенциали орқали ўрганган ёндашув қизиқроқдир. Бу йўналишда Д.А. Хикс, Д.Х. Гарсия каби олимлар изланишлар олиб боришган.

Бугунги кунда чет эл соcioлогиясида урбанизация жараёни ва социал эволюцияни бир-бирига таққослаб, шаҳарлаштириш социал эволюцияга боғлиқ бўлган даврий жараён сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Мазкур

йўналиш тарафдорлари Ж.В. Биверсток, Р.Г. Смит, Р.Б. Коен, Дж. Фридманлар ўзларининг ишлари билан кўпчиликнинг назарига тушган.

XIX-XX асрлардаги чет эл олимларининг тадқиқот ишларида урбанизациянинг асосий омилари ҳисобланган аҳолининг миграция, ижтимоий мослашув, шахснинг шаҳар муҳитида ўзини тутиши, этник гуруҳларнинг ҳаёти ва шаҳарлаштириш жараёнлари ўз аксини топган. Бунга Чикаго мактаби вакиллари Э. Берджесс, Ф. Знанеский, Л. Вирт, Р. Парк, У. Томас мисол бўлади. Уларнинг давомчилари В. Файри ва А. Хоули ўз диққатларини шаҳарлаштириш шароитида маданият, қадриятлар ва соcioмаданий институтлар масалаларига қаратишган.

Д.Н. Ушакова таърири остидаги рус тилининг изохли луғатида урбанизация тушунчаси капиталистик тузумга хос бўлган йирик шаҳар марказларида иқтисодий ва маданий ҳаётнинг концентрацияси [8;] - дея эътироф этилади.

Ушакованинг фикрича шаҳар марказларида иқтисодий ва маданий ҳаёт концентрацияси юз беради яъни жамланади ва асосий кучга айланади.

Илмий адабиётларда асосан йирик саноат шаҳарларининг ривожланишига катта урғу берилган ва ўрганилган. Бунда уларнинг хом-ашё, энергия ресурслари, транспорт магистраллари, йирик марказларга нисбатан иқтисодий-географик жойлашувига асосий урғу берилган. Чунки айнан улар шаҳарларнинг асосий ва муҳим хусусиятларини белгилаб беради.

Шаҳар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш бўйича етарлича тажриба тўпланган. Аммо кичик шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилиб берувчи маданий мероси, қадриятлари хали ва бугунги кун ҳолати тўлақонли таҳлил қилиб ўрганилмаган. Ушбу критерийни шаҳарларнинг типологияси учун асос сифатида ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ ва фандаги бир янгилик бўлади.

Аҳолининг соcioмаданий жиҳатдан ривожланиши кўп қиррали жараён бўлгани учун деярли барча ижтимоий фанлар нуктаи назаридан тадқиқ қилинади. Фалсафа, тарих, маданиятшунослик, соcioлогия каби фанлар ушбу жараённи ўз усуллари асосида бевосита ўрганади.

А. Кўзиев, А. Мирзаахмедовларнинг номзодлик диссертацияларида шаҳарлаштириш жараёнининг аҳоли миллий қадриятларига таъсири назарий жиҳатдан ўрганилган.

Мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимларидан Л.И. Маслякова, Х. Исмоилов, М. Иномова, М.М. Маматова, К. Махмудов, У. Махкамов, А. Мунавваров, М. Расулова, Э. Юсупов ва бошқалар шаҳарлаштириш жараёнинг маънавий ва ахлокий жиҳатдан салбий оқибатларини, маънавият ва миллий қадриятларга таъсирини ўрганишган. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши ҳамда уларда яшовчи аҳолининг иқтисодий, психологик ва соcio-маданий қиёфасини ўрганишга доир қатор изланишлар олиб борилди.

Таъкидлаш жоиз урбанизация тушунчасини ўрганишда турлича фикрлар мавжуд. Ушбу тушунчани бугунги кунда 14 фан ва унинг тармоқлари тадқиқ этадилар. Унга ҳар бир олим ўз дунёқариши, макон ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб таъриф берган. Фикримизча урбанизацияга қуйидагича таъриф бериш ўринлиди:

Урбанизация (французча. urbanisation, ингилизча urbanization, лотинча. urbanus - шаҳарга мансуб, urbs - шаҳар) - жамият ҳаётида шаҳарлар родини ортиб бориши; ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви, аҳолининг ижтимоий, демографик таркиби, турмуш тарзи ва маданиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Урбанизация - тарихий ривожланиш асосида шаклланган

жамият босқичлари ва ҳудудий меҳнат тақсимоли натижасида содир бўлган кўп қиррали географик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнлар [9].

Хулосалар. Урбанизация мазмуни сифатида шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган мураккаб ва хилма-хил жараёнлар акс эттирилади. Бироқ, илмий фойдаланишда кенг тарқалган бу тушунча ҳали аниқ таърифга эга деб бўлмайди. Урбанизация мазмунан тўғридан-тўғри шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнлари билан ҳам, шаҳарларнинг шаклланишига ҳамроҳ бўлган ёки билвосита боғлиқ бўлган жараёнлар билан боғлиқ бўлган турли хил ходисаларни ифодалайди. Сўнгги йилларда урбанизация тўғрисида умумлашма назарий ишлар пайдо бўлди, унда

урбанизация жараёнининг моҳиятини ҳар томонлама шарҳлаб беришга ҳаракат қилинди, унинг белгилари ва намоён бўлиш шакллари аниқланди ва тадқиқотнинг айрим томонлари белгиланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки урбанизация тушунчасига кўп олимлар томонидан ўрганилган ва таърифлар бир-бирига яқин бўлсада турли фикрлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бу эса урбанизация тушунчаси учун ягона талаб ва таърифни шакллантириш зарурлиги тасдиқлайди ва унинг моҳиятини тушуниш учун нафақат бу жараён ривожланиб боришини, балки унинг фазовий йўналишини ҳам билиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Adams, R. 1966. The Evolution of Urban Society: Early Mesopotamia and Prehistoric Mexico. Chicago: Aldine
2. [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Урбанизация](https://ru.wikipedia.org/wiki/Урбанизация)
3. <https://kun.uz/news/2018/12/28/prezident-urbanizatsiya-darajasini-60-foizga-yetkazish-boyicha-topshiriq-berdi>
4. Байджанов И., Самандаров М. МУЛОҲАЗА: иқтисодий урбанизация. Ўқув қўланма Т – 2017 – Б. 25.
5. Гидденс Э. Социология. –Тошкент: Шарқ. 2002. – Б. 63.
6. Коротаев А.В., Гринин Л. Е., Урбанизация и политическое развитие Мир-Системы: сравнительный количественный анализ // История и математика.2007
7. Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Ин-т лингвистич. исследований; Под ред. А. П. Евгеньевой. — 4-е изд., стер. — М.: Рус. яз.; Полиграфресурсы, 1999;
8. «Толковый словарь русского языка» под редакцией Д. Н. Ушакова (1935-1940);
9. Урбанизация; <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/urbanizatsiya-uz/>
10. Шаҳарсозлик кодекси
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь



Шарофиддин ҲАСАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ташқиқот-таълим кафедраси доцент в.б., ф.ф.б.ф.д., (PhD)

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD) А.А.Бабаев тақризи асосида

КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақола интернет орқали содир этиладиган барча турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Киберхуқуқбузарликлар профилактикаси, кибержиноятчилик, ўғирлик, фирибгарлик, тухмат, ҳақорат, аҳборот тизимлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, детерминация

ПРОБЛЕМЫ УСТАНОВЛЕНИЯ ПРИЧИН И ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕР ОБЕСПЕЧЕНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ И СОВЕРШЕНИЯ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация

В данной статье проанализированы аспекты проблемы установления причин и осуществления профилактических мер обеспечения кибербезопасности и совершения киберпреступлений совершаемых посредством сети Интернет и разработка мер по их устранению.

Ключевые слова: Профилактика киберправонарушений, киберпреступность, кража, мошенничество, клевета, оскорбление, информационные системы, нормативно-правовые документы, определение

PROBLEMS OF ESTABLISHING THE CAUSES AND IMPLEMENTATION OF PREVENTIVE MEASURES TO ENSURE CYBERSECURITY AND CYBERCRIME

Annotation

This article analyzes aspects of the problem of establishing the causes and implementation of preventive measures to ensure cybersecurity and the commission of cybercrimes committed via the Internet and the development of measures to eliminate them.

Key words: Cybercrime prevention, cybercrime, theft, fraud, slander, insult, information systems, regulatory documents, definition

Кириш. Жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч, хотиржам ва жиноятлардан холи бўлиб яшашни ҳоҳлайди. Тинчлик ва барқарорлик бўлган жойда олдинга интилиш ва ривожланиш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев – Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз”. [1] - деб таъкидлаб, мазкур йўналишдаги вазифалар нақадар долзарблигини кўрсатиб берди.

Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишини барвақт олдини олиш ҳамда жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган.

Кейинги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилиб жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ тартибот органларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканлиги белгилаб берилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон Қонуни ушбу

йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қонун ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабабларни ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган шароитларни аниқлашга, уларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга қаратилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикани ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳам иштирок этишлари назарда тутилган. Ушбу институтлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга қўмаклашиш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Мухтарам Президентимиз томонидан 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар ҳафтанинг пайшанба куни – “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” деб эълон қилинди. Шу асосда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” тадбирини самарали ва натижалли ташкил этилишида жамоатчилик вакиллари ва барча мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилиши тўғрисида 2017 йил 14 март куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2833-сонли қарор қабул қилинди.

Ҳуқуқбузарликларни барқарорлаштириш, унинг динамикасини пасайтириш, фуқароларда ҳуқуқбузарликка

нисбатан мурасизлик ҳиссини кучайтириш ушбу йўналишдаги вазифаларнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш кўрсаткичларини минималлаштириш, ваколатли органларнинг бу борадаги фаолият самарадорлигини янада ошириш муоммолари кўп жиҳатдан таҳлил этилаётган соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий-методик таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, рақамли маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ хавфларнинг ортиб бориши, давлат ва жамият манфаатлари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига таҳдид солиши – глобал рақамли бошқарув учун янги муаммоларни келтириб чиқараётганлиги сабабли жорий йилнинг 15 март куни “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун президент томонидан имзоланди.[2]

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарадорлигини ошириш, биргина чора-тадбирларни амалга ошириш билан эмас, балки ушбу тадбирларни манзилли йўналтириш ва ҳудудлардаги жиноятчилик ҳамда айрим хусусиятларини инобатга олган ҳолда бир сўз билан айтганда “таҳлилий диагноз” асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Бинобарин, бугунги кунда янги турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳисобланадиган “Интернет тармоқларидан фойдаланиб” содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда кибержиноятчиликнинг тобора хавфли тусиб олиб, кунига 200 мингдан ортиқ содир этилаётганлиги, мазкур жиноятлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин мулкӣ зарар етказилаётганлиги, Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотларда, Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар ҳар ойда 10-15% га ортиб бораётганлиги, ҳалқаро микёсда ушбу жиноятларга қарши курашишнинг долзарблигидан далолат беради. Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг шахс ва жамият учун кўп сиқдорда моддий зарар етказиши билан бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқланади. Киберхавфсизлик – ахборотни егаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермақонда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси[3].

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда Интернет тармоқларидан фойдаланиб асосан “ўғирлик”, “фирибгарлик”, “туҳмат”, “ҳақорат” каби ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кузатилмоқда.

Айрим ривожланган мамлакатларда эса, “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш”, “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”, “Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш”, “Урушни тарғиб қилиш”, “Фарзандликка олиш сирини ошқор қилиш”, “Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”, “Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш” ва бошқа шунга ўхшаш жиноятларнинг ҳам Интернет тармоғи орқали содир этилаётганлиги аниқланган. Кибержиноятчилик

тушунчаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўплаб турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган. Виртуал тармоқда даҳшат солиш, вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), ҳакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ҳамда бошқа турли ҳуқуқбузарликлар шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларда жиноятчилар ўзларини кизиктирган “объектлар”га моддий ва маънавий зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Кибержиноятчилик ва уни содир этувчи кимсалар доираси эса йилдан йилга кенгайиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди[4].

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар тизими сифатида ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати, меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари кўрсатиб ўтилган бўлсада Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишда улар ўзлари ваколатларидан келиб чиқиб ёндошишлари талаб этилади. Ушбу субъектларнинг айримлари ахборот тўплаш ва тегишли органга тақдим этиш билан амалга оширса, айримлари эса тўғридан тўғри Интернет орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширади.

Аммо, ушбу субъектлар доирасида ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги органлари алоҳида маъсулиятли вазифаларга эга.

Шунингдек, Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши кураш жараёнида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳам фаолияти муҳим касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3549-сонли Қарори билан тасдиқланган йўл харитасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини такомиллаштириш соҳасида мазкур вазирлиқнинг зиммасига юклатилган вазифалари Интернет тармоғлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган, жумладан:

1) Электрон ҳукумат маълумотларини Идоралараро тармоқ бўйича ўтказишда электрон ҳамкорликни амалга ошириш чоғида ахборот хавфсизлигини ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш чораларини қуйидаги йўллар орқали янада такомиллаштириш:

2) Ахборот хавфсизлигига таҳдидларни мониторинг қилиш самарадорлиги оширилишини назарда тутувчи оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази фаолиятини янада такомиллаштириш.

3) Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш:

Бундан ташқари, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланиб, қўйидагилар органнинг киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатлари жумласига киритилган:

киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларда ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги бошқа масалалар бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқиш;

киберхавфсизликни таъминлашга доир ишларни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхужумларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир ишларни ташкил этиш;

ахборотлаштириш объектларини ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқишга, ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга доир фаолиятни лицензиялаш;

ахборот тизимларидан ҳамда ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қўриш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига бўлган киберхужумларга уринишларнинг олдини олишга доир режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бевосита амалга ошириш;

киберхавфсизлик бўлинмаларининг, мустақил экспертлар хизматлари ва гуруҳларининг фаолиятини тартибга солиш, кибертаҳдидларга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ва муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларини муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик ҳодисаларини биргаликда текширишга жалб этиш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш воситаларини жорий этишга доир ишларни ташкил қилиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар қўриш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидаги мавжуд заифликлар ва эҳтимолдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлашга, тўплашга ва таҳлил қилишга доир ишларни ташкил этиш;

киберхавфсизлик субъектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш[5].

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш чоғида қўйидаги;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар қўриш учун мўлжалланган техник, дастурий ва аппарат-дастурий воситаларни ижарага олиш;

киберхужумларга барҳам бериш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш учун техник қурилмалар ва хизматлардан текин фойдаланиш;

киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ишчи органини ташкил этиш, шунингдек ўз ваколатларининг бир қисmini унга ўтказиш;

киберхавфсизлик субъектларига киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ҳамда кўрсатмалар киритиш каби ҳуқуқларга эга.

Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш асосий сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлари сифатида биринчидан, шахсларнинг молиявий ёки юридик шахсларнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари маълумотларини масофавий узатиш учун сирларини ошкор қилиниши; иккинчидан, Интернет тармоғи орқали ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ва бу соҳа вакиллари ёки Интернет тармоғи билан ишлайдиган хусусий ташкилотларнинг рўйхати асосида уларни фаолиятини назорат қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги; учинчидан, дастурий таъминотни ҳимоя қилиш даражасининг пастлиги; тўртинчидан, ишчи станция ва унинг дастурий таъминотидан қонунга хилоф равишда фойдаланишдан ҳимоя қилувчи пароллар тизимининг мукамал эмаслиги; бешинчидан, айрим ташкилотларда махфийлик режими ва хавфсизлик чоралари етарли даражада қўрилмаганлиги; олтинчидан, фуқароларнинг ўзларига тааллуқли банк ва бошқа молиявий сирларини белгиловчи кодлар, рақамлар (пластик карта рақамлари)ни ўзлари танимаган шахсларга тезроқ фойда қўриш ёки олди-сотти билан боғлиқ ишларини тезроқ битириш мақсадида тақдим этишларидир.

Ҳозирги кунда банк пластик карталаридаги пуллари номаълум шахслар томонидан ғайриқонуний равишда қўлга киритишда фойдаланган Интернет фирибгарлик ва Интернет ўғрилиқ жиноятлари асосий мавзулардан бирига айланиб бориб жамиятга жуда катта хавф келтириб чиқариб турли хил усулларда содир этилаётганлигини кузатиш мумкин;

Хусусан, электрон тижорат сайтлари ва телеграм каналларида маҳсулотларни онлайн олди-сотти муносабатлари орқали;

-ижтимоий тармоқларда турли хилдаги ютуқли ўйинлар, акциялар ва электрон савдоларни амалга ошириш (ўтказилиши) орқали;

-хайрия мақсадлари никоби остида Интернет ижтимоий тармоқ саҳифаларида очилган турли қўринишдаги сохта беъморлар учун фуқароларнинг банк пластик карталаридан ўз ҳисоб рақамларига пул ўтказиш орқали;

-фуқароларнинг банк пластик карта рақами реквизитлари, амал қилиш муддати ва бошқа шахсий маълумотларини яширин йўллар билан қўлга киритиш орқали содир этилмоқда.

Энди бевосита мазкур турдаги жиноят содир этилишига олиб келган детерминатларни ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Криминологияда жиноятнинг детерминатлари (лотинча *determinare*–“аниқлаш”)[6] криминоген вазиятга таъсир этувчи омилларни билдириб жиноятчиликнинг моҳияти ва қонуниятлари унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўрганиш орқали очиб берилади. “Детерминация”, яъни воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни билдирувчи алоқа ҳақидаги назариядан фойдаланилади. Диалектик детерминизм табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар, жумладан кишиларнинг ирода ва ҳуқуқларининг умумий объектив қонунияти борлиги ва улар бир-бирига боғлиқ

бўлиб, бир-бирини тақозо этишини эътироф этувчи назариядир.

Детерминантлар албатта жамият ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, шу жараёнда шаклланади. Яъни, бунда шахслардаги эҳтиёжларнинг ошиб бориши, инсонларда техника воситаларига бўлган талабнинг кучайиши ва бошқалар. Бу ҳолатлар эса ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтиради. Бинобарин, энг аввало Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш муҳим жиҳатлардан биридир.

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирги кунда уяли алоқа воситаларисиз ҳаётни тасаввур қилиш албатта қийин бўлиб қолди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда фуқароларни замонавий шароитларда яшашга интилишлари шунингдек, автотранспорт воситалари, уй-жой, қимматбаҳо кийимлар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжларнинг кучайганлиги ҳам бу каби янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Чунки, айрим шахсларнинг енгил даромад олишга бўлган ҳулки, бефарқ ва ишонувчанлиги, шунингдек, Интернетдан фойдаланиб жиноят содир этилганда жиноятчини жабрланувчидан узоқлиги, жиноятни ўз вақтида тўхтатишни имкон даражаси пастлиги, жиноятчини Интернет тармоғидан фойдаланиб ҳуқуқбузарлик содир этганида “ҳеч ким билмайди” ёки “осонроқ” деб ўйлаб унда озодлик хиссини юзага келтириши натижасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг салмоғини “фирибгарлик” жиноятлари ташкил этаётганлигини инобатга олган ҳолда уларнинг олдини олишнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Аммо, бу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг айбдорлик даажасини ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. https://parliament.gov.uz/uz/events/other/19088/?sphrase_id=8009224
2. <https://kun.uz/news/2022/04/18/kiberxavfsizlik-togrisidagi-qonun-dxxga-qanday-yangi-vakolatlar-berildi>
3. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
4. Ахборот технологиялари соҳасида, шу жумладан интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни аниқлаш, барвақт олдини олиш ва тергов қилиш методологияси//Ўз.Рес.ИИВ Академияси//муаллифлар жамоаси//Тошкент-2022 й// 8-бет
5. <https://lex.uz/docs/5623688>
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%>



Nigora CHORIYEVA,
Termiz davlat Pedagogika instituti magistranti
Email:choriyevanigora@gmail.com

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) M.A. Norbosheva taqrizi asosida

DEVELOPMENT OF CREATIVE SKILLS IN PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION

Abstract

This article describes the use of technologies for the development of creative abilities in preparing preschoolers for schooling based on foreign experience, as well as the use of effective creative games to form children's creativity.

Key words: Creativity, memory, child, game, psychologist, parents, educator, plot, preschool education, creative thinking, imagination.

РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ НАВЫКОВ В ПОДГОТОВКЕ ДОШКОЛЬНИКОВ К ШКОЛЬНОМУ ОБУЧЕНИЮ

Аннотация

В данной статье рассказывается об использовании технологий развития творческих способностей при подготовке дошкольников к школьному обучению на основе зарубежного опыта, а также об использовании эффективных творческих игр для формирования детского творчества.

Ключевые слова: Творчество, память, ребенок, игра, психолог, родители, воспитатель, сюжет, дошкольное образование, творческое мышление, воображение.

MAKTABGACHA TA'LIM YOSHDAGI BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA TAYYORLASHDA IJODIY QOBILYATLARINI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya

Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda qo'llaniladigan texnologiyalarni xorij tajribasiga asoslangan holda qo'llash, bolalarda ijodkorlik xususiyatlarini shakllantirish uchun samarali ijodiy o'yinlarni qo'llash haqida so'z bordi.

Kalit so'zlar: Ijodiylik, xotira, bola, o'yin, psixolog, ota – ona, tarbiyachi, syujet, maktabgacha ta'lim, ijodiy fikrlash, tasavvur.

Kirish. Mamlakatimizda ta'lim - tarbiya sohasida so'nggi yillarda ko'pgina ishlar amalga oshirilmoqda. Ta'lim sohasida yaratilayotgan imkoniyatlar nihoyatda kengayib davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylanib bormoqda. Maktabgacha ta'lim tizimida ham o'tgan yillar davomida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrda "2017-2021- yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorini aytish mumkin [1]. Maktabgacha ta'limning bosh maqsadi bolalarni maktabdagi o'qishga jarayonlariga tayyorlashdan iborat bo'lib, ularni sog'lom har tomonlama rivojlangan mustaqil shaxs bo'lib shakllanishiga ko'maklashish, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalab barkamol ijodiy fikrlaydigan shaxsni voyaga yetkazishdan iboratdir. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni maktabga tayyorlash jarayoni bu bolalar hayotining barcha sohalarini qamrab oladigan murakkab, ko'p qirrali vazifalardandir. Uni hal qilishda bir qator jihatlarni ajratib ko'rsatish odatiy holdir. Birinchidan, kelajakda muvaffaqiyatli o'quv faoliyatining asosi bo'lgan bolaning shaxsiyati va uning bilim jarayonlarining uzluksiz rivojlanishi, ikkinchidan, boshlang'ich maktabda yozish, o'qish va hisoblash elementlari kabi ko'nikma va qobiliyatlarni o'rgatish zarurati. Maktabga tayyorlik jismoniy, aqliy, ijtimoiy va bolaning sog'lig'iga putur yetkazmasdan maktab o'quv dasturini muvaffaqiyatli o'zlashtirish uchun zarur bo'lgan bolaning rivojlanishi darajasidir. Shuning uchun "o'qishga tayyorlik" tushunchasi quyidagilarni o'z ichiga oladi: Fiziologik tayyorlik – jismoniy rivojlanishning yaxshi darajasi;

Psixologik tayyorlik – bilim jarayonlarining yetarlicha rivojlanishi (diqqat, xotira, fikrlash, idrok, tasavvur, sezgi, nutq), o'rganish;

Ijtimoiy tayyorlik – tengdoshlar va kattalar bilan muloqot qilish qobiliyati.

Maktabga tayyorgarlikning har uch tarkibiy qismi yaqindan o'zaro bog'liq u yoki bu tarzda biron bir tomonning shakllanishidagi kamchiliklar ta'limning muvaffaqiyatiga ta'sir qiladi. Bolalarni maktabga tayyorlash davomida ularda ijodiy qobiliyatlarni ham rivojlantirib borish lozim. Zamonaviy jamiyat o'z kuchini insoniyat manfaati yo'lida yo'naltiradigan ijodiy, oddiy odamlarni talab qiladi. Shu munosabat bilan zamonaviy ta'limning asosiy vazifasi - ijodiy, mustaqil va erkin shaxsni tarbiyalashdir [2].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash hamda bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish bo'yicha tadqiqot ishlari olib borgan olimlarning ishlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak. Bolalarni o'qitish va tarbiyalash fanining yarim asrlik rivojlanishi bilan boyitilgan tajribalariga asoslanib, "oqsoqollar" boshchiligidagi eng yaxshi o'qituvchilar – Grodzenskaya N.L., Rumer M.A., Roshal G.L., Sats N.I. bolalar va yoshlarning ijodiy rivojlanishi tamoyilini nazariy va amaliy jihatdan rivojlantirishni davom ettirdi va davom ettirmoqda. Ijodiy potentsialni rivojlantirish sifatida "tadqiqot o'rganish" ga bag'ishlangan ishlarni biz pedagogika fanlari doktori Savenkov A.I. ning asarlarida uchratamiz, u maktabgacha yoshdagi bolalarni o'rganishni faollashtirish, unga tadqiqotchilik, ijodiy xarakter berish tashabbusini tashkilotdagi bolaning kognitiv faolligiga o'tkazing, chunki bolalar tabiatan tadqiqotchilardir kabi fikrlari mavjud. Aksariyat tadqiqotchilar "ijodkorlik"ni inson imkoniyatlari yoki uning imkoniyatlarini rivojlantirish bosqichi sifatida izohlaydilar (G.S.Altshuller, A.V.Xutorskoy, E.L.Yakovleva, A.I.Savenkov va boshqalar) [3,4,11].

Ijodiy qobiliyat tadqiqotchisi L.B. Ermolaeva-Tominaning ta'kidlashicha, ijodkorlikni bir nechta mezonlarga

ko'ra tasniflash mumkin, ularga ko'ra muallif bir nechta ijod doiralari belgilaydi. Ilgari mavjud bo'lmagan materiyani yangi shakllarini yaratishga taalluqli ijodkorlikning birinchi doirasi (tabiat ijodi, dunyoning yaratilishi); Ijodkorlikning ikkinchi doirasi - mavjudni o'zgartirish, yangilash, o'zgartirish va takomillashtirish (bu inson ijodini o'z ichiga oladi); Ijodkorlikning uchinchi doirasi - "eski"ni yo'q qilish va uning o'rniga yangisini qurish (san'atda yangi yo'nalishlarning paydo bo'lishi, hukmron stereotiplarni yo'q qilishga intilishi). Inson faoliyatini sinchkovlik bilan o'rganish bilan uning barcha harakatlarini ikki turga bo'lish mumkin: reproduktiv (ko'paytirish) va ijodiy. Faoliyatning reproduktiv turi "odam ilgari yaratilgan va ishlab chiqilgan xatti-harakatlar va harakatlar usullarini takrorlaydi yoki takrorlaydi" [4].

K.S. Platonov qobiliyatlarni "shaxs tuzilishining bir qismi bo'lib, u muayyan faoliyat turida amalga oshirilib, ikkinchisining sifatini belgilaydi" deb tushundi. Mashhur psixologning ta'rifiga ko'ra N.S. Leites, qobiliyatlar "faoliyatni amalga oshirish imkoniyati va muvaffaqiyat darajasini belgilaydigan shaxsiy xususiyatlar" dir. Boshqa bir olim L.A.Vengerning fikricha, qobiliyatlar faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan va unda namoyon bo'ladigan psixologik sifatlardir [5].

Tadqiqot metodologiyasi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish bo'yicha mashg'ulotlar bolaning shaxsini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu sohada olimlar va psixologlar tomonidan olib borilgan barcha tadqiqotlar, ijod qobiliyatiga ega bo'lgan bolalarning yanada barqaror ruhga ega ekanligi, ular bilan muloqot qilish va do'stona munosabatda bo'lishlarini isbotlaydi. Kichik yoshda, kompleks rivojlanishga, ya'ni maktabgacha yoshdagi bolalarning adabiy, badiiy va musiqiy qobiliyatlarini rivojlantirishga alohida e'tibor berish tavsiya etiladi [6,8].

Qobiliyatlarni shakllantirish haqida gapirganda, bolalarning ijodiy qobiliyatlarini qaysi yoshda rivojlantirish kerakligi masalasiga to'xtalib o'tish kerak. Psixologlarda ijodiy qobiliyatlarni juda erta yoshdan boshlab rivojlantirish kerak degan faraz mavjud. Bu gipoteza fiziologiyada o'z tasdig'ini topadi. Bolaning miyasi ayniqsa tez o'sadi va hayotining birinchi yillarida "pishadi". Bu kamolot, ya'ni miya hujayralari sonining o'sishi va ular orasidagi anatomik bog'lanishlar mavjud tuzilmalar ishining xilma-xilligi va intensivligiga ham, yangilarining shakllanishiga atrof-muhit tomonidan qanchalik rag'batlantirilishiga bog'liq. Psixologik nuqtai nazardan, maktabgacha yoshdagi bolalik ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish uchun qulay davr hisoblanadi, chunki bu yoshda bolalar o'ta izlanuvchan, ularda atrofda dunyoni o'rganishga intilish katta bo'ladi. Bolalar ijodiy qobiliyatini rivojlantirish uchun asos - bu birinchi navbatda erkinlikdir [7].

Maktabgacha yoshdagi bolalarni umumiy o'rta ta'limga tayyorlashda ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratdik. Yuqorida aytib o'tganimizdek ushbu davr bolalarning ijodiy rivojlanishi uchun qulay davr hisoblanadi. Muassasada o'tkaziladigan mashg'ulotlar davomida har xil o'yinlar o'ynatish, sher yodlatish, jamoaviy ishlash ko'nikmasini hosil qilishga alohida e'tibor qaratildi.

Tahlil va natijalar. Bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning asosiy xususiyatlari quyidagilar hisoblanadi:

- bolaning ijodiyotda turli qirralarini namoyish etishi uchun yo'l ochib berish;
- bolalarda bilishga oid qiziqishlarini rivojlantirishga qaratilgan motivatsion qiziqish tomonlariga e'tibor berish;

- jarayonda bolaning o'zi ham faol ishtirok etadi ya'ni tarbiyalanuvchi tarbiyaning faqat obyektigina emas, balki atrofda voqealarga ta'sir etuvchi subyekt hamdir. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy rivojlanishida ontogeneznning dastlabki bosqichlarida bola grafika faoliyati bolalarning atrofda haqiqatning badiiy mahoratining samarali shakllaridan biri bo'lib, ular ob'ektlar va hodisalarni tasavvur qilishadi. Grafik faoliyat bolaning shaxsiyatini rivojlantirish bosqichlarini aks ettiradi, bu ijodiy rivojlanishning tegishli pedagogik tashkiloti uchun hisobga olinishi kerak [2,8,9].

Bizga ma'lumki maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalar ijodkorligini rivojlantirish bo'yicha turli mashg'ulotlar tashkil qilinib bolalar ijodiy fikrlashga yo'naltiriladi. Ushbu berilgan bilimlar asosida katta maktabgacha yoshdagi bolalar quyidagi ko'nikmalarga ega bo'lishlari lozim. "Ijodkorlik" sohasidagi o'quv-tarbiyaviy faoliyat yakuniga etganidan so'ng 6-7 yoshli bola:

- san'at va madaniyatga qiziqish namoyon qiladi;
- milliy an'analarni qadrlaydi va ularni kundalik hayotning bir qismi sifatida idrok etadi;
- san'atning muayyan turini afzal ko'rishini mustaqil ravishda ifodalaydi;

• olingan bilim va ko'nikmalardan turli hayotiy vaziyatlarda o'z ijodiy rejalarini tuzish va tatbiq qilish uchun foydalanadi;

• insonning dunyoni o'zgartirishdagi yaratuvchanlik rolini tushunadi. Bolaning ijodkorligini nafaqat maxsus darslarda rivojlantirish mumkin. Balki bolalarning tasavvurini rivojlantirish uchun maktabgacha yoshdagi bolalarning asosiy faoliyati bo'lgan o'yin ham katta ahamiyatga ega. O'yin orqali ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish eng yaxshisidir. Aynan o'yinda bola ijodiy faoliyatning birinchi qadamlarini qo'yadi. Kattalar nafaqat bolalar o'yinini tomosha qilishlari, balki uning rivojlanishini boshqarishlari, boyitishlari, o'yinga ijodiy elementlarni kiritishlari kerak. Bundan tashqari, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish uchun bolalar bilan bo'sh vaqtlarida o'ynash mumkin bo'lgan maxsus o'yinlar mavjud [6,8,10].

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytganda hozirgi kunda maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish muammosi eng dolzarb vazifa hisoblanadi, chunki bolaning hayotida ijodiy qobiliyatlarning shakllanishi uning shaxs sifatida kamol topishida alohida ahamiyat kasb etadi. Bola rivojlangani sayin unga atrofda qaratilgan e'tibor qaratishini xohlashadi. Kattalar bolaning o'qishi ilm olishi uchun qulay psixologik muhit yaratib berishlari zarur, yangi bunda ijodiy urinishlarni qo'llab-quvvatlovchi so'zlar va iboralarni topish, bolaga hammadlik va iliqlik bilan do'stona munosabatda bo'lishlari juda muhim.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni umumiy o'rta ta'limga tayyorlashda ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda quyidagi holatlarga alohida e'tibor qaratish lozim.

Bolaning ijodga bo'lgan istagini muloyimlik bilan, mehr bilan va befarqlik bilan qo'llab-quvvatlang.

Muvaffaqiyatsizlikka uchrashga hamdardlik qilish va hech qanday holatda bolaning ijodiy urinishlaridan norozi holatda gapirmasligi kerak.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, maktabgacha ta'lim muassasasida mavjud bo'lgan sharoitda bolalarning ijodiy tasavvurlarini rivojlantirishga qaratilgan maxsus ishlarning barchasini amalga amalga oshirish lozim.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrda "2017-2021- yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori

2. Bekmurodova Y.P., Choriyeva N. R. “maktabgacha yoshdagi bolalarning maktab ta’limiga tayyorlash hamda ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishda xorij tajribalaridan foydalanish”. Talqin va tadqiqotlar ilmiy jurnali . № 4 2022 5-8.
Belova E. S. P.Torrens testidan foydalangan holda maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy salohiyatini aniqlash // Psixologik diagnostika. 2004. No 1. S. 21-40.
3. Vygotskiy L.N. Maktabgacha yoshdagi tasavvur va ijodkorlik. - Sankt-Peterburg: Ittifoq, 1997. 92 str.
4. Kotova E. V., Kuznetsova S., Romanova T. A. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish: Uslubiy qo'llanma. M.: TC Sphere, 2010. - 128 p.
5. Qodirova F.R., Toshpo'latova Sh.Q., Kayumova N.M., A'zamova M.N., Shin A.V., Mirziyoyeva Sh.Sh., Grosheva I.V, “Maktabgacha pedagogika” T. 2019
6. Jalilova S.X., Aripova S.M. “Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi” Toshkent 2017
7. Rajabova M. “Maktabgacha ta’lim yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlari va uni samarali rivojlantirish omillari”. Oriental Journal of Education. 2022: 6.76-81 b
8. Sodiqova Sh.A. Maktabgacha pedagogika. – T.: 2017
9. Venger N.Yu. Ijodkorlikni rivojlantirish yo'li. - maktabgacha ta'lim. -1982 .11. 32-38-betlar.
10. Boy V., V. Nyukalov. Ijodiy fikrlashni rivojlantirish (bolalar bog'chasida TRIZ), 2008. 17-19-betlar



Хабибулло ШАРИПОВ,
Старший преподаватель Термезский государственный университет
E-mail: sharipovhabibullo@com

Доцент ТерГПИ О.Ж.Бегимкулов на основе обзора

РОЛЬ БОРЬБЫ В ДОСТИЖЕНИИ ФИЗИЧЕСКОГО И ДУХОВНОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

Аннотация

В данной статье говорится о роли борьбы в физическом и духовном развитии общества. Общество, которое уделяет внимание спорту, развивается как здоровое общество. Есть все виды спорта, которые служат не только физической подготовке, но и духовному развитию человека. В частности, борьба является защитой национальных ценностей, способствует укреплению чувства национальной гордости, гордости и уверенности в светлом будущем.

Ключевые слова: борьба, спорт, боевое искусство, национальная борьба, спорт, здоровое общество.

ЖАМИЯТНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТГА ЭРИШИШИДА КУРАШНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада жамиятнинг жисмоний ва маънавий камолотга эришишида курашнинг ўрни ҳақида сўз юритилган. Спортга эътибор юксалган жамият соғлом жамият тарзида ривожланади. Спортнинг барча турлари борки, улар шахснинг нафақат жисмоний баркамоллигини, қолаверса маънавий ривожланишига ҳам хизмат қилади. Хусусан, кураш спорти миллий қадриятлар ҳимояси бўлиб, ўзида миллий ғурур, ифтихор ва ёруғ келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Калит сўзлар: кураш, спорт, курашнинг санъати, миллий кураш, спорт тури, соғлом жамият.

THE ROLE OF STRUGGLE IN SOCIETY'S ACHIEVEMENT OF PHYSICAL AND SPIRITUAL DEVELOPMENT

Abstract

This article talks about the role of struggle in the physical and spiritual development of society. A society that pays attention to sports develops as a healthy society. There are all types of sports that serve not only physical fitness, but also spiritual development of a person. In particular, wrestling is a defense of national values and it provides strengthening of feelings of national pride, pride and confidence in a bright future.

Key words: wrestling, sport, martial art, national wrestling, sport, healthy society.

Введение. Популяризация физической культуры и спорта в нашей стране определена как одно из важных направлений социальной политики. Потому что спорт пропагандирует здоровый образ жизни в обществе, укрепляя здоровье населения, воспитывая подрастающее поколение здоровым и всесторонне развитым. Профилактика различных заболеваний и вредных привычек среди молодежи. Спорт играет важную роль в формировании высокой культуры и патриотизма. Достижения в этой области сделают страну известной всему миру и вызовут гордость у всех соотечественников.

Создана непрерывная система отбора талантливых детей и подготовки профессиональных спортсменов. Юноши и девушки, проявившие свои способности при обучении в общеобразовательных школах и детских спортивных комплексах, принимаются в детско-юношеские спортивные школы и спортивные колледжи и воспитываются на основе профессиональных подходов. Повышает квалификацию в высших учебных заведениях и на тренингах. В результате спортсмены нашей страны одержали большие победы на престижных мировых соревнованиях и демонстрируют всему миру потенциал нашего народа.

Борьба – вид спорта, поединок один на один между двумя спортсменами по установленным правилам. Искусство борьбы известно у многих народов с древних времен. Борьба особенно распространена в Греции и заняла постоянное место из древних олимпийских состязаний. Различные формы национальной борьбы существуют в Греции, Италии, Японии, Турции, Иране, Афганистане, России, Узбекистане, Грузии, Армении, Азербайджане, Казахстане и других странах.

Учитывая, что борьба является не только видом спорта, но и важным фактором достижения через нее не только физической и духовной зрелости человека, наши прадеды называли ее школой воспитания.

Борьба как вид спорта известна с древних времен у многих народов и тесно связана с историей человечества. Фигуры борющихся борцов изображены на фигурках, найденных в древней Месопотамии и датированных пятью тысячами лет. Борьба – одна из пяти олимпийских игр Древней Греции.

Издавна узбекский народ воспринимал борьбу как честь, ценность, гордость и славу нации. Наши прошлые поколения всегда были настороже и настороже, думая о своем мире и осмысленной жизни, ведь постоянные войны, грабежи, вторжения, разногласия и соперничество побуждали каждую семью к самозащите. Наряду с духовным воспитанием нравов и нравов в семейном воспитании прививается и физическая сила, ловкость, отвага и отвага.

Общество, которое уделяет внимание спорту, развивается как здоровое общество. Есть все виды спорта, которые служат не только физической подготовке, но и духовному развитию человека. В частности, борьба является защитой национальных ценностей, способствует укреплению чувства национальной гордости, гордости и уверенности в светлом будущем. Искусство борьбы известно у многих народов с древних времен. Этот вид спорта представляет собой матч один на один между двумя спортсменами по установленным правилам[4].

Борьба – это специфический вид спортивного единоборства, победа над соперником достигается с помощью определенного комплекса действий и приемов.

В борьбе все приемы называются и выполняются под семью названиями: подсечка, чил, двойка, груз, плечо, бардор, бок. И они делятся на несколько сотен методов. Чтобы полностью понять технику (приемы) борьбы, уметь выполнять ее в любой ситуации, то есть полностью овладеть ею, надо сначала иметь представление о ее приемах, приеме двух борцов, о том, как приемы выполнены[5].

Методика начальной технико-тактической подготовки единоборцев должна совершенствоваться на основе исследования соревновательной деятельности и мастерства ведущих спортсменов, то есть с соблюдением принципа первичности соревнований и вторичности тренировочного процесса (Демин В.А., 1974; Пилоян Р.А., 1985; Шахмурадов Ю.А., 1997; Юшков О.П., 1994).

В последние годы происходят существенные изменения в содержании соревновательного поединка, регламенте соревнований, изменились представления о методике подготовки высококвалифицированных спортсменов. Так, в современной борьбе сократилось время схватки, процесс единоборства стал проходить активнее и агрессивнее. Это требует от борцов быстрее решения технико-тактических задач и применения эффективных атакующих комбинационных действий. Вместе с тем, наблюдаются и негативные тенденции: сужение соревновательного технического арсенала и обеднение тактики поединков.

Кроме того, по мнению ведущих специалистов, существующая методика обучения все еще недостаточно учитывает требований современной борьбы (Новиков А.А., 2003; Шахмурадов Ю.А., 1997). Это отрицательно сказывается на росте спортивного мастерства борцов и определяет актуальность данного исследования.

Предполагается, что совершенствование методики обучения технике и тактике на основе игрового метода, борьбы «в схватку» и бурятской борьбы «барилдаан», а также вариативного метода с учетом современных требований соревновательной деятельности позволит повысить результативность соревновательных выступлений юных борцов.

Труды в области теории и методики физической культуры и спорта, в том числе по проблемам обучения и совершенствования (Матвеев Л.П., 1976-2005; Платонов В.Н., 1986-2004; Новиков А.А., 1976-2003; Блеер А.Н., Игуменова Л.А., 1999; Калмыков С.В., 1994-2007; Шахмурадов Ю.А., 1997; Семенов А.Г., Прохорова М.В., 2005; Гожин В.В., Малков О.Б., Блеер А.Н., 2005; Шулика Ю.А., 2004, 2006; Гаськов А.В., 1999-2005; Дашиноорбоев В.Д., 1999-2000; Балдаев К.В., 1986; Грузных Г.М., 1987; Туманян Г.С., 2000; и др);

Труды, раскрывающие теоретико-методологические основы совершенствования подготовки спортсменов на основе анализа и синтеза достижений культур Востока и Запада в сфере физического воспитания и спорта (Калмыков С.В., 1989-2007).

1. Анализ соревновательной деятельности показал, что многочисленные изменения правил привели к значительному сокращению технического арсенала борцов. Наиболее часто выполняемыми технико-тактическими действиями являются броски, переводы, сваливания и сбивания, связанные с захватами ног, а также перевороты накатом.

Особенностями соревновательной деятельности современной вольной борьбы являются повышение активности и интенсивности поединков, возрастание роли каждого выигранного балла, повышение требований к надежности технико-тактических действий.

2. На основе выявления особенностей соревновательной деятельности разработана методика технико-тактической подготовки юных борцов. Она включает в себя обучение базовой технике вольной борьбы, применение игрового метода и использование национальных видов борьбы для формирования умений и навыков ведения единоборства, формирование вариативного двигательного навыка и обучение технике высокоамплитудных бросков.

3. В результате исследований установлена достаточно высокая эффективность разработанной методики обучения технике вольной борьбы. Так, юные борцы экспериментальной группы продемонстрировали более разнообразный технический арсенал базовой техники борьбы в условиях соревнований ($P < 0,001$). Кроме того, в этой группе количество баллов, набранных в одной схватке, составило 11,4 балла, а в контрольной - 7,1 балла ($P < 0,001$). При этом качество выигранных баллов в экспериментальной группе значительно выше ($P < 0,05-0,001$).

По данным экспертных оценок, навыки и умения ведения единоборства в экспериментальной группе значительно выше. Борцы экспериментальной группы продемонстрировали более разнообразные варианты выполнения технико-тактических действий, большее количество способов тактической подготовки и завершения атаки.

Выводы. Одним словом, общество с повышенным вниманием к спорту развивается как здоровое общество. Есть все виды спорта, которые служат не только физической подготовке, но и духовному развитию человека. В частности, борьба является защитой национальных ценностей, способствует укреплению чувства национальной гордости, гордости и уверенности в светлом будущем. Искусство борьбы известно у многих народов с древних времен. Этот вид спорта представляет собой матч один на один между двумя спортсменами по установленным правилам.

На тренировках с юными борцами физическая сила Гёроглы, его физические возможности, его качества, его способность выдерживать тяжелые условия, помощь его физической подготовки являются примерами наших национальных ценностей.

Сегодня узбекская борьба прославила мир. Он представил миру узбекский народ. Ряд терминов, используемых в этой национальной игре, на слуху практически в каждом уголке мира. В основе всего этого можно сказать, что восстановление наших национальных ценностей, доставшихся нам от предков, ускорило и по сей день. В то же время узбекская нация, узбекский язык и другие национальные традиции известны и признаются во многих странах мира. Опираясь на лучший опыт международного спортивного движения, физическая культура в Узбекистане поливается духовно-воспитательной культурой, основанной на ценностях, а они, в свою очередь, служат нашим ценностям и духовно-воспитательным процессам.

ЛИТЕРАТУРА

1. Азизов Н.Х. Туркестанская борьба с поясом. - Т.: «Учитель», 1998. С. 7.
2. Атаев А.К. Методика обучения молодежи узбекской борьбе. - Т.: Изд-во УзДЖТИ, 2005. С. 14.
3. Тораев П., Салимов Ў. Борьба – вид спорта, ставший спором между спортсменами мира.- Термез. 2013. «Социально-экономическая и культурная жизнь Узбекистана: трансформационные процессы// Сборник научных статей Республиканской научно-практической конференции. Страница 601.
4. История узбекской борьбы. - Ташкент, 2002. - Б. 5.

5. Mirzanov Sh.S. The priority of developing strength in belt wrestlers using isokinetic exercises and the methodology of its assessment. Monograph., T.; publisher name. 2021, – 164 p.
6. Arikov Z.S. The ability to maintain balance under the influence of static and dynamic movements in highly skilled belt wrestlers. Science and sport No. 3.2018, - 60-62 p.
7. Davletshin V.T. Exercises with a sash as a means of sports training for a wrestler: a method of assistance. Kazan: KSGU, 2005, - 40 p.
8. Gainanov R.F., Svishchev I.D., Ayupov Kh.A., Valemeev A.A. Belt wrestling: a program of sports training for children's and youth sports schools, specialized children's and youth schools of the Olympic reserve: Soviet sport, 2008, - 112 p.
9. Ulyankin S.V. Methods of educational work with students in the department of martial arts on the example of belt wrestling: educational and methodological developments / Vladimir State University. - Vladimir: Publishing house Vladim. State. University, 2010, - 36 p.
10. Chelyshev N.N. Physical training of young belt wrestlers using exercises in a closed biokinematic chain of hands., Humanitarian and pedagogical science., 2013, -13-26 p.
11. Pravdov M.A., Chelshev N.N., Bubochkin B.P., Bazhenov Y.I. Physical training of young athletes involved in belt wrestling. Modern studies of social problems (electronic scientific journal), No. 1 (21), 2013, - 37-49 p.



УДК:159.9.316.6

Шавкат ШОМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари Кичик мутахассислари
тайёрлаш Маркази Тактика цикли бошлиғи
E-mail: shomirzayevshavkat@gmail.com
Дилшода РУСТАМОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси
Email: dilshodarustamova2004@gmail.com

Доцент З.Р.Жаббаров тақризи асосида

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ШАХСЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИДАГИ МУНОСАБАТЛАР МАЗМУНИ

Аннотация

Сўнгги ўн йилликларда тарбияга ёндашув ва шунга қўра уни педагогик тушунча сифатида белгилаш сезиларли даражада ўзгарди. Бу турли педагогик назарияларда, лугат ва илмий адабиётларда ўз аксини топган. Ижтимоийлашув контекстида таълим инсон ўзи яшаётган жамият учун ижобий аҳамиятга эга бўлган қобилиятларни, муносабатларни ва бошқа хулқ-атвор шакллари ривожлантирадиган барча жараёнларнинг мажмуи сифатида тушунилади. Одамлар назорат қилинадиган муҳитдан таъсирланадиган ижтимоий жараён бўлиб, улар ижтимоий малакага ва оптимал шахсий ривожланишга эришишлари мумкин. Мақолада айнан шу масалаларга ойдинлик киритилган.

Калит сўзлари: Таълим-тарбия, ижтимоийлашув, таълим муассаса, жараён, шахс, субъект, таъсир омиллари, жамият, гуруҳ, болалар, қатъийлик, муносабатлар, тарбиячи, оила, шахсни шакллантириш.

